



83.3(24)873

Ч-52.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ҲОТАМ УМУРОВ

# АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ

(Дарслик)

«ШАРҚ» НАШИРЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК  
КОМПАНИЯСИ БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2002



Республика университетларининг Ўзбек филологияси йўналиши (факультетлари)да «Адабиёт назарияси» бакалавриатнинг 4-курсида ўрганилади. Ўнда адабиёт, бадиий асар, ижодий жараённинг муҳим қонуниятлари, адабиёт тур ва жанр, ижодий метод ва услуб муаммоларининг моҳияти, сўз ва сўзшуносликнинг сеҳру жозибаси ҳақида зарур назарий таълимот берилади.

Ушбу дарслик Олий ўкув юртларининг филолог талаба-бакалаврлари, магистрлари, тадқиқотчилари, аспирантлари, докторантлари ва адабиётга қизиқувчи барча ижодкорларга мўлжалланган.

## СҮЗ БОШИ

«Адабиёт назарияси» фани XX аср ўзбек адабиётшунослигига анча чукур ўрганилди. Айниқса, 80-йилларнинг бошида атоқли назариётчи ва машхур драматург Иzzат Отаконов томонидан яратилган «Адабиёт назарияси» дарслиги эстетикамиз ривожига салмоқли таъсир күрсатди. Унда адабиёт ва адабиётшунослигимиз эришган ютуқ ва тажрибалар, холоса ҳамда сабоқлар синтез қилинди. Айни пайтда, адабиёт ҳақидағи илм-сұзшунослик табиатини изчил ва асосли ўрганишга йуналиш берди. «Адабиёт назарияси» (иккى жылдлик), «Адабий тур ва жанрлар» (уч жылдлик) каби йирик тадқиқотларнинг, күплаб «Адабиётшуносликка кириш» дарслик ва құлланмаларнинг, минглаб назарий тадқиқотларнинг юзага келиши фикримизнинг исботидир.

Бугунга қадар бу илм ўрта мактабларда ҳам, ўрта-максус билим (коллеж, лицей) даргоҳларыда ҳам, олий уқув юртла-рида ҳам ўрганилади. Түрли ўқытуvчилар ҳар хил савида дарс берадилар. «Таълим тұғрисида»ғи Қонун ва «Кадрларни тайёрлашнинг миллий дастури» эълон қилинганиң қарамасдан, бу фанни оддийлікден мұраккабликка томон изчил ўрганмасдан, күпинча муайян адабий қонун-қоидалар бир хил қолипда тақрор-тақрор ўрганилаверилади.

Хатто олий мактабнинг филология факультетларыда бу илм биринчи курсда «Адабиётшуносликка кириш» тарзида, түртінчи курсда «Адабиёт назарияси» фани сифатида ўқитилади. Иккала дарсликлар қиёсланғанда аңчагина адабий қонун-қоидаларнинг таҳлил даражаси бир хил эканини яққол англайсиз; буни яна тақрорлаш талабаниң қизиқишини пасайтиради ва ҳ.к.

Шу сабаб адабиёт қонун-қоидаларининг алифбоси ўрта мактабда, адабиётшуносликнинг «кириш», дастлабки илми колледж ва лицейларда ва унинг мұраккаб қисми, «математикасы» олий мактабда ўрганилишига эришиш мәксадта мувофиқдир.

Ушбу дарсликни яратишда ана шу ҳолат ҳисобға олинди. XX асрда ўзбек адабиётшунослигига сұз санъатига бағишлилган энг яхши тадқиқотларга (Хусусан, Фитратнинг «Адабиёт қоидалари»ға, И. Султоннинг «Адабиёт назарияси»ға, Н. Шукuros, Н. Хотамов, Ш. Холматов, М. Маҳмудовнинг «Адабиётшуносликка кириш» дарслигига, Т. Бобоев ва А. Улуғовнинг алоҳида нашр қилинган «Адабиётшуносликка ки-

риш» қўлланмаларига, Н. Хотамов, Б. Саримсоқовнинг «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати» ва рус олимлари Г. Поспелов, Н. Гуляевнинг алоҳидаго алоҳида чоп этилган «Адабиёт назарияси»га, Л. Тимофеевнинг «Адабиёт назарияси асослари»га, американлик олимлар Рене Уэллик ва Остин Уорреннинг «Адабиёт назарияси», поляк олим Генрик Маркевичнинг «Адабиёт ҳақидаги илмнинг асосий муаммолари» китобларига таянган ҳолда иш кўрдик. Улардаги сиёсий қарашлар таъсиридан қочишга, энг асосийси, сўзшунослик — «инсоншунослик» қоидасига амал қилишга, уни мустақил тушуниш ва ривожлантириш йўлйўриклиарини ўргатишга аҳд қилдик.

## КИРИШ

### «АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ» ФАНИ

*Таянч сүз ва иборалар:* Адабиётшунослик. «Адабиёт назарияси» предмети. Оммавийлик. Талантли шахс маҳсули. Бадиийлик. Мұжиза. «Поэтика». «Мұтасамушшуаро». «Қобуснома». «Мажолусун нафоис». «Адабиёт қоидалари». «Адабиёт назарияси». Мустақиллик мағкураси.

Адабиёт назарияси фани — адабиётшунослик фанинг адабиёт тарихи, адабиёт методологияси, адабий танқид каби асосий соҳаларидан бири. Адабиётшунослик фанинг предмети — адабий маҳсулот ва тарихий шароит диалектикасини, бадиий асарнинг қонуниятлари ва яратилиш жараёнини ўрганишdir. Адабиёт назарияси ҳам шу муаммоларни тадқиқ ва таҳдил этади. Айни пайтда, бошқа соҳалардан сўзшунослик ҳақидаги назарий таълимотларни умумлаштириши, ривожланиш қонуниятларини очиши, ўзига хос хусусиятларини ўрганиши; бадиий асарни таҳдил қилиш ва баҳо меъерини белгилаши билан фарқланади.

«Адабиёт назарияси бадиий сўз асарларининг ижтимоий ҳаётда ўйнаган роли, бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида, бадиий ижоднинг турлари, бадиий асарнинг тузилиши ва ижод жараёнининг қонуниятлари ҳақидаги таълимотдир. Адабиёт назарияси ўтмиш ва ҳозирги замон тарихий-адабий жараёнининг қонуниятларини ўрганади, адабиётни түфри тушуниш ва ривожлантириш учун керакли хулосаларни чиқаради. Адабиёт назарияси адабиётшунослик соҳаларининг ютуқлари асосида юзага келиши билан бирга, ўз илмий хулосалари орқали адабиёт тарихини ҳам, адабиёт методологияси ва адабий танқидни ҳам бойитади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> И. Султон. Адабиёт назарияси (Университет ва педагогика институтларининг филология факультетлари студентлари учун дарслік), «Ўқитувчи», Тошкент, 1980 йил, 22-бет (Бундан кейин ушбу китобдан олинган иқтибосларнинг бетларинигина кўрсатамиз).

**Бадиий адабиётнинг энг муҳим ва умумий хусусиятлари учта бўлиб, рус танқидчиси Виссарион Белинскийнинг «Адабиёт сўзининг умумий маъноси» мақоласида аниқ кўрсатилган.**

**Биринчиси — «адабиёт» доимо оммавийликка суюнади, ўз тасдиғини жамият фикридан олади», у «...бутиун халқдан, энг камида — халқнинг маърифатли қисми эътиборидан мадад олади. Адабиёт бутиун жамиятнинг мулкидир». Шу сабаб ҳам адабиёт бой ва камбағалга, аёл ва эркакка, ёшу қарига, демакки, ирку наслига, оку сарифу қоралигига қарамасдан ҳаммага, бутиун инсониятга бирдай хизмат қилади. Умумжаҳоний ва умуминсоний хислати билан ҳаёт ва инсонни комилликка етаклайди. Муайян бир жойда туғилган талант яратган буюк асари билан (А. Навоий ва унинг «Хамса»си, А. Қодирий ва унинг «Ўткан кунлар»и каби) жаҳонни мафтун этади, «жаҳондан жаҳон» яратиб, инсонийликни эъзозлайди, улуғлайди, уни барчага «юқтиради». Вакътдан олис масофаларга зиё таратаверади.**

**Иккинчиси — адабиётнинг маълум шахслар, талант эгалари томонидан яратилишидир.** Шу нуқтаи назардан ёзма адабиёт оғзаки адабиётдан фарқ қиласи. Оғзаки ижодға мансуб асар (мақол, матал...)лаj нинг ижодкори халқ бўлса, ёзма адабиётни яратувчилар «айrim шахслар бўлиб, улар ўзларининг ақлий фаолиятлари билан халқ руҳининг турли томонларини акс эттирадилар». Шу сабаб ўзбек адабиёти деганимизда Алишер Навоий, Мирзо Бобур... Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов каби аниқ шахслар кўз ўнгимизда гавдалана-дилар.

**Учинчиси — адабиётнинг бадиийлигидир,** яъни унда ҳаётнинг образлар орқали тасвиirlанишидир. Сўз воситасида инсон қалбини кашф этиш, у орқали ҳаётни қайтадан жонли қилиб, бойитиб, таъсирили қилиб яратишидир.

Ана шу муҳим хусусиятларнинг моҳиятини ўрганиш — адабиёт назарияси фанининг бош вазифаси саналади. Адабиётнинг ижтимоий аҳамияти (оммавийлиги), адабиётнинг юзага келишида шахснинг фаолияти (талант, илҳом, бадиий маҳорат, ижодкорлик...), бадиийлик (ҳаётни аниқ ҳис қиласидаган тарзда қайтадан жонли қилиб сўз воситасида яратишнинг сирусиноатлари) каби қирралари шунчалар шунчалар шумбоқ, шунчалар

лар жозибага бойки, уни ечиш, умумий қонуниятларини очиш, қимматини тайин этиш қийин, лекин зарурат бизни кашфиёт томон етаклады.

«Хакиқатдан ҳам нима учун кишилик онгининг ҳамма соҳаларида эришилган ютуқлар (яъни энг яхши фаний асарлар ёки ихтиrolар) доимо нисбатан кичик доираларга мансуб кишиларни қизиқтиради-ю, бадиий адабиёт асари жуда ҳам кенг муҳлислар оммасига эга? Нима учун бадиий асар миллний, ирқий, географик, диний фарқлардан «ҳатлаб үтиб» ер юзасидағи ҳамма кишиларнинг қалбини мафтун эта олади? Еки, нима учун баъзи кишилар бадиий асар яратишга қодирдир-у, бошқалар инсон фаолиятининг турли соҳаларида (фанда, хунарда) қобилиятларини намойишил қилгани ҳолда, унга қодир эмаслар? Ниҳоят, адабиёт асарининг бадиийлиги, яъни ўқувчига таъсир қилиш кувватининг сири нимада? Нима учун бир ёзувчи миллион-миллион ўқувчиларни мафтун эта олади-к иккинчи ёзувчи қаттиқ меҳнат қилганига қарамай, кенг ўқувчилар оммасининг кўнглини ололмайди? Нима учун баъзи ёзувчиларнинг бир асари катта таъсир кучига эга булади-ю, бошқа асари ўқувчини бефарқ қолдиради?» (И. Султон, 13-бет). Нега ёзувчининг буй-бастини курсата оладиган асар (шеър)лар ҳар куни туғилавермайди? Нега ёзувчи маҳорати асадран-асарга томон ўсиб, мукаммаллашиб боравермайди?.. Бу саволларнинг охирига етиш амримаҳол. Бирини есангиз, иккинчиси муаммо бўлиб тураверади. Иккинчи сини ҳам есангиз учинчиси кўндаланг булади. Ҳаёт оқимидек, «негалар?»нинг ҳам ниҳояси йўқ. Шунинг учун ҳам адабиёт (Миср эҳромлари, Бобил осма боғлари, Артемида ибодатхонаси, Галикарнасдаги даҳма, Зевс ҳайкали, Родосдаги улкан ҳайкал, Искандар минараси каби) мўъжизадир.

«Тасаввур қилинг: Сиз тасвирий санъат музейига кирдингиз. Полотнолардаги рангларни, одамларнинг қиёфасини кўзингиз билан кўриб, ҳаяжонга тушасиз. Тасаввур қилинг: Сиз магнитофонда қўшиқ тингляпсиз. Чолгу оҳанглари, хонанданинг овозини қулоғингиз билан эшитиб, ҳаяжонга тушасиз... Оқ қофозда қора чизиқлар — ҳарфлардан бўлак ҳеч қанақа ранг йўқ. Ҳеч ким кўй ҳам чалмайди. Аммо, асарни ўқишига киришишингиз билан кўз ўнгингизда рангин манзаралар пайдо булади. Қулоғингиз остида ажиб оҳанглар жаранг-

лай бошлайди. Үзингиз билмаган ҳолда қаттиқ ҳаяжонга тушасиз...

Ҳеч шубҳасиз, бадиий адабиёт—дунёдаги саккизинчи мұйжиза!» (Үткір Ҳошимов).

Шу сабаб, мұйжиза рүй берганда подшоқ ҳам, гадо ҳам лол қолади, ҳайратта тушади. Жумладан, подшоқ Ҳусайн Бойқаро буюк «Хамса»ни — совғани олғандан сұнг, беҳад хурсандлигидан бутун сарой ахли қошида қазрат Навоййни үзининг пири деб эълон қиласы ва буюк шоирни үз отига миндириб, муриди сифатида отнинг жиловидан ушлаб, халқ олдидан пиёда үтади. Подшоқ шоирни үзидан афзал күради, уни Хуросон мамлакатининг йұлбошчиси деб тан олади. Подшоқ ҳам, подшоҳнинг бу ишини күрганлар ҳам, ҳатто буни әшитган бизлар ҳам ҳайратимизни, ҳаяжонимизни, қойил қолганимизни яшира олмаймиз. Мұйжизадан мұйжиза яралади, сұзшунослик — инсоншунослик құдратты ҳаммамизни поклади, самимийликка чулғайди, ҳавасимизни ортиради, меҳнату маشاқатта етаклайди.

Ана шу мұйжизаларнинг сир-асорини үрганиш инсонға нима беради? Тұқиб чиқарылған ҳаётнинг нима кераги бор?

«Кераги бор. Нега деганда, чинакам ҳаёт улкан ва мураккаб, инсон уни тұлалигича ва бутун ранго-ранглигича үрганишга улгуролмайди. Ҳа, у қўп нарсани кўриб, бошидан кечиролмайди. Масалан, у уч юз йил орқага қайтиб Галилейга шогирд тушолмайди. 1814 йилда Парижни забт этганлар сафидан жой ололмайди ёки Москвада туриб, Акрополнинг мармар колонналарини сийпай олмайди. Ёки Рим кўчаларини кеза олмайди, Гоголь билан мусоҳаба қуролмайди... Инсон эса барча нарсани билишни, кўришни ва әшитишни, барчасини бошидан кечиришни истайди<sup>1</sup>. Ҳаёт баҳш эта олмаган ёки этолмайдиган нарсаларни адабиёт ҳадия қиласыди. Сиз эътиборсизлик қилған минглаб нарса ва ҳодисаларга диққатингизни жалб этиб, унинг гўзалигини кашфингизга айлантиради. Оламни тұла-тұқис билиш истагингизга зарурий «озиқ»ни беради ва шундагина сиз үзлигингизни борлиғича танийсиз. Ана шундагина комил инсонға айланасиз. Бу камми? Умрнинг

<sup>1</sup> К. Пастовский. «Олтин гул» (Ёзуучи меҳнати ҳақида үйлар), Тошкент, 1967, 175-бет.

мазмуни, моҳияти комилликка эришиш эмасми? Ҳа, бу инсон бахтининг ҳаётий асоси, ҳаётни севишнинг чинакам ва таъсирчан йўли, имон-эътиқоднинг бутунлиги ва инсонийлашганидир. Демак, адабиётни, унинг назариясини ўрганиш амалий-инсоний аҳамиятга эга.

Адабиёт назариясига оид дастлабки тадқиқот буюк аллома Аристотель қаламига мансубдир. Унинг «Поэзия санъати ҳақида» (юнонча «Поэтика») асарида (милоддан аввалги 336—322 йиллар) адабий эстетик тушиунчалар биринчи марта системали баён қилинади ва у минг йиллар оша поэтик ижод назариясига ҳамон хизмат қилаётган дурдона саналади.

Агар фан, Аристотель фикрича, мавжуд бўлган нарсаларни қатъий мантиқий шаклларда текширса, санъат «ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеа ҳақида эмас, балки юз бериши мумкин бўлган воқеа ҳақида, бинобарин, юз бериши эҳтимоли ёки зарурий бўлган воқеа» ҳақида сузлайди. У характерлар ҳаққоний (ҳаётий), изчил, ўзига хос бўлиши кераклигини асослайди, жонли тасаввурга ҳам катта эътибор беради: «Ўзи ҳаяжонлана оладиган шоир томошабинларни ҳаяжонлантира олади, ўзи fazabлана оладиган киши томошабинларни ҳам fazabлантира олади. Шунинг учун поэзия истеъододли ёки мажнунсифат инсоннинг қисматидир. Истеъододли одамлар рӯҳан жуда таъсирчан, мажнунсифатлари эса жазавага мойил бўладилар<sup>1</sup>.

Ушбу биргина нигоҳ «Поэтика»ни мустақил ўрганишга даъват этганидек, унда бадиий ижоднинг бошқа қонуниятлари таҳлили ҳам борлигини кўрсатадики, уни машҳур файласуф Абу Наср Форобий (873—950), Ибн Сино (980—1037) ва Ибн Рушд (1126—1198) каби машҳур олимлар ўрганишда, тўлдиришда, янгилашда давом этдилар.

Жумладан, «Муалими соний» (Аристотелдан кейинги иккинчи муаллим) Форобий «Поэтика»ни шарҳлаш асосида ўзининг «Рисола фи қавонин синоат ашшеър» («Шоирлар санъатлари қонунлари ҳақида рисола»), «Шеър санъати» китобларини ёзади. Мутафаккир шоирларни уч гурухга ажратади:

«Бу хил шоирлар шеър санъатидан керак бўлганича хабардор бўлишавермайди, балки улар туғма қобилиятларининг яхшилиги билангина қаноат ҳосил қила-

<sup>1</sup> Аристотель. «Поэтика» (шеърият санъати ҳақида), F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980, 35-бет.

дилар, уларнинг ўзлари мўлжалланган ҳозирликларига кўра иш тутадилар. Бундай шоирлар чинакам мусалжис-мулоҳазакор шоирлардан саналмайдилар. Чунки уларда шеър санъатини ўзлаштириб олиш учун камолот етишмайди ва бу санъатда турғунлик бўлмайди...

Ё бўлмаса, бу хил одамлар чинакамига шоирлар санъатини эгаллаган бўлишади, ҳатто шеър ижодига хос бўлган хусусиятлардан бирортаси ҳам у қайси шеър турига алоқадор бўлмасин, барибир, бу қонун-қоидалар ундан қочиб кутулолмайди. Улар... қобилияти шоирлар дейишга сазовордирлар.

Ёки бўлажак шоирлар юқорида айтиб ўтилган аввал ги икки табақага... тақлид қилувчилар бўладилар.. Бу тутдагиларнинг ўзларида тугма шеърий табиат бўлмага ҳолда, шеърий санъат қонун-қоидаларидан хабардор бўлмай туриб, ташбих-ўхшатиш ва тамсил кабилар кетидан борадилар. Йўлдан адашадиган ва тоядиган шоирларнинг кўпчилиги худди мана шу табақа шои илар ичидан чиқади»<sup>1</sup>.

Косиб-шоирлар, талантли-шоирлар ва тақлидчи-шоирлар ҳақидаги асосли бу фикрлар, умуман адабий-назарий тушунчалар кейинги даврларда ҳам тадқиқ қилинади. Абу Али Ибн Синонинг «Мұтасамуш-шуаро» («Шоирларнинг паноҳгоҳи») асари IX аср адабиёт-шунослигига оид илк асарлардан бири бўлса, Кайковус «Қобуснома»сида адабиёт назариясига оид анчагина масалалар ёритилди. Жумладан «Шоирлик ҳақида» гапирав экан, «Эй фарзанд, шоир бўлишни истасанг, ҳаракат қилки, сўзинг осон ва фойдали бўлсин, англашмайлайдиган, қийин сўзларни ишлатмагил, ўзинггина билиб, бошқалар унинг шарҳига муҳтож бўлгуси сўзни айтмагил, чунки шеърни ҳалқ учун ёзиш керак ва ўзи учун ёзмайди» — дейди.

Шарқ классик адабиётида адабий назарий фикрларни ифодалашнинг йўллари, шакллари кўп бўлган. Улардан бири «тазкира» бўлиб, уларда шоирларнинг ҳаёти ва ижодлари ҳақида қисқача маълумот берилади, асарларидан намуналар келтирилади. Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола» (XII аср), Мухаммад Авғийнинг «Лубобул-албоб» (XIII аср), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш шуаро» (XV аср), Али-

<sup>1</sup> Абу Наср Фероди. «Шеър санъати»,Faфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1979, 35—36-бетлар.

шер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» (XV аср) каби тазкираларини кўрсатиш мумкин.

«Мажолис ун-нафоис» («Нафосат аҳлиниңг мажлислари») 8 мажлис-бобдан иборат. Унда XIV—XV асрда яшаб, форсий ва туркийда ёзган 459 ижодкор ҳақида маълумотлар, асарларидан жуда қисқа намуналар бор. Масалан, «Мавлоно Лутфий ўз замонасиning маликул каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо шуҳрати туркийда кўпрак эрди.. Тўқсон тўқиз яшади ва охир умрида радифи «Офтоб» шеъри айтти-ким, замон шуароси барча татаббуъ қилдилар ва ҳеч қайси матлаъни онча айта олмадилар...»

Иккинчиси. Шеърият қонун-қоидаларига бағишиланган маҳсус назарий рисолалар ҳам яратилган. «Илми қоғия», «Илми аруз», «Сўз санъатлари илми», «Илми бадеъ», «Муаммо илми» каби маҳсус соҳаларга бўлинган булиб, бевосита поэтика масалаларини ёритган. А. Жомийнинг «Рисолаи аруз», Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Мирзо Бобурнинг «Мухтасар» асарларини кўрсатиш мумкин.

Умуман олганда, XX асргача адабиёт назарияси, асосан шеъриядаги ишлатиладиган восита, усувлар, унсурларни таърифлашдан, уларни чукур ўрганишдан иборат бўлди. Фақатгина XX асрга келиб, «Адабиёт назарияси» фан сифатида тўлиқ шаклланди. Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» (1926) дарслигидан бошланган бу иш И. Султоновнинг «Адабиёт назарияси» дарслиги (1980) билан дастлабки чўққини забт этди. Унда адабиётнинг ҳаётга, жамиятга муносабати масалалари, бадиийликнинг ҳаққонийлик ва халқчиллик билан алоқаси, бадиий асар унсурларининг табиати, ижодий жараённинг метод ва услугуб билан муносабати ҳақида кенг ишлаган маҳсус назарий таълимот юзага келди.

Албатта, давр ва жамиятнинг ривожи адабиёт назариясини ҳам бойитиши табиийдир. Эскича қарашлар (адабиётни сиёсийлаштириш, назарий таълимотни вульгарлаштириш (сохталаштириш), бирёзлама ўрганиш ва ўргатиш)дан воз кечилиши, сўзшуносликнинг табиатини чукур идрок этилиши янги босқич бошланганидан хабар беради.

**Мустақиллик мафкураси (1991 йилдан)** адабиётнинг, адабиёт назариясининг партиявийлиги тушунчасини рад этди. Адабиёт партияга эмас, балки инсонийлик учун,

комил инсонни яратиш учун хизмат қилиши лозимлигинаи — бош ҳақиқатин тасдиқлади.

Адабиётни синфларга булиб үрганиш ноўринлигини, адабиёт ҳаммага — бойга, ўртаҳолга, камбагалга ҳам ҳаёт дарслиги вазифасини уташи лозимлигини тасдиқлади. Адабиётимизни диний-мистик адабиёт, сарой-феодал адабиёти, тасаввуф ёхуд сүфизм адабиёти, ўзбек жадид адабиёти каби бўлакларга булиб, уни регрессив характердаги йўналиш деб аташнинг нотўғрилигини исботлади. Уларнинг зарур эстетик қимматини (Сўфи Оллоҳёр, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий... Феруз, Ҳусайн Бойқаро...) тайин этди, уларни үрганишни йўлга қўйди. Ҳалқ учун улар ҳам дарслик эканини исботлади...

Хуллас, адабиётни, унинг яратилиш ва тараққиёт қоюнларини, назарий уфқларини билиш — бадиий дунёдан тӯла лаззатланишга, руҳан бойишга, ўзликни тоблашга етаклайди. Энг асосийси ҳаётни севишга, ардсқлашга, асрашга, бойитишга, гўзаллаштиришга үргатиди.

«Адабиёт назарияси» фанини беш бўлимга булиб үрганишни маъқул тоидик. Биринчи бўлимда «Бадиий адабиёт», иккинчисида «Адабий асар», учинчисида «Шеърият» ҳақида таълимот берилади. Тўртингчи бўлимда «Адабий тур ва жанрлар», сўнгисида «Бадиий услугуб ва ижодий метод» масалалари ёритилади.

## *Б и р и н ч и б ў л и м*

### **БАДИЙ АДАБИЁТ**

#### **I. Бадий адабиётнинг объекти, предмети**

*Таянч суз ва иборалар:* «Бирламчи» ва «иккиламчи» табиат. Маънавият. Адабиёт. Ҳаётнинг адабиётдаги инъикоси. Фан. Санъат. Адабиёт. Адабиётнинг объекти, предмети, вазифаси.

Бадий адабиётнинг ўзига хослиги масаласи, даставвал, фалсафада ўрганилганлиги боис, биз ҳам бу вазифани ёритишни шу асосдан бошлаймиз.

«Фалсафа»да таъкидланганидек, «Бирламчи табиат» инсондан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, инсон эса унинг маҳсул эканлиги, инсон усиз яшай ва фаолият кўрсата олмаслиги, ҳатто «бирламчи» табиатсиз бирон бир нарса яратади олмаслигидир. «Бирламчи» табиатни ташкил этувчи нарса ва ҳодисалар объектив реаллик сифатида, инсонга боғлиқ бўлмаган ўз қонунлари асосида ўзгаради, тараққий этади, ўз-ўзини яратади. Бу «бирламчи табиат» маконда чексиз, замонда абдийдир, у ҳамма ерда доимо мавжуд. Инсон шу «бирламчи табиат» материаллари асосида амалий фаолияти ва онги билан «иккиламчи» табиатни яратади<sup>1</sup>.

Демак, «Бирламчи табиат» маконда чексиз, замонда абдий ва доимий борлиқ бўлса, «иккиламчи табиат» инсон мавжудлиги билан, унинг фаолияти ва онги бир бутун жамият билан боғлиқ мавжуд бўлади, у фазо ва вақтда ибтидо ва интиҳога эга.

«Бирламчи табиат» инсон унда яшаб, уни билиб бораётган битмас-туганмас чексиз дунё (олам) бўлса, «иккиламчи табиат» эса инсон табиат қонунларини билиб олиши туфайли, улар асосида яралган нарса

<sup>1</sup> Фалсафа. Т., «Шарқ», 1999 йил, 170-бет.

ва ҳодисалар, жараёнлар дунёсидир» (Фалсафа», 171-бет).

Оддий ва ростгүй гапирысак, ҳаётни, инсонни, күйингчи, ҳамма нарсаны яраттан зот — Аллоҳдир, Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ доимо «Бирламчи»дир. Ҳаммамиз ҳам у яраттан дунёни ўрганиш йулида, ўзлигимизни, Аллоҳимизни билиш учун саъй-ҳаракат қиласымиз, эзгулигимиз ёки ёмонлигимизни вөкө қылган ҳолда, охирги ҳисобкитоб учун унинг даргоҳига қайтамиз. Шу жараёнда ҳар бир инсон аник (реал) фаолияти билан маънавий ва ижтимоий борлиққа таъсир күрсатади, яъни борлиқни муттасил равишида бойитиб, ривожлантириб, поклаб комилликка томон ҳаракатлантираверади.

«Маънавийлик инсон ва инсониятнинг нодир фазилати бўлиб, у инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Маънавийлик — бу кўп қиррали онг ва онгсизлик жараёнларини ўз ичига олувчи инсоннинг кундалик ҳаёт тажрибалари, унинг табиат, атрофдаги кишилар ва жамият билан бўлган муносабатларида ҳосил қылган малакалари, кўнукмалари, унинг шахс сифатида шаклланиши давомида эгаллаган ахлоқий, сиёсий, ҳукуқий диний, фалсафий қарашлари, шунингдек, фанларни ўрганиш асосида олган билимлари, бадиий, техник ва илмий ижодларининг йифиндиси ҳисобланади» («Фалсафа», 174-бет).

Ижтимоий борлиқ деганда фалсафада жамиятнинг моддий ҳаёти, моддий неъматлар ишлаб чиқариши ва кишиларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатларини тушунамиз.

Демак, инсоният, маънавият ва ижтимоёт ўзаро алоқада, ўзаро таъсирда бўлади, бирлашган ҳолда бутун бир жамият ҳаётини вөкөа қиласи, унинг мазмуни ва ҳаракатини таъминлайди. Шу асосда ўзлигини, борлиқни, Аллоҳни билиш ва ўрганишда давом этаверади.

Демак, Аллоҳ ва ҳаёт (мавжуд дунё) асос, ижтимоий онг — ҳосиладир. Инсон мияси воситасида асосни умуман била олиши, тушуна олиши мумкин. Одам онги, билимлари **асос ҳақиқати** заминида пайдо бўлади ва шу ҳақиқатни инъикос этади. Ҳар қандай ижтимоий жамият бу ҳақиқатни ўзида тўлиқ жамлай олмагани учун ҳам бизнинг онгимиз, тасаввуримиз, билимларимиз нисбий ҳақиқатдир. Яна бир мулоҳаза, **Аллоҳни билиш, Аллоҳга интилиш** — бандасининг бош вазифаси. Бу вазифани биз Аллоҳ яратган ҳаётни (борлиқни)

урганиш, таъсир кўрсатиш, таъсирланиш орқали бежарамиз. Шу йўлда «меҳнату мاشаққат» чекамиз, унга интиламиз.

Хуршид Давроннинг «Самарқанд хаёли» китобида Бибихоним ҳақида бир неча афсона келтирилади. Улардан бирида ёзилишича, Амир Темур ўзга мамлакатларда жангу жадал билан банд булган вақтларида Бибихоним Самарқанд салтанатини бошқарар экан.

«Оқила малика уз паноҳидаги фуқароларнинг дилида яширин ётган сиру асрорни билмоқ, одамларнинг қувончу аламидан воқиф бўлмоқ мақсадида кечалари эркакча либос кийиб шаҳар айланар экан. У аввал бозор майдонига бориб, уйига шошилаётган бозорчилар гап-сўзини, кейин мозорга бориб ўша кун кимлар ерга топширилганини билиб олар экан, азадор оиласларга сарой хазинасидан ул-бул нарса бердириб юборар экан.

Ҳар бири чойнакдек-чойнакдек келадиган юлдузлар фалак саҳнини ёритган савр тунларининг бирида Бибихоним ўзи қурдирган мадраса талабалари юриштуришидан, аҳволидан хабар олиш учун фарқ пишган марвартак тутининг ҳиди анқиб турган мадраса ҳовлисига кирибди.

Ҳовлини айланиб юриб, ҳужраларнинг бирида суҳбатлашиб ўтирган уч муллавача суҳбатини эшишиб қолибди. Муллаваччалар китобу қаламларини бир четта кўйиб, бир-бирларига энг яширин сирларини очаётган экан. Суҳбат Бибихоним диққатини тортибди.

Талабаларнинг бири — узоқ тоғ қишлоқларидан келиб ўқиётгани ва фақир оила фарзанди эканлиги билиниб турган, ҳусни қизларнинг тушига кирадиган дарражада кўркам муллаввачча йигит бир армон ва ҳавас билан:

— Эҳ, қанийди бир марта бўлсаям Бўстонсарой дастурхонига қўйиладиган нозу неъматлардан тотиб кўрсайдим, ўлсан армоним қолмасди, — дебди.

Иккинчи талаба — келишган қоматли, ўқишидан кура, кўпроқ ўзига эътибор беришга мойиллиги куриниб турган, хушсурат муллавачча эса, завқи келганидан кўзларини юмиб айтиби:

— Э, қанийди, Бибихонимдек соҳибжамол малика менинг маъшуқам булиб қолсайди, дунёдан беармон утардим!

У шу сўзни айтиб, кўзларини очибди-да, биринчи

шериги билан унинг сиру асрорини индамай эшишиб ўтирган учинчи муллаваччага тикилиб қолибди. Учинчи талаба сабоқ олишдан кура қилич чопишга ҳавасдорлиги кўзларида чақнаётган ўтдан сезилиб турган йигит эса дўстларига «Эҳ сенларни қара-я!» дегандек бир оз тикилиб турибди-да:

— Шуям орзу бўлтими? Мен Амир Темурдек буюк соҳибқирон булишни орзу қиласман! — дебди. Сунгра, дўстлари оғиз очиб қолишганини кўриб, мийифида кулибди-да:

— Ана шунда, — дебди биринчи дўстига қараб, — сен орзу қилган нозу неъматлар ҳам ва сен... — у иккинчи дўстига қарабди, — ҳа, сен орзу қилган Бибихоним ҳам менини бўларди.

У шундай дебди-ю, дўстларини қойил қолдирганини кўриб, завқ ила кулиб юборибди.

Талабалар сўзини эшигтан Бибихоним бир дам ўйланаб қолибди-да, индамай мадрасадан чиқиб кетибди.

Тонг отиб, Самарқанд минораларининг зарҳал нақшларида күёш нурлари жилоланиб турган бир пайтда қовоқларидан қор ёғилиб турган уч навкар мадрасага кириб келиб, кечаси бир-бири билан сирлашган уч муллаваччани Бўстонсаройга олиб кетибди. Гап нимадалигидан бехабар уч йигит юраклари така-пуга, бир-бирига «Нима гап?» дегандек ташвиш-ла қараб тургандарида, уларни Бибихоним ҳузурига олиб киришибди.

Салтанат тахтида ўтирганчани талабалар таъзим бажо қилишибди. Сунг «буёғи нима бўларкин?» деган савол ичларини кемириб, қўлларни қовуштириб туришаверибди.

Бибихоним тахтда ўтирганча:

— Орзуларинг бўлса менга сўйланглар, қўлимдан келса, бажо айлайман, — дебди.

Тусатдан берилган бу саволдан бир оз талмовсираб қолган талабалар хаёлига баробар бир ўй келибди: тунгি сухбатимизни сарой хуфиялари эшишиб, маликага етказибди-да! — муллаваччалар энди тамом бўлдик, деб даг-даг титрашга тушишибди.

Улар жонларидан умидларини узиб тургандарида малика тахтдан тушиб келибди. Бўстонсарой дастурхони нозу неъматларини орзу қилган биринчи талабага қараб:

— Сенинг орзунгга етмоғинг мушкул эмас, бунинг учун сени сарой ошпазининг қизига ўйлантириб қўяман.

Умринг охиригача сарой таомларидан баҳраманд бўлиш хукуқини ҳам бераман, — дебди.

Малика оҳиста қарсак чалган экан, олдиндан тайёрлаб, рози-ризолиги олинган сарой ошпази ва унинг қизини ҳамда муллани бошлаб киришибди. Ўша заҳоти никоҳ ўқитилибди.

Сунг малика: «Бибихонимдай соҳибжамол хотиним бўлсайди», — деб орзу қилган йигитга қараб бундай дебди:

— Мен буюк соҳибқирон Амир Темурнинг жуфти ҳалолиман. Бироқ, гўзал бир канизагим бор, ҳуснда Мовароуннаҳру Хурсоңдагина эмас, Шому Ироқдаям тенги йўқ. Ўша соҳибжамол сенинг ҳалолинг бўлсин.

Бибихоним оҳиста қарсак чалган экан, ҳусни кўркўзни очишга, очиқ кўзни кўр қилишга қодир бир гўзал қиз кириб келибди. Уни кўрган йигитнинг эси оғиб қолишига оз қолибди. Мулла канизакни талаба йигитга никоҳлаб кўйибди.

— Сизларга Конигилдаги боғимни инъом қиласман, — дебди малика келин билан күёвга. — Бугун оқшом ўша богда тўй базмини қилгаймиз.

Шундан кейин баҳтдан маст бўлиб турган дўстларига такаббурона қараб турган, Темурдек буюк Соҳибқирон бўлишни орзу қилган учинчи йигитга қараб, Бибихоним шундай дебди:

— Сенинг ишинг булатнидан осонроқ... — Малика бу сўзни айтиб бироз сукут қилибди-да, яна сўзлабди. — Балки оғирроқдир.

Бибихоним учинчи бор қарсак урган экан, хос навкарларнинг бири қилич билан совут олиб кирибди. Малика йигитга қараб:

— Амир Темурни соҳиби салтанат қилган мана шу қилич билан совут ҳамда юрагидаги олов. Мен сенга шу қилич билан совутни инъом қилурман, юрагингда ўт бўлса, у ёфи ўзингга боғлиқ, — дебди.»<sup>1</sup>

Бу афсонанинг яратилиш тарихини аниқ тасаввур қилиш учун шартли равишда уни бўлакларга ажратиш мумкин:

1. Ҳаёт (ижтимоий жамият)
2. Уни мушоҳада қилувчи ёзувчи
3. Мушоҳада ва муҳокама натижасида ёзувчи онгига туғилган фикр (Оқила подшоҳ ўз фуқароларининг ор-

<sup>1</sup> X. Д а в р о н. Самарқанд ҳаели, Тошкент, «Камалак», 1991, 150—152-бетлар.

зуларини рүёбга чиқариши йўлида одиллик ва инсонийлик билан фаолият кўрсатиши ҳақидаги фикр)

4. Шу фикр (гоя)ни ифода этиш учун ёзувчи томонидан яратилган асар.

Бу бўлакларнинг ҳар бири ўз сиру синоатига эга (уларни кейинроқ таҳлилга тортамиз), ҳозирча улар қўйидаги ҳақиқатнинг исботига далили бўла олади, яъни ҳаёт, унинг воқеалари таассуротлар орқали ёзувчанинг онгига киради, ақл иштирокида маълум маъно касб этади ва тасаввурда пишиб, етилиб, адабиёт асари афсона шаклида бизнинг куз олдимизда намоён бўлади. Демак, бадиий асар ҳаётнинг ёзувчи онгидаги инъикоси тариқасида майдонга келади. Бу инъикос шаклан хилма-хилдир.

Жумладан, юкоридаги афсонада ёзувчи ҳаётнинг, Бибихоним, фаолиятининг бир парчасини бетараф тарзда, узоқдан кўриб тургандек тасвир этади, лекин ундан келиб чиқадиган фикр (хулоса)ни очиқ айтмайди.

«Подшоҳ ўз фуқароларининг орзуларини рүёбга чиқариш йўлида одиллигу инсонийлик билан, адолату ҳақпарварлик билан фаолият кўрсатиши лозим» деган фикрни тушуниб олишни ўқувчининг ўзига ҳавола қилиди. Демак, афсона муайян воқеани ҳикоя, баён қилиш, объектив кўрсатиш шаклида кўз олдимизда жонланади.

Санъаткорнинг ҳаётдан олган таассуроти ёки ҳаёт фактларини муҳокама ва мушоҳада, тадқиқ ва таҳлил қилиш натижасида онгига пайдо бўлган янгиликларни ёниб, куйиб, жўшиб, оҳангдор қилиб тасвирилаши мумкин. Жумладан, шоир Асқад Мухторнинг «Умр» шерьгига қулоқ тутайлик:

*Ҳамма кунлар  
Бутун ҳаёт  
Иш учун  
Кураш учун.*

*Охирги кун —  
Одамлардан  
Розилик сўраш учун.*

*Ниманидир  
Бошлиш керак,  
Ниманидир*

*Тугаллаш.  
Ниманидир  
Ташлаш керак,  
Ниманидир  
Эгаллаш.*

*Икки құдрат:  
Күёш, идрок  
Ижод әтар ер узра  
Шундай сұңгсиз  
Коинотда  
Хаёт деган мұғжиза  
Уларга вакт берилмаган  
Бир нафас ухлаш учун.*

*Қалб талпинар  
Ойлар, йиллар,  
Тұсатдан тұхташ учун.  
Езиш, үчириши керак,  
Ниманидир тушунни.  
Кимнидир кечириши керак,  
Кимдан авф, үтнини.*

*Барига бугун улгур,  
Чунки умр деганлари  
Бамисли отылган ўқ.  
Уни ўтдай ёндириб қүй,  
Дүнёда қолиши учун*

*Сұңгги соат —  
Одамлардан  
Розилик олиши учун.*

Ушбу шеърда биз ҳаётнинг кенг манзараси воқеасининг баёнини, объектив тасвирини күрмаймиз, балки, у шоирнинг умр ҳақидағи мушоҳадаси, унинг субъектив холосасидир. Бу — шоирнинг шахсий кечинмалари шаклида, ҳаяжонли ва оқанғдор тарзда юзага чиқаяпты...

Ҳаётнинг адабиётда инъикос этилишининг бу универсал шаклларидан ташқари, унинг бошқа шакл ва усууллари ҳам бор. Масалан, санъаткор ҳаётдаги ярамас иллатларни, нұқсонларни зақарханда ва енгил кулгу билан тасвирласа — сатира ва юмор; ҳаёт манзарасини

мавжуд реалликларга, аниқ факт ва ҳужжатларга асосланиб улуғласа — очерк, танқид қылса — фельетон каби хиллар ва жанрлар орқали инъикос эттиради ва ҳ.к.

Шундан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкин: Ҳаёт адабиётнинг ҳам мазмунини, ҳам шаклини тайин этади; кишиларнинг аниқ тарихий шароитдаги түйфулари кашфи орқали «иккиламчи» ҳаётни, бўлиши мумкин бўлган ҳаётни яратади.

Ҳа, «Ҳаётни қайта тиклаб тасвирлаш — унинг мояхиятини ташкил этувчи аломатдир» (Н. Чернишевский).

Ижтимоий онгнинг барча шакллари — ҳаётни ўрганади. Ҳаммасининг асоси — ҳаёт бўлса-да, унинг мояхиятини ҳар бири ўзигагина хос бўлган воситалардан фойдаланган ҳолда ўрганади.

Агар илмий тафаккур ўзида ҳамма фанларни жамғарса, бадиий тафаккур санъат ва унинг шаклларини бирлаштиради. Иккаласининг ҳам обьекти битта—реал борлиқ, биздан ташқаридаги «Бирламчи» олам. Фан табиатнинг обьектив қонуниятларини очади. Санъаткор уларга асосланади, билимлар санъат қонига сингиб кетади, бадиий қайта ишланади.

**ФАН** — ижтимоий-тарихий турмуш тараққиёти жараённада табиат, жамият ва тафаккур ҳақида тўпланган билимлар йигиндиси. Фаннинг мақсади — ҳодисаларнинг обьектив қонунларини очиш, уларни тўғри тушунтириб беришдан иборат.

Табиий фанлар (химия, физика, математика, биология — табиат ҳодисаларини ўрганиш билан шугулланса; ижтимоий фанлар (тарих, сиёсий иқтисод, фалсафа, археология) — жамиятнинг тараққиёт қонунларини кашф этади.

Илмий асарнинг умумий хусусиятлари ҳам табиат ва жамиятдаги обьектив нарса ва ҳодисаларнинг умумий қонуниятларини ўрганишга қаратилганидан — мазмунидан келиб чиқади. Илмий асарлар обьектив дунёни муҳокама юритиш, юритганда ҳам мантиқий изчиллик билан илмий белгилар (иборалар, символлар, формуулар, графиклар, чизмалар, схемалар ва ш.к.)нинг зарурларидан керагича фойдаланиб фикр юритиш ва исботлаш, исботланганда ҳам аниқ, тўлиқ, қисқа, ёрқин исбот билан ишонтира олиш орқали кашф этади. Унинг кашфи муайян мутахассисга, олий маълумотли кишиларгагина тушунарли бўлиши талаб этилади. Инсон ақлининг ривожига, камолига хизмат қиласи.

Ушбу фикрни (илмий тафаккурни) нафис адабиёт (бадиий тафакурлаш)га солиштирсак, мулоҳазаларнинг янала якқолроқ исботини кўрамиз. Бадиий асарларнинг умумий хусусиятлари унинг мазмунидан — табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар, инсонларни кўз ўнгимизда кўрадиган даражада жонли қилиб тасвирашдан ва шу орқали объектив дунёни ўзгартиришга интилишдан келиб чиқади. Демак, бадиий асарлар (роман, қисса, ҳикоя, шеър, газал, рубоий, драма ва ҳ.к.)да инсоннинг объектив борлиққа муносабати ва шу муносабат туфайли юзага келган унинг ўйлари, ҳислари, фикр-мулоҳазалари ифода этилади, ифода этилганда ҳам ўта таъсирчан ва образли қилиб кашф этилади. Унинг кашфи бутун одамзотга тушунарли ва тегишли бўлади. Инсон руҳини тоблайди, руҳиятни эзгуликка буркайди, пок ва гўзал ҳаёт эгаси бўлиш орзусининг амалиёти борлигига ишончини оширади.

Масалан, соч ҳақидаги икки хил асарни кўрайлик:

«Ўзбек совет энциклопедияси»даги илмий мақола: «Соч — одамнинг бош терисидан ўсадиган ипсимон шох модда. Соч майнин, қаттиқ, жингалак, ранги қора, малла, оқиши тусли бўлади. Қалин соч толалари сони 80—140 мингта келади. Баъзи аёлларнинг сочи 1,5 метргача етади. Сочнинг ранги ва ўсиши организмнинг умумий аҳволига, аввало нерв ва эндокрин система ҳолатига боғлиқ. Соғлом кишилар сочи бир ойда ўрта ҳисобда 1—1,5 см. ўсади; кексайганда соч ўсиши сусаяди ва соч покизалашиб боради. Сочда азот, фосфор, олтингугурт, натрий, калий, кальций, магнезий, темир, марганец, мис тузлари мавжуд. Улар миқдори эркаклар билан аёллар сочида бир хил эмас. Масалан: эркаклар сочида аёлларнига нисбатан олтингугурт кўпроқ бўлади. Соч жуда чўзилувчан; чўзганда ўз бўйига нисбатан 2 марта узайиши ва қўйиб юборилганда яна ўз ҳолига қайтиши мумкин.

Сочнинг тери устидаги қисми тола ва тери остидаги қисми илдиз дейилади. Соч илдизи соч халтасасида жойлашган. Халтacha атрофидаги ёф безларининг йўли очилади. Соч ўрта ҳисобда 2—4 йил туради. Кейин ўрнига янги соч чиқа бошлайди. Баъзан киши қаттиқ қайғурганда соч тўсатдан тўкилиб кетади. 35—40 ёнда сочнинг 1—2 толаси оқаради, йил сайин улар кўпайиб, 60—65 ёнда деярли ҳаммаси оқариб бўлади.

Бошни тез-тез ювиш (айникича қаттиқ сув ва иш-

қорли сув билан) соч ўсишига заарли таъсир этади. Соч қуруқ бўлса, совунлаб ювилганда таркибидаги озгина ёғи ҳам йўқолиб, куриниши ҳам ўзгаради. Ёғи соч дам-бадам ювилганда бош терисида кўплаб ёғ ишланиб чиқади. Шу боисдан сочни қайнатилган сув ва атир совун билан 7—10 кунда бир марта ювиш тавсия этилади. Бўяш, офтобда ё совуқда узоқ вақт бош яланг юриш ҳам сочнинг ўсишига заарли таъсир этади ва тўкилиб кетишига сабаб бўлади.

Соч жуда пишиқ ва гигроскопикдир. Шунинг учун ҳаво намлигини аниқлашда қўлланиладиган асбобларда ишлатилади. Сочни ҳар хил турмаклаш унинг чўзи-лувчанлик хусусиятига асосланган. Сочнинг перманент, яъни узоқ сақланадиган жингалак қилиш учун соч ишкорли суюқлик билан ҳўлланади ва иситилади, бу унинг нормал ўсишига зарар етказади. Соч қуруқ бўлганда, тўкилиб турганда, аёл юқумли касалликлардан тузалаётганда ва ҳомиладорлик охирида перманент жингалак, айниқса, заарлидир. Бир қатор касалликлар (масалан, захм, трихофития, микроспирія)да тўкилган соч ўрнига янгисининг чиқиши сусайди ёки бутунлай тұхтайди. Натижада соч сийраклашади, бора-бора киши кал бўлиб қолади».<sup>1</sup>

Илмий асарларнинг ҳамма жанрларига хос бўлган «мантикий фикрлаш, мушоҳада юритиш, билим беришни»<sup>2</sup> ва айни пайтда, илмий мақола жанри (энциклопедик мақола кўриниши)нинг ўзига хослигини аниқлаш, у ҳақда тұлиқ ва объектив тушунчани ҳосил қилиш учун атайлаб, мақоланинг матнини тұлиқ келтирдик.

Ундан сочнинг қандай моддалиги, ранги, толалари, ўсиши, таркиби, унинг тузилиши, тўкилиши, оқариши; уни ювиш, бўяш, жингалак қилиш; унинг пишиқлиги, ишлатилиши, ўсишини таъминлаш, турли касалликларга сочнинг алоқаси, соч ҳақидаги билим ва унга таянишнинг аҳамияти очиқ баён этилган. Нерв, эндокрин, азот, фосфор, олтингугурт, натрий, гидроскопик, перманент, трихофития ва шу каби атамаларнинг кенг қўлланиши соч ҳақидаги илмга аниклик кириктган ва мақола тиббиёт мутахассисларига, шу соҳага яқин олий маълумотли кишиларга мўлжаллан-

<sup>1</sup> Узбек совет энциклопедияси, 14 томлик, 10-том, Т., 1978, 269-бет.

<sup>2</sup> М. Мукаррамов. Ҳозирги узбек адабий тилининг илмий стили, Т., «Фан», 1984, 23-бет.

ган ва тұлық тушунарлы булишига асосий дикқат қаралған. Матнда «соч» сүзи ўттис мартага яқын тақрорданған. Биронта сүз (хаттоғи бадий үшшатиша ишлатыладиган — «симон» құшимчаси билан яратылған «ип-симон» сүзи ҳам) эмоционаллик хислатига эга әмас; улар соч ҳақидаги тушунчани аник, объектив, «қуруқ» қайд қилишга бүйсіндірилгандыр.

Әнди Абулхамид Сулаймон үғли Чүлпоннинг «Яна олдым созимни» тұпламидағы қүйидеги шеърга<sup>1</sup> әထи-борни қаратайлык:

*Бир тутам соchlаринг менинг құлымда,  
Фижимлаб үпайми ё тараб ечай,  
Сир деб сақлаганинг менинг қүйнимда,  
Сир деб сақлайнми, ё елга сочай.*

*Сочилған сочингдай сочилса сириңг,  
Анор юзларингни кимга тутасан?  
Үзинг-ку «уларда вафо йүқ!» дединг,  
Нимага уларни тағин кутасан?*

*Очиған қүйнимда тұлғанған танинг  
Күнгілдан қылча ҳам ҳиб етказмаса,  
Менга яқынлашма, эй, тирик бұса!  
«Севдим» деганларинг ёлғондир сенинг!*

Шеърда соч ҳақида ҳеч қанақа илмий тушунча берілмаган, ҳатто у ҳақидаги умумий маълумот ҳам, шу маълумоттің бирон аник, объектив белгиси ҳам йүқ, Үндаги соч шоирға яхши күрган нозанинига муносабатини таъсирчан, ўта ҳиссиёттә тұлық тарзда жонлантиришга баҳонаи сабаб бүлмоқда. Нозаниннинг юзаки севгисини, ташқи гүзаллігини әмас, балки унинг қалбдан етилған севгисининг, ҳақиқиي «тирик бұса»сінинг — ҳақиқиي муҳаббатининг талабгори ҳис-туй-фуарини ифодалашға хизмат қылмоқда. Матндағи жонлантириш («Бир тутам соchlаринг менинг құлымда, фижимлаб үпайми, ё тараб ечай») метонимия («тирик бұса»), сифатлаш («Анор юз»), аллетрация («Сочилған сочингдек сочилса сириңг») каби воситалар ҳам, илтифот, лаффу-нашр, инверция, тақрорлар ҳам лирик қаҳрамон қалбидеги түйғу ва ҳисларни бутун тұлалығы

<sup>1</sup> Чұлпон. Яна олдым созимни, Т., 1991, 509-бет.

ва аниқ нүқталари билан күришимизга, жонли ҳис этишимизга хизмат қиласы. Шу ҳәёттің манзара бутун тафсилотлари билан ҳаққоний равища қайтадан яралғани учун ҳар биrimiz үзимизниңидек қабул қыламизки, бу унинг оммавийлигидан, инсоннинг барчасига тегишли эканидан далолат беради.

Демак, мақолада соч тәтирифланади, Ҙұлпоп эса тасвирлайди. Бирида исбот, иккінчисіде құрсатыш устунлик қиласы.

Санъат (бадий адабиёт, архитектура, ҳайкалтарошылық, рассомлық, мусықа, театр, хореография, кино ва ҳ.к) ҳам ҳаёт жумбоқларидан сабоқ беради. Лекин у «образлар орқали фикрлашдир» (Гегель). Табиийки, бу жонлилық ва равшанлық, таъсирдорлық ва оммавийлик, нозиклик ва мукаммаллық санъат турининг ҳар бирида «ўз тили» орқали рӯёбга чиқади.

Рассомлиқда бадий образ яратында чизиқлар, ранглар, ёруғлар ва соя «тил» вазифасини ұтаса, хореографиянинг «тили» инсон танасининг үзиге хос ифодали ҳаракати саналади.

«Рассомлиқ санъати бутун инсонни, ҳатто унинг ички руҳий дунёсини ҳам үз ичига олади; аммо рассомлиқ ҳам ҳодисаның фақат бир пайтимиң қамраш билан чекланади. Музика эса, руҳнинг энт күп ички дунёсини ифода этувчиidir; лекин музика ифода қылган ғоялар товушлардан (садолардан) айрилмайды, товушлар руҳга күп нарса берса ҳам, ақлга ҳеч нимани аниқ ва очиқ қилиб айтмайды. Поэзия эркін инсон сүзида ифодаланади, сүз эса — ҳам товуш, ҳам картина, ҳам аниқ ва равшан айттылған тасаввурдиди. Шунинг учун поэзия бошқа санъатларнинг ҳамма элементларини үз ичига олади, бұлак санъатларнинг ҳар бирига айрим равища берилған ҳамма воситалардан бирварақай ва тұла суратда фойдаланади»<sup>1</sup>.

**АДАБИЁТ — сүз санъатидир.** Унинг афзалиғи шундаки, у шахсни, предметларни, воқеаларни яққол ва ёрқын ифодалай олади. Ташқи дунёнинг ранг-баранг ҳодисаларини ҳам, инсон қалби диалектикасининг чексиз қатламларини ҳам ичига қамраб олади — унинг тасвир ва таъсир имкониятлары бенихоядиди.

Бундан күринадики, бадий ижод жараёни — ҳәёттіңни ўрганиши (унинг моҳияттіни чақиши), ундан маълум

<sup>1</sup> В. Б е л и н с к и й. Танланған асарлар, Т, Ўзбекистон ССР давлат нашириети, 1955, 133-бет.

худоса ва сабоқлар чиқариш (хукмга келиш), ҳәёттүнг ташкындан дарс олиш («ҳәёт дарслиги»), шағириңиң қайта куриш (орзу ва умид) жараенидир. Демак, ҳәёт — адабиёт ва санъатнинг тасвири объектидир.

**Инсон — санъат ва адабиётнинг бош предметидир.** «Ўзининг интилишлари, ишларининг бутун хилма-хиллиги билан, ўзининг ўсиши ва таназзулга кетиш жараёни билан одам бадиий адабиётнинг материали бўлиб хизмат қиласи» (А. Горький).

В. Белинскийнинг уқтиришича, қадимги ҳинд поэзиясида табиат илоҳийлаштирилган, биринчи уринда ўсимликлар, илонлар, қушлар, ҳайвонлар курсатилган. Одам эса табиатга тобе, ёрдамчи, иккинчи даражали куч сифатида берилган. Санъат тараққиётининг навбатдаги босқичида — Қадимги Миср мифологиясида баҳайбат ҳайвонлар ва худолар образлари орасида инсон қиёфаси ҳам кўрина бошлаган. Фақат қадимги юонон санъатидан бошлаб (Аристотель ҳам «Поэтика» асарида гувоҳлик беради) инсон санъат асарининг бош предмети бўлиб хизмат қиласи. Шу сабабдан Ҳомернинг «Илиада» ва «Одессей» асарларида инсон бош қаҳрамондир.

Санъат ана шу вақтдан бошлаб Инсонни ўрганишга, уни кашф этишга бор куч-қурдатини сарфлаб келмоқда. **«Инсон тасвири йўқ жойда бадиий адабиёт йўқ»** (И. Султон) ҳукмига амал қилмоқда. Маълумки, инсондан ташқари, уни ўраб олган табиат (пейзаж) ҳам, жамият ҳам, ҳайвонот, ўсимликлар дунёси ҳам, буюмлар, предметлар (қўйингки, ҳәётнинг ҳамма материаллари) ҳам тасвириланади. Фақатгина улар бир шарт билан тасвириланадилар, яъни улар инсон **характери ва руҳий ҳолатининг у ёки бу қиррасини очишга хизмат қилишлари, демакки, инсонийлашлари лозим**. Инсон ва унинг руҳияти тасвири бўлмаса, айтилган нарсалар бу тасвирни, инсоний хислатни очмаса, унинг (Буалонинг «Шеърий санъат» асари, Абу Бисхоқнинг таомларга бағишлиланган ғазаллари каби) адабиётга дахли йўқдир.

«Алпомиш» достонида Қоражон Бойчиборга миниб пойгага қатнашади. Пойга охирига яқинлашаркан, Барчиной севгилиси Алпомишнинг тулпорига шундай му-рожаат қиласи:

*Куйганимдан гапни гапга улайнин,  
То ўлгунча сайисинг бўп юрайин.*

Эгам раҳм айласин қонли ёшима,  
Сабаб булиб қўшгин денги-дўшима,  
Олмосдай түёғинг қордай тўшима.  
*Курру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!*  
Үйилмай куймасин кулбай хонам,  
Оҳ уриб йиғлайди мендайин санам,  
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам...  
*Йиғлатмагин Барчин гулдай бебахтди,*  
*Курру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!..*

Бойчибор — Алпомишнинг оғирини енгил қиласидан, орзу-ниятларини рӯёбга чиқарувчи вафодор, садоқатда унинг тенги йўқ дўсти рамзиdir. Шу сабабдан Барчиной унга мурожаат қилас экан, Алпомишга бўлган муҳаббатини, бу муҳаббатнинг озодлиги, барқарорлиги учун бўлаётган курашда енгиб чиқишига мададкор эканлигини илтико қилиб, тўкиб солади. Бойчиборга (дустга) ёлворади, севгиси туйгуларининг инжуларини сочаверади — Барчиной фикр ва ҳиссиятлари ифодаси учун Бойчибор рамзий воситага — инсоний хислатларни жамғарган образга айланади.

Инсонни анатомия, кардиология, педагогика, психология каби фанлар ҳам ўрганади. Жумладан, психология миянинг объектив воқеликни акс эттириш жараёнидаги руҳий ҳолатларини ўрганса, стоматология — инсон жағи ва тишлари билан шуғулланади. Уларнинг биронтаси инсонни яхлит ва жонли тарзда ўрганмайди. Фақат адабиётгина инсоннинг ташқи ва ички ҳаётини, моддий ва маънавий дунёсини, маънавияти ва салоҳиятини тұла ва атрофлича, энг асосийси, яхлит ва жонли тарзда ўрганади, таҳлил қиласиди, тасвирлайди.

Адабиёттинг предмети инсон ҳаёти (онги ва руҳияти)даги қўпчиликни қизиқтирадиган ҳодисалар бўлади. Айни пайтда адабиётда тасвирланган, қайта яратилган олам инсоннинг онг-шуурига қаттиқ таъсир қиласиди; унинг фикр-туйгуларини инсонийлик билан бойитади, камол топишига турткы ва дарс беради.

«Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, учган, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчикларни тозалайдурғон, ўтқир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиласидурғон, чанг ва тупроғлар тўлган

күзларимизни артуб тозалайдургон булоқ суви бүлгөн-  
ликдан бизга ғоят керакдир»<sup>1</sup>.

Шу сабаб ҳам у — инсоншунослик (А. Горький)дир; инсон рухиятини покловчи, тозартырувчи, ёшартирувчи, бойитувчи, турли-туман, «кир-чир»лардан устунылигини таъминловчи қиёси йўқ неъматдир, мўъжизадир.

Шу сабаб ҳам адабиёт — инсонни куйлади, эъзоз-  
лайди, улувлайди. Ёзувчи-санъаткор халқнинг тарбия-  
чиси, орзу-умидларининг улуловчиси, замонасининг  
ҳақгўй ва фидоий гуманисти (лат. «gumanisimus» — «ин-  
сонийлик») бўлиб танилади; халқ онги ва туйгулари-  
нинг навбатдаги ривожига, тинимсиз ҳаракатига бара-  
ка кўшади, чунки унинг ижоди «бутун бир тарихий  
даврнинг маъноси ва аҳамияти билан боғланган» (В.  
Белинский) бўлади; Адолат, Озодлик, Эркинлик, Мус-  
тақиилликнинг ҳақлигига, унга ўзликни таниш орқали  
эришиш мумкинлигига ишонтиради ва унга руҳан чор-  
лайди.

Хуллас, адабиётнинг тасвир обьекти — ҳаёт, тасвир  
предмети — инсон, вазифаси — инсон туйгулари тарбия-  
сидир.

## II. Бадиийлик, образлилик ва образ

**Таянч сўз ва иборалар:** Бадиийлик. Образлилик. Об-  
раз. Умумлашмалик. Индивидуаллик. Бадиий тўқима.  
Таъсирдорлик. Муболагадорлик. Характер. Психологизм.

Назариётчи олим Абдурауф Фитрат ёзганидек, «ада-  
биёт — фикр, туйгуларимиздаги тўлқунларни сўзлар,  
гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам  
худди шу тўлқинларни яратмоқдир»<sup>2</sup>.

Ҳа, «Асли, ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳам-  
мага баробар англата билишда, орага англашилмовчи-  
лик солмаслиқдир»<sup>3</sup>. Бу айтилганларнинг яна бири («ин-  
соншунослик» ҳақида гапирдик) — бадиийлиқдир (В.  
Белинский бадиийликни адабиётнинг муҳим ва асосий  
хусусиятларидан бири сифатида талқин қилгани бе-  
жиз эмас).

«Кўпинча адабиётшунослар адабиётнинг ўзига хос-  
лиги — образлилик, деб ҳисоблайдилар.

<sup>1</sup> Чўлпон. Адабиёт надир, Т., «Чўлпон», 1994, 37-бет.

<sup>2</sup> А. Фитрат. Адабиёт қоидалари, Т., «Ўқитувчи», 1995, 22-бет.

<sup>3</sup> А. Қодирӣ. Ижод машаққати, Т., «Ўқитувчи», 1995, 6-бет.

Бу — тор талқиндир, чунки образлилик, умуман инсон тафаккурининг хусусиятидир (фалсафада «образ» терминидан фойдаланиш тасодифий эмас). Бадиийлик образлилиқдан кенгроқ тушунчадир. Бадиийлик санъатнинг ҳамма турларининг, шу жумладан, адабиёттинг энг муҳим ўзига хос хусусиятидир. Бадиийлик тушунчасига образлилик киради, аммо бадиийлик фақат образлилиқдан иборат эмас. Адабиётни бадиий қилган нарса фақат образлилик бўлмай, балки унинг вазифалари, мазмуни ва шаклига тааллуқли кўпгина хусусиятлардир<sup>1</sup>.

Бадиийлик (арабча «бадаъ» феълидан келиб чиқкан бўлиб, янгилик киритиш, ижод қилиш маъноларини беради) ҳаётни жонли ва таъсирли қилиб тасвирлашнинг умумий белгиси, ўхшаш қилиб қайта яратилган оламнинг тириклигини, мўъжизакорлигини, таъсирчанлигини таъминловчи ҳодисадир. Яъни бадиийлик — бадиий ижоднинг ҳамма унсурлари (образ, характер, тип, сюжет, деталь, композиция, бадиий тил, ифода тасвир воситалари, поэтик синтаксис, жанрлар, услуб...)ни ўз ичига қамраб олади, уларнинг ҳар бирига ва айни пайтда, турли-туман тарзда бирлашиб, яхлитлашганларида жон ато этади. Демак, бадиийлик деганда ҳаётни жонли ва таъсирли қилиб қайтадан яратиш санъати, ҳаёт ҳодисалари устидан чиқарган «хукми», шу «хукм» руҳида тарбиялаш тушунлади.

Шу мулоҳазага суюнсак, бадиийликнинг ўзаги образлилик экани аниқлашади, у санъатнинг «тили»дир. Санъатнинг санъат бўлишини таъминловчи руҳ (жон)дир.

Образлилик бадиийлик ичida яшаганидек, образ образлиликтининг моҳиятини ўзида ташийди. Шу сабаб образ тушунчаси (демакки, кенг маънода бадиийлик) адабиёт илмининг бош масалаларидан саналади, чунки унда образлиликтин моҳияти борлигича намоён бўлади. Демак, ёзувчи-санъаткорнинг бутун салоҳияти (маҳорати, руҳшунослиги, кашфиёти, донишмандлиги...) у яратган образларда муҳрланади.

«Образ» атамаси «раз» («чизиқ») сўзидан олинган бўлиб, «раз» сўзидан «разить» («чиизмоқ», йўнмоқ, ўймоқ) ва ундан «образить» («чиизиб, йўниб, ўйиб, шакл ясамоқ») сизи ясалган. «Образить»дан «Образ» («умуман олинган тасвир») вужудга келган. Образ на-

<sup>1</sup> И. Султон. Адабиёт назарияси, Т., «Ўқитувчи», 1980, 108-бет.

зарияси, даставвал, Аристотель («Поэтика») эстетик қарашларida учраса-да, унга биринчи бор олмон файласуғи Гегель илмий таъриф берган («Санъат образлар оркали фикрлашдир»), «тиниб-тинчимайдиган» рус танқилчиси В. Белинский томонидан мукаммаллаштирилган. И. Султоннинг «Адабиёт назарияси» (1939, 1980) дарслигига, Т. Бобоевнинг «Адабиётшуносликка кишиш» (1979) қулланмасида кенг ишлатилган, бадий асар мазмуни ва шаклининг бирлигини ўзида ифода этувчи восита тарзида таҳлил қилинганд.

Шуни эсдан чақармаслик мұхымки, образ фақатгина санъатга тегишли ҳодиса әмас. Буни санъат ва танқид, ёзувчи ва танқидчи ўртасидаги фарқларда ҳам яққол күриш мүмкін.

Ёзувчи ўз қарашларини, орзу-истакларини образлар воситасида қалбининг «дарди», ҳис-ҳаяжони билан ўқувчилар оммасига етказса, асосий мақсад қилиб ўқувчилар руҳий оламига, туйгуларига таъсир қилишни назарда тутса, адабий танқидчи ўз фикр-мулоҳазаларини ва қарашларини изчил мантиқ, асос ва исбот асосида аниқ баён қилиш йўли билан оммага етаказади, асосий мақсад қилиб, китобхон ақлига таъсир қилишни назарда тутади.

Ёзувчи Оскар Уайльд фикрича, мунаққид — гўзалликдан (бадий асардан) олган таассуротини янги шаклга ёки янги воситалар билан ифодалаб беришга қодир одамдир.

Тўғри, танқидчи ҳам бадий воситаларсиз, ҳис-ҳаяжон ва «дард»сиз иш кўрмаслиги керак. Чунки фалсафада исботланганидек, «киши эмоциясисиз инсоннинг ҳақиқатни қидириши бўлмаган бўлган әмас ва бўлиши ҳам мумкин әмас!»

Демак, танқидчи бадий асарни баҳолаш жараёнида шу асар туфайли қалбида туғилган ҳисларни, ҳаяжонни ифодалаши лозим, яъни танқидчи ўз илмий тафаккурига, унинг мантиқига ўз бадий тафаккурини бўйсундиргандагина, шу йўл билан уларнинг ўзаро диалектик бирлигини таъминлагандагина ўз вазифасини бажаришга қодир бўлади. Чунки, ҳис-ҳаяжон ва образлилик билан чархланган фикр совуқон, ҳиссиз фикрга нисбатан ўқувчига кучли ишонч ҳосил қиласди.

Лекин, танқиднинг бу хусусиятини баъзи ёзувчи ва танқидчилар адабиётдаги образлилик тушунчасига тенглаштирадилар ёки танқидга хос бўлган бадий тафак-

курни илмий тафаккурдан устун құядилар. Масалан, ёзувчи Е. Винокуров: «Мен адабий-танқидий мақолалар түплемини роман каби үқишиңи хоҳлардим»<sup>1</sup>, — деганида, худди шу тенденцияни ёқлагандек күринац. Ёки танқидчилегимизда үзига яраша үринни эгаллаган истеъодли танқидчи Иброҳим Faфуровнинг «Гўзаликнинг олмос қирралари» китобини, дастлабки тадқиқотларидан бирини олиб қурайлик. Унда танқидчи бадиий асарларни куйиб-ёниб таҳлил қиласы. Шу муносабат билан танқидчи ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги үз қарашларини изҳор этади. Үзининг орзу-истаклари, фикр ва қарашлари билан ўртоқлашади. Лекин, бაъзи үринларда изчил мантиқий мулоҳазалар танқидчининг ҳис-ҳаяжони, лирик чекинишлари соясида қолиб кетгандай туюлади.

Санъат ва адабиётдаги образ жонли ҳаракати, жозабдорлиги ва ёрқинлиги билан үзидә ҳодисанинг қонуниятини асосли ва чукур мужассам қилгани ва ҳоказо хусусиятлари билан фарқ қиласы.

Демак, адабиётта ҳаётнинг ҳамма (инсон, нарса-буюм, ҳайвон, ҳодиса, предмет, үсимлик; кучма маъно берувчи сўзлар, иборалар, лексик ресурслар, ифода воситалари каби) унсурлари кирап экан, кирганда ҳам санъаткор онги ва қалбида жилоланиб, бойиб, катталашиб, энг муҳими инсонлашиб муҳрланаркан — уларнинг барчасини образ деб юритиш қонуниятдир. Бироқ, В. Белинский таъкид этганидек, **санъатдаги энг олий предмет — инсон ҳисобланаркан, демак, «образ» атамаси инсонга (бадиий асардаги инсонга) нисбатан қўлланиши маъқулдир.**

Образ «бадиий тўқима ёрдамида яратилган, эстетик қиймат касб эттан инсон ҳаётининг умумлашма ва айни ҷоғда, аниқ манзарасидир»<sup>2</sup> деган асосли таърифга суюнсак, унинг тўртта асосий, ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш лозим бўлган хусусияти борлиги ва айни пайтда, «образ фикрни умумлаштиришнинг тежамли» (А. Горький) қабариқли, муболагали усули эканлиги аён бўлади.

**1. Бадиий образнинг умумлашмалиги.** Асалари минглаб гулларга қуниб, унинг энг асл шарбатларини эмиб, бир ерга йиғиб бол тўплаганидек, ёзувчи ҳам муайян

<sup>1</sup> Қаранг: «Вопросы литературы» журнали, 1966 йил, 5-сон, 17-бет.

<sup>2</sup> Л. Тимофей. Основы теории литературы, М., 1971, стр. 62—63.

образ (дүкондор)ни яратиш учун, күплаб дүкондорларнинг қиёфасини белгиловчи характерли хусусиятларини, одатларини, сўзлаш одобларини, маънавиятини ва ҳоказоларини урганади ва уларнинг энг сараларини умумлаштириб, бир образда жамлайди.

Шу сабабдан биргина образ моҳиятида юзлаб кишиларга хос хислат ва белгиларини кўриш, «таниш бўлган нотаниш» кишиларни учратиш мумкин бўлади. Яъни, образ ҳаётдаги кишилардан энг муҳим, типик хислатлар асосида умумлаштирилгани, шу асосда яхлитлаштирилгани билан фарқ қиласи. Жумладан, «Судхурнинг ўлими»даги Қори Ишкамбада бош хусусият қилиб хасислик, очқузлик, судхурлик хислатлари шунчалик умумлаштирилганди, биз ҳаётда учратган ўта хасис ва судхур кишиларни — қори ишкамбалар деб атайверамиз. Демак, ёзуви А. Горький ҳақ:

«Бадий адабиёт айрим фактларга бўйсинганди, чунки ундан юқоридир. Унинг фактлари ҳақиқатдан ажралмагандир... Адабий факт — бир хилдаги қатор фактлардан суғириб олинган ва типиклаштирилгандир. Ҳаёт ҳақиқатида такрорланувчи қатор воқеаларни бир воқеада ҳаққоний акс эттирилса, шу вақтдагина ҳақиқий бадий асар бўлади»<sup>1</sup>.

**2. Бадий образнинг аниқлиги (индивидуаллиги).** Ҳаётда бир-бирига айнан ўхшайдиган одам, барг, қор учкуни бўлмаганидек, хислатлар ҳам, фазилатлар ҳам бетакрор экан, бадий образлар олами ҳам худди ҳаёт каби турфа хилдир. Шунга биноан, образлар ранг-баранг, бой, кўп қирралидирки, бу ўз навбатида, ҳар бир образнинг характерли аниқ қиёфаси, ўзига хос оригинал қилифи, одати, ўйи, орзуси, тили, муҳокамаси, мушоҳадаси, маънавияти, маданияти... салоҳияти бўлишлигини тақозо қиласи; индивидуаллаштириш қонуниятини ишга туширади: ўзига хослик кашф этилади, таъкидлаб кўрсатилади, эсда қоладиган қилиб тасвирланади.

Ана шундагина индивидуал образ жонлилиги ва табиийлиги, ҳаётйлиги ва бетакрорлиги билан китобхон қалбидан жой олади. Чунончи, «Ўткан кунлар»даги Отабек, Кумуш, Зайнаб, Ўзбекойим, Мирзакарим кутидор, Юсуфбек ҳожи, Офтобойим, Жаннат кампир каби бир-бирига ўхшамайдиган, ранг-баранг хис-

1 А. Горький. О литературе. М., 1933, стр. 268.

латдарни ўзида жамлаган индивидуал шахслар олами кўз ўнгимизда жонланади. Биргина далил: «Юсуф ҳожининг қизиқ бир табиати бор: хотини билангира эмас, умуман уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлсин узок сўзлашиб ўлтурмайдир. Отабекми, онасиими, Ҳасаналими, ишқилиб уй ичидан бирортасининг сўзлари ё кенгашлари бўлса, келиб ҳожининг юзига қарамасдан сўзлай берадирлар; мақсад айтиб биткандан сўнг секингина кўтарилиб, унинг юзига қарайдилар. Ҳожи бир неча вақт сўзлагучини ўз оғзига тикилтириб ўлтурғандан сўнг, агар маъкул тушса «хуб» дейдир, гапка тушунмаган бўлса «хўш» дейдир, номаъкул бўлса «дуруст эмас» дейдир ва жуда ҳам ўзига номаъкул гап бўлса бир илжайиб қўйиш билан кифояланиб, мундан бошقا сўз айтмайдир ва айтса ҳам уч-тўрт камимадан ошмайдир»...<sup>1</sup>

Кўринаятики, ёзувчи Юсуфбек ҳожининг феълини аниқ ва китобхон ишонадиган (унинг характерига, ёшига, салоҳиятига мос) тарзда индивидуаллаштиро-моқда, айни пайтда, унинг асосидаги умумлаштириш ва иккала унсурнинг ҳам ҳаётий яхлитлиги Юсуфбек ҳожи образининг жозибадорлигини таъминламоқда. Демак, умумлашмадан индивидуаллик, индивидуалликдан умумлашмалик туғилгандагина, тўғрироғи улар бир-бирларининг ичларида мужассамлангандагина — яхлитлик вужудга келгандагина образ бетакрорликка, жонлиликка, таъсирдорликка эришади. Образ туғилади.

**3. Образ яратишида бадий тўқима.** Образ умумлашмалик ва индивидуаллик қонуниятларининг бирлашувидан юзага келар экан, уларни, санъаткор дилидан ўтказиб, ўзлигини қўшиб тасвирларкан, албатта, унда бадий тўқиманинг фантазиянинг қай даражададир қудрати қўшилган бўлади.

Бадий тўқима Ўэллек (АҚШ) тушунчасида — «Бадийликнинг асосий детерминанти<sup>2</sup>, Ф. Гольянский (Польша) тасдиғича поэзиянинг қалбидир<sup>3</sup>», «Зотан,

<sup>1</sup> А. Қодирий. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён, Т., 1994, 131-бет

<sup>2</sup> Каратанг. Г. Маркевич. Основные проблемы науки о литературе, М., 1980, стр. 148.

<sup>3</sup> Каратанг: Основные проблемы науки о литературе, М., 1980, стр. 138. (Детерминизм. Табият ва жамиятдаги ҳамма ҳодисаларнинг, шу жумладан, кишиларнинг ирова ва хулқларининг умумий объектив қонунияти борлигини ва улар бир-бира боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этишини эътироф этувчи назария: Ўзбек тилининг изоҳи лугати, М., «Рус тили» нашриёти, 1-том, 222-бет).

бутун адабиёт бадиий тұқымалардан иборат, чунки турмуш ҳодисалари замон ва макон ичиде сочилиб ётади. Масалан, бир одамни олайлик: у үзининг моҳиятини, табиатини очиб берадиган бир сұзни бугун айтса, иккинчисини бир ҳафтадан, учинчисини бир йилдан кейин айтиши, балки, ҳеч бир айтмай ўтиб кетиши ҳам мумкин. Ёзувчи ана шундай одамни кетма-кет сұzlатади. Унинг моҳияти ва табиати учун характерли сұzlарнинг ҳаммасини айттиради. Бу эса турмушни бадиий тұқымалар воситасида акс эттириш бўлади. Аммо бадиий тұқымадаги ҳаёт оддий турмушдан кўра реалроқ ва тўлиқроқдир» (А. Толстой).

**Биринчидан**, ҳаётдаги замон нуқтаи-назаридан қарасак, «Ўткан кунлар»даги воқеалар ўн уч ярим йилда бўлиб ўтса, адабиёт қоидаларига кўра бир-икки кунда (китобхон ўқишига сарфлаган вақт ичиде) бўлиб ўтади.

**Иккинчидан**, ижод жараёни тажрибасида (Аристотелнинг «Поэтика»сидан бошлаб) асарда иштирок этувчилар қанчалик бир-бирлари ёки қариндошлик иплари билан боғланган бўлсалар, улар ўргасидаги симпатия ёки антипатия (сюжет воқеалари) кескинлашади. Жумладан, «Ўтган кунлар»даги Ҳомид Раҳматнинг тогаси, Зиё шоҳичининг қайниси, Зиё шоҳичи — Юсуфбек ҳожининг энг яқин ошнаси ва ш.к. Бу усул ёвузлик билан эзгуликнинг курашини кескин ва қизиқарли қилганидек, иkkala ҳодиса (ёвузлик ва эзгулик)-нинг бир маконда, замонда, ҳаттоқи бир уруғда яшашы мумкинligини — ҳаётийлигини исботлайди.

**Учинчидан**, бадиий тұқима ўйлаб чиқарилишидан қатъий назар, унинг асоси ҳаётийлиқдан маҳрум бўлмаслиги лозим. У ўқувчини ишонтириши шарт. Шунинг учун ҳам ёзувчи А. Қодирий иқрор бўлади: «Мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарса ёзмайман, ҳар бир асаримнинг ёзилишига турмушда учраган бирор ҳодиса сабабчи бўлади. Масалан, мен колхозларда юрганимда, ҳақиқатдан ҳам Обид кетмочининг баъзи хусусиятларига эга бўлган бир типни кўрдим». Демоқчимизки, ёзувчи ҳаётни «қайта бичиб тикканида» (А. Қаҳҳор) ҳам унинг қаърида ётган ҳақиқатга бўйсимиши, фақатгина шу ҳақиқатдан бадиий ҳақиқат яратиши лозим бўлади. Худди А. Қаҳҳорнинг «Бемор» ҳикоясидаги бадиий ҳақиқат билан А. Қаҳҳор ҳаётида рўй берган факт ва ҳодисалар ўрта-

сидаги мутаносиблиқдай<sup>1</sup>. Бу қонуниятга бүйсунмаган ёзувчи уйдирмага, ҳақиқий ёлғонға, сув юзасидаги күпикка эътибор беради ва ҳаёт ҳақиқати ҳақида (Сайд Аҳмаднинг «Жимжитлик» романидек) сохта маълумотлар бера бошлайди, унга ҳақиқий китобхон ишонмайди. «Чиройли лоф-қофдан хунук ҳақиқат яхшилиги» (А. Қаҳҳор) шундандир.

**Бадиий образнинг эстетик таъсиридорлиги.** Инсон учун энг гўзал нарса ҳаёт («Гўзаллик — ҳаёт»)дир. Ҳаёт ва инсон — адабиёт ва образнинг асосидир. Демак, адабиёт ҳам, образ ҳам ҳиссиятимизга, онг-шууримизга таъсири этади, муайян бир туйфу (севинч, ғазаб, ғурур, эъзоз, нафрат, ҳурмат каби)ни ёки тўғрироғи туйфулар силсиласини уйготади. Шу сабаб «Ўқишли китоб гўзаликдир, лекин гўзаликда ҳам гўзалик бор. Қорони кечада отилган мушак ҳам гўзал, күёшга қараб хандон ташлаб турган гул ҳам гўзал. Осмонда сочилиб кетган ранг-баранг олов ва оқиш излар гўзалиги кўзни қамаштирса ҳам пуч гўзалик, шунинг учун бебақодир. Гулнинг гўзалиги эса тўқ гўзалик, чунки унинг бағрида ҳаёт бор, шунинг учун абадий гўзаликдир. Фунча гулдан ҳам гўзалроқ, чунки унинг бағрида икки ҳаёт — уз ҳаёти ва яна гул ҳаёти бор»<sup>2</sup>.

Одамлар (китобхонлар)нинг ҳисларини қўзғатиш, «туйгуларимиздаги тўлқунларни» уйғотмоқ орқали ҳаяжонлантириш — эстетик таъсиридорлик экан, бадиий образ мағзи тўқ, ҳаётий, умрибоқий бўлгандагина бадиий қимматга эга бўлади; образ яратишга ўтади: ундан ҳаяжонланиб ўрнак оламиз ёки нафраланамиз, ҳис-туйгуларимизнинг яхшилари (ижобийлари)га «озиқ» берамиз, ёмонларини (салбийлари)ни етти қават чукурга кўмамиз.

Чунончи, Ипполит Тэн (1828—1893)нинг ҳикоя қилишича, америкалик оддий солдат театрга тушиб «Отелло» спектаклини томоша қилади. Саҳнада Отелло рашик ўтида ёниб, севикили хотини, пок Дездемонани бўғиб ўлдирап экан, солдат ундан фоянда нафраланиб кетади ва Отелло — актёрни отиб ташлайди. Ёки Абдулла Қодирий қаҳрамони Кумушнинг ўлими лавҳасини тасвирлар экан, юм-юм йиглайди. Кумушнинг из-

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳ. Умурев. Бадиий ижод мұжизалари, Самарқанд. «Зарафшон», 1992 йил, 25—29-бетлар.

<sup>2</sup> А. Қаҳҳор. Бадиий ижод ҳақида, Т., 1987, 61-бет.

тиробини, оғригини, түйфуларини үз бошидан кечи-раётган шахс ҳолига тушади...

Бу мисоллар образнинг эстетик-тарбиявий қийматининг фоятда аҳамиятли эканига далиллар.

Образнинг айтилган тўртта хусусиятини механик тарзда бирлаштиришдан санъат түгилмайди. «Чор дарвеш тўғрисида бундай ривоят бор. Бошқа шериклари ухлаб ётар экан, бир дарвеш ёғочдан қўғирчоқ ясайди, иттифоқо тўкувчи бўлган бошқа бир дарвеш унга кийим-бош тикади. Учинчи-заргар дарвеш безаклар тайёрлайди. Тұртингчы дарвеш эса қўғирчоқ тайёр бўлганини кўриб, унга жон бағищлашни сўраб, худога ёлборади. Шундан сўнгтина у баркамол асарга айланади»<sup>1</sup>. Санъат туғилиши учун образга ёзувчи Миртемир айтган дарвешларнинг ҳаммасининг ишини бир ўзи қилиши керак; аниқ ғоявий мақсадни кўзлаб жон ато қилиши керак; ана шу моҳиятни очиб берадиган қилиб қисмларнинг ҳар бири ўзига керакли, зарур ўринни забт этиши ва асардаги бош мақсаднинг тириклигини таъминлаш йўлида (инсон танаси ва руҳияти (жони)дек) беминнат бадиий хизматини уташи лозим. Айни чоғда, бош ғоя — ёзувчи айтмоқчи бўлган янги фикр қисмхужайраларнинг жонлилигини таъминлайдиган қонни етказиб туриши талаб қилинади.

Шу ўринда адабиётнинг, образнинг яна бир қонуниятини таъкидлаш лозим. Умумлаштириш, индивидуаллаштириш, бадиий тўқима ва эстетик-таъсирдорлик адабий асарнинг ҳамма унсурларига таалуқли универсал принцип — бадиийликнинг кўрсатгичи бўлганидек, муболагасиз биронта санъат асарини яратиш ҳам мумкин эмас. Муболага санъатнинг барча компонентларига хос хусусиятдир. Масалан, «Ўткан кунлар»даги Кумуш портретини қурайлик:

«...уйнинг тўрига солинган атлас кўрпа, пар ёстиқ кучоғида совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйғоқ ётқан бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томонига тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жингила кипрак остидағи тимқора кузлари бир нуқтага тикилганда, нимадир бир нарсани кўрган каби... қопқора камон, ўтиб кетган нағис қийик қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсандан чучиган каби... тулган ойдек губорсиз ой юзи бир

<sup>1</sup> Адабиёт — руҳият мулки (адибларимизнинг ижод сирлари ҳақидаги дурдана фикрларидан) Т., 2000, 35-бет.

оз қизиллиқға айланған-да, кимданыр уялған қаби... Шу пайт күрпани қайириб ушлаган оқ нозик құллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қули билан құндирилған қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб үлтурди. Сариқ рупоҳ атлас күйлагининг устидан (Бу сұз аслида «Остидан» бўлса керак — X. У.) унинг ўргача кўкраги бир оз кутарилиб турмоқда эди. Туриб үлтургач бошини бир силкитди-да, ижирғаниб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзғифан соч толалари үраб олиб жонсуз<sup>1</sup> бир суратка киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак кутидорнинг қизи — Кумушбиби эди» (29-бет).

Қўринадики, Кумуш портрети қуюқлаштирилган, гузаллаштирилган тарзда ёзувчи томонидан кашф қилинган. Унинг қиёфаси тасвирида муҳим белгилари (қора зулфи, жингила кипрак, тимқора кўзлар, нафис, қийиф қошлар, оқ юз, нозик құл, қора хол...) ҳаракатланар экан, унинг хаёлидаги кечинмаларини сирли ва жозибадор қиласи, китобхонни ўзига оҳанрабодек тортади; ўйлашга, сабабларини топишга ундейди.

Кумуш қиёфасини фақатгина «Ўткан кунлар»да учратиши мумкин. Ҳаётдан уни излашга ҳожат йўқ, ундаи малак йўқ. Шу асоснинг ўзиёқ, портретнинг муболагали тарзда яратилганига шоҳидлик беради. Кумуш портретида юзлаб қизларимизга учрайдиган қиёфа тафсилотлари жамлангани ва ёрқин тарзда ифодалангани (образга хос ҳамма қонуният ва хусусиятлар воқе булгани) учун ҳам, ҳаётда Кумуш қиёфасининг у ёки бу белгиларини яққол намоён этувчи қизларни учратиши мумкин. Бу ҳаётта үхшаш қилиб яратилган бадиий оламнинг сирку синоатидир.

Демак, ёзувчи-санъаткор ҳамма вақт (асарнинг энг нозик штрихларигача) яратади. Чунки, унинг вазифаси — табиат ва одамнинг нусхасини бериш эмас, балки, үхшаш қилиб яратилган нарсага жон ва ҳаракат ато этишда, унинг қалби, мазмуни, характерли куриниши ҳақида таассурот уйғотишладир.

**Характер.** Агар образни ёнғоққа қиёсласак, характер (юнонча charakter-хусусият, белги) шу ёнғоқнинг мағзидир. Чунки мағизда ёнғоқнинг моҳияти, тириклиги, зарурийлиги, жони жамулжамдир. Шу сабаб «ха-

<sup>1</sup> Жонсүз — жон ўртовчи, азоб берувчи.

рактер яратилсагина бадий асар яратилади» (Н. Погодин) деган қатыйй ва асосли хуносани чиқариш мүмкін. **Характер яратиш бадийликнинг ўзак масаласи** деб қарашимизнинг боиси шундаки, характер бадий ижоднинг жуда кўп унсурлари (сюжет, композиция, тил каби)ни ўзида жамлайди, тўғриси ўзига «ишлаш»га мажбур қиласди. Яъни характер асар мазмунига нисбатан шакл бўлса, характерга нисбатан сюжет, композиция, тил (услубнинг бутун ҳийла-найранглари) шаклдир. Иззат Султон тавсия этганидек, «асар мазмуни характер тасвири туфайли ҳаётий аниқлик касб этади ва шу билан бирга, бизнинг ҳисларимизга таъсир этиш хосиетига эга бўлади». Тўғри гап: «Ҳар қандай муҳим фойҳам инсон қисматига айланмаса қуруқ гап бўлиб қола-веради» (Ў. Ҳошимов).

Характернинг мазмунини аниқлайдиган иккита асосий хусусият бор.

Биринчиси, «бу бир шахсни иккинчи бир шахсдан ажратиб турадиган ахлоқий ва психологик белгилар мажмусидан иборатдир. Ҳаётда шундай кишиларни учратиш мүмкін: қилаётган бир ишига ҳамоҳанг қилиб бирор ҳаракатни одат қилиб олган бўлади; гапираётганда бурнининг учини қашиб қўяди ё йўлаётганда бармәқлари билан сочини тарайди ва ҳоказо. Психологик жиҳатдан эса ҳар бир шахснинг бирор хусусияти бўртган бўлади: ўжар ё тажанг, оғир ё енгил, камган ё кўп гапирадиган ва ҳоказо. Психика хусусиятига нисбатан табиий хусусиятга яқин турадиган бундай белгилар ёзувчи учун кўпроқ образни индивидуаллаштириш учун зарур бўлади.

Иккинчиси, бу индивидуал белгиларни ҳам ўз ичига олган ҳолда маълум бир ижтимоий шароитда пайдо бўлган, ижтимоий маъно касб қилган шахс ирода йўналиши ва бу ирода йўналишининг асардаги бадий инфодасидан иборатдир. Фақат ижтимоий шароит асосида юзага чиқсан шахс иродаси характернинг асарда бадий ва фоявий негизини таъмин қиласди. Бусиз ёзувчи яратган характер бадий ва эстетик қийматга эга бўлмайди<sup>1</sup> (Таъкид бизники — Ҳ. У.).

Дарвоқе, Йулчидаги («Қутлуғ қон») меҳнаткаш халқ вакилларига хос бўлган умумий хислатлар — конкрет

<sup>1</sup> М. Кушжонов. Ойбек маҳорати, Т., «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, 1965, 5—6-бетлар.

мухит таъсирида вужудга келган ўз-ўзини англаш хусусияти ва шу хусусият натижасида унинг онгидаги юз берган олға интилишлар; шахсий хислатларини белгилайдиган белгилар — содда, ювош, уятчан, хушёр, софдил, меҳнатсевар, ҳалол, жасур кабилар ўзаро уйғунлик касб этиб, яхлит характерни яратади.

Демак, характер — бу аниқ ирода йұналишига эга бўлган, ўз хатти-ҳаракатлари, интилишлари, үй-хаёллари, дунёқараши, маънавияти, маърифати, феъл-атвори билан ажralиб турадиган тұлақонли шахслар образидир. Шу сабаб бадиий асадардаги ҳамма образлар характер саналмайды. Жумладан, «Үгри» (А. Қаҳҳор) асаридаги Қобил бобо характер саналса, қолган (Қобил бобонинг кампири, элликбоши, пристав, тилмоч, Эгамберди)лар персонажлардир.

**Психологиям принциплари, шакллари.** Характер ва унинг психологияси таҳлили адабиётнинг камолоти, ёзувчининг маҳорати даражасини белгиловчи бош омилдир. Дарвоқе «Адабиёт — характерлар яратиш санъати» (И. Султон) ва айни чоғда ана шу характерлар «...дилени билиш, унинг сирларини бизга очиб күрсатиш-асарларини биз мароқ билан қайта-қайта ўқыйдиган ёзувчиларнинг ҳар бирига бериладиган тәърифдаги биринчи сўзлар шулар-ку, ахир» (Н.Че ёнишевский). Ҳозирга қадар ўзбек насрода қаҳрамон психологиясини очишининг уч хили яққол кўзга ташланади.

Абдулла Қодирий йирик прозасида қаҳрамонлар туйгуларини бевосита таҳлил этмайди, балки ташқи қиёфа кўринишларида руҳий ҳолатларнинг аксини беради.

Биргина мисол. Отабек ошиқ. Лекин ҳали бу сир. «Отабекнинг ҳар бир сирига ўзини маҳрам ҳисоблаган-ликдан» унинг «маънавий бир падар»и — Ҳасанали бу сирни очмоқ мақсадида бекни синамоқда».

«Ҳасанали гиналик қиёфада қошларини чимирди ва — Мендан яшириб юрган бир сирингиз бор, — деди. — Сиздан яширган бир сирим бор? — Бор, ўғлим бор, — деди Ҳасанали, — агар даъвонгиз тўғри бўлса, менга чиндан ўз кишим деб қарасангиз, ўша сирни яширмангиз.

Отабек тусатдан ўзгариб, бояги асабийлик ҳолатини йўқотди, шундоғ бўлса ҳам ўзини йифиб, кулган бўлди:

Ҳали шунаقا сиздан яширин сирим борми?  
— Бор!

— Бұлса, марҳамат қилиб кашфингизни сүзлангиз!  
Хасанали пиёлани оғзига күтариб, чойни ҳұплади,  
кашфини очди:

— Марғилондан келган күнлардан бошлаб сизде  
қызық бир ҳолат бор эди. — Сиз бу ҳолатни «Марғилон  
ұавоси ёқмади» деб таъбир қылсангиз ҳам, мен мундан  
бошқа нарсалар пайқайман...

Отабек үзига қатый тикилиб турған Ҳасаналидан  
юзини четга буришга мажбур бұлды. Гүё бу сеҳргар чол  
ҳамма сирни бетдан үқиб олар эди. Ҳасаналини ҳамон  
үзига тикилиб турғанини билиб манглайини қашиган  
булды:

Хүш, давом этингиз...

— Бу сириңгизни мендан яширмоқчи бўласиз, —  
деди тамом қаноат билан Ҳасанали. — Хайр, яшир-  
моққа ҳам балки ҳақингиз бордир. Аммо шу кўйи сир  
сақлаш билан бирор натижага етиш мумкинми?..

Отабек қип-қизил қизарыб, гуноҳкорлардек ерга  
қараган эди. Ҳасаналининг юзига падарона тараҳхум  
туси кириб кексаларга хос оҳангдор бир товуш билан  
бекнинг устидаги оғир юкни ола бошлади:

— Айби йўқ, ўғлим, — деди, — муҳаббат жуда оз  
йигигларга мұяссар бўладиган юрак жавҳаридир. Шу-  
нинг билан бирга кўп вақтлар кишига заарли ҳам  
бўлиб чиқадилар. Шунинг учун куч сарф қилиб бўлса  
ҳам унутиш, кўп ўйламаслик керакдир.

Бу кейинги гап билан Отабек күтарилиб Ҳасанали-  
га қаради ва узоқ тин олиб яна ерга боқди. Гүё бунинг  
ила «унутиш мумкин эмас» деган қатый сўзни айтган  
эди. Орага сўзсизлик кирди. Иккиси ҳам фикрга тол-  
ган эди. Ҳасаналининг ортиқча берилиб ўйлаган кезда  
соқолини қайриб тишлидиган бир одати бўлиб, ҳозир  
соқолини ямлаш билан машгул эди. Узоқ ўйлагандан  
сўнг ишнинг очилмай қолган қисмини ечишни бошқа  
вақтта қолдирмоқчи бўлди, чунки Отабек, шунинг үзига  
ҳам яхшигина қизариниб, бўртинган эди<sup>1</sup>.

Келтирилган ушбу парчадан кўринадики, қалб из-  
тироби ва кечинмаларини хатти-ҳаракатлар, юз тузи-  
лиши, кўз қарашлари орқали очади. Ҳақиқатдан ҳам  
биринчи бор Отабек қалбини туғёнга солган муҳаббат-  
нинг Ҳасанали томонидан кашф этилиши Отабекни  
уалишга («...Ҳасаналидан юзини четга буришга маж-

<sup>1</sup> А. Қодирий. Ўткан күнлар, Т., 1980, 24—25-бетлар.

бур бүлди»), гуноқорлардек айбига икрор бүлишга («Отабек қип-қызил қызарыб, гуноқорлардек ерга қараған эди») олиб келади ва ҳ.к.

А. Қодирий романнинг «Қаршилаш» бобида Ҳасаналининг ва «Қоронғу құнлар» бобида Отабекнинг фикр ва ҳислар оқимини («үз-үзини таҳлил қилиш» воситаси орқали) жуда сиқиқ формада беришга интилади, холос.

Хуллас, романда ёзувчи учун ички дүнёнинг—рухнинг кечинмаларини ташқи қиёфа, ҳолат ва хатти-харакатларда күринишини тасвирлаш, яъни динамик принцип асосий мезонидир.

Ўзбек романчилигида биринчи бор Абдулла Қаҳжорнинг «Сароб» романида психологизмнинг аналитик принципи яққол кўзга ташланади. Бу принципда «вокеалар тафсилоти»нинг тасвирига нисбатан «ҳис-туйфулар тафсилоти» тасвири биринчи ўринга чиқади. Қаҳрамоннинг руҳий жараёни, бу жараённинг бетиним ўзгарувчанлиги, фикрлар, ҳислар ва кечинмаларнинг ривожи ва оқувчанлиги кенг таҳдил этилади.

Шунинг учун ҳам Абдулла Қаҳжор «Сароб» романнда қаҳрамоннинг ўз шахсидаги қарама-қарши фикрлар жангига, ҳис-туйфулар курашига асосий диққатни қаратади. Қаҳрамон қалби диалектикасининг очилиши-ўша қаҳрамонни туғдирған ва ўстирган мұхит кўп қиррали панорамасининг реалистик тасвирига олиб келади.

Роман Саидийнинг университет даргоҳида Мунисхон билан тасодифан учрашуви ва танишувидан бошланади. «...олдига қўйилган шартларни эшитиб «ундай бўлса ўқимайман» деган фикрга келган Саидий Мунисхонни кўргач, қизнинг ҳам университеттада ўқишга хоҳиши борлигини билгач, тезда бу фикридан тонади: «Унинг эндиги фикри қандай бўлса ҳам университетта кириш, ўқиш эди. Вужуди мұъжиза, ҳар бир сүзи, ҳаракати ҳаётга чақириб турган шу қизга ҳамдард бўлиш учун у ҳар нарсага тайёр эди»<sup>1</sup>.

Иккинчидан, Саидий Мунисхондан «нима умидвор эканини ўзи билмайди, аммо унинг умид қилган нарсасинигина эмас, бутун оламни бериб, ҳеч нарса талаб қилмайдиган ҳолат»га тушади. Саидий Мунисхонга шунчалик мафтуники, қизнинг лаб тишлаб бош

<sup>1</sup> А. Қаҳжор, Сароб, Т., 1957, 4-бет.

чайқаши ҳам, майин товуши ҳам унинг вужудини эгалайди, қалбини титратади.

Бу ҳиссиёт динамик равища аста-секин ривожлана боради. Ривожланган сайин Сайдий қалби ўзининг борлигини намоён этади: «шу қизнинг бошига бир фалокат тушса-да, қутқарадиган киши ягона мен бўлсан...»

Бояги самимий ҳис-туйгулар ўрнини худбинолик эгалайди. Ана шу худбиноликни илдиз отиши, гуркираши учун тўла имконият берадиган миллатчилар муҳити Сайдийни ўз домига тортади ва бора-бора уни ҳало-катга олиб келади. Ана шу худбиноликни миллатчилар муҳити билан боғлашда Мунисхон «кўпrik» вазифасини ўтайди. Демак, Сайдийнинг «бутун ҳаёти, ички ва ташқи олами, қисмати ана шу дастлабки ҳис ва унинг натижаси бўлган фикрнинг оқибатидир».

Демак, «Сароб»да аналитик принцип асосий, ҳукмрон принципидир.

Психологизмнинг динамик ва аналитик принциплари гарчи бир-бирига қарама-қаршидек туюлса-да, лекин, уларни ўзаро зид кўйиш ҳам ноўриндир. Бу принциплар баъзи романларда уйғунашган, кўшалоқлашган ҳолда кўзга ташланади. Бундай асарларда қаҳрамонларнинг руҳий дунёси уларнинг хатти-ҳаракатлари, қиёфалари орқали ечилиши билан бирга, айни пайтда, шу қаҳрамонларнинг фикр ва ҳиссиётлари диалектикаси оқими ва ривожи ҳам берилади. Бу хил романларда психологизмнинг бу икки принципи диалектик бирликда таҳлил этилади. Бу психологизмнинг синтетик принципидир. Ойбекнинг «Кутлуғ қон» романни бу принципда яратилган ўзбек романчилигининг тўнгич, гўзал намунасидир.

Фикримизнинг исботи учун романдаги кўйидаги лавҳага диққат қиласилик:

«Атрофда одам тўпланди. Баъзилар ачинади, баъзилар томошабин. Мана, шу гузарнинг ўспирин баққоли ҳам етиб келди, оч итдай аланглаб қовунларни кўздан кечирди.

— Қани, деҳқон ака, савдони қиласилик, қўлни беринг... отингизнинг думи остидан юлдуз куриниб қолибди. Арава бўлса алмисоқдан қолган, яна синибди. Шу от, шу арава билан шаҳарга юқ олиб борармидингиз? Шаҳар қайда... ўйламабсиз-да, Неча пул берай? — баққол бидирлаб, деҳқонланган қўлини ушлади. Эс-

хушини йүкотиб, гарангланган дәхқон дастлаб индамади. Ёш баққол вайсайверганидан сұнг бир уұ тортыб секингина деди:

— Үн тұрт сұм берасиз...

— Э? Үн тұрт сұм? Түшингизни сувга айтинг.

— Шаҳарда үн саккизға «Финг» демай олади. Ноиложликдан дейман-да. Қовунга қаранг. Ҳар бири тұяниң калласидай. Жуда сараланған.

— Шаҳарға бора олмайсиз, — бидирлади баққол, қовунни ҳам күрдим, үртача. Агар яхши бұлса, халқ әб, сизни дуо қилади; мен үзім емайман. Кейин, ким билади, бир палакдан қар хил қовун етишади. Дәхқон бұймасақ ҳам, буни фаҳмлаймиз. Уч сұлқавой бераман, хүйденг.

Саксонта қовунга-я? Уч сұм? — дәхқон тескари бурилди.

— Инсоф қилинг, баққол ака — қичқирди Йұлчи. Яна бирмунча одамлар Йұлчининг сүзини тасдиқлади-лар: «Тұғри инсоф қилинг-да». Баққол бу сүзларни житмагандай аврайверди:

— Мен сизнинг фойданғизни үйлайман. Арава кишиникими? Қовунни тушириб оламан шу ерда. Анов ерда уста Тошпұлат бор, биларсиз, арава ишида фаранг. Қовуннинг пулиға аравани тузаттирасиз. Эгаси хафа бұлмайди. Иложи бұлса, яматтанингизни айтманг, койиб-нетиб юрмасин тағин. Туя күрдингми йўқ, вассалом...

Иложисиз қолған дәхқон баҳони секин камайтириб, етти сұмға түшди. Бошқа бир рақиб илмасин деган андиша билан баққол ҳам бир тангалаб ошаверди. Сұз билан дәхқоннинг бошини қотириб, ниҳоят, тұрт сұмға күнишга мажбур қылди...

Йұлчи чопиққа түшди. Куннинг иссигида кетмон ташларкан, фикри-хаёли ҳалиги дәхқонда бұлди: «Ажаб дүнё экан! Ҳар ерда дәхқоннинг иши чатоқ. Ери бұлса, улови йўқ. Улови бұлса, ери йўқ. Құпида иккиси ҳам йўқ. Мана, мен... Ҳозир қаёққа қарасанг, менға үхашшлар... Ҳалиги дәхқон қовун экибди. Қанча меҳнат, қанча машаққат. Ёлғиз ўзи әмас, бутун уй ичи билан ишлаган, албатта. Дастанлабки сотиш бу хилда бұлып чиқди. У молни сотмади — сувга оқызды. Йўқ, сувга оқызғандан баттар бұлди. Лоақал үн беш сұм турадиган қовуниң тұрт ярим сұмға сотсин, буни ҳам бирорнинг арасини тузатишга тұласин. Фойданы тулки баққол күрди.

Вой ҳароми, ноинсоф! Мен бундай мұлтонини сира құрганим йүқ әди... Энди деҳқон, үз отасининг шаҳардан қайтишини тұрт күз билан кутган болалари олдига қандай боради. Уларга нима дейди? Қип-яланғоч болалар, кийим қани деса, нимани күрсатади? Түй үрнига аза...»<sup>1</sup>.

Мана, кишидан сұраб олган араваси синган, қовунарлар арзимаган нархда баққолга кетган деҳқоннинг, ёш бұлса-да, үз манфаати йүлида құлни қирқ ёрадиган, сұzlари билан деҳқонни гарантлаттан үспириң баққолнинг, буни күриб турған, баққолни инсофға чақирудың Йұлчининг хатты-харакатлари, ҳолати тасвири.

Агар деҳқоннинг қалbidаги туғён унинг үх тортиши, секин гапириши, тескари қараши каби хатты-харакатлари орқали берилса, бу ҳаёттій эпизод тасвири Йұлчи тасаввури, фикрлари оқими орқали яққол гавдалантирилади.

Романда эпик тасвир билан ҳис-туйгулар тасвири үзига хос үйфуналашади. Асар панорамаси — қаҳрамонлар қалbidаги кечинмаларни реаллаштиргани каби кечинма ва фикрлар оқими тасвири үз навбатида тасвирланаёттган ҳаёттінгі моҳиятини очади.

Ойбек тасвирида воқеа ҳам, ҳис-туйгулар тағсилоти ҳам үз бадий құмматини йүқтамайды, улар бир-бiriни бойитувчи, бир-бiriнинг сир-асрорини очувчи яхлит восита сифатида күзга ташланади.

Хуллас, психологиязм (унинг динамик, аналитик, синтетик принциплари) ҳамма реалист ёзувчилар учун умумиейдір. Ҳар бир ёзувчининг бу борадаги үзига хослиги психологизмнинг түрли воситаларидан қандай ва қай даражада фойдаланишига боғлиқдір. Н.Чернишевский «Психологик тасвир түрли күринишларға эга бўлиши мумкинлиги» ҳақида гапириб, унинг қуйидаги шаклларини күрсатған эди:

- 1) бир ёзувчини характернинг қирралари күпроқ қизиқтиради;
- 2) иккинчисини — ижтимоий муносабатлар ва миший тұқнашувларнинг характерларга таъсири;
- 3) учинчисини — ҳислар билан фаолият орасидаги алоқа;
- 4) тұртингисини — әхтирослар таҳлили;

<sup>1</sup> Ойбек. Күтлуг қон. Т., 1980, 39—40-бетлар.

5) бешинчисини эса «қалб диалектикаси» қизиқтиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, муайян ёзувчининг ижодини ёки унинг маълум романини психологизмнинг конкрет бир шакли билан чеклаш мутлақо мумкин эмас. Адабиёт тажрибаси шуни курсатадики, ҳар бир ёзувчи ўз ижодида (ёки маълум бир романда) психологизмнинг турли шаклларидан кенг фойдаланади. Бироқ бу формалардан биронтаси етакчилик қилиши табиийдир.

Чунки психологизмни юқорида айтганимиздек, санъаткорнинг шахсидан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар қандай асардаги психологизм тасвирида, уша асарни яратувчи ёзувчининг ўзига хос психикаси имкониятлари намоён булади. «Услуб — бу одам» экан, ўз навбатида «Ёзувчи ички дунёсининг ёрқин иф одаси — унинг услуби» (Гёте)дир.

Шу нуқтаи назардан ёндашсак, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида характернинг қирраларини таҳлил этиш етакчи психологик шаклдир. Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романида эса қалб диалектикаси асосий шакл ҳисобланса, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида ижтимоий муносабатлар ва майший тўқнашувларнинг характерларга таъсирини таҳлил қилиш биринчи уринга чиқади...

Демак, характерлар оламини яратиш ёзувчининг ўзлигини танишига, руҳияти қатламларидағи сирларни билишига, уни тадқиқ ва таҳлил қила олишига ва ғоявий-бадиий ниятини очиб берадиган қилиб тасвирлаш сифатига боғлиқдир.

### III. Талант. Илҳом. Бадиий маҳорат

*Таянч суз ва иборалар:* Истеъод. Талант. Бадиий ижод. Илҳом. Мұтадил илҳом. Завқу шавққа тұлғык илҳом. Ҳис қила билиш санъати. Бадиий маҳорат: са-мимилик, ҳаққонийлик, мазмун ва шакл бирлиги, ба-диий тил.

Асқад Мухтор айтганидек, «Танқидчи ва адабиётшунослар асосан асар ҳақида гапирадилар. Ёзувчи ҳақида эса...

Ваҳоланки, асар ёзувчидан униб чиқади: фарзандайдай унда туғилади, улғаяди, камол топади; у фарзан-

дини авайлайди; ҳимоя қиласы. Асар — ёзувчининг тақдири; керак бўлганда ёзувчи қурбон булишга ҳам тайёр. Унинг бу файритабиий садоқати, ёзмасдан туролмаслиги, руҳиятга, фалсафага, мушоҳадага мойиллиги, шахси, феъли, услуги, қарашлари, дарди, қийналишлари ҳеч кимни қизиқтирумайди. Ёзувчи ўз шахси ва ўзгаларнинг шахси билан бирини кетган — асар унинг субъекти...

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин, аммо танқидчилар...»

Дарвоқе, адабиёт назариётчилари ҳам ёзувчи шахсияти, ижодий лабораторияси ҳақида кам ёзадилар. Ҳолбуки, асар яратиш жараёнини бу унсурларсиз тўлиқ тасаввур қилиш мумкин эмас. В. Белинский адабиётнинг умум мазмунининг ўзига хослиги ҳақида гапирганда, унинг талантли шахслар томонидан яратилишига сифат масаласи маъносида қарайди; талантли санъаткоргина адабий асар яратишга қодирдир, аслида адабиёт тарихи талантли ёзувчилар тарихидир.

Ана шу асосга таяниб, ёзувчи таланти, илҳоми, бадиий маҳоратини ўрганиш ғоятда долзарбdir.

**ИСТЕЬДОД.** «Барча истеъдодлар каби шоирлик истеъоди ҳам тугма бўлади ва болаликдан ўзини намоён этади. Бу кундуздек равшан, ҳақиқатнинг ўзидек аён...

...Шоирона истеъдод — бир қараганда оламга ҳайрат кўзи билан боқиши санъати ва ўзгаларни ҳайратга солиши санъати бўлиб кўринади, яна бир қараганда эл дардига ошно бўлиш қобилияти бўлиб туюлади.

Истеъдод — бу аввало дид, яхши дид эгаси бўлиш қобилияти, дегувчилар ҳам бор. Истеъдод — бепоён тушунча. У таърифга сиққандан эди, уни маълум хусусиятлар доирасида чегаралаш мумкин бўлганда эди, одамлар йўқ истеъодни тарбиялаб, бор қилган бўлардилар. Горький, истеъоднинг 99 фоизи меҳнат деганини тугма истеъоди бўлмаган одам меҳнат билан чинакам шоир ёки бастакор бўлиши мумкин деб тушунмаслик керак. Ҳар қалай 99 дегани 100 эмас. Сув нормал шароитда 100 градусда қайнайди. 99 градус исиган сув қайнаган сув эмас. Форс тилида қайнашни «жўшидан» дейди, яъни жўшмоқ. Шеърият ҳам жўшмоқдир. Жўшмоқ учун эса 99 фоиздан ташқари ўша камтарин бир фоиз яъни тугма истеъдод керак.

Шу маънода «кунларнинг созини чертиб юрувчи»-ларнинг таскини биз улуғ эмас, бизга шу ҳам бўлаве-

ради деб кўнгилни тинчтиши адабиёт учун фалокатдир. Шоирми, адабми, бу қутлуғ даргоҳга қадам қўйган, англамоги керакки, бунда Низомийлар, Навоийлар, Шекспир ва Пушкинлар қалам сурган. У шу улуг сиймолар даврасига киради. Ўз қалби, виждони олдида, бу улуг зотлар олдида андиша қилмоғи керак.

Ким билсин, бизлар ҳам кунларнинг созини чертиб юрган нозимлардирмиз, бу масала элнинг ва фурсат деб аталган буюк ҳакамнинг ҳукмига ҳавола. Лекин мен ишонаманки, ўзи ҳар қанча камтар ва хокисор булмасин, шоир илҳом чоғида ўзини Пушкиндан кам сезмайди ва у туғри қилади, тамоман ҳақли.

Албатта, эл-юрт муҳаббатини қозониш учун түгма истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Шоир руҳан, фикран замон даражасида бўлмоғи, халқ ҳаёти тўлқинлари ичида кенг кулоч отмоғи керак.

Яна ўша гап, тўқсон тўққиз юз бўлмаганидек, бир ҳам юз эмас<sup>1</sup>.

Эркин Воҳидовнинг ушбу мулоҳазалари катта-ю кичикка тушунарли. Лекин «ҳеч бир одам мукаммал, яъни тўла шаклланган ҳолда дунёга келмайди, аммо унинг бутун ҳаёти бетиним ҳаракатдаги ўсиш ва доимий шаклланишдан» (В. Белинский) иборат экан, ўша зарур бир фоиз истеъдод ҳамма кишилар билан бирга туғилади. Табиат ҳеч кимдан бу сахийлигини аямайди. Факат у «урӯғ» шаклида яширин намоён бўлади. Гап ана шу «урӯғнинг униб-ўсиши учун яхши ер, ҳаво, сув кўёш зарур бўлганидек, қобилият «урӯғи»нинг ҳаракати оиласда, мактабда, жамиятда, таълим-тарбияда яратилган аниқ шароитга, инсоний муносабатларга боғлиқ. Унинг кузатувчанлигини, ҳавасини, қизиқишини, билимини ўстиришга, мустақил ижодий фикр юритиш кўниумасини эгаллашига, гўзалликни кўра ва ҳис қила билишига эришиш ва шу сингари муносабатларда изчил ва тинимсиз меҳр билан қилинган меҳнат орқали «урӯғ»ни истеъдодга, яратувчи кучга айлантириш мумкин; шундай хусусиятга эга бўлган шахс ўз қобилиятини намоён қилган соҳада ўзлигини излаб топади, буюк ишларни инсонийлик нұқтаи назаридан ва осонлик билан завқу шавққа тулиб бажаради. Бусиз табиат берган истеъдод «урӯғи» ижтимоий муносабатлар ва вақтнинг бесамарлигидан «урӯғ» шаклида ўлиб

<sup>1</sup> Э. В оҳидов. Шоиру шеъру шур, Т., «Ёш гвардия», 1987, 15—16-бет.

кетаверади. Туғма истеъдод әгаси бўлмаган кишидан шоир чиқмаганидек, меҳнатдан, ўқиш-ўрганишдан, маҳорат сирларини эгаллашдан қочган, ўзлигига, ўз авлодининг қисматига ярашадиган **СЎЗНИ** айта билмагандан ҳам **ШОИР** чиқмайди. Туғма истеъдод билан узлуксиз меҳнат ўртасидаги диалектик алоқа моҳиятини чуқур англаган ва бор ҳаётини — «халқнинг, даврнинг хотироти»ни дунёга ёйишга бағишилаган, уни ёниқ қисмат деб тушунгандан Шоир туғилади. Иккаласидан биронтаси бўлмаса ёки биронтасига амал қилинмаса, номи — шоиру, умри бўйи ҳаваскор қаламкаш бўлиб қолаверади.

«Истеъдод — бу дид» деган тушунчани ёқлаган, «Талант — ҳеч қачон янгилигини йўқотмайдиган ягона янгиликдир»<sup>1</sup>, хulosасига келган Абдулла Орипов гўё юқоридаги фикр-мулоҳазаларни давом эттириб, лўнда қилиб дейди:

«...Ҳа, адабиётда ҳамиша икки тоифа ижодкорлар давр суриб келганлар. **Улардан биринчиси**, таъбир жоиз бўлса, **косиблардир**. Косиблар кимлар? Улар шеъриятда умуман қандай мақомда намоён бўладилар? Адабиётда косиб фақатгина ўз истак ва орзуларига кўра, балки тирикчилик тақозоси туфайли ёхуд ном қозониб яшаш иштиёқида қўлига қалам олади. Баъзилари эса бу соҳага мутлақо тасодиф туфайли аралашиб қолган омадсиз меҳнаткашлар бўлиб чиқади. Нима бўлган тақдирда ҳам, қанчалик яшовчан бўлса-да, адабиётда косиблик унинг соҳибига обру келтирган эмас. **Иккинчи тоифа** эса, қалб амри билан ижод қилувчи, ўзи ёқсан алангада қоврилувчи, чексиз машақватли меҳнатдан ҳузур ва ҳаловат оловччи, қисқаси, **ижодни қисмат деб билгувчи шахслардир**. Уларни кўпинча туғма истеъдод эгалари деб ҳам аташади» (А. Орипов, 82-бет).

Худди шу фикрларга яқин мулоҳазаларни бошқа ижодкорларда ҳам учратамиз. Ўткир Ҳошимов «Талантнинг биринчи белгиси — чидаб бўлмас дард демакдир»<sup>2</sup>, дейди. «Ижодкор одамнинг қалбидаги зарурат деган ғалати туйғу бўлади. Бу кўнгилдаги «дард»ларни фақат ўз шахсий дарди эмас, халқ дардини — эзгуликка меҳр, разолатга қаҳрни одамларга айтиш, тўкиб солиш эҳтиёжи» (Ў. Ҳошимов, 200-бет) деб баҳолайди.

<sup>1</sup> А. Орипов. Эҳтиёж фарзанди, Т., «Ёш гвардия», 1988, 34-бет.

<sup>2</sup> Ў. Ҳошимов. Нотаниш орол, Т., 30 «Ёш гвардия», 1990, 196-бет.

Хуллас, ёзувчи ва шоирга Парвардигор томонидан берилган түфма талантни қандай тушуниш лозим?

Маълумки, санъаткор тўппа-тўғри ҳаётдан нусха кўчирмайди, балки, унга ҳақиқатдан ухшаш қилиб янги бир дунё яратади, қашф этади. Бошқача айтганда, ҳаётий ҳақиқатдан бадиий ҳақиқат яратади; ҳаётий факт ва ҳодисаларни ўзининг руҳий лабораториясида «қайнатиши», ишлаши, синтезлаштириши, яъни тасаввурни, хаёли, орзуси, тажрибаси, қалби, табиати, дунё-қараши билан бойитган ва муайян фояга хизмат қилувчи характерли ва зарурий деталларни, факт ва ҳодисаларни таълаган ҳолда тугаллик касб этган (образли) бадиий ҳаётни яратиши зарур; Яратганда ҳам бу ҳаёт китобхон кўз ўнгига жонли ва реал, ишончли ва гўзал, таъсирчан ва яхлит бўлиб гавдаланиши шарт.

Бу ҳолатни Эркин Воҳидов шундай исботлайди:

«Қирқ центнердан олдинг ҳар гектар ердан,  
Юртимиз миннатдор сендеқ мард эрдан.

Номаълум шоир

Мени мен истаган ўз сухбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сухбатин кўнглим писанд этмас.

Алишер Навоий

Бу икки байт уша гектаридан олинган қирқ центнердан ҳосил кўтарган мардга ўқилса, аминманки, унга кейингиси маъкул бўлади. Чунки, кейинги мисраларда чинакам бадиият бор, инсон қалбининг ҳолати бор. Уни ўқигандага ҳар ким ундан ўз ҳолатига мос туйфу топади...» (Э. Воҳидов, 144-бет).

Дарҳақиқат, биринчи байтга эътибор берсангиз, гўё шеъриятга хос ҳамма нарса бор; байт равон, бўгин, туроқлари, қофияси жойида, бутунги ҳаёт акси бор. Лекин унда ҳайрат йўқ; унда дард йўқ; унда дид йўқ; унда санъаткорниңг ўзлиги йўқ; унда янгилик йўқ; унда образлилик, бадиийлик йўқ; унда қалбга кўчувчи, қалбни ҳаракатга солувчи ҳолат тасвири йўқ. Иккинчи байтда эса ҳаёт бор; ҳайрат бор; дид бор; янгилик бор; самимият бор; поклик бор; ҳар юракнинг туйғусини уйғотувчи жонли руҳ бор.

Биринчи байт хаваскор, косиб шоирларнинг «чизмаларига» намунавий мисол бўлса, иккинчи байт түфма истеъдодга, шеъриятни қисмат деб тушунган шоирларнинг қашфиётларига жонли далилдир.

Хуллас, истеъдодни ўстирмасдан, унга «кун сайин меҳнат билан жило бермасдан» (А. Қаҳҳор), яшашда ва ижодда ички ва кучли интизомга буйсунмасдан, илҳом билан ёзмасдан китобхон қалбини забт этиш, бадиий талант соҳиби бўлиш мумкин эмас экан...

Майли, оила аъзолари ва ўқитувчилар шеър ва ҳикоя ёза бошлаган ўқувчиларни қўллаб-кувватласинлар, ада-биёт сирларига ошно қилисинлар. Улар кўпчиликни таш-кил этсинлар, шеърий иқтидор сеҳрини бошдан ке-чирсинлар. Ана шундагина юзлаб ҳавасмандлардан ҳақиқий санъаткор — халқ мулки бўлган талант туғи-лади.

**ИЛҲОМ.** Илҳомнинг моҳиятини англамоқ учун, келинг даставвал, санъаткорларнинг фикрларини тинг-лайлик:

А. Орипов: «...илҳом ҳаяжондан баландроқ турадиган ақл ва тафаккур тамғаси бўлган ҳолат ҳисобланади. Пушкин илҳомни англаб олинган кайфият, — дейди. Маълум тарихий шароитда яшаб ижод этаётган кишиларнинг илҳоми аллақандай муаллақ, таъбир жоиз бўлса, биологик илҳом бўла олмайди. **Илҳом маълум мухитда ва фикрлар жараёнида синтезлашган кайфиятнинг олий нуқтасидир**» (А. Орипов, 86-бет. Таъкидлар бизники — X. У.).

Ў. Ҳошимов: «Илҳом, Толстой айтганидек, энди жим туролмайман, деган туйбу билан ёзув столига ўтириш. Бунақа пайтда, одам ҳамма нарсани унутади, роҳат қилиб ишлайди. Ойлаб, баъзан йиллаб ҳал қиломмаган муаммоларни бир ҳафтада бемалол уddeлайди» (Ў. Ҳошимов, 200-бет. Таъкидлар бизники — X.У.).

Э. Воҳидов: «Мен илҳом деб аталган ҳолатнинг табииати ҳақида кўп ўйлаганман. Бу гайриоддий ноёб ҳолат. Шоир илҳом дақиқаларидагина ҳақиқий шоир булади. Бошқа вақтда у ўзгаларга ухшаб фикр қилувчи оддий одам. Шоир илҳом онларида битган сатрларига кейин ўзи ҳайрон булиши мумкин.

Зур карвон ўюлида етим бутадек,  
Интизор қузларда ҳалқа-ҳалқа ёш.  
Энг кичик заррадан Юпитергача,  
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Күёш.

Бу сатрларни битган вақтда Faфур Фуломнинг ву-жуви кафтдаги симобдек қалқиб турганини тасаввур

қылса бұлади. Бунақа шеърларни шунчаки үлтириб, мана энди шеър ёзаман, деб ёзіб бўлмайди. Ҳар қанча материалист бўлсам ҳам **илҳом ҳолатининг сөхрли эканига ишонгим келади**. Лекин, бу ҳолат осмонга боқиб кутиб үлтириш билан келмайди. «Фауст»да айтилганидек:

*Шеърий қайфиятни тек кутган шоир  
Умр сўнгигача кутиши мумкин.*

Илҳом узлуксиз изланиш, ўқиш, ўрганиш, меҳнат қилиш натижасидир. Шу маънода у онгли жараён. Талантнинг тўқсон тўққиз қисми меҳнат, деган сўзни мен шундай тушунаман. **Илҳом туйғуларнинг шоир қалбидан тошиши, шоир хаёлида туғилган шеърий ниятнинг стилиши ва вужудни ларзага солишидир**. Фикр ва туйғулар эса изланишдан дунёга келади.

Илҳомсиз асар ёзиш мумкинми? Мумкин. Лекин, бу жуда оғир меҳнат — ёзиш ҳам, ўқиш ҳам. **Илҳомсиз ёзилган асар севгисиз олинган бўсадай совуқ бўлади** (Э. Воҳидов, 140-бет. Таъкидлар бизники — X. У.).

Ушбу мулоҳазалардан аён бўляяптики, илҳом келганда санъаткорнинг маънавий ва жисмоний қуввати бир нуқтага йигилади, у катта қудрат билан ишга киришади: Бу пайтда у борлиқни тамоман унугтади, гўё инон-ихтиёрига бўйсунмайдиган завқу шавққа тўлади, қаттиқ ҳаяжонга тушади; фақат «ғойибдан келган», тўғрироғи, ичдан тўлиқ ҳис қилиб сезилган фикр, ҳолат тасвирини ёзіб улгуриш билан банд бўлади.

Илҳом келганда санъаткор, қадимги философлар айтганидек, маънавий «кайф» ҳолатида бўлади, яни ўзи қилаётган ишни тўлиқ англамайди; ўзлигини, ўзи яшаётган дунёни унугтади; ўзи яратаБётган янги оламда ва шу олам «кишилари» — қаҳрамонлари билан бирга яшай бошлайди; уларнинг фаолият ва нутқларини жуда енгиллик билан қофозга тушириб боради. Образли қилиб айтганда, «Илҳом — паровознинг ўтхонаси» (Л. Леонов), шу паровозни ҳаракатга келтиради. Демак, илҳом ёзувчи қалбига тушган маънавий олов, у ижодий жараённи тўлиқ ёритади ва ҳаракатини таъминлайди.

Хўш, бундай ҳолат қачон юз беради?

«Маълумки, санъат, шу жумладан, сўз санъати — адабиёт ҳам кишиларнинг онгига ҳис орқали — юрак орқали таъсир қиласи...

Ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса туғрисида ёзса, буни

ўқиган ўқувчи ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Ўқувчининг қалбига таъсир қилмаган нарсанинг адабиётга ҳеч тегишлилиги йўқ.

Демак, куйдириш учун куйиш, ардоқлаш учун ардоқланиш шарт. Бусиз бўлмайди. Ҳис қилинмасдан ёзилган нарса қоғоздан қилинган гулга ўхшайди...

**Бас, маълум бўладики, илҳом келгани ёзувчининг тулиқ ҳис қилгани, илҳом келмагани ёзувчининг ҳали ҳис қилмагани бўлади».<sup>1</sup>**

Илҳом деган сехрнинг макони борми? «Тулиқ ҳис қилмоқ»ни қандай тушунмоқ лозим? Ички ҳис орқали сезмоқ учун нималар керак?

Бунинг учун истеъдоддан ташқари улкан меҳнат — асалари меҳнати зарур. «Асалари юз грамм бол йифиши учун миллионта гулга кўнар экан, — дейди ёзувчи Ўткир Ҳошимов. — Шунга яраша шарбат туплаш учун 46 минг километр масофани босиб ўтаркан. Бу Ер куррасини экватор бўйлаб айланиб учиш билан тенг. Бундан ташқари, болари ҳар бир томчи гул шарбатини хартумчасидан 200 марта тўкиб, қайта ютиб, ишлов бераркан. Аммо, бу ҳали асал тайёр бўлди, деган гап эмас. Шундан кейин болари асални маҳсус катақчага жойлаб, бир неча соат мобайнинда қанот қоқиб, ҳаво юбориб, тозаларкан. Асал айнимаслиги шундан. Ҳақиқий асар дунёга келгунча, қаламкаш ҳам тахминан шунча азиат чекади» (200-бет). Лекин, бу азиат ҳам камлик қиласи: Ҳаётни, инсон руҳини таҳтил ва тасвир этувчи санъаткорда савия баланд, донишмандлик ва пайғамбарлик хислатларининг бўлишини ҳам тақозо қиласи.

Маълумки, Тангри таоло, барча буюк пайғамбарларнинг энг олий сифатларини Мұҳаммад пайғамбарда бўлишига амр этганлар. Шу сабаб, Одам Атонинг яхши хулқ-атвори, Сифнинг илму дониши, Нуҳнинг жасорати, Иброҳимнинг шафқати, Исмоилнинг фасоҳати, Исоҳнинг камтарлиги, Лотнинг фаросати, Ёқубнинг топқирилиги, Юсуфнинг ҳусни-жамоли, Мусонинг сабр-матонати, Ионанинг ҳалимлиги, Жошуанинг устиворлиги, Довуднинг хайриҳоҳлиги, Доњиёлнинг меҳри ва юраги, Илённинг олижаноблиги, Ионнинг мусаффолиги, Исонинг тақводорлиги унга муяс-

<sup>1</sup> А. Қаҳҳор. Асарлар, 5-жилд, Т., F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1989, 228-бет.

сар бұлади. Худди шундай фазилатлар талантда ҳам мужассам булиши ва у эзгулик яратыш ишига — мұжизакорлықка сарф бұлмоғи лозим.

Ана шундагина ҳақиқий санъаткорлик юзага келади, китобхонни ҳам завқу шавққа, күчли әхтиросларга дуч этади. Ёзувчидаги ҳис үкүвчига тұлиқ «күчади»; ёзувчининг илхоми үкүвчи илхомини жүштиради.

Бундай меңнат ва хислатларсиз «Илхомнинг үзи ҳеч қаочон келмайди. Илхомни ёзувчининг үзи қидириб тоши керак.

Илхом деб аталған паризод, нозанин ёрнинг макони қаерда? Илхомнинг макони халқнинг дилида — мажбурият әмас, зарурият, хоҳишига айланған меңнатнинг шавкати, бақтиёр одамнинг қаҳқаҳасида, жабрдийданинг күз ёшида, ошиқ ва маъшуқаларнинг күздары ва сұзларыда, одамда меҳр ва газаб уйғотадиган ҳодиса ва воқеаларнинг мағзида... илхом қидирған ёзувчи халқнинг қалбига құл солиши керак» (А. Қаҳдор, 228-бет).

Демак, илхом ҳам ҳаётни чукур ўрганишдан — шу ўйлдаги тинимсиз меңнатдан туғилади. Ҳаёт бор жойда — илхом бор. Фақат ёзувчи уни ҳаётдек улкан оламдан үзини әхтиросга солған оламни — халқа айтмоқчи бұлған зарур гапни топиши, ажратиб олиши лозим. Лекин, ёзувчи тасвиrlамоқчи бұлған ҳар бир ҳодисаны, қаҳрамонлари тақдиррида содир бұлған ҳамма ҳолаттарни үз бошидан кечира олмайди-ку. «Мана шу жойда ёзувчини бир нарса күтқаради, — деб ёзади Аскад Мухтор, — ҳаётни ёзувчи күзи билан күриб, уни бадиий, фалсафий таҳжил қила билиш қобилияты<sup>1</sup>.

Ёзувчи П. Қодиров «Санъаткор ёзувчи шахсан үзи күрмаган воқеаларни, бошидан үтказмаган кечинма ва ҳиссиётларни ичдан астайдил ҳис қылғунча ўрганади<sup>2</sup>, деб ёзса, Илья Эренбург «Унинг қулида үзгаларнинг қалбини оча оладиган калит бұлмоғи керак», — деб таъкидлайди.

Бу фикрлар асосида қандай сирлар яширинган? «Ҳаётни ёзувчи күзи билан күриш... ичдан астайдил ҳис этиш... үзгалар қалбини оча оладиган калит»ни қандай тушунмоқ лозим?

Л. Толстой «Тирилиш» романыда шундай ёзади:

<sup>1</sup> Қаранг: У. Норматов. Талант тарбияси, Т., «Ёш гвардия», 1980, 38-бет.

<sup>2</sup> П. Қодиров. Ұйлар Т., 1971, 107-бет

«Дунёда энг күп тарқалган фикр, ҳар бир кишининг ўзига хос маълум бир хусусияти бўлади, хушфеъл, ақлли, ахмоқ, файратли, ялқов одам бўлади ва ҳакозо, деган фикрdir. Лекин, одамлар бунаقا бўлмайди. Биз одам ҳақида у кўпинча баджаҳл эмас, файратли ёки аксинча бўлади дейишимиз мумкин: лекин бир одамини агарда, у хушфеъл ёинки ақлли десанг-у, бошқа бирини жаҳлдор ёки ахмоқ десак, ногўри гапирган бўламиз. Биз бўлсак одамларни доимо шундай ажратамиз. Бу ногўри. Одамлар дарёдек гап: ҳаммасининг суви бир хил, ҳамма жойда ўша сув, лекин дарёгоҳ кенг бўлади, гоҳ тор, гоҳ тез оқади, гоҳ секин, суви гоҳ тиниқ бўлади, гоҳ лойқа, гоҳ илиқ бўлади. Одамлар ҳам шундай. Ҳар бир одамда инсоний хусусиятларнинг куртаги бўлади. Одам шу хусусиятларнинг гоҳ бирини, гоҳ бошқасини намоён қиласди, баъзан ўша одамнинг ўзи бутунлай ўзгариб кетади. Баъзи одамларда шу ўзгаришлар жуда кескин намоён бўлади...» (Таъкид бизники—Х.У.).

Демак, ҳар биримизда бутун одамзод шу вақтгача бошидан кечирган инсоний хусусиятларнинг куртаги яширин тарзда мавжуд. Улар ҳар бир қалбнинг чуқурида ёта беради. Лекин, улардан бирортасини йигит зарурати туғилса, шунга ташқи талаб, эҳтиёж бўлса, тасаввуримизда жонланиши мумкин. Худди ана шу сабабли ёзувчи хоҳлаган қиёфаға, ёшга, ҳолатга кира билиши мумкин. Хоҳлаган кечинма, ҳиссиёт, руҳиятни тасаввур эта олиши мумкин. Шундай экан, ёзувчи санъаткор хасислик ва жиноятни ҳам, кўркув ва мардликни ҳам, ўлим ва жасоратни ҳам, аёл ва йигитни ҳам, чол ва кампирни ҳам... муҳаббат ва ориятни ҳам тушунарли ва ёрқин тасвирлай олиш қудратига эгадир.

Лекин, бу қудрат самимий ва таъсирчан, ишонарли ва «юқувчан» бўлиши учун ёзувчи ўз халқининг фарзанди, Ватанининг жангчиси, қайноқ ҳаётнинг фаол иштирокчиси, илғор дунёқарашнинг эгаси сифатида катта шахсий ва ижодий тажрибага эга бўлиши лозим. Чунки ёзувчининг шахсий тажрибаси, биографияси «олтин фонд» (А. Мухтор) бўлиб, у ҳаётда, шу жумладан, асарда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни тушунирувчи калитдир. Шу боис, F. Гулом: «Ёзувчи кишининг ички дунёсини тасвирлар экан, ўз тажрибасига суюнади. Шунинг учун ҳам бу тажриба қанчалик кенг бўлса, қаҳрамоннинг ички дунёси ҳам шу қадар

да кўра билиб, асар яратиш — ёзувчи учун қонундир»<sup>1</sup>.

Илҳом бепоён ижодий жараённинг бир парчаси, бадиий асар яратиш тизимидағи санъаткорнинг муайян бир ҳолати. Лекин илҳомсиз яхши асар яратиш мумкин эмаслиги ҳам аён бўлди.

Адабиётшуносликда илҳомнинг икки даражаси борлиги қайд этилган: Биз **биринчисини** — **мұлтадил илҳом** (вдохновение-скрытое, «скромное») ва **иккинчисини** — **зәвқу шавққа тұлиқ илҳом** (вдохновение -аффект) деб атадик. Биринчисиз асар ёзиш мумкин эмас, иккинчисисиз ҳарқалай мумкин. Биринчиси жуда оддий кечади, яъни санъаткор илҳом ҳаяжонини сезсада, ташқи қўринишидан үзини жуда хотиржам тутади, ҳамма ҳолатини онгли идрок этади. Маълумки, илҳом ёзувчи фикр-мушоҳадасининг чукурликларида туғилади ва етилади. Баъзан у бирданига вулқондек отилиб чиқади: санъаткор яратаетган оламига шунчалик эҳтирос ва ҳаяжон билан бериладики, реалликни сезмайди. Унинг томирларида шиддат билан қон югурга бошлийдикি, ўша тасвиirlаётган қаҳрамонининг ҳолатига тушади.

Жумладан, китобхон Сурайё Хўжаева ёзувчи А. Мухтордан «Бадиий асарни ўқиётганда қаҳрамонлар ҳаётининг энг ҳаяжонли дақиқалари тасвири пайтидаги ёзувчи ҳолати масаласи мени жуда-жуда қизиқтиради. «Мен «Туғилиш» романинни ўқиётганимда Луқмончанинг ўлими тасвирига келганда үзимни қўярга жой тополмай қолган эдим.

Асқад ака, ўша ҳаяжонли дақиқалар тасвири пайтида қандай ҳолатта тушгансиз, эслай оласизми?» — деб сўраганида А. Мухтор қўйидагича жавоб беради:

«Асарнинг китобхон учун таъсири жойлари ёзувчининг үзини ҳам шунчалик таъсиrlантирадими? Бу ҳақда ҳар хил афсоналар бор. Микеланжелога үзи яратган ҳайкал тирикдай қўриниб, қўрқиб кетганмиш; Бальзак қаҳрамони ўлганда инфаркт бўлиб қолганмиш... «Ўтган кунлар»даги Кумуш ўлими тасвири пайтида Абдулла Қодирийнинг йиғлагани ҳақида ҳам гаплар бор...

Булар — ижод психологияси нуқтаи назаридан ҳақиқатдан ҳам афсона.

Ижодкор бундай таъсири тасвиirlар пайтида заҳ-

<sup>1</sup> К а р а н г: Бадиий ижод ҳақида. Т., 1960, 100-бет.

мат чекади. Тұғри, илхом билан зақмат чекади, лекин уни күпинча ҳаяжон әмас, қаноатсизлик ҳисси қийнайды. Чунки, қоғозга тушган нарса одатда ёзувчи үйида туғилған үзига хос мұраккаб мұносабатлар оламига нисбатан жуда кичик бұлади. Ёзувчи тасаввуридаги ажойиб дүнә қоғозға ҳеч вақт тұлалигіча тушмайды. Тасаввур сұзлардан бой. Шунинг учун, уша Сурайёхон айтған тасвиirlарда ҳам мени бириңчы галда қаноатсизлик ҳисси қийнаган. Чарчаганман, маза қилиб ухлаганман. Назаримда, шу ҳис бұлмаса; борди-ю ёзувчи үзи ёзғанидан үзи мамнун булиб завқланса, асар яхши чиқмайды»<sup>1</sup>.

Демак, А. Мұхторнинг асосли фикрига күра, ёзувчи қаҳрамон ҳиссиётини, кечинмаси ва изтиробларини тасвиirlаш пайтида унинг қиёfasига киради, лекин бутунлай, юз фоиз әмас, ўзининг «мен»ини, яратувчи шахс, ёзувчи эканлыгини унутмайды. Дарҳақиқат, Микеланжело, Бальзак, Қодирийлар бошидан кечирған юқоридаги «афсона»лар юз берганды ҳам, у — санъаткорлар яраттан ёки яратилаёттан образлардан устун турғанлар; үзларини асар қаҳрамони әмас, балки «үйдірмалар ижодкори» (А. Горький) эканларини унутмаганлар. Шундай экан, Ҳ. Қодирийнинг «Отам ҳақида» хотирасида қуйидаги ёзгани ёлғонми?

«Бобом вафотидан сұнғ әди. Шаҳар ҳовлида яшар әдик. Бир куни үйимизда шундай воқеа рүй берди, ойим, одатимизча, эрталабки чойни бибимнинг үйига ҳозирләди, эрта туриб, ёзіб үтирган дадамни чойга чақыргани кириб кетди. Биз дастурхон теварагида унинг чиқишини кутамиз... Бир вақт ойим негадир индамай чиқди-да, үтириб бизга чой қуийиб бера бошлади:

— Абдуллани чақырдингми, Раҳбар, — дадам чиқа-вермагач, ойимдан сұради бибим.

— Йұқ.

— Нега?

— Үглингиз йиғлаб үтирибдилар, — деди ойим.

Бибим бечора сакраб туриб дадамнинг үйига йүл олди. Кап-капта кишининг йиглашидан ҳайратта тушиб мен ҳам бибим ортида эргашдым. Кирсак, у юм-юм йиғлар, курсига тирсакланиб олиб тұхтовсиз ёзар әди. Бибим дадамнинг бу ҳолига бир оз қараб турди-да, бир нарсаны тушунди шекилли, индамай, мени бош-

<sup>1</sup> К а р а н г: У. Норматов. Талант тарбияси, 37-бет.

лаб орқасига қайтди ва ўтириб чойини ича бошлади. Мен бибимдан сўрадим:

— Она, дадам нега йиғлаяптилар?...

— Даданг жинни бўлиб қолибди... — жавоб қилди бибим ва бошқа сўз айтмади.

Кейинчалик англасам, ўшандада дадам ўз севикли қаҳрамони Кумушнинг ўлими пайти тасвирини ёзаётган экан»<sup>1</sup>.

Бу каби ҳодисалар бадиий ижод учун ёт нарса ҳам, ёзувчи А. Мухтор айтганидек, афсона ҳам эмас. Санъаткор ўзи яратган, ўйлаб чиқарган образини объективлаштирас экан, уни худди бирга яшаётган кишисидек, реал ҳаётий одам тарзида тасаввур қиласиди. Натижада, қаҳрамон қалбидаги содир булаётган кечинма, изтироб, оғриқни ўз бошидан кечираётган шахс ҳолига тушади. Қаҳрамоннинг ўзигагина тегишли оламнинг энг чуқур сирларини тұлиқ ҳис қилишга эришади.

Шу сабаб С. Аҳмад ёзади:

«Оғир юқ күттарган кишини тасвирлаганимда, ўзим ўша юкни күттаргандек кучаниб, терлаб кетаман. Ўлим манзарасини тасвирлаганимда энг яқин кишимнинг жасади тепасида тургандек йиғлагим келади.

Хуллас, нимани тасвирласам, ўзим ўша воқеанинг иштирокчисига айланаман. Шунинг учун ҳам, ҳар бобни ёзганда қаттық чарчаб, толиқиб қоламан».

Агар қаҳрамон кечинмаси билан бирга азобланиш А. Қодирийни юм-юм йиғлатса, С. Аҳмаднини чарчатса, толиқтирса, ёзувчи Ҳ. Фуломнинг беихтиёр кўзларидан ёш чиқиб кетишига олиб келади:

«Бошда «Бинафша атри» қаҳрамони... Нафисанинг кейинги тақдирини — боласи билан чўлга чиқиб кетиб саргардон юришини тасвирлай туриб, кўзларимдан ёш чиқиб кетганини сезмай қолганман».

Бадиий ижод тарихида бундан ҳам оғир маънавий изтироб чеккан, азобли ҳолатларга тушган ёзувчиларнинг икрорномаларини эслаш мумкин.

Масалан, Флобер Эмма Боварининг заҳарланиши лавҳасининг тасвирига келганда шундай дейди: Тасаввуримдаги шахслар мени ҳаяжонлантирадилар, кузатадилар, аниқроғи, мен уларга айланаман. Мен Эмма Боварининг заҳарланишини тасвирлай бошлаганимда оғзимда ҳақиқатдан ҳам мишяқ (захар)нинг таъмини

<sup>1</sup> Ҳ. Қодирий. Отам ҳақида. Т., 1974, 118—119-бетлар.

тотдим. Заҳарланганимни сездим, икки марта жуда ёмон ахволга тушдимки, ҳатто қайт қилдим».

Бу авторларнинг гувоҳликлари шунчалик самимий ва улар ўртасида шунчалик ҳамфирлик борки, уларнинг ҳақиқат эканига ишонмасликка ҳеч қандай асосимиз йўқ. Унда буни қандай тушуниш керак? Бадиий ижод психологияси қонуниятига хилоф эмасми?

Ушбу масалага чуқур ёндошилса, А. Мухтор типидаги ёзувчиларнинг асосли тушунчаси билан А. Қодирий, С. Аҳмад, Х. Фулом, Флоберга ўхшаш санъаткорларнинг юқоридаги ҳолатлари ўртасида катта фарқ йўқ. Биринчи типидаги ёзувчиларда қаҳрамон шахсидан, унинг руҳидан ажralиш, узоқлашиш жараёни тез ва осонлик билан юз беради. Иккинчи типидаги ёзувчилар қаҳрамон қиёфасига киради, улар кечинмасини бирга тортар эканлар, бирданга бу қаҳрамон руҳидан чиқиб, унинг таъсиридан узоқлаша олмайдилар. Тасвирламоқчи бўлган қаҳрамон ёзувчининг бутун борлигини банд этади, унинг шахсий ҳаётига, юриш-туришига муҳрини босади. Шунинг учун ҳам Ойбек: «Юрсамтурсам ҳам ҳамиша Навоийни ўйлар эдим. Унинг маънодор, ақсли кўзлари, хушфеъл, раҳмдил, олижаноб қиёфаси, асл пок, улуғ қалбини ҳис этардим, кўз ўнгимда кўрардим», — деб ҳақ гапни айтади. Бундай ҳолат баъзи ёзувчиларда узоқ давом этиши мумкин. Асар яратилган, китоб битган, йиллар ўтган бўлса-да, барибир ўша асар руҳидан, қаҳрамонлар ҳаяжонидан, таъсиридан қутула олмайдилар. Буни С. Аҳмад ва унинг «Уфқ» романи устидаги кузатишлари ҳам исботлайди: «...китоб қаттиқ ҳаяжон, турли руҳий изланишлар, қувончлар билан ёзилганидан, у битгандан кейин ҳам, ўқувчилар қўлига тегиб, адабий танқид яхши-ёмон айтгандан кейин ҳам унинг руҳидан чиқиб кетолмадим. Бирон ҳикоя ёзсан ё шу романга кирмай қолган бобга, ё қаҳрамонга ўхшаб қолаверади»<sup>1</sup>.

Ушбу айтганлардан шу нарса аниқлашадики, ёзувчи тасаввуридаги қаҳрамонларнинг азоб ва қувончлари, ҳаяжон ва ташвиш-кечинмаларини бирга тортар экан, яратаетган, уйдирма асосига қурилган лавҳасини кўз ўнгига кўрап экан, у бу ҳолатлар ва предметларни шунчалик аниқ ва жонли сезадики, натижада уни ўз қалбида, кўз олдида, ҳақиқий ҳаётда юз берает-

<sup>1</sup> Карапанг: У. Норматов. Талант тарбияси, 82—83-бетлар.

ган кечинма ва ҳодисадек қабул қиласи. Шунинг натижаси ўлароқ ижодий жараённинг баъзи «афсона»лари юзага чиқади.

Лекин, ёзувчи тасаввурнида уйғонган ҳиссиёт, қанчалик кучли ва чуқур, тиниқ ва таъсирчан бўлмасин, санъаткор ўзининг «мен»ини, индивидуаллигини йўқотмайди. Қалб онг ва иродага бўйсунади. Шу сабаб боқеа булаётган ҳамма ҳодисаларниң реал, объектив сабаби йўқлигини ёзувчи тушунади. Юқоридаги ёзувчиларниң «афсона»лари гўё ҳаққоний актёрларниң йигиси, уҳ тортиши, азобланиши, кулиши — бу ўша ўйнаётган образларниң йигиси, уҳ тортиши, азобланиши, кулиши эканига ухшайди. Актёр томоша тамом бўлгач, ўз ниқобини ечишни унутмайди, ўзининг илгариги фикрларига, ҳаётига қайтади. У саҳнада ўйнар экан, ўзлигини, бутунлай унугиб қўймайди, гарчи томошабин кўзига бу нарса ташланмаса ҳам, у «куйлар экан, эшитади, ҳаракат қилас экан, кузатади» (Ф. Шаляпин).

«Аброр ака — Отелло, эгнида қизил шоҳи қўйлак. Белида қизил шоҳи белбоғ, қулоғида «тилла» сирға, қопқора чехрасида виқор, вазминлик, олижаноблик. Тишлари ярқираб саҳнага кириб келади. Кириб келди-ю саҳна ҳам, театр ҳам эсимдан чиқди. Чунки кўз олдимда Аброр Ҳидоятов эмас, ўша Шекспирни илк бор ўқиганимда тасаввур этганим — Отелло турарди!

Унинг ҳар бир ҳаракати, Дездемонага тикилганда кўзларida порлаган чексиз муҳаббат, овозидаги титроқ, киборлар олдида ўзини тутиши, қадрини билиши, мардлиги — ҳамма-ҳаммаси менга таниш, худди мен тасаввур этган Отеллонинг ўзгинаси эди.

Мана, Отеллонинг олижаноблигини, болаларга хос самимилигини, поклигини очиб берувчи дастлабки саҳналар ўтиб, қалебига рашк чўғи тушди.

Одатда, танқидчилар бу саҳналар тўғрисида гапирганда Отеллони шерга, йўлбарсга ушшатадилар. Лекин, рашк азобида тўлғонган Аброр Ҳидоятов шер эмас, йўлбарс ҳам эмас, саҳнада чарх урган бир чўғ, қизил шоҳи қўйлак ичиди мавж урган олов, тафтига ҳеч ким бардош беролмайдиган бир аланга эди! Бу оташ, бу аланга кенг саҳнада жавлон урар, ҳаммани куйдирап, ёндирап, ўзи ҳам томошабин кўзи олдида ёниб борар эди...

Унинг овозида ҳам баҳор латофати, ҳам момоқалдироқ садолари, ҳам ўзбек ёзининг ҳарорати мужассам

эди. Унинг инсон юрагидаги энг нозик туйгуларни информалай оладиган, бир зумда юз хил оҳанг касб этадиган ажойиб овози-чи? Унинг таҳқирланган қалб фарёдларига тула машхур «ҳимм»лари-чи! Унинг Дездемона устидан тўккан куз ёшлари-чи! Йўқ, бу томошабинни йиғлатиш учун моҳир актёр тўккан куз ёшлар эмас, улуғ фожиага учраган, улуғ инсоннинг — Отеллонинг куз ёшлари эди! Зотан, Аброр аканинг «Отелло»сида томошабин йиғламас, чунки киши куз ёшидан ҳам зўр бир туйғу чўлғаб олар, Аброр ака томошабинни ларзага солар эди<sup>1</sup>.

Кўринаяптики, томошабин назарида актёрнинг (Аброр аканинг) ижодий индивидуаллиги ва ўйналинаётган персонаж (Отелло) шахси қўшилиб, бирикиб кетади, яхлит вужуд юзага келади. Натижада, у Аброр ака актёр сифатида эмас, балки буюк фожиага учраган улуғ Инсон — Отелло бўлиб гавдаланади; Аброр ака ташқи қиёфасида — содда ва мард, самимий ва қопқора чеҳрали Отелло, Аброр ака кўксида — Отелло юраги, Аброр ака қалбиди — Отелло руҳи яшайди. Гўё Аброр ака шахс ва актёр сифатида «ўлган-у», шу ҳисобга Отелло тирилгандек. Шунинг учун ҳам саҳнадаги ижод — қайта яратиш; қайта яратиш эса актёрнинг «улими»дир.

Ёзувчи О. Ёкубов хотирасини давом эттириб ёзади: «Спектаклдан кейин, қарийб чорак соатли қарсаклардан сунг, Аброр ака эгнидаги Отеллонинг заррин туни, Отелло гримида саҳнага чиқди.

Мен ҳамза номидаги театр учун пьеса ёзган ёш драматург сифатида, артистларга қўшилиб саҳнага чиқдим ва у кишининг қўлини олгани ёнига бордим. Бордим-у ҳайратда лол бўлиб қолдим: Қаршимда бояги олов, қафасдан чиққан шер ўрнига юзини чукур ажин қоплаган, бутун кучи, юрагидаги бор эҳтиросини севимли Отеллосига бериб «тамом бўлган», ҳоргин ва ожиз бир қария тураг эди...» (О. Ёкубов, 242-бет.)

Актёр ўзи яратган образ руҳидан кутилиб, ўзлиги, аслига қайтгач, «қизил шоҳи кўйлак ичиди мавжурган олов, тафтига ҳеч ким бардош беролмайдиган аланга» учади. Гарчи ташқи кўриниши (гримда экан) Отеллога ўхшаса-да, унда ўша қаҳрамоннинг қалб олами ўлган-у, анча ёшга кириб қолган қария — чарчаб

<sup>1</sup> О. Ёкубов. Излайман, Т., «Ёш гвардия», 1972, 241—242-бетлар.

ган кечинма ва ҳодисадек қабул қиласи. Шунинг натижаси үлароқ ижодий жараённинг баъзи «афсона»лари юзага чиқади.

Лекин, ёзувчи тасаввурида уйғонган ҳиссиёт, қанчалик кучли ва чуқур, тиниқ ва таъсирчан бўлмасин, санъаткор үзининг «мен»ини, индивидуаллигини йўқотмайди. Қалб онг ва иродага буйсунади. Шу сабаб воқеа бўлаётган ҳамма ҳодисаларнинг реал, объектив сабаби йўқлигини ёзувчи тушунади. Юқоридаги ёзувчиларнинг «афсона»лари гўё ҳаққоний актёрларнинг йигиси, уҳ тортиши, азобланиши, кулиши — бу уша ўйнаётган образларнинг йигиси, уҳ тортиши, азобланиши, кулиши эканига ўхшайди. Актёр томоша тамом бўлгач, ўз ниқобини ечишни унутмайди, үзининг илгариги фикрларига, ҳаётига қайтади. У саҳнада ўйнар экан, ўзлигини, бутунлай унуби қўймайди, гарчи томошабин кузига бу нарса ташланмаса ҳам, у «куйлар экан, эшитади, ҳаракат қилас экан, кузатади» (Ф. Шаляпин).

«Аброр ака — Отелло, эгнида қизил шоҳи кўйлак. Белида қизил шоҳи белбоғ, қулоғида «тилла» сирға, қопқора чехрасида виқор, вазминлик, олижаноблик. Тишлари ярқираб саҳнага кириб келади. Кириб келди-ю саҳна ҳам, театр ҳам эсимдан чиқди. Чунки куз олдимда Аброр Ҳидоятов эмас, уша Шекспирни илк бор уқиганимда тасаввур этганим — Отелло турарди!

Унинг ҳар бир ҳаракати, Дездемонага тикилганда кузларида порлаган чексиз муҳаббат, овозидаги титроқ, киборлар олдида үзини тутиши, қадрини билиши, мардлиги — ҳамма-ҳаммаси менга таниш, худди мен тасаввур этган Отеллонинг ўзгинаси эди.

Мана, Отеллонинг олижаноблигини, болаларга хос самимилигини, поклигини очиб берувчи дастлабки саҳналар ўтиб, қалбига рашқ чуғи тушди.

Одатда, танқидчилар бу саҳналар тўғрисида гапирганда Отеллони шерга, йулбарсга уҳшатадилар. Лекин, рашқ азобида тўлғонган Аброр Ҳидоятов шер эмас, йулбарс ҳам эмас, саҳнада чарх урган бир чўғ, қизил шоҳи кўйлак ичида мавж урган олов, тафтига ҳеч ким бардош беролмайдиган бир аланга эди! Бу оташ, бу аланга кенг саҳнада жавлон урап, ҳаммани куйдирав, ёндирав, ўзи ҳам томошабин кўзи олдида ёниб борар эди...

Унинг овозида ҳам баҳор латофати, ҳам момоқалдироқ садоллари, ҳам ўзбек ёзининг ҳарорати мужассам

эди. Унинг инсон юрагидаги энг нозик туйгуларни информации оладиган, бир зумда юз хил оҳанг касб этадиган ажойиб овози чи? Унинг таҳқирланган қалб фарёдларига тўла маъшхур «ҳимм»лари чи! Унинг Дездемона устидан тўккаин кўз ёшлари чи! Йўқ, бу томошабинни ўнглатиш учун моҳир актёр тўккан кўз ёшлар эмас, улуғ фожиага учраган, улуғ инсоннинг — Отеллонинг кўз ёшлари эди! Зотан, Аброр аканинг «Отелло»сида томошабин йиғламас, чунки киши кўз ёшидан ҳам зур бир туйгу чулиғаб олар, Аброр ака томошабинни ларзага солар эди»<sup>1</sup>.

Куринаяптиги, томошабин назарида актёрнинг (Аброр аканинг) ижодий индивидуаллиги ва ўйналинаётган персонаж (Отелло) шахси қўшилиб, бирикиб кетади, яхлит вузуд юзага келади. Натижада, у Аброр ака актёр сифатида эмас, балки буюк фожиага учраган улуғ Инсон — Отелло бўлиб гавдаланади; Аброр ака ташки қиёфассида — содда ва мард, самимий ва қопқора чехрали Отелло, Аброр ака кўксида — Отелло юраги, Аброр ака қалбида — Отелло руҳи яшайди. Гүё Аброр ака шахс ва актёр сифатида «ўлган-у», шу ҳисобга Отелло тиғрилгандек. Шунинг учун ҳам саҳнадаги ижод — қайта яратиш; қайта яратиш эса актёрнинг «ўлими»дир.

Ёзувчи О. Ёқубов хотирасини давом эттириб ёзади: «Спектаклдан кейин, қарийб чорак соатли қарсаклардан сунг, Аброр ака эгнидаги Отеллонинг заррин туни, Отелло гринидза саҳнага чиқди.

Мен ҳам Ҳамза номидаги театр учун пьеса ёзган ёш драматург сифатида, артистларга қушилиб саҳнага чиқдим ва у қишининг қулини олгани ёнига бордим. Бордим-у ҳайратда лол бўлиб қолдим: Қаршимда бояги олов, қафасдан чиққан шер ўрнига юзини чукур ажин қоплаганч, бутун кучи, юрагидаги бор эҳтиросини севимли Отеллосига бериб «тамом булган», ҳорғин ва ожиз бир қария турар эди...» (О. Ёқубов, 242-бет.)

Актёр ўзи яратган образ руҳидан қутилиб, ўзлигига, аслига қайтгач, «қизил шоҳи кўйлак ичиди мавжурган олов, тезафтига ҳеч ким бардош беролмайдиган аланга» учади. Гарчи ташки кўриниши (гримда экан) Отеллога ўхша са-да, унда ўша қаҳрамоннинг қалб олами ўлган-у, анича ёшга кириб қолган қария — чарчаб

<sup>1</sup> О. Ёқубов. Излайман, Т., «Ёш гвардия», 1972, 241—242-бетлар.

толиқкан Аброр аканинг ўзи (шахси) яққол кўзга ташланади.

«Ахир, артистнинг барча иши ҳақиқий, реал, «ростакам» ҳаётда эмас, балки тасаввур этилган, мавжуд бўлмаган, аммо мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳаётда ўтади. Ана шу биз артистлар учун чинакам ҳаёт ҳисобланади», — деб ёзади Станиславский.<sup>1</sup>

Худди ана шу асос сабабли саҳнада гўё иккита Аброр Ҳидоятов фаолият курсатади. Бири ўйнайди (роль ҳаёти билан яшайди), бири назорат қилади (хатти-харакатларининг тўғри, нотўрилигини кузатиб боради). Агар ўйнаётганда назорат қилувчи «мен»и, ўзлиги озгина сусайса, яъни, актёр Отелло руҳидан устунлигини йўқотса, унда юқорида таъкидлаганимиз «афсона»ларга ўхшаш ҳолатлар юзага кела беради. Айтишларича, Аброр ака Отеллонинг Дездемона (С. Эшонтураева)ни бўғиб ўлдириши эпизодини ўйнаганда, саҳнада ўйнаётганини — мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳаётни яратадиганни унутар ва Сора Эшонтураевани ҳақиқий Дездемона деб тушунар ва ростакамига бўға бошлар экан. Бу фалокатга, Сора Эшонтураева (Дездемона)ни ҳалокатга олиб келиши мумкин деб тушунганлар, гўё саҳна ортидан «Аброр ака, сиз саҳнада ўйнаялсиз. Бу Дездемона эмас, Сора опа!..» деб ўзлигини топишта — реал ҳаётни тушунишига ёрдамлашган эмишлар.

Бу «миш-миш»нинг қизиқ ва асосли томони шундаки, актёр (Аброр ака) ўз қаҳрамони (Отелло) руҳидан бирданига чиқиб кета олмаганида, мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳаётни реал ҳаётдек маълум дақиқа тушунишидадир. Тасаввуридаги қаҳрамон қалбига чукур сингиш билан ижодий кайфият (илҳом) пайтидаги актёр ҳиссиятининг теранлиги ўртасидаги алоқададир.

Лекин, Аброр ака (Отелло) Сора Эшонтураева (Дездемона)ни ростакамига бўғиб ўлдирмаганлиги факти, гарчи кўполроқ айтаётган бўлсак-да, Аброр аканинг юқоридаги «миш-миш»лардан ҳоли эканлигини, у Отелло ролида ўйнар экан, ҳеч вақт назорат қилиб турувчи ўзлигини — «мен»ини йўқотмаган. Демак, у яратган образи (Отелло)дан доимо устун турган.

Хуллас, юқорида таъкидлаганимиздек, ёзувчи, актёр

<sup>1</sup> К. Станиславский. Актёрнинг ўз устида ишлаши, Т., 1965, 216-бет.

қандай ҳолатга тушмасин, ёзгани, үйнагани билан бирикиб кетмасин, узлигини йўқотмайди. Тўғри ва ақлга мувофиқ фикр-мулоҳаза юргизади. Шунинг учун ҳам юқоридаги «афсонавий» ҳолатлар ҳам бадиий ижод психологиясининг умумий қонуниятига бўйсунади.

Демак, ҳақиқий шеър, рубойй, туюқ, сонет, новелла ва шу каби кичик жанрлар завқу-шавққа тұлиқ илҳомнинг меваси булади. Лекин, бу хил илҳомнинг узлуксизлигини эпик ва драматик асарларни яратишида таъминлаш мумкин эмаслиги аён; буларни яратишида мұтадил илҳом құл келади. Айтмоқчимизки, Илҳом санъаткор томонидан мұхайё этиларкан, уни бошқариш ҳам мумкин. Ёзувчи П. Қодиров «Үйлар» китобида ёзганидек, «Илҳом билан меҳнат бир-бирига боғланиб кетади, гүё бир-бирига зарбланиб, ижодий ишнинг самарасини оширади. Шунинг учун француз ёзувчиси Флобер ёзади: «Бутун илҳом шундан иборатки, ҳар куни маълум бир соатда үтириб ишлаш керак». Бодлер бу фикрга қўшилган ҳолда: «Кундалик ишда илҳом, сўзсиз зарур, дейди. — Тафаккурнинг фаолиятида қандайдир осмоний бир механика бор, бундан уялмаслик керак, балки врачлар бадан механикасини қандай эгалласалар, ёзувчи ҳам илҳом механикасини шундай эгаллаши керак...».

Хуллас, илҳом ижодий меҳнатнинг табиатидан чиқиб келади, демак, реал ҳаёттй асостга эга булади. Буни А. С. Пушкин «Борис Годунов» трагедияси ҳақидаги «икорнома»сида ҳам таъкидлайди: «Мен ёзаман ва мулоҳаза юритаман. Саҳна кўринишининг кўп қисми фақат фикрлашни талаб қиласи; қачонки илҳомни талаб қилувчи саҳна кўринишига борсам, мен уни кутаман ёки саҳнани ўтказиб юбораман, ишнинг бу хили мен учун тамоман янгилик. Сезялманки, менинг руҳий кучларим камолот чўққисида, демак, мен яратишга қодирман».

Демак, доимий равища ва изчил олиб бориладиган меҳнат ижод жараёнидаги бошқа унсур (нарса)ларни ҳам тартибга солади, ҳамма ижодий ташвиш илҳом теварагида айланади.

Илҳомнинг бу фазилатлари бадиий маҳорат билан топишганида, улар ўртасида қил ўтмас «дўстлик» бўлгандагина, А. Қаҳҳор айтганидек, китоб ёзувчининг қалбидан қўшиқдай отилиб чиқади, китобхоннинг қалбидаги акс садо янграйди; чунки маҳоратнинг ибтидоси

илҳомдир. Шундай экан, бадий маҳоратни қандай ту-шунмоқ лозим?

**БАДИЙ МАҲОРАТ.** Ёзувчи маълум фоя асосида тўплаган алоҳида фактларни ўзининг шахсий тажрибаси билан бойитиб, қалбидан үтказиб, кўпчиликка хос қилиб умумлаштиради. Яъни, аниқ фояга асосланиб, ёзувчи ҳаётдаги алоҳида нарсаларни бузади, саралайди, түқиди, умумлаштиради ва жонли, табиий ва бетакрор гўзал нарсани яратади. Яратган асари (лавҳаси) ўқувчи кўз ўнгига яққол намоён бўлади, китобхон ўй-хаёлларини ўзига тамоман банд этади.

Бадий маҳоратнинг моҳиятини тушунишда ана шу ҳақиқатни доимо эсда тутиш лозим. Унинг сиру синоатига етмоқ учун «Наво» куйи бобини эсимизга туширайлик.

Отабек қайнотасидан «Уятсизга менинг уйимдан ўрин ийқ, уятсиз билан сўзлашишга ҳам тоқатим ийқ... Борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз!» — деган сўзларни эшитган. Иззат-нафси хўрланган. Кумушдан заҳарли муаммоли мактуб олган. Бу воқеаларни бир-бирига боғлай олмайдиган, «гўё» иситма вақтида бўладиган тутуриқсиз, боғланишсиз алжи-билжи ҳолатда» эди. Кумушни соғиниб, хўрланганининг сабабини билишга интилиб Марғилонга қатнар, Марғилонга келгач, қайнотасининг сўзлари қулоги остида жаранглар, дарбоза қаршисида жасорати сўнар ва Тошкентга қайтар эди. Бориб-келишидан натижа чиқара олмас, Кумушни эса тинимсиз қўмсади... Иложисзлик, ҳижрон, тубсиз ўй-хаёллар тузогидан қочишга уринди: йигирма кун үтар-утмас Марғилондан қайтиб келгач, Оқмасжид шахрига (Қизил-ўрдага) савдо гарчилек билан кетди.

«Беш ойлаб Оқмасжид сафарида юриб келгач, Отабек тўғри шу Чукур қишлоқ бўзахоналаридан бирига келиб тушгандек бўлди. Уни кундуз кунлари бўзахонада учратиб бўлмаса-да, аммо бўзахонага келмаган кечаси жуда оз эди. Бўзагар Отабекнинг кимнинг боласи эканлигини яхши билгани учун ҳамма ишни унинг тилагига қараб қиласар, у келди дегунча, оддий бўзахўлар ёнига ўтқазмай ўзининг маҳсус ҳужрасига олиб кирап, бошқаларга бериладиган лойқа бўздан бермай, бўзанинг гули билан меҳмон қиласар эди.

Ҳозир ҳам у шу бўзахонада эди. Энди учинчи кувачани тугатиб, туртингини чақирган эди. Бўзагар кирди:

— Бұза берайми, бек? — деб сұради.

— Беринг, — деди, — машшоғингизни ҳам кирги-  
зинг!

Вақт ярим кечадан ҳам оққан, кундуз кунидан бери ичишиб чарчаган хұрандалар бақиришиб-чақиришиб тарқалишган, Бұзахона тинчиган эди. Қулма-құл юриб чарчаган машшоқ ҳам бұшаб, Отабекдан катта-катта әхсонлар күргани учун, вақтнинг кечлигига ҳам эъти-  
бор қылмай кирган эди. Машшоқ Отабекнинг сархуш қулидан бир пиёла бузани ичгач, дуторини чертиб сұра-  
ди:

— Қандай куйни чалай, бек ака?

Отабек сархуш товуш билан жиддийгина қилиб жа-  
воб берди:

— Билсангиз, ҳайдалиш куйини чалингиз, ажра-  
лиш куйини чалингиз!

Машшоқ ажабсинган эди.

— Дунёда бундай күйлар борлигини умримда би-  
ринчи маротаба әшитаман, бек ака!

— Дунёда бундай күй ійүқ деб үйлайсизми, сиз әшит-  
маган бұлсангиз менинг әшитганим бор... Билмасангиз  
билган күйингизни чалингиз!

Машшоқ дуторини созлар экан, яна сұради:

— Бу күйлар янги чиққанми?

— Янги чиққан.

— Қаерда әшитдингиз?

Отабек кайфи тарқагандек бұлиб, машшоққа қара-  
ди:

— Бу күйларни Фарғонанинг Марғилонида әшит-  
дим... деди.

Дуторни созлаш учун реза күйлардангина олиб тур-  
ған машшоқ, Отабек кутмаган жойда «наво»дан бош-  
лаб юборған эди. Күйнинг бошланиши билан нақ ву-  
жуди зир этиб кетгандек бұлиб, кейинги пиёласини  
бұшатди ва ихтиёrsиз равища дуторнинг мунгли то-  
вшуга берилди. Дутор товуши қандайдыр үзининг бир  
ҳасратини сұзлагандек, ұқояқ қылғандек бұлиб әшити-  
лар эди. Ійүқ, бу ҳасратни у ұз тилидан сұзламас эди —  
Отабек тилидан сұзлар эди... Отабекнинг күз үнгидан  
үтган күнлари бирма-бир үта бошладилар-да, ниҳоят  
«анови» хотиралари, «анови» ҳангомалари ҳам кури-  
ниш бериб үтдилар... Ійүқ, үтмадилар... унинг күз үнги-  
да келиб тұхтадилар-да, шу күйи тұра бердилар... Ду-  
тор бу күринишни унинг күз үнгіда келтириб тұхта-

гач, бу фожиага ўзи ҳам чидаб туролмагандек йиглай бошлади... Дутор қуруқцина йифламас эди, балки бутун коинотни «зир» эттириб ва хаста юракларни «дир» силкитиб йиглар эди... Отабек ортиқ чидаб туролмади-да, рўмоли билан кўзини яшириб, йифламоқча киришди... У кўз ёшларини тұхтатмоқчи бўлар эди, бироқ ҳозирги ихтиёр ўзида эмас эди, ҳамма ихтиёр дуторнинг ҳазин «наво» кўйида, тоқатсиз йифисида эди... Дуторнинг нозик торларидан, тилсимли юраклардан чиқсан «Наво» кўйи ўз ноласига тушунгувчи Отабекдек йигитларга жуда муҳтож эди. Ўз дардига тушунган бу йигитга борган сайин дардини очиб сўзлар, йиглаб ва инграб сўзлар эди... Эшитгувчи эса дунёсини унутиб йиглар, қўлини йигиштириб йиглар ва ҳасрату аламини кўз ёшиси билан тўкиб йиглар эди...

Ниҳоят, «Наво» кўйи унинг бутун танидаги сувларини кўзи орқали түқдирди-да, фалакнинг тескари ҳараратидан шикоят этиб қўйди ва дунёда ёлғиз ҳасратгина бўлмаганлигини билдиргандек, ўзининг «Савт» кўйини ер юзига шодлик ва севинч ёғдириб арз эта бошлади. «Наво»нинг сеҳрли «савти» Отабекнинг кўз ёшларини қуритди-да, бир енгиллик бағишлиди. «Наво» билан ювилиб кетган унинг умид гулзорида янги чечаклар униб чиқди...

Бу ўтиришдан сўнг у бир ойлаб бўзахонага келмай кетди. Марғилондан қайтиб келгач, яна эски одатида давом эта бошлади...<sup>1</sup>

Ушбу келтирилган парчадаги воқеани ҳар бир китобхон кўз ўнгига юз бераётган воқеадек, ўзи четдан туриб ҳамма ҳолатларни аниқ кўраётган кишидек ҳис этади. Ҳис этадигина эмас, унинг ҳаққонийлигига, бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслигига тўлиқ имон келтиради. Бу, биринчидан.

Ёзувчи ўзини Отабек қиёфасида курсатар экан, ўша ҳолатда «Отабек бўлсан нима қиласдим, нимани уйлардим, қандай ҳаракат қиласдим, қандай суҳбатлашардим», — деган масалаларга жавоб излайди. Ўзининг бор меҳрини, иқтидорини ишга солиб, қайнотаси томонидан ҳайдалган, хурланган куёвнинг, аччиқ ва заҳарли мактуб орқали «ҳийлакор тулки, оғзи қон бўри, уятсиз йигит...» каби мартабалар билан Кумуш томонидан сийланган Отабекнинг хатти-ҳаракатларини са-

<sup>1</sup> А. Қодирий. Ўткан кунлар, Т., 1985, 220-бет.

мимий тасвирлайди. Отабекнинг бўзахонадан таскин излашини, «анавини» унутиш учун ўзини сархушликка (мастликка) уришини, «наво» куйидан дунёсини унутиб йифлашини, ҳасрату аламини қўз ёшиси билан тўкиб йифлашини шунчалик ишончли ва таъсирchan тасвирлайдики, у тасвирдан сиз ҳам Отабек ҳолига тушасиз: таскин излайсиз, сархушликка бериласиз, борлингизни унутиб, йифлайсиз. Ҳа, **Самимилик юкувчандир. Самимилик бадиийликка уранса, юз бора таъсирчанлиги ошади, юкувчанлиги бениҳоя кўпаяди.** Қайта яратилган бадиий дунёни унутиб, гўё реалликда яшаётгандек ҳис этасиз. Бу, иккинчидан.

Маълумки, «Ўткан кунларнинг «Наво» куйи боби энг таъсирили ёзилган саҳналаридан бири, Отабекнинг аҳвол руҳиясини ҳаққоний ва самимиий очиб берувчи лавҳалардан.

Бу лавҳа асарнинг умумий фоясини ифодаси учун хизмат қилади. Китобхон шу воқеаларгача Отабекнинг «Энг ақли», «Худо ҳар нарсадан берган йигит», «Хон қизига лойиқ йигит», «Отасининг боласи» эканлигини билди. «Кутилмаган бир баҳт» туфайли соғ муҳаббатга эришган мард йигитлигига ишонч ҳосил қилди. «Ўғлизнинг вужуди билан орзунгизни қондириш осон булса ҳам, келинингиз қаршисида мени бир жонсиз ҳайкал ўрнида тасаввур қилингиз» деб, ота-она орзусига бўйсанишга мажбур бўлди. Фаришталар кўнглидек кўнгил эгаси — Кумуш ҳам Отабек унутмаслигига ишонч билан кундошликка розилик берди... Сўнгги Марғилонга келишида «совуқ кундош совфаси» бор эди. Балким, шу сабабли уни қайнотаси ҳайдагандир...

Бу воқеалардан ва Отабек феъл-авторининг мана шу хислатларидан хабардор китобхон, энди ҳайдалган куёвнинг руҳиясини, ҳолатини, тадбирларини билишни, Кумуш муҳаббатига қанчалик содиклигини, ҳижрон изтироблари уни қай аҳволга солиши мумкинлигини кўрмоқни истайди. «Наво» куйи боби китобхонни бир қадар шу истагини қондиради. Унда Отабек ақли ва туйғусидаги беғуборлик («Наво» куйи нола қилар, йиғлар, инграр ва Отабек ҳам «анови» хотираларини кўз ўнгига келтириб, кучини йиғиштириб йиғлар ва ҳасрату аламни қўз ёшиси билан тўкиб йиғларди), олижаноблик (қайнотасининг ҳайдаши сабабини билишга андиша қилишлик, иккинчи уйланганим натижаси деб билишлик), бекарорлик (Марғилонга тинимсиз ва на-

тижасиз қатнаш), қарама-қаршилик («ҳийлагарнинг... ўзи ҳам курсин, юзи ҳам!» ва бормай қолса кейинчалик ўзи ўкина тургандек..) билан танишади; ёзувчи шундай тасвирлайди:

«Марғилондан натижасиз, тамоман бўшга қайтиб Тошкентга келгач, Кумушни унугандек бўлиб, учтұрт кун у бу билан овуниб юрар, сүнгра ҳафта, ун кундан сўнг яна Марғилон түғрисида ўйлай бошлар, ўйлаб ўйининг тагига ета олмагач, ўзини қаёққа қўйишини билмай қолар, шундан сўнг ҳамма аламини Чукур қишлоққа ҳавола қилиб, ўн-ўн беш кун босиб ичганидан сўнг ичклиқдан ҳам лаззатланмай қолар ва шунинг ёнида унинг кўнгли бир нарсани бўйини олгандек сезинар, гўё Марғилонга борса бир гап бўладигандек, бормай қолса кейинчалик ўзи ўкина тургандек... Шундан сўнг тўсатдан Марғилон йўлига тушиб қолар, йўлда борар экан, ўзини тұрт кўз билан кутиб тургандек сезилган Марғилонга ҳар нимадир, бир соат илгарироқ етиш учун ошиқар эди. Лекин... лекин Марғилон дарбозасидан кириши ила унинг ҳоли ўзгара бошлар, юраги қинидан чиқар даражада ўйнамоққа олур, айниқса, пойафзал растасига яқинлашгач, унинг бу изтироблари шиддатланур, пойафзал растасининг яқини билан бунчалик ўзгаришда қолган Отабек растанинг ўзида қандай ҳолга тушмоғини тасаввурдан ожиз келур ва раста куринди дегунча отининг бошини чапга буриб юборар ва орқасидан кимнингдир «...борингиз, эшигим ёнида тұхтамангиз... уятсиз!» товуши эшитилгандек бўлар эди...» (221-бет).

Отабекнинг бу ҳолатини — тирик қалб изтиробини, севган эшигидан қувилган куёв изтиробини, ихтиёrsиз тарзда тинмай қатновчи содиқ ошиқ изтиробини, чигал тугунни қандай ечишни билмайдиган ориятли йигит изтиробини — ҳасрат, хўрлик, ҳақоратни, кучсиз умид ва ишончни «Наво» жонлантиради. «Наво» дастлаб ҳаётнинг азоб ва ухубатларини, алам ва кўз ёшларини жонлантирса, унинг «Савт» қисми ёруғлиқдан, нурдан, севинч ва умиддан хабар қиласи. Шунга мос тарзда Отабекнинг руҳи аниқ ва равшанлик касб этади, кечинмалари ўзгаради: «Наво» куйи унинг бутун танидаги сувларини кўзи орқали тўқдирди», «Савт» Отабекнинг кўз ёшларини қуритди»... «Наво» билан ювиллиб кетган умид гулзорида янги чечаклар униб чиқди...»

Хуллас, унинг характеридаги оромсизлик ва бесаранжомлик, алам ва умид қирралари очилади. Отабекни ҳаракатга, душманлар билан олишувга тайёрлай бошлади; үз баҳти учун курашишга асос ҳозирлайди. Шу тарзда асарнинг қисмларини, воқеаларини занжирдек бир-бирига боғлайди, Отабекнинг характеридаги оқизликни, мардликни, бекарор ва оромсизликни, яхшиёмонни тезда ажратиб олмаслик каби хислатларини очали. Демак, мазмун ва шаклнинг яхлит, бир бутунлигига, гоявий мазмуннинг таъсирдор бўлишига хизмат қиласди. Бу — учинчидан.

«Ёзувчи маҳорати, — деб ёзади И. Султон, айтмоқчи бўлган фикр, тасвиirlанаётган предмет ва руҳий ҳолатни энг аниқ ва энг ёрқин ифода эта оладиган сўз ва ибораларни топа билишдан иборатдир». Дарҳақиқат, «ёзувчининг дилида ажойиб туйгулар мавж уриб тургани билан, уларни китобхоннинг кўнглига етказиб берадиган ҳароратли, жозибали сўзлар топилмаса, ёзувчининг тили чинакам бадиий бўлмаса, ҳар қандай ижодий режа ҳам ҳайф бўлиб кетади» (П. Қодиров, «Ўйлар», 128-бет).

Балий асадаги ҳаёт — сўз воситасида яратилган экан, бадиий тил бевосита реал фикр ва ҳиссиётнинг образли ифодасидир. «Жажжи» (микро) образ, ҳар қандай сўз контекстда (бошқа сўзлар билан алоқада) ҳаётлигини, ўзининг хусусиятини, рангини, ҳидини, оҳангини кўрсата олади. Ёзувчи сўзнинг грамматик, лексик, стилистик маъно кўринишларидан энг зарур ва кераклигини контекстга мувофиқ ишлатади, яъни тасвиirlанаётган ҳаёт (эпизод, образ, характер)нинг моҳиятини чуқур очиб берувчи сўзларни танлайди. Танлаган ҳар қандай сўз адабий асада, албатта, маълум юкни ташиши лозим бўлади. У тасвиirlанаётган воқеанинг ҳаққонийлиги ва тўлалигини, қаҳрамоннинг ҳистийгулари, кайфият ва кечинмаларини ўзида мужассам этишига — шу юкни қанчалик кўтарганилигига қараб унинг аҳамияти ва кучини белгилаймиз.

«Ўтган кунлар» романида тасвиirlанган — ҳамманинг эсида қолган кўринишни диққат билан ўқийлик:

« — Нега қочасиз?! Нега қарамайсиз?! — деди бек. Кумушбиби шу чоқҷача қарамаган ва қарашни ҳам тиламаган эди. Мажбурият остида, ёвқарашиб билан сескингина душманига қаради... Шу қарашда бирмунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам бо-

сиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:

— Сиз ўшами?

— Мен ўша! — деди бек. Иккиси ҳам бир-бirisiga беихтиёр термулишиб қолдилар.

Кумушбиби оғир тин олиб:

— Кўзларимга ишонмайман! — деди.

— Мен ҳам! — деди.

Шу вақт икки лаб ўз-ўзидан бир-бirisiga қовушди... Кичкина нозик қўллар елка устига, кучли қўллар қўлтиқ остига ёпишдилар» (62-бет). Маълумки, сўз умумийликни билдиради. У бошқа сўзлар билан алоқага киришиб, муайян ҳолатдаги қаҳрамоннинг қалбига, ҳаракатига, қилифига мос бўлсагина — шу қалбдаги ҳис-туйғуларни, ҳарактердаги хатти-ҳаракатларни ифодалай олсагина у жонланади, ҳар бир китобхон қалбига кўчади, ўшандай ҳис-туйғуни бошқаларда ҳам уйғотади, тирилтиради.

Парчадаги бошқа сўзларни аҳамиятини пасайтирган ҳолда, энг оддий туюловчи «Сиз ўшами?» сўзига тўхтайди.

Бу сўз — узукка қўйилган кўз, кишинч бутун диққатини ўзига ром қилувчи гавҳар. Чунки учда Кумушнинг шу пайтгача кечирган изтироблари жамулжам: «Мен Сизни фавқулодда кўрганимдан бўён севиб қолгандим. Излаб, ўйлаб ўйимнинг охирига етолмай кўз ёшлар тўкандим. Ўй-хаёлим Сиз билан эди. Ичимдаги бу орзуни айтолмасдан, қанчалар қийналдим. Сизни ўша кўрганимдан бўён қанчалик қўмсаганимни билсангиз эди...» каби туйғулар... Бу туйғуларни «Сиз ўшами?» деган жумла билан жонлантириш, унга яна «Мен Сизни севаман» маъносини ўзбекона, Кумушона қилиб сингдириш — улкан санъаткорлик белгисидир. Душманнинг ўқувчи кўз ўнгида севимли ёрга, чимилдиққа кирган Кумушнинг кўз ёшлари ҳовлиларга эшитилган кулгусига, иккала севишган учун муҳаббатнинг — «кутилмаган бир баҳт»га айланиши каби ҳолатларни — аччиқ ва оғрикли туйғуларни ширин туйғулар қилиб жонлантириш ҳам А. Қодирий талантининг ёрқинлигидан, ҳам қаламининг мўъжизакорлигидан далолат беради, чунки бу парчадаги ҳақиқат бутун мураккаблиги ва тафсилотлари билан ўқувчи қалбига умрбод унуптилмайдиган севинч бўлиб, баҳт бўлиб, гўзаллик бўлиб кўчади.

Бундай мисолларни «Наво» куйи бобидан ҳам кел-

тириш мумкин, Отабекнинг чолгучига қараб, «ҳайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз» дейишида ҳам Отабекнинг қалб уришини, унинг қалбидаги оғир ҳақоратланишни, севганидан ажралишнинг ғзобини яққол жонлантиради. **Қисқа ва топиб айтилган** (Отабек онги ва қалбида пишиб етилган) рост сұзлар ила унинг ҳис-түйғуларининг мураккаблигини, нозиклигини равшан ифодалайди; бадийликни, демакки, таъсирдорликни юзага келтиради. Бу, туртинчидан.

Хуллас, бадий маҳорат — ёзувчининг бадий таланти ўлчовидир» (Ч. Айтматов). Унинг юқорида таъкидланган түртта белгиси ўлчовларнинг асосийлари булиб, улар бадий асада, яхлит, бир бутун булиб намоён бўлади. Бири-бирининг яратувчанлик ва таъсирчанлик хусусиятларини зурайтиришга, табийликни яратишга хизмат қиласди. Бадий маҳорат, бир томондан реал ҳаётдаги янгиликни кўра билиш ва уни адабиёт воситалари ила таҳлил қила билиш санъати бўлса, иккинчи томондан санъатнинг сирларини, техникасиги, минглаб ҳиссий-тасвирий воситаларни чукур билишга боғлиқдир. Бу икки томон диалектик алоқада бўлса, узвий бирлашган ҳолда «тасвирлашга ният қилинган қаҳрамонларнинг ҳаётини бутун тўлалиги ва аниқ нуқталари билан кўра билишга» (Ч. Айтматов) хизмат қиласа, тасвир ўқувчини ҳаяжонга сола билса, ана шундагина ҳаётнинг катта ҳақиқати ўзининг тугал ва гўзал ифодасини топади.

Маҳоратни эгаллаш узлуксиз давом этадиган, чегарасиз жараёндир. Ёзувчи ўз ижодининг маълум даврида — уста санъаткор даражасига кўтарилиши мумкин. Агар у шу билан чекланса, бадий маҳоратини ўстирмаса, ҳаётдан ва санъатдан ўрганишда давом этмаса, у орқага кетаверади, ўқувчилари сони камаяверади. Демак, ўрганиш, қашф этиш тўхтаган жойда талант кучи, таъсири сусая бошлайди. Талант янгилик бермагач, чайналган «қашф»ларни — ясама, сунъий гулларни тақдим қила бошлайди...

#### IV. Ҳаётий ҳақиқат ва бадий ҳақиқат

**Таяни сўз ва иборалар:** Ҳаёт. Ёзувчи. Гоявий-бадий мақсад. Ҳаётний ҳақиқат. Ҳаётний ҳақиқатнинг таҳлили. «Бемор» ва А. Қаҳҳор. «Адабиёт муаллими» ва ҳаёт. «Ўткан кунлар»даги Юсуфбек ҳожи ва Алижон домла.

Адабиёт ва санъат сирларини етарли тушунмаган китобхон реал ҳаёт билан поэтик реаликни, табиат билан санъатни, бошдан кечирилган билан тасвирланган кечинманинг фарқига бормаслиги, ҳаётни адабиёт билан бараварлаштириши мумкин.

Шунинг учун ҳам реал ҳаёт билан поэтик ижоднинг муносабатлари муаммосини текшириш бадий ижод жараёнини тўғри ва асосли тушунишга олиб келганидек, ёзувчилар ижодий лабораториясининг баъзи қирраларини ҳам таҳлил қилишга имкон беради.

Баъзи китобхонлар ўйлагандек, ёзувчилик ҳаёти-мизда, турмушимиизда рўй берувчи ҳамма нарсалар ҳақида ҳикоя қилиш билан чекланмайди. Агар шундай бўлганда, бундан осон иш бўлмасди: бир кунда юз берадиган саноқсиз воқеа-ҳодисалардан бир нечта китоб ёзиш мумкин бўларди. Ёзилганда ҳам бу китоблар турмушнинг ва одамларнинг кучсиз, ҳеч кимни қизиқтирумайдиган оддий нусхаси (копияси) бўлиб қолаверарди. Унда ҳаётнинг муҳим ва кераксиз, зарурий ва тасодифий, биринчи ва юзинчи даражали нарсалари аралаш-куралаш ҳолида бўларди, ўқимоқчи бўлган одам зерикиб «уларди».

«Олим, — дейди И. Гончаров, — ҳеч нарсани яратмайди, балки табиатдаги тайёр ва яширин ҳақиқатни очади. Санъаткор эса ҳақиқатга ўхшаш нарсани яратади, яъни у кузатган ҳақиқат фантазиясида аксини топади ва бу аксни ўз асарига олиб ўтади... Демак, бадий ҳақиқат ва ҳаёт ҳақиқати бир хил нарса эмас. Турмуш ҳаётдан бутунисича санъат асарига олиб кирилса, у ҳаётий ҳаққонийлигини йўқотади ва бадий ҳақиқат ҳам бўлмайди...»

**Санъаткор тўппа-тўғри табиат ва ҳаётдан ёзмайди, балки унга ҳақиқатан ўхшаш қилиб яратади. Ва худди ана шунда ижод жараёнининг моҳияти мужассамлашган...»<sup>1</sup>** (Таъкидлар бизники — Х.У.).

Ёзувчи ҳаёт ҳақиқатига ўхшаш нарса (бадий ҳақиқат)ни яратиш учун, ҳаётий факт ва ҳодисаларни ўзининг руҳий лабораториясида «қайнатиши», ишлаши, синтезлаштириши, яъни тасаввuri, хаёли, тажрибаси, қалби, дунёқараши, табиати билан бойитган ва муайян мавзуга, фояга хизмат қилувчи энг зарур деталларни, характерли ва керакли факт ва ҳодисаларни танлашни,

<sup>1</sup> И. Гончаров. Собр. соч. в восьми томах, Т. 8, М, «Художественная литература», 1980, с. 140—141.

ган ҳолда тугаллик касб этган ҳаётни яратиши лозим. Ана шундагина «санъаткор — уйдирмалар ижодкори — одамларни худо, табиат ёки тарих яратганидан кура айлороқ, мислсиз даражада гузал қилиб ярата олади» (А. Горький).

Демак, Абдулла Қаҳхор айтганидек, бадий ҳақиқат «ҳаёт ҳақиқатини күнгил призмасидан үтказиш, уни ҳис қилиш, унга ўйлаб юрган гапларингни сингдириш, тилак ва идеалларингни қўшиб ифодалаш билан юзага келади. Бадий ҳақиқатни туғдирадиган, маҳалла комиссиясининг «бунга ишонинглар» деган мазмундаги справкасига ҳожат қолмайдиган факт ва уйдирма меъёрини топишнинг мушкуллиги ҳам худди ана шундадир».<sup>1</sup>

Демак, реализм адабиёт ривожининг етук босқичи бўлиб, у бўлиши мумкин бўлган ҳаётни, реал ҳаётдаги одамларнинг образларини жонлантиради: асл ҳаётга нисбатан тасодифлар, икир-чикирлардан холи бўлган; тўликроқ, таъсирироқ, ишончлироқ қилиб қайта яратилган оламнинг тасвирини беради.

**ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИЙ ҲАҚИҚАТ.** Бадий ҳақиқатнинг асоси ҳаётдир. Чунки, ёзувчининг кўрган-билгандарни шахсий тажрибаси, кечинма ва таассуротлари бадий асарни юзага келишида энг асосий омил саналади. Ёзувчи ҳамма вақт ҳаётий факт ва ҳодисалардангина туртки олиб, бадий ҳақиқат кашфи томон йўл олади.

«Кўпчилик каби мен ҳам, — деб ёзади А. Қаҳхор, — ёзувчилик» нималигини, шахсий тажриба, таассуротлар адабий асар учун ниҳоятда қимматли материал бўлишини тушуниб олгунимга қадар анча овора бўлгандан. Буни билиб олганимдан кейин болалик чогимда кўрганим, одамлар, ёшлигимда содир бўлган воқеа-ҳодисалар бошқача бўлиб кўринди. Ўтмиш чуқур ертўлалардаги шароб сингари хотирада тинийди, орадан қанча вақт үтса, шароб шунча тиниқ ва кучли бўлганидай, ёшликда кўрган-кечирганлар энг соф ва кучли хотиралар бўлиб, умрбод эсдан чиқмайди.

Ўтмишдаги ана шу таассуротларим кейинчалик, кўпгина ҳикояларим учун асос, йирик асарларимга эпизодлар бўлиб хизмат қилди».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> К а н г: «Адабиётимиз автобиографияси», Т., 1973, 211-бет.

<sup>2</sup> А. Қаҳхор. Ҳаёт ҳодисасидан бадий тўқимага: «Адабиётимиз автобиографияси», Т., 1973, 196-бет.

Худди шунингдек, «Кутлуғ қон»нинг юзага келишида Ойбекнинг ўз күзи билан кўрган воқеалари, хотирасида учмас из қолдирган ўтмиш ва буларни айтиш учун етарли тажриба тўплангани асос бўлган. Ҳамид Фулом менинг «Машъал», «Мангулик» асарларимга ўзимнинг кўрган-кечиргандарим, илк совет мактабида ўқиб юрган кезларим болалик хотирамда қолган таассуротлар асосида гавдалантирилган<sup>1</sup>, — деяр экан, ёки Мирмуҳсин «Романда («Дегрез ўғли»— Ҳ.У.) акс этган воқеалар ичига бўлмаганимда эҳтимол шундай асар яратилмас эди...»<sup>2</sup> «Умид»даги воқеалар боя айтганимдай, китобдан таъсирланиш оқибати эмас, ҳаётни кузатиш самараси. Бу роман оз вақтда ёзилган бўлса ҳам, унда узоқ йишлик ҳаётий тажрибаларимни, кузтишларимни ифода этмаганман»<sup>3</sup>, — деб ёзар экан, бундан кўринадики, шахсий ҳаётий тажриба ва таассуротлар санъаткор учун жуда яқиндан таниш бўлган материални белгилаб беради, бу материал эса бамисли хазина — кон. Лекин, бу шундай хазинаки, ундан исон руҳи, худди олтин заррачалари рудалар қаърида бўлганидек, ҳаёт факт ва ҳодисалари ичига аралаш-қуралашдир. Ёзувчи муайян гоявий-бадиий мақсад асосида ҳаётни қайта яратар экан, худди ана шу мақсаднинг бир бутунлигини, мафтункорлигини таъминлашга қодир бўлмаган кераксиз ва фойдасиз факт, ҳодисалардан воз кечади, энг характерли, зарурийларини танлайди, саралайди; ўзида (хотирасида, қалбида, зеҳнида) борини қўшади. Токи асар яхлит ва тугаллик касб этмагунча бу жараён узлуксиз давом этаверади.

«Маъдан заводларида магнит кранлар бор. Бир четда темир-терсаклар, гишт ва ёғочлар аралашиб, бетартиб уюлиб турган бўлса, магнит крани юқоридан тушиб келади-ю, ўзига керакли маъданни тортиб олиб чиқиб кетади. Маълумки, магнит фақат темирни, пўлатни ўзига тортади. Магнитга тортилмайдиган гишталар, ёғоч ва кесаклар жойида қолаверади.

Ёзувчининг ўз олдига қўйган гоявий-бадиий мақсади мана шу магнит кранидай хизмат қилади, — деб ёзади П. Қодиров. — Ижодкор ўз ихтиёрида бор объек-

<sup>1</sup> Қаранг. У. Норматов. Талант тарбияси, Т., 1980, 68-бет.

<sup>2</sup> Шу китоб, 53-бет.

<sup>3</sup> Шу китоб, 58-бет.

тив ва субъектив имкониятлардан тұлиқ ва самарали фойдалана олмаса, ижодий ихтиро қылолмайди»<sup>1</sup>.

Күринағиди, бадий ҳақиқатнинг заминида ҳамма вакт ҳәёттің тажриба, реал фактлар, реал кечинмалар ётади. Лекин, унинг бадий тұқима билан үйғунылиги қай даражада бұлиши керак?

Абдулла Қаҳхор ёзади:

«Бемор» деган ҳикоямда тасвирланған воқеага үшаш ҳодиса үз бошимдан үтган. Үн учинчи йиллар бұлса керак, беш яшар бола әдим. Құқонга яқын Яйпан қишлоғида турардик. Онамнинг ой-куни яқынлашиб, уни дард тутарди өчі, қоронғи кулбамиз ичидә күрпастышак қилиб ётар, ичкаридан унинг бүғиқ инграши, жонини құярга жой тополмай қичқириши әшитиларди. Яйпан катта қышлоқ әди, бироқ у ерда врач йүқ, тиббий ёрдам нима эканлигини хәлелимизга ҳам келтиролмасдик. Бундай ҳолларда құни-құшниларникига югурилар, кексароқ хотинларни айтіб чиқылар, унинг дояликни үддалай олиш-олмаслиги билан ҳеч кимнинг иши бұлмас, кекса бұлса, бу соҳада күзи пишган бұлса бас, ҳар қандай кампир бу ишга ярайверарди.

Биз Яйпанга яқында күчиб келган, у ерда қариндош-уруғларимиз йүқ әди, шу сабабли отам құшни хотинни қақыриб чиқди. Хотин келиб, аям ётган уйга кириб кетди. Кеч кирди. Мени уйқу боса бошлади.

Ёнимда үтирган отам бирдан үрнидан турди. Құзимни очдим, тепамда ҳалиги құшни хотин турарди. «Тинчликми?» — ҳовлиқиб сүради отам. «Тинчлик, лекин қийналаяпти, бечора...» Кампир жим булыб қолди, кейин менга ишора қылди. «Болага айтинг, худодан сұрасын, боланинг гунохи йүқ, унинг дуоси тез ижобат бұлыб, худойим йүл берса, шұрлік омон-эсон қутулса ажаб әмас...» Отам менга томон энгашди: «Ә худо, аямга нажот бер» дегин, деди. Отам күркүв ва жаҳл аралаш мени қистарди: «Бұл тез, нега имиллайсан». Дуо қила бошладим, бу орада бир-икки йиглаб ҳам олдым, кейин ухлаб қолибман. Эрта билан уйғонсам аямнинг күзи ёрибди.

Ҳикояда бирмунча бошқачароқ ҳаёт тасвирланған. Бир хотин оғир дард билан узок өтіб қолади-ю, эри уни докторға боқизишиңа қурби етмайди ва арзонарвоқ ҳақ оладиган мулла, табиб, кинначига бори-

<sup>1</sup> Қарантин: Адабиёт назарияси, 11-том. Т., 1979, 109—110-бетлар.

шига, кейин эса, энг сүнгги чора сифатида, құшни кампирнинг «бегуноқ гұдакнинг сақарда қылған дуоси ижобат бұлади» деган маслағати билан иш тутишга мажбур бұлади... У ҳар куни сақарда туриб, тұрт ёшли қызасини уйғотади ва уйқу ғашлиги билан йиглаб турған қызига дуо ўргатиб, уни тақрорлашға мажбур қилади. Бемор аёл бир куни оғирлашиб, сақар вақтида ұлади. Эри қызасини үлік ёнидан олиб, бошқа ёққа ётқизаётганды қызча уйғонади ва құзини очмасдан одатдағына дуо қилади: «Худоё аямди дайдига даво бейгин...» дейди.

Сиртдан қараганда ҳикоя бошимдан кечган ҳодисаға унча ұшамайды. Ҳақиқатдан, бизнинг хонадонимизда бұлыб ұтган бу воқеа моҳияти эътибори билан ұша давр учун ниҳоятда харәктерли ҳодиса әди. Унинг бутун фожиаси ҳам худди ана шунда — камбағал, жағолатда умр кечирған одам учун одатдаги воқеа эканлигіда әди. Аммо шунинг үзи кифоя құлмас, инсоннинг ҳаёт-мамот, ҳолатини, унинг ниҳоятда оғир турмуш шароитидаги ұша noctor ахволини, ұлымға мақкум қилиб құйилғанини күрсатиш талаб қилинарди.

Ҳар ҳолда мен учун «Бемор» ұша болалигимдаги таассуротларим билан чамбарчас bogliq. Сюжет таас-суротларни үз ичига олғанлиги учунгина әмас, балки бутунлай ұша таассуротларға асосланғанлиги учун ҳам шундайдыр. Мен фактни ұзғартырап эканман, ҳаёт ҳақиқатига қарши бораётібман, деб мутлақо үйлаган әмасман. Аксинча, ҳикояда ҳаётни худди шундай күрсатиб тұғри иш құлғанлигимни әнді билдім: беш ёшлигимда аямдан ажралиб, етим қолишим ұша давр шароитида ҳеч гап әмас эканлигини, бу жудолик натижасида юз бериши мүмкін бүлған бутун даҳшатларни ва бунинг барча оқибатларини әнді тушуниб етдім. Үтмишнинг даҳшатли манзараларини хаёл үз-үзидан түлдіради».<sup>1</sup>

Күринаяптика, А. Қаҳжор бошидан кечирған ҳаёт ҳақиқати билан ҳикоядаги бадий ҳақиқат үртасида катта фарқ мавжуд:

Ҳаётда Абдулла Қаҳжорнинг аясини дард тұтса ва охирі күз ёриши билан тугаса, ҳикояда Сотиболдининг хотини касалға чалинади ва охирі вафот этади.

<sup>1</sup> А. Қаҳжор. Ҳаёт ҳодисасидан бадий тұқымага: «Адабиётимиз автобиографиясы», Т., 196—199-бетлар.

Ҳаётда беш ёшли Абдулла отасининг ўргатишича, «Э худо, аямга нажот бер», — деб дуо қилса, ҳикояда тўрт яшар қизча қўшни кампирнинг ўргатганича, «Худоё аямди дайдига даво бейгин...» деб дуо қилади.

Ҳаётда Яйпанда врач йўқ, тиббий ёрдам нималиги ни хаёлга келтира олмасалар, ҳикояда «Докторхона деганда Сотиболдининг кўз олдига извош ва оқ подшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келар эди».

Ҳаётда Абдулланинг отаси — темирчи бўлса, ҳикояда Сотиболди — Абдуғанибойнинг батраги, «хонаки бир касб» эгаси, қарздор камбағал...

«Бемор» ҳикоясида ёзувчининг гоявий-бадиий мақсади — ўтмиш ҳаётнинг фожиаларга тўла аччиқ тақдирини, ночор аҳволини кўрсатиш воситасида ижтимоий тенгсизликни фош этишдир.

Ҳикояда ҳамма унсурлар ана шу мақсадга бўйсундирилади, ортиқча нарсалар тушириб қолдирилади, етмагани хаёлан тўлдирилади. Шу асосда Сотиболди хотинининг оғриб қолиши, bemornинг хўп азоблар тортиши ва жаҳолат ботқоғида яшаётган тўрт яшар қизчининг оҳу-зорига қарамай вафот этиши — ўтмишнинг аччиқ бир тугал лавҳаси яратилади.

Юқорида айтганимиздек, ёзувчининг вазифаси ҳаётнинг айнан (копияси) нусхасини бериш эмас, балки бўлиши мумкин бўлган ҳаётни тасвиirlаш экан, ёзувчи ўз бошидан кечирган ва курган, эшигтан воқеаларни онг ва қалб призмасидан ўтказади. Ўша давр шароитида етим қолиш ҳеч гап эмаслигини, жудолик даҳшатлари ва оқибатларини хаёлан тасаввур қилар экан, камбағал, ниҳоятда оғир турмуш кечирган Сотиболди, унинг хотини ва қизасининг фожиаси, аччиқ тақдирни жонланади, кўз олдига келади.

Ёзувчи ҳаёт фактларини ўзgartирса-да, лекин болаликнинг соф ва бефубор таассуротлари, ҳаётий тажриба асосида тасвиirlанаётган ҳаётнинг жонлантирилиши тасвиirlанинг ҳиссийлиги, гўзаллигини таъминлайди. Ана шу ҳаётнинг холис ва самимий тасвири умумлашма даражасига кўтарилади ва бизда ўтмишдаги ижтимоий тенгсизликка қарши кучли нафратни уйготади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор», «Кўр кузнинг очилиши», «Минг бир жон» ҳикоялари ҳам худди шу усулда яратилгандир.

Демак, бу хил усулда яратилган асарларда санъаткор образ ёки сюжетни яратар экан, у тўлифича ҳаёт

ҳақиқатига мос бўлмайди. Масалан, «Бемор»да Сотибоддининг хотини улади, ҳаётда эса А. Қаҳҳорнинг аяси кузи ёрийди. «Минг бир жон»да Мастиура тузалиб кетади, ҳаётда Тўрахон аянинг қизи вафот этади ва ҳ.к.

Ёзувчи ҳаётнинг конкрет ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш жараёнида, уни онгли равишда «буздади», «адолат юзасидан иш тутади». Бу билан биринчи ҳикояда ижтимоий тенгисизлик ҳукм сурган жамият камбагал, ночор, бемор аёлни ўлимга маҳкум этишини кўрсатса, иккинчи ҳикояда инсоннинг ҳаётга муҳаббати бекиёс даражада қудратли кучга эгалигини чукур акс эттиради.

Ёзувчи, умуман шу усулда яратилган асарларда, хусусан икки ҳикояда ҳам тасаввур ва таассуротларнинг ҳамма маълумотлари хотирасининг маълум «чукурлик»-ларидан келиб чиқаётганини сезади ва яхлит, тугаллик касб этган асарнинг лавҳалари (қисмчалари) қандай фактлар ва кузатувлар асосида юзага келганлигини кўрсата олади.

Бошқача усул ҳам мавжуд. Бу усулда яратилган асарларда қачонлардир олинган кечинма, таассуротларга нисбатан тасаввур эркин ҳаракат қиласди; у қачондир билинган ва бошдан кечирилган нарсадан, гарчи унинг конкрет кўриниши, объектив ҳақиқат бўлмаса ҳам яхлит нарса яратади. Бу асардаги бадиий ҳақиқат ҳаёт ҳақиқатига шунчалик мос тушадики, гўё кашфиётдек туюлади.

Яна А. Қаҳҳорнинг ижодий лабораториясига қайтамиз. У ёзади:

«Менинг «Ўгри» деган ҳикоям 1936 йили, худди Чехов асарларини берилиб ўқиб юрган давримда ёзилган эди. Ҳикоя болалигимда қуршаб олган турмуш, эски даврни кўрсатишга бағишиланган. Аммо мен «Анор»даги Бабар, «Бемор»даги ўзимнинг онам («Минг бир жон»даги Тўрахон аянинг қизи — Ҳ. У.) сингари, бу ҳикояда «модель» хизматини ўтаган одамни кўрган, воқеанинг шоҳиди бўлган эмасман. Бу картинаси, гарчи уни ёзишда хотирамда қолган ва ён дафтаримдан олинган баъзи тасвир воситалари ҳамда деталлардан фойдаланган бўлсан ҳам, ўзимча тасаввур қилганман, ўйлаб чиқарганман. Гап бу сафар хотира дафтаридан олинган ана шу деталлар устида кетаяпти. Улардан характерлар қад кўтарди. Бу эса прозада деталнинг аҳамияти ва имкониятлари юзасидан менга Чехов то-

монидан берилган таълимнинг ниҳоятда муҳим самараси эди.

Кунларнинг бирида хотира дафтаримга халқнинг ҳазил-мутойибалидан «Йўқолмасдан илгари бормиди?» деган иборани ёзиб кўйдим. «Ўгри» ҳикоямни ёзаётганимда шу иш бериб қолди. Шунчаки беғараз ҳазил учун айтиладиган бу иборани кекса деҳқон ҳўқизни ўғирланганидан шикоят қилиб боргандада аминнинг тилидан айттирган эдим, ўткир пичинг маъно касб этди. Менинг ихтиёrimдан ташқари ижтимоий умумлашган кучга эга бўлди, айни чоқда, индивидуал шахс характерини очиб юборди.

Бу ҳикояни мен бошдан-оёқ деталлар, характерли савол-жавоблар асосига қурганман. Кейин ҳаётда ўрнитагида йўқ кекса деҳқон, унинг устидан мазах қилувчи, фаразларим самараси бўлган амалдорлар ҳам мен реал ҳаётдан кўчириб ёзган илгариги қаҳрамонларга қарагандада бирмунча жонлироқ эканлигини кўриб ҳайратда қолдим ва севиниб кетдим»<sup>1</sup>.

Муаллифнинг ушбу гувоҳлигидан ҳам кўринаяптики, А. Қаҳҳор ҳаётда Қобил бобони ва ҳўқизнинг йўқолиши натижасида элликбоши, амин, тилмоч, приставлар билан бўлган аччиқ саргузаштини — картина «модель»нинг шоҳиди бўлган эмас, ўзича тасаввур қилган, ўйлаб чиқарган.

Ҳаётда айнан шу воқеа («модель») бўлган бўлмасада, лекин ўтмишда Қобил бобо сингари қадр-қиммати ерга урилган, бошига «ташвиш» тушган камбағалларнинг эл-юрт устунлари томонидан сунгги бор-шудигача талон-тарож қилиниши, «отнинг ўлими — итнинг байрами»га айланиши ҳодисаси минглаб оддий кишилар тақдирига ҳамоҳанг эканлиги объектив ҳақиқати эди. Шунинг учун ҳам А. Қаҳҳорнинг ҳикояда яратган бадиий ҳақиқати реал ҳаёт ҳақиқатига шунчалик хос ва мос келадики, бундан ёзувчи севинади, ҳайратга тушиди.

Иккала усулда ҳам яратилган асарлардаги бадиий ҳақиқатга хотира материали, шахсий ва ижодий тажриба асосидир. Бизга кашфиётдек туюлган (Туробжон, унинг хотини; Сотиболди ва унинг хотини ҳамда қизчаси, Мастура, Қобил бобо, элликбоши, амин, пристав) образлар шахсий кузатишларга, кечинмаларга ва

<sup>1</sup> А. Қаҳҳор. Ҳаёт ҳодисасидан балий тўқимага: «Адабиётимиз автобиографияси», Т., 1973, 214—215-бетлар.

аниқ тасаввурларга асосланғандир. Агар бириңчи усулда ҳамма нарса онғли равища юзага келса ва бадий ҳақиқат тажриба билан исботланса, иккінчі усулда гүё у бадий ҳақиқатни «ўйлаб чиқаради», шахсий тажрибанинг баъзи қирраларидан (хотира дафтаридан олинган йўқолмасдан олдин бормиди?) деталидан фойдаланилса ҳам, образ ва воқеаларни кузатмасдан, тасаввур орқали жонлантиради.

«Биз ҳаётин қақиқатнинг бадий ҳақиқатга айланиши ҳақида ёзганимизда кўпинча шундай таассурот туғиладики, ижодий жараённинг йўналиши доим ҳаётий ҳақиқатдан бадий ҳақиқатга томон боради. Объектив воқелик бирламчи эканлиги шубҳасиз, лекин бундан «ижод жараёни фақат сувга ўхшаб, юқоридан пастга қараб оқади. Яъни биттагина йўналишдан боради деган хулоса чиқмаслиги керак. Ижод жараёнида сувдан кўра электр зарядларига ўхшайдиган хусусиятлар кўпроқ. Бу зарядларнинг бош манбай ҳаёт бўлса ҳам, лекин йўналиш худди яшин ва чақмоқнинг йўналишидек ниҳоятда хилма-хил бўлади. Баъзи ҳолларда ёзувчи ҳаёт ҳақиқатига бошқа ижодкорлар томонидан яратилган бадий ҳақиқат орқали йўл топади.

«Анна Каренина» романининг ilk режаси Л. Толстойнинг хаёлига Пушкиннинг прозасини ўқиб ўтирган пайтида келади. Ф. Достоевский яратган Раскольников образининг асосий концепцияси Бальзак асарлари таъсирида туғилади...»<sup>1</sup>

Худди шундай ҳолатларни ўзбек ёзувчилари ижодида ҳам кўриш мумкин. Ойбек «Евгений Онегин» (А. Пушкин) таржимаси билан шуғулланар экан, «Кутлуг қон»ни ёзиш фикрига келади. А. Қаҳҳор А. Чехов асарларини ўқиркан, у «нарса ва ҳодисаларга қараб, уларни қандай куринишни ўргатганини» ва «Миллатчилар», «Бемор», «Ўтмишдан эртаклар» каби асарларнинг Чехов таъсирида юзага келганligини таъкидлайди. А. Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикояси Қурбон Берегин деган таниши айтиб берган воқеалар таъсирида юзага келган бўлса, П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романининг юзага келишида Бобур ҳақидаги тарихий манбалар, ҳужжатлар билан бир қаторда «Бобурнома» асарининг ҳам салмоқли таъсири борлигини кўрамиз.

Демак, бу усулда билвосита тажрибанинг далиллари

<sup>1</sup> Адабиёт назарияси, 11-том, Т., 1979, 113-бет.

ишга тушади; бу далиллар бирор-бир кишидан эшитилган, ё китоблар мутолааси натижасида туғилган, ё тарихий ва бошқа манбалардан олинган бўлиб, ёзувчи уларни тирилтириши ва яхлит нарсага айлантириши лозим бўлади. Бундай пайтда тасаввур ўзининг конкрет ва жонлилиги, кенглиги ва салмоқдорлиги билан ажралиб туради. Ёзувчи тасаввури ўтмишнинг жонли таассурот ва кечинмаларига бой бўлса ва шахсида ҳақиқат ҳиссиёти кучли ривожланган бўлса — яратилган бадиий ҳақиқат (бадиий асар) ҳаёт ҳақиқатига (ҳаётга) мос келаверади.

А. Қаҳҳор «Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага» номли ўз ижод жараёни таҳлилига бағишлиган мақолосида ёзади:

«Адабиёт муаллимни» ҳикояси ёзилгунга қадар ва ундан кейин ҳам мен жуда кўп саводсиз адабиёт ўқитувчиларини кўрганман. У пайтда бундай «ўқитувчилар» кенг тарқалган эди, чунки илгари жаҳон ва рус классиклари асарлари жуда кам таржима қилинган, рус тилини қўпчилик, айниқса, қишлоқда яшовчилар унча яхши билишмасди, аксарият ўқитувчиларнинг билими хрестоматияларда бериладиган парчалардан нарига ўтмасди. Буни ҳам улар имтиҳон топшириб, диплом олиш учун зарур бўлганлиги учунгина ўқишган. Бундай одамларнинг ўз фанларини билмасликларигагина эмас, ҳатто тушунмасликларига ҳам ажабланмаса бўлади. Эсимда, бир куни қариндошларимиздан бири отпускага келди. У адабиёт муаллимаси эди. Кечкурун у театрга борди. Саҳнада таржима пьеса кўрсатилаётган экан, спектаклни кўриб, уйга жуда хуноб бўлиб келди: ахир бу қанақаси, саҳнада ўрисларни кўрсатишиди, лекин улар нуқул ўзбек тилида сўзлашади!

Бироқ ҳикояни ёзишга Курбон Берегин деган танишим айтиб берган бир неча воқеа туртки бўлган. Берегин Марказий Комитет аппаратида ишларди. 1936 йили у мактабларда адабиёт ўқитишини текшириш учун тузилган катта бригада составида Самарқанд областига борган эди. У сўзлаб берган фактлар ҳақиқатдан ҳам кулгили эди.

Дарсда А. Гор'кийнинг «Она» романини ўтган бир ўқитувчи ҳеч эсимдан чиқмайди. Комиссия унинг дарсига киради, ўқитувчи комиссияни писанд қилмай тоза «олиб қочади». Лекин ўша дарсда «Она» романини ким ёзганлигини билмаслиги очилиб қолади. Берегин ўша дарсни кула-кула менга сўзлаб берган.

Текшириш натижаларини кенг муҳокама қилиш мүлжалланган эди. Бироқ, афтидан, муҳокама бўлмаган, ҳар ҳолда, мен у ҳақда ҳеч нарса эшитганим йўқ ва тўпланган фактларнинг биттаси ҳам матбуот қўлига тушмайди. Шундан кейин ана шу темада жуда ҳам ҳикоя ёзгим келаверди. Берегин тасвирлаб берган ўша ўқитувчи хаёлимни банд қилиб, ҳеч назаримдан нари кетмади. Мен унинг дарсидагина эмас, уйидаги қилиқларини ҳам, бутун интилишлари, адабиётга қанчалик алоқадор эканлигини ҳам тасаввур қилдим. Ҳикоя композицияси ўз-ӯзидан тиклана борди. Фақат Горькийнг «Она»си ўрнига унда Чехов асарларидан фойдалаъдим. Бунинг сабаби Чехов яратган образлар бутун ақлхушимни чулғаб олганлиги эди»<sup>1</sup>

Гарчи Қурбон Берегин айтиб берган бир неча воқеа ҳикояга асос бўлган ва ёзувчи ҳаёт ҳақиқатига ана шу орқали йул топган бўлса ҳам, барибир асос — ҳаёт бўлиб қолаверади. Чunksi, бадий ҳақиқат ҳаётнинг тури-туман ҳодисалари ичida бекиниб ва сочилиб ётади. Гап ана шу ҳақиқатни қайси йўллар билан бўлмасин (ҳаёт ҳақиқатидан — бадий ҳақиқатга ёки бадий ҳақиқатдан — ҳаёт ҳақиқатига томон бормасин) бир бутунлиги, ҳаққонийлиги, юқумлилитигини таъминлашдадир.

Хуллас, юқоридаги фикрларимиздан равшан була-яптики, ёзувчи онгода маълум бир ҳаёт ҳодисасининг аломатлари тўпланади. У ана шу ҳаёт ҳодисасига ҳамоҳанг бўлган кўрган-билганларини, бошидан кечирган кечинмаларини, хотира ва шахсий тажрибасидаги ҳодисаларни у билан синтезлаштиради. Ҳар томонда тарқалиб ётган ҳодисаларни муайян фоя атрофига уюштиради ва бир бутун нарса ҳосил қиласади. Тасаввур ҳамма фактларни «жиловлади», ёзувчи мақсад сари интилган сайин, ўзининг шахсий ҳаёти ва тажрибаси давомида туплаган, «теша» тегмаган, чукиб ётган ўхшаш хотиралар, кечинмалар, ҳолатлар уйғонади, юзага чиқади, уни ҳаяжонга солади. Реал ҳаёт билан ёзувчининг ўз олами диалектик алоқага киришади, бир-бирiga сингади. Бири-бирини тулдиради, бири-бирини юзага чиқаради.

Шунинг учун ҳам асарда тасвирланган воқеа-ҳоди-

<sup>1</sup> А. Қаҳҳоғири. Ҳаёт ҳодисасидан бадий туқимага: «Адабиётимиз автобиографияси», Т., 1973, 206—207-бетлар.

салар, қаҳрамонлар турмушдаги фактларга ва одамларга ўхшайды. Ана шу ўхшашликка асосланиб, баъзи китобхонлар у ёки бу асардаги воқеа ва қаҳрамонларни ёзувчи ўйлаб топганига ишонмайдилар.

Уларнинг тушунчасича, ёзувчи яратган воқеалар, ҳодисалар ҳаётда айнан бўлган воқеалар ва қаҳрамонлар эса бор кишилардир. Айни пайтда, асарнинг бош қаҳрамони — ёзувчининг ўзидир...

Лекин бу тушунча нотўғри эканлигини ёзувчи П. Қодиров ҳам асосли таъкидлайди: «... мен ўзим «Кутлуг қон»ни ўқиган ўсмирилик пайларимда ҳаммасини воқеий деб ўйлаганман. У пайтда мен адабиётни яхши билмас эдим, агар ўшандада бирор «Йўлчи ҳаётда бўлган эмас, уни ёзувчи ўзи ўйлаб топган» деса, мен ишонмас эдим. Ишонсан, китобдан ихлосим қайтиши мумкин эди. Кейинчалик бир журнал редакцияси Ойбек билан қилган сұхбатларини ёзib олиб, эълон қилди. Бу сұхбатда Ойбек Йўлчининг прототипи бўлмаганини, «Кутлуг қон»даги кўпчилик воқеалар ва қаҳрамонларни ёзувчи ўзи ўйлаб топганини айтади.

Илгари мен романнинг қаҳрамонларига қанчалик қойил қолган бўлсам, энди бу қаҳрамонларни шунчалик ишонарли ва таъсири қилиб яратган ёзувчига ўшанчалик қойил бўлдим. Чунки тайёр ҳолдаги ҳодисаларни, одамларни воқеий қилиб тасвирлашдан кўра, аслида воқеийдай туюладиган, лекин таъсири кучи, умумлаштириш қурдати, воқеийдан ҳам баланд турадиган қаҳрамонлар яратиш мушкуроқ ва шарафлироқ эканини мен энди билдим...

Ёзувчи бутун асарни ҳаётдан олиб ёзган, фақат ҳаётдан жун нусха кучириб ёзган эмас, балки фактларни ўз ҳаётий тажрибаси ва фантазияси билан омухта қилиб, уни керагича ўзгартириб ёзган»<sup>1</sup>.

Ҳаёт билан поэтик ижоднинг, факт билан тўқиманинг ўзаро алоқаси, улар ўртасидаги меъёр масаласини тўғри тушуниш учун Fa�ур Fулом ижодига, унинг «Шум бола»сининг яратилиш тарихига мурожаат қиласлийлик. У илҳом билан ёзилган асар — зарурият орқали юзага келишини таъкидлаб, ёзади:

«Ҳар қандай проза асарини ёзиш менга қийин бўлса ҳам, лекин «Шум бола» устида ишлатганимда кайфи-

<sup>1</sup> П. Қодиров. Ўйлар. F. Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1971, 115—117-бетлар.

чоғлиқ мендан ажралмаган эди. Тұғрисини айтганимда, ҳозир асарнинг дастлабки режасини тиклаш қиын — мен үз ёшлигим ҳақида автобиографик повесть ёзмоқчи әдимми ёки қувноқ саргузаштларга лик тұла болалар китобини яратишмиди? Тұғрироғи, ҳар қандай адабиётчи камолот зинасига қадам қўйганда юз берадиган ҳодисадек, мен тұsatдан ҳар ердан, бегоналар тарихидан ушоқлар терганимни аниқладим, менинг шахсий, қадрдон ва қимматли материалим деярли тегилмасдан ётиби... Мен хаёлан үз болалик хотирашаримни тиклагунча (улар жуда күп эди, ҳар қандай китобга ҳам сиғмас эди); чанг-тұзонлы, пахсали маҳалланинг ялангоёғи ҳақида — биринчи бобларни ёзганимда; унинг зиммасига тушган баҳтсизликлар ва қувончлар тұғрисида ёзганимда — мен чин күнгилдан үз ҳақимда ёзаётібман деб үйладим. Шундай эди ҳам. Лекин, бир вақт, ногақон мен Шум боламга четдан назар ташласам, тұsatдан шу нарсани аниқладим; у мен эмас. Дарвоқе, сира ҳам мен эмас. Буни мен пайқамасдан, юз йиллар мобайнида халқимнинг болалари билан содир бұлған ҳодисаларни үз қаҳрамонимга нисбат берібман. Буни тушунгач, ҳайрон қолдим. Ахир, мен үз ёшлигимни бұрттириб күрсатиш ниятида эмасдым. Аксинча! Энди, унга чукурроқ кириб, мен фақат бор ҳақиқатни — хотиранинг сирли, кулгунинг муғомбір ойначалари орқали қараганда ҳам, у моҳияти билан даҳшатли эканини айтмоқчи әдим. Лекин менинг Шум болам энди Fafur исмли бола ва кейинчалик ундан ёзувиши етишиб чиқсан шахс эмасди. Йўқ, у үша вақтда, ундан олдинги асрда минглаб учрайдиган одатдаги үзбек боласи эди; улар билан содир бұлған воқеалар. Шум бола билан ҳам булиши, унинг саргузаштлари эса умумга тегишли бўлиши мумкин эди...

Бу шунчаки чиройли сўзлар эмас. Асарнинг биринчи бўлимида бир эпизод бор. Шум бола уйдан палов учун ҳалфанага тухум ва ёф олади. Аммо эриган ёф унинг иштонидан оқиб кетади, жаҳли чиққан она унинг бошига ўқлов билан уради. Қалпоқ тагидаги тухум пачоқланиб, сарифи оқига аралашиб, юзига оқади. Буни кўрган она «Бола бечоранинг бошини ёриб, қатиfinи чиқариб юбордимми» деб эсидан кетади... Бу тарих мен билан содир бўлғанди — ҳозир сиз билан гаплашаётган Fafur Ғулом билан. Ўшанда мен тўққиз ёшда әдим: лекин менинг бошимга урган онам эмас, бувим эди.

Бу воқеани оиласизда мендан бошқалар ҳам эслашади... Мен бу тарихни — айнан шу воқеани яқинда туркман халқ әртаклари түпламида учратиб қанчалик ҳаяжонланганимни фараз қилинг...

Ха, у — мен ва мен эмасдим. Анча-мунча ёзиб күйганимдан кейин, ҳеч қаерда ўз қаҳрамонимга ном бермаганимни сезиб қолдим, қиссада ҳикоя биринчи шахс номидан олиб борилади. Унинг исми йўқ эди — оддий шум бола. Бир вақт буни англаб, мен тўқиётган воқеаларга муаллифликдан ташвишланмай қўйдим. Бизда айтишади: «Ҳамма нарса, эгаси бўлмаса Афандига тегишилдири». Бу ерда ҳам худди шундай эди. Мен ёзган ҳикояларнинг бири ҳаётда, бири әртакларда учарди ва бунга Шум боланинг ҳақи бор эди, чунки у... ҳақиқатан ҳам халқ қаҳрамо... эди... Ўйлаб қўринг: бу кичик камбағал сафирнинг тақдири ўта фожиали, аммо у битмас-туганмас ҳаётий кучга тұла; ҳамма муваффақиятсизликларга кучли оптимизмни ва маккорона зийракликни, ҳар хил умидсизликларга битмас-туганмас кулгини, ҳар қандай кучли душманларга уларнинг заиф ва ғалати томонларини топиш қобилиятини қарши қўяди. Ҳеч қаочон иши юришмайдиган бу бошпанаисиз бола пировардида баҳтсиз шароитни ҳам, забардаст бойларни ҳам, айёр савдогарларни ҳам енгиб чиқади... У билан хайрлашарканман, кўз ёши тўкмаслигимни, балки завқланишим ва кўнглим тўқ бўлишини олдиндан билардим: энди у мени ҳам умидсизланмасликка ва курашишга ўргатарди. Аслида, ўспирин Насриддин эди, лекин Насриддиндан ўзининг болаларча соддалиги билан ажralиб турарди. Айrim жойларда Насриддин ўзини гул, тентак қилиб муғомбирлик қилса, Шум болада бу муғомбирлик ўз-ўзидан — унинг дилининг соддалигидан келиб чиқарди, керакли вазиятда у бундан тўғри фойдаланаарди... Аслида шумлигига қарамасдан у жуда тоза, болаларча оқ, кўнгил, қаерда яхшилигу, қаерда ёвузлик, қаерда тўғрилигу, қаерда ёлғон борлигини катталардан яхшироқ, кўтарди.

Балким, Сизга менинг шахсий персонажимга бўлган бундай муносабатим кулгили туюлар, лекин мен унга ижодий қаҳрамонимга қарагандай қарайман, ёзган нарсамни эмас, балки унинг ортида турган (шахсий) ўз болалигимни, мени яратган халқимнинг хусусиятларини севаман. Ха, тўғрисини деганда, мен бу асарни

шахсан үзимга эшитилаётган қандайдир диктовка асосида ёзганиман...»<sup>1</sup>

Демак, ижод жараёнида, П. Қодиров айтганидек ва Faфур Fuлом тушунганидек, ҳеч вақт ҳётнинг айнан эпизодлари такрорланмайди. Ҳар қандай асар сюжети ёзувчи кузатган, билган нарсалари билан шахсий тажриба ва кечинмалари уйғунлашувидан яратилади. Гарчи «Шум бола»да F. Fuломнинг үзидан нималар құшганини (ҳаммасини) тулиқ айтиш қыйин бұлсаям, лекин асардаги ҳамма эпизодларни ҳис қылганига, гүё қайтадан бошидан кечирганига шак-щубха ійүк. F. Fuлом үз шахсий кечинмаларини Шум болага юқлар экан, айни пайтда, у Шум болани үша давр болаларининг күпчилигига хос бұлған характерли хусусияттар әгаси ҳам қилиб күрсатади. Демак, қаҳрамон — умумлашма образ, аник бир шахсдан кура, үз даврининг типик вакилидир. Darвоқе, ёзувчи ижод жараёнида үз тасаввури орқали үзига таниш ва яқин одамлар, воқеалар ичида яшайди; маълум фоя асосида түпленгән алоҳида фактларни үзининг шахсий тажрибаси билан бойитиб, қалб призмасидан ўтказиб, күпчиликка хос қилиб умумлаштиради.

Шундай қилиб, «Шум бола»нинг яратилиш тарихини F. Fuлом томонидан тушунтирилиши бізга реалистик тасвирнинг моҳияти ҳақида асосли ва етарли тушунча беради. Унда «Шум бола» асари қайси унсурлар бирлашувидан юзага келгәнлиги, ҳаёт ва ижоднинг бир-бирига туташ нүкталари қандайлиги аник күрсатилганки, ундан шундай холоса чиқарыш мүмкін: Ёзувчи тасаввури муайян ғояга асосланиб, ҳаётдағы алоҳида нарсаларни бузади, саралайди, түқииди ва янгидан таъсирли ва жонли, табиий ва гүзәл, типик ва яхлит нарса яратади. Бу жараён характер ва эпизодларни яратышда ҳам, қаҳрамон ва воқееликнинг айрим хусусиятларини күрсатища ҳам, яхлит сюжетни юзага келтиришда ҳам содир бұлади.

Адабиётда ҳатто биргина образнинг портрети ҳам бир нечта ёки үнлаб реал кишиларнинг ташқи куринишларини жамлашдан ёки ҳаётда күрган, билган кишиларнинг үз хотирасида қолдирған куринишларини күз олдига келтиришдан, уларнинг қиёфаларидан ке-

<sup>1</sup> Биография замысла (Беседы с мастерами узбекской литературы, записанные А. Наумовым), изд. «Ёш гвардия», Т., 1974, стр. 20—21.

рагини танлашдан ва конкрет қаҳрамонда мужассам-лаштиришдан яратилади.

Бироқ Абдулла Қодирий айтганидек, бунинг бир шарти бор: портрет сунъий, ясама нусха бўлмаслиги, халқ орасида бировда бўлмаса бировда кўрилган, табиий, мантиққа тўғри келадиган, китобхонни ишонтирадиган бўлиши керак.

Адабиёт, Оноре де Бальзак ёзганидек, рассомликда ишлатиладиган усулдан фойдаланади, гўзл образнинг яратилиши учун қўлни бир аёлдан, оёғни иккинчи аёлдан, кўкрагини бошқасидан, елкани — унисидан олади.

Буни тушунмаганларга Абдулла Қодирий кулиб, «Ўтган кунлар» романидаги Ўзбек ойимни ўз онаси Жосият бибидан, Офтоб ойимни қайноаси Хоним бибидан, Кумушни эса яқин қариндоши Ойкумушдан олганини айтар экан<sup>1</sup>.

Бу нарса «Қодирий аёллар образини, хусусан, ўз оиласидан, яқинларидан олган, ўрганган» деб мулоҳаза юритиши<sup>2</sup>нинг ноилмийлигини кўрсатади, лекин ўз яқин кишиларидан баъзи штриҳларни, муайян образ учун зарурий хусусият ва ҳолатларни олганлигини рад этмайди.

Иккинчидан, ёзувчи қайси қаҳрамоннинг реалистик портретини яратмасин, унинг ташқи қиёфасидаги энг характерли белгиларни чизишга ва шу орқали уларнинг руҳий дунёсини акс эттиришга интилади. Хоним биби ҳам, Ойкумуш ҳам, Жосият биби ҳам ҳеч вақт Ўзбек ойимнинг, Офтоб ойимнинг, Кумушнинг руҳий оламини бошдан кечирмаганлар. Бу фикр ҳам Ҳ. Қодирийнинг юқоридаги даъвосини рад этади. Ҳабибулло Қодирий хотира китобида ёзади:

«Эшонгузар маҳалламиизда мулла Алижон исмли дадмнинг домласи бўларди. Ўзи дадамдан ўн беш ёшлар катта, 1910—1916 йилларда рус-тузем мактабида ўқитувчилик қилган, дадамга дарс берган, кейинчалик эса жуда дўстлашиб қолган киши эди. Дадам бу кишини «ҳам устоз, ҳам етук инсон» деб ниҳоятда хурмат қиларди. Агар Қодирий умрида биргина кишини хурмат қилган деб, фараз қилсак (албатта, ота-она бундан мустасно), ўша шахс шу Алижон домладир, дейиш мубоблаға бўлмас...

<sup>1</sup> Ҳ. Қодирий. Отам ҳақида, Т., 1974, 115-бет.

<sup>2</sup> Шу китоб. 117-бет.

— Илгарилари муллалар аксар ўттиз йиллаб ўқиб мадрасини базур хатим қиласылар. Лекин Алижон домла Бухоро мадрасаларидан бирини беш йилда тамомлаб қайтган. Билағонлиги учун уни мадрасадагилар «Алича» деб аташган. Домланинг яхши хислати шундаки, у пок күнгил, кибрисиз, тамагир эмас, сабр-қанатли, камтар, мутолааси зур олим, — дер эди, бу киши тұғрисида дадам.

Алижон домла 1964 иили саксон беш ёшларida вaфot этди. Домла менға ҳам форс тилидан дарс берган-лиги важидан мен ҳам у кишини яхши биламан. У оқишдан келган, озғин гавдали, чұзиқроқ, келишган юз, соқол-мұйловли, кичик бошига оқ симоби салла, телпак ёки камзули устида жұн, оёғида маҳси-кавуш кийиб юрувчи, тик қомат, нуроний чехра киши эди.

Домланинг ички дүнёсі ҳам нұрга тұлған каби эди. Гапни үйлаб, босиқ, содда, ёқимли сұзларди. Сұзида мантиқсиз, ортиқа иборалар мутлақо бұлмас, тингловчи гүё ҳузурланар, яна-яна тингласам, дер эди. Буннингдек оталар халқимизда гарчи күплаб учрасада, неғадир, айникса бу кишини мен Юсуфбек ҳожи образига жуда-жуда ұшшатаман. Муаллиф, албатта, Юсуфбекни сиёсий арбоб, маълум табақаннинг вакили қилиб тасвиrlайди. Алижон домлада гарчи бу томонлар күримаса-да, ҳар ҳолда бөшқа жиҳатлари, менингча, рұхан ва жисман Юсуфбек ҳожига тимсолдекеди<sup>1</sup>.

Алижон домлани «рухан ва жисман Юсуфбек ҳожига тимсол қилиб күрсатиши, «мезонга олиш», уни Юсуфбек ҳожининг прототипи деб тушуниш ижод жараёни-нинг мураккаблигини ва унинг моҳиятини маълум даражада сохталаштиради. Чунки асардаги Юсуфбек ҳожининг қиёфаси унинг хислатларини биргина Алижон домладан эмас, юзлаб бөшқа кишиларда ҳам учратиш мүмкін. Агар ёзувчининг вазифаси — Юсуфбек ҳожини ўз даврининг йирик савдогарлар табақасыннинг вакили, сиёсий арбоби, тик қомат ва нуроний ота, тингловчи ҳузурланувчи даражада ёқимли сұзловчи, босиқ қайнота қилиб тасвиrlамоқ экан, тасвиrlаганда ҳам типик, умумлашма образ қилиб яратаркан, албатта, ұша табақага, ұша арбобларга, ұша оталарга, ұша қайноталарга хос бұлған асосий фазилат ва камчилікларни — хусусиятларни танлаб Юсуфбек ҳожи характеристи-

<sup>1</sup> Х. Қодирий. Отам ҳақида. Т., 1974, 115-бет.

да бериши табиий эди. Шундай булгач, Юсуфбек ҳожи образини яратищдаги ижодий танлашнинг, умумлаштиришнинг, ҳаётдаги кишиларга ўхшаш қилиб яратишининг ролини, ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиш жараёнини пасайтирмаслик, балки бунга асосий ургуни бериш лозим. Чунки, Н. Гоголь айтганидек, ёзувчи ҳеч вақт оддий нусхадан **портрет чизмайди. У портрет яратади.**

Тарихий шахсларнинг портрети яратилганда ҳам санъаткор реал фактлар (юз тузилиши, қомати, кийиниши ва ш.к.)га, ташқи кўринишларига асосланса-да, лекин ўзининг поэтик тасаввури ва асарнинг режасига мувофиқ қилиб, уни «ичдан» ўзгартиради.

«Ўтган кунлар»да тасвиirlанган тарихий шахслардан бири Мусулмонқул. Автор унинг портретини қуидагича чизади:

«Хоннинг сўл томонидаги олтин ҳаллик курси, устидиа Ўратепа чакмани устидан қайиш камар боғлаб, соддагина қилич тақинган, бошига оқ барра попоқ кийиб, бащарасидаги бурни юзи билан бир қаторда деярли текис яратилган, ўртacha соқол, қисиқ кўз, буғдой ранг, ўрта ёшли бир кимса — Мусулмонқул ўтирап ва ҳозиргина ҳудайчи тарафидан ўзига топширилган ариза ва мактублардан очиб ўқир эди».<sup>1</sup>

Мусулмонқулнинг жасур киши бўлганлигини китобдаги изоҳда ҳам таъкидлайди: «Мусулмонқулнинг ўзи ҳам фавқулодда юраклик эди. 1853 й. тарихида Мусулмонқул қўқонликларга асир тушиб, уни тўпдан отиб ўлдириш учун дордек бир нарсанинг устига ўтқазирлар. Иккинчи томондан тўпга ўт бериш кутилади. Шу вақтда кишилар Мусулмонқулдан сўрайдилар: «Энди қалайсан, чўлоқ?» Мусулмонқул кулибгина жавоб беради: «Алҳамдуиллоҳ, ҳали ҳам сизлардан юқори бир ерда ўтирибман!..»<sup>2</sup>

Гарчи келтирилган бу фактлар — ҳаёт ҳақиқатига мос бўлса-да, лекин ёзувчи ўтган асрдаги хонлар ва олий амалдорларнинг бебурдлигини, адолатсизлигини, ҳалқ қонини сўрувчи зулуклигини, юртини талашдан бошқа манфаати бўлмаган, қирғин ва урушлар ижодкорларининг типик образини яратишда Мусулмонқул портретини «ичдан» янгилайди. Уни «киприксиз кўзлар-

<sup>1</sup> А. Қодир ий. Ўткан кунлар, Т., 1980, 108-бет.

<sup>2</sup> Шу китоб, 117-бет.

да ўтлар ёнадиган», «ниҳоятда тутақдан», «аламига чидай олмайдиган», «хонликдаги юқори бир кучга молик сиёсат курсисига ўтирган», ҳйла ва найрангбоз, «маккор тулки», «қаҳру-ғазаб әгаси», «истеҳзоли илжаовчи», «чўлтоқ супурги», «үятсиз» қилиб яратади.

Демак, ёзувчи ҳақиқий санъаткор бўлса, у ҳамма вақт (асарнинг энг нозик штрихларигача) яратади. Чунки унинг вазифаси — табиатни, шахснинг нусхасини яратиш эмас, балки ўхшаш қилиб яратилган нарсага жон ва ҳаракат ато қилишда, унинг қалби, мазмуни, характеристерли кўриниши ҳақида таассурот уйғотишдадир.

Хуллас, ёзувчи муайян бир шахс портретини яратганда, шу шахс мансуб бўлган табақа вакилларининг ёки бу даражада кенг тарқалган ижобий ёки салбий хислатларини (кўринишлари)ни пайқайди ва уларни конкрет бир шахс (образ)да уйғулаштиради. Албатта, бу портрет ўзига хос юзлаб жонли кишиларга мумкин қадар нозикроқ, чукурроқ даражада ўхшаган бўлиши ва муаллиф акс эттиromoқчи бўлган нарсани ёрқинроқ кўрсатиши шарт.

Шунинг учун ҳам «Ёзувчи кўплаб шахсларда кўринган фазилатлардан ўз тоғисига, ижодий мақсадига мувофиқ келадиганини хиллаб олиб, қаҳрамонида мужассамлантироқчи бўлганда худди селекционерга ўхшаб иш тутади. Яъни, одамларнинг хусусиятларини тирик ҳолида олади ва бошқа тирик характерга чатишиб, яшаб кетадиган қилиб ўтказади. Буғдоида ҳаётнинг, энг барқ урган пайти ва бошқа буғдоининг ҳам хусусиятини олиб, ўзига умумлаштиришга қодир бўлган пайти — гуллаган пайти бўлади. Ёзувчи ярататоётган қаҳрамонларнинг ҳаёти ҳам барқ уриб туриши ва бошқа яхши кишиларнинг фазилатини ўзига олиб сингдиришга лаёқатли бўлиши керак.

Абдулла Қодирий ўз қариндошлари Ойкумуш каби ўзбек аёлларининг ҳуснлари, одоблари, бошқа инсоний фазилатларини Кумуш образида тирик бир характер шаклида мужассамлаштирган. Романдаги ёрқин воқеаларсиз, кескин тўқнашувларсиз, Отабек каби севимли йигитсиз икковининг тақдирини белгиланган ҳаётий асосларсиз бу мумкинми? Йўқ. Кумушнинг шундай бир даврда ящаши, шундай ота-онанинг қизи, Отабекдай йигитнинг ёри, Ўзбек ойимдай аёлнинг келини-ю, Зайнабдай жувоннинг кундоши бўлиши — ҳаммаси бирлашиб ёзувчига бу образдаги тоғий-бади-

ий кучларни барқ урдириш имконини беради. Кумуш ўзига ўхшаш ўзбек аёлларининг жуда кўп фазилатларини мана шу шароитдагина тирик ҳолича олиб, бир характерда мужассамлаштириши мумкин эди».<sup>1</sup>

## V. Маънавият ва фоявийлик

**Таянч сўз ва иборалар: Маънавият. Дунёқарааш. Фоявийлик (фикрлар мажмуси). Тенденциозлик. Халқчиллик ва унинг хислатлари. Адабиётдаги миллийлик ва умуминсонийлик.**

Бадиий ижод жараёнида талант асосий тамойил бўлишидан қатъи назар, санъаткор ҳаёти давомида ортирган турли-туман бойликлар (иммий, фалсафий, сиёсий, ҳукуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлар, билимлар, тажрибалар)нинг аҳамияти ҳам кам эмас. Ёзувчининг парвозини баланд ва гўзал қушга ўхшатсак, унинг парвозини таъминловчи бир қаноти талант бўлса, унинг иккинчи қаноти дунёқараашdir.

«Дунёқарааш — бу аввало, инсон ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши, тушуниши, билиши ва баҳолаши натижасида юзага келган хулосалари, билимлари асосида шаклланган умумлашмалар тизимиdir. Бу жиҳатдан дунёқарааш дунёning инсон онгидаги ўзига хос инъикоси бўлиб, инсон ўз-ўзини ва дунёни англашнинг алоҳида шаклиdir. Дунёқарааш, шу билан бирга, инсоннинг ўзига уни қуршаб турган борлиққа бўлган муносабатларини ифодалайдиган кўникмалари, малакалари, билимлари, ҳамда дунёни амалий ва назарий ўзлаштириши ҳамdir. Хуллас, у инсоннинг дунёни сезиши, идрок этиши, тасаввур қилиши, тушунишидан тортиб, унинг дунёдаги ўз ўрни ва ролии белгилаши, ўзини ва дунёни ўзгартиришининг умумий маънавий минлари ҳамdir» («Фалсафа», Т., 1999, 9-бет; Таъкидлар бизники — X.У.)

Демак, дунёқарааш маънавият орқали амалга кўчади, ўзликда акс этади. Маънавият — Аллоҳ олдидаги маъсулилк, Аллоҳ ҳақиқатини англаб етиш йўлидаги ҳаракатлар ва унинг билан уйғунликка эришишdir... «Шахс ва миллат руҳияти (адабиётнинг предмети — X.У.) ҳам маънавият билан тулаш бўлиб, асосий фарқ-

<sup>1</sup> П. Қодироев. Ўйлар, 1971, 118—119-бетлар.

ларидан бири — руҳият мураккаб воқелик, сифатида ўзида ҳам раҳмоний, ҳам шайтоний хислатларни, ҳам фазилат, ҳам қусурларни, ҳам табиий, ирсий, ҳам атроф-муҳит таъсиридаги ҳолатларни акс эттиrsa, маънавият шахснинг, миллатнинг инсоний фазилатлари-ни, унинг қалбидаги илоҳий нур инъикосини намоён қилади»<sup>1</sup>.

Адабиётнинг асли яратилишидан бош мақсади ҳам одамларни куфр зулматларидан иймон нурига — Аллоҳ йўлига олиб чиқишидир. Шу йўлда қалбни бадиийлик қудрати ила поклаш, тозартириш, уйғотищ, ҳаракатга солишдир.

Кўринадики, талант ва маънавият ўзаро узвий боғлиқликда ўзликни ва дунёни кашф этиш қуролига айланади; **адабиётдаги инсон тасвири тарихи ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос баркамолликни мужассам этган, уни узлуксиз ҳаракатини ўзига оҳанрабодек тортувчи комил инсон гояси тарихидир**, деган хulosага асос беради. Бундан адабиёт гоявийдир деган фикр келиб чиқади; ҳар бир асар, албатта, аниқ гояни ёки гоялар тизимини ўзида ифодалайди: инсон ва жамиятни тараққиёт ва эзгу мақсад — умуминсоний ҳақиқат сари етаклайдими ёки тескаrimi (зарар келтирадими) — ҳар икки ҳолда ҳам ўша асар муйян фикрлар мажмуи (гоялар)ни жонлантиради. Энг характерли томони шундаки, ҳар қандай гоя талантли шахс қалбидаги интилишлар натижаси сифатида дунёга келади ва у ижтимоийлик касб этиб ҳаёт заруратига, давр тарихига, инсоний муносабатлар қоидасига айланади.

Шу сабабдан, Лев Толстой, «мақсадсиз ва фойда етказишга умидсиз ёзиш сира ҳам қўлимдан келмайди... Санъат шу билан қимматлики, у одамларга қандайдир бир янгиликни очиб беради ва кишиларни кўришга, ҳис этишга ўргатади», деб — ёзганди.

Фикр — «санъатнинг жону қудрати... уни юқори кўтариш» (В. Белинский) усули экан, асарнинг қиммати унда аксланган мазмуннинг инсон ва жамият тараққиётiga етказган умум фойдасига қараб тайин этилади.

Гоявийлик бадиий асарнинг ҳамма унсурларини — мазмуннинг ҳаққонийлик, самимийлик, салмоқдорлик, универсаллик, оригиналлик, таъсирдорлик каби хусу-

<sup>1</sup> М. И момназаров. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар, Т., 1998, 168-бет.

сиятларини ҳам, шаклнинг характер, сюжет, композиция, тил каби воситаларини ҳам ўзига «ишлатади». Бундан адабиётнинг тенденциозлик, халқчиллик, миллийлик, умумисонийлик белгилари ҳам мустасно эмас.

**Тенденциозлик** (лат. *Tendensia* — интилиш) — санъат асари тоғысига сингдирилган ёзувчининг тарафкашлiği, холосаси, ҳукми.

«Кенг маънода — очиқ ёки яширин, ихтиёрий ёки беихтиёр равиша бадиий асарда ифодаланган муаллифнинг тасвир объектига бўлган тоғий-эстетик муносабати (симпатияси ёки антипатияси, муҳаббати ёки нафроти), асардаги масалага ва характерга берган баҳоси. Шу маънода тенденциозлик бадиий тоғанинг узвий қисми, асосий элементи, унинг энг муҳим жиҳати: муаллифнинг «хоҳиши», маъқуллаши ёки қоралашши — «хукми». Тенденциозлик ҳар қандай бадиий асарда (формалистик асарни мустасно қилганда) мавжуд бўлиб, у бадиий асар тоғасида, шунингдек, муаллиф образи (эпос)да ёки лирик қаҳрамон сиймосида ўз ифодасини топади. Тор маънода санъаткорнинг асарда очиқдан-очиқ ифодаланадиган тоғий-сиёсий, ижтимоий-синфий тарафкашлiği, олдиндан мўлжаллаб қўйилган режаси — холосаси. Демак, бадиий асарда олга суриладиган тоғ тенденциоз характерда бўлар экан».<sup>1</sup>

Бўлиши мумкин бўлган ҳаёт ва қаҳрамонлар ёзувчи тафаккури ва қалбида тугилган ва унинг режасига бўйсндирилган бўлса ҳам, лекин объектив тасвир муаллифга «ўзбошимчалик» қилишга, яъни муаллиф истагига, хоҳишига монанд қаҳрамоннинг гапиришига, ҳаракат қилишига имконият бермайди. Бу имкониятни санъат рад этади. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, қаҳрамон, ёзувчи қўлидаги қўғирчоқ эмаски, уни хоҳлаганча ўйнатса, хоҳлаган вазиятда йиғлатса; балки у ўзига мустақил одам, ўзигагина хос фикрловчи, сўзловчи, қувонч ва изтироб чекувчи шахс, «ўзига биқиқ бир олам»дир. У муайян типик тарихий-ижтимоий муҳитда яшар ва курашаркан, худди ана шу ҳаётнинг талаб, эҳтиёжларига мос тарзда турмуши табиий бўлсин; айтмоқчимизки, тасвирланаётган ҳаёт оқими қанчалик табиий ва самимий бўлса, унда ҳаракатланувчи қаҳрамоннинг «ўзи қандай бўлса, шундай яшashi» шарт.

<sup>1</sup> Т. Б о б о е в. Адабиётшуносликка кириш, Т., 1979, 77-бет.

Л. Толстой айтганидек, «санъаткор шунинг учун санъаткорки, у предметларни ўзи кўриши керак бўлгандаи кўра олмайди, балки ўзи қандай бўлса шундай куради»<sup>1</sup> (Таъкид бизники — Х.У.)

Демак, ёзувчи қаҳрамонга бўлган симпатияси ёки антипатиясини декларатив тарзда очиқдан-очиқ баён қилишига, унинг табиий (ўзига хос) ҳаракат ва кечинмаларига бевосита аралашувига ҳожат йўқ. Чунки ҳаёт ўз оқимига, характер ўз мантиқига биноан ҳаракатланар экан, «менимча, бу дунёда бирор сабаб билан юз берадиган нарсага аралашишга, ўзининг фикрини айтишга романистнинг ҳаққи йўқ. У ўз ижодида худога ўхшаши шарт, яъни, яратсину жим турсин».<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, ёзувчи ўз гоясини асар тўқимасига, ундаги қаҳрамонларнинг ўй-хәёллари, орзу-интилишлари, қувонч ва дардлари, баҳт ва фожиаларига сингдириб юборади. Ана шу қаҳрамонларнинг ҳаёти, тақдидири ва уларни туғдирган, ўстирган халқ ҳаётининг ҳаққоний тасвири орқалигина ўз гоявий позициясини, асар гоясини китобхонга «юқтиради», унинг ҳисларини уйғотади, фикрларини кузғотади. Реалистик санъатнинг талабларидан муҳими ҳам шу: ёзувчи ҳаётининг ҳаққоний маизрасини яратар экан, қаҳрамонга бўлган муносабатини ошкора айтмаслиги, унга нисбатан ҳолис ва бепарво бўлиши, уни ўзидан ажратиши ва унга узоқроқдан разм солиши лозим.

Ёзувчи А. Куприн ўз хотираларида устози ўғитларини эслар экан, А. Чеховнинг қўйидаги кўрсатмасини алоҳида қайд қиласди: «У ёзувчи ўз қаҳрамонларининг қувонч ва изтиробларига бепарво қараши кераклигини ўргатарди. «Битта яхши повестда, — ҳикоя қилганди, у, — катта шаҳарнинг сув буйидаги ресторани тасвирини ўқидим. Бирданига шу аниқки, муаллиф учун бу музика ҳам, бу электр ёруғлиги ҳам, тугма тешигидаги атиргул ҳам ажид нарса; бу ажид нарсага қараб ўзи ҳам иштиёққа, завқу-шавққа берилган. Бу яхши эмас. Бу нарсалардан ташқари туриш керак, гарчи у нарсаларнинг майда-чуйдасигача билиш яхши бўлса ҳам, лекин, уларга худди назарга иммагандай, юқоридан пастга қарагандай қарашиб керак. Ана шунда тўғри чиқади».<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Толстой Л. Полн. собр. соч. в 90-ти томах, М., 1928—1958, Т. 57 с. 151.

<sup>2</sup> Флобер. Собр. соч. в 5-ти томах, М., 1956, Т. 5, стр. 247.

<sup>3</sup> А. Куприн. Собр. соч. в 9-ти томах, М., 1973. Т. 9, стр. 32.

А. Чеховнинг ушбу фикрлари ҳам шундан далолат берадики, реалист санъаткор ҳаётнинг у ёки бу куринишини, ижобий ёки салбий қаҳрамонни яратадими, ундан қатъи назар, яратгаётган нарсаларидан баланд туриши, «унга тугал бир нарса» деб қараши лозим. Муаллиф үзини, уз қараашлари ва таассуротларини эмас, балки, үз-үзидан (албатта, бирор сабаб билан) ривожланувчи табиий ҳаётнигина тасвирласин, «яхши»-га ҳам, «ёмон»га ҳам холис бўлсин. Ўз нуқтаи назарини, баҳосини, муносабатини, хулосасини ўқувчига ошкора баён этмасин.

Ушбу фикрлар ҳикоя, повест, роман жанрларига бирдай тегишлидир. Шунинг учун ҳам масаланинг мөҳиятини тўлиқроқ очилишини истаб, реалист-санъаткор А. Қаҳдорнинг «Бемор» новелласини тўлиқ келтирамиз.

«Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Сотиболди қасални ўқитди — бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб қонлади... Буларнинг ҳаммаси, албатта, пул билан бўлади. Бундай вақтларда йўғон чўзилади, ингичка узилади.

Шаҳарда битта докторхона бор. Бу докторхона тұғрисида Сотиболдининг билгани шу: салқин, тинч паркда, дараҳтлар ичига кўмилган баланд ва чиройли оқ иморат; шиша қабзали кул ранг эшигига қўнфироқ тутгаси бор. Чигит пучоқ ва кунжара билан савдо қила-диган хўжайини Абдуғанибой омборда қулаб кетган қоплар остида қолиб ўладиган бўлганида бу докторхонага бормай Симга<sup>1</sup> кетган эди. Докторхона деганда Сотиболдининг куз олдига извош ва оқ подшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келар эди.

Бемор оғирлашди. Сотиболди хўжайинининг олдига арзга борди. Бу боришдан муддаоси нима эканини аниқ билмас эди. Абдуғанибой унинг сўзини эшитиб кўп афсусланди, қулидан келса ҳозир уни оёққа бостириб беришга тайёр эканини билдириб, кейин сўради:

— Девонаи Баҳоваддинга ҳеч нарса кўтардингми?

Фавсул Аъзамга-чи?

Сотиболди кетди. Беморнинг олдидан жилмаслик ва шу билан бирга тирикчилик учун хонаки бир касб

<sup>1</sup> С и м — ҳозирги Фарғона шаҳри.

қилишга мажбур бўлди, ҳар хил саватчалар тўкишни ўрганди. У эртадан кечгача офтобшувоқда гавронлар ичига кўмилиб сават тўқииди. Тўрт яшар қизчаси қулига рўмолча олиб, онасининг юзини карахт, нимжон, хира пашшалардан қўрийди. Ҳамма ёқ жим. Фақат пашша фингиллайди, бемор инқилайди: ҳар замон йироқ-йироқдан гадой товуши эштилади: «Ҳей дўст, шайдулло баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули худо...»

Бир кечаси bemор жуда азоб тортди. У ҳар ингра-  
ганда Сотиболди чаккасига буров солинган кишидай  
талвасага тушарди. Кўшниси — бир кампирни чақирди.  
Кампир bemорнинг тўзиган соchlарини тузатди, у ёқ-бу  
ёғини силади, сўнгра... ўтириб йиглади.

— Бегуноҳ гудакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат  
бўлади, уйғотинг қизингизни! — деди.

Бола анчагина уйқу ғашлиги билан йиглади, кейин  
отасининг ғазабидан, онасининг аҳволидан қўрқиб,  
кампир ўргатганча дуо қилди:

— Худоё аямди дайдига даво бейгин...

Бемор кундан-кун баттар, охири үсал бўлди.  
«Қўнгилда армон бўлмасин» деб «чилёсин» ҳам қилди-  
ришга тўғри келди. Сотиболди тўқиган саватчаларини  
улгуржи оладиган бақдолдан йигирма танга қарз кутарди.  
«Чилёсин»дан bemор тетик чиққандай бўлди; шу кечаси  
ҳатто кўзини очиб, қизчасини ёнига тортди ва пи-  
чиради:

— Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини дар-  
гоҳига қабул қилди. Дадаси, энди тузукман, қизимни  
саҳарлари уйғотманг.

Яна кўзини юмди, шу юмганича қайтиб очмади —  
саҳарга бориб узилди. Сотиболди қизчасини ўлик ёни-  
дан олиб, бошқа ёқقا ётқизаётганда қизча уйғонди ва  
кўзини очмасдан одатдагича дуо қилди:

— Худоё аямди дайдига даво бейгин...»<sup>1</sup>

Ҳикояда Сотиболди оиласининг фожиаси — аёвсиз  
суратда реал гавдаланган. Бу тасвирга муаллиф ўзидан  
бирон гап, бирон сўз қўшмайди. Сотиболди, хотини,  
қизчаси, қўшни кампир, Абдуганибий образларини тас-  
вирларкан, уларнинг хатти-ҳаракатларини, ўй-хәёлла-  
рини, орзу-интилишларини курсатади, қўяди. Аммо ҳеч  
аралашмайди. Уларни қораламайди ҳам, оқламайди ҳам.  
Тасвирланган ҳаёт ҳақидаги холосасини чиқармайди

<sup>1</sup> А. Қаҳҳоғ. Асарлар, Т., 1967, 1-том, 56—58-бетлар.

ҳам. Гүё узоқдан туриб, совуққонлик, бепарволик, лоқайдлик билан ҳикоядаги воқеа ва қаҳрамонларни кузатади. Гүё бу ғам, бу изтироб, бу кулфат, бу азоб, бу фожия унга тегишли эмасдай. Худди юрак деган нарсаси бұлмаган, меҳритош, боқибегам, раҳм-шафқати йүқ кишидек тұра беради... Муаллиф образ ва воқеалардан тамоман үзлигини ажратади, четда туради.

Ана шу муҳим фазилат — санъят ҳаёт ва образларнинг табиий ривожини таъминлайди. Тасвирланаёттан ҳаётнинг реал манзарасининг моҳиятини очади. Сотиболди оиласи фожиасининг даҳшатлигини бутун борлигика күрсатишига олиб келади.

Бироқ ҳикояни үқиб бұлғач, асарнинг ҳар сатрида, ҳар заррасида ёзувчининг фикри, қалби, гоясининг муҳри борлигини сезамиз. «**Муаллиф күринмасдан үз асарининг ҳамма ерида худди олам худосидек ҳози्रнозир эканини**» (Г. Флобер) күрамиз. Сотиболди хотинини докторга олиб бормай, кинначига үқитар, күрсатар, «Чилёсин» қылдиаркан, унинг «құли калта»лигидан, омилигидан муаллиф «күринмасдан» изтироб чекади. Огир азоблар тортаёттан хотиннинг сал үзига келгач, «худо қызимнинг саҳарлари қылған дуосини даргоҳига қабул қылди. Дадаси, энди тузукман, қызимни саҳарлари үйғотманг» деяркан, онанинг болага бұлған соғ мөхрининг кучини биз ҳам сезамиз; шу меҳрни ёқлаймиз. Эртадан кечгача меҳнат, қорин түйғазиш ва роҳатланиш үрнига тинка-мадорни қоритадиган, қарзга ботирадиган меҳнат ва гадойнинг «Хей дүст, шайдулло баноми худо...» нидосидан иборат ҳаётта, азобу үқубатдан, жаҳолатдан иборат турмушга нафратини сочади. Жаҳолат ботқогида үсаёттан, келажаги қоронғу бұлған фунчанинг «Аямди дайдига даво бейгин...» дуосини, ноласини эшитарканмиз, муаллиф каби биз ҳам қайғуга чұмамиз. Ҳаётнинг аччиқ ва даҳшатли зарбаси — Сотиболди хотинининг үлеми ва үлік ёнида ётган қыздчанинг одатдаги дуосини эштиб, ёзувчи сингари бизнинг қалбимиз ҳам ларзага келади... Муаллиф ва унинг қалб изтироблари бевосита күзға ташланмаса ҳам, унинг асарнинг ҳамма ерида ҳози्रу нозирлиги, меҳрини босғанлиги бизни муаллиф айтмоқчи бұлған холосага, муаллиф образнинг (үзганинг) қалбіда яшаб, бошидан кечирған кечинмаларни бизда ҳам үйғонишига олиб келади.

Ҳикояда тасвирланған Сотиболди оиласининг огир

ва даҳшатли фожиасининг «юқумлилигидан» китобхоннинг додлагиси келади. У бу оиласа ҳамдард кишига айланади. «Оҳ, бечоралар, не кунларни бошингиздан кечиргансизлар-а! Одам ҳам шунчалик хурланадими-а! Сизларни азобга солган, ўлимга маҳкум этган замонга лаънат! Одам учун «Осмон йироқ, ер қаттиқ» бўлган ҳаётга лаънат!... Ўтмишимиз қанчалик даҳшат-а! Озод Ватаннинг фарзанди булиш — катта баҳтим-ку, менинг!» деган мушоҳада ва холосага келади.

Китобхоннинг бундай холосага келиши ёзувчи айтмоқчи бўлган фикр, фоя билан ҳамоҳангидир. «Асли ёзувчилик, айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммада баробар англата билишда, орага англашитмовчилик солмаслиқдадир».¹ Шундай бўлгач, юқоридаги ҳамоҳанглик ҳаётнинг объектив тасвири яратилганда, яъни ёзувчи ўзлигини ундан тамом ажратгандагина содир булади.

Реалист-санъаткор ўз асарларида ҳаётнинг муайян бир куринишини тасвирлаш орқали китобхонда умуман ҳаёт ҳақида, одамлар ҳақида мушоҳада уйғотади. Шакл гояни ўзига сингдиргани каби, айтмоқчи бўлган фикрини, гоясини, фалсафасини асардаги қаҳрамонларга, асар руҳига сингдириб юборади. Унинг вазифаси фақат ҳаётий масалани тўғри тасвирлаш ва унинг ечими қандай булиши мумкинлигини китобхонга ҳавола этишдадир.

А. Чехов Суворинга ёзган хатида буни алоҳида таъкидлайди. «Санъаткордан ўз ишига онгли муносабатни талаб қиларкансиз, сиз ҳақсиз, лекин, сиз икки тушиунчани аралаштириб юбораяпсиз: масаланинг ечилиши ва масаланинг тўғри қўйилиши. Фақат иккинчи санъаткор учун шарт. «Анна Каренина»да ҳам, «Евгений Онегин»да ҳам бирон бир масала ечилгани йўқ, лекин улар сизни бутунлай қониқтиради, чунки уларда ҳамма масалалар тўғри қўйилган».²

Куринаиди, муаллиф ҳеч вақт тасвирланган ҳаётий масалалар ҳақида ўз фикрини очиқ айтмайди, балки айтмоқчи бўлган фикрини китобхоннинг ўзи чиқарishiга имкон яратади. Шу аснода китобхоннинг фаолиятини, мушоҳада қобилиятини фаоллаштиради.

Реализмнинг бу хусусиятини ҳатто буюк танқидчи В. Белинский ҳам дастлаб тушуниб етмаган. И. Гончаров «Белинский шахси ҳақида хотиралар» асарида ёзи-

¹ А. Қодир ий. Кичик асарлар, Т., 187-бет.

² И. Гончаров. Собр. соч. в 8-ми томах, М., 1980, Т., 8, с. 85.

шича, «тиниб-тинчимас» танқидчи унга боқибегамлиги, лоқайдлиги учун ташланар ва «Сизга барибир, у абрахами, аҳмоқми, бадбашарами ёки олижаноб ва номусли нусхами ҳаммасини бир хил тасвиirlайсиз: уларнинг ҳеч бирига на севгингиз бор, на нафратингиз!» — деб жуда кўп айтар экан. Лекин кунларнинг бирида қулини ёзувчининг елкасига қўйиб, ўзининг бу масалага қараши нотўғрилигини бошқалар эшитишидан кўрқандай, шивирлаб дейди: «Бу — яхши, бу — керак, бу — санъаткорлик белгиси».

Демак, муаллифнинг тасвиirlанаётган воқеа ва қаҳрамонларга лоқайдлиги, бетарафлиги — ҳақиқий лоқайдлик, бетарафлик эмас, балки ўқувчининг фикрини фаоллаштирувчи, қалб зарбини ҳаракатга келтирувчи воситадир. Образлар воситасида ҳаётнинг холис (объектив) манзарасини тасвиirlаш — ўз навбатида кераги бўлмаган (ўкувчи биладиган, аммо севмайдиган) патетикани, дидактикани қувиб чиқаради. Ҳаёт борлигича, ўз-ўзидан китобхон кўз ўнгидан намоён бўлаверади. Бу табиийлик китобхонда муаллиф фикрларига, фоясига тўлиқ ишончни юзага чиқаради.

Ҳаёт ва турмушни борлигича объектив тасвиirlаганда А. Чехов айтганидек, санъаткор ўз персонажларининг судъяси эмас, балки холис (бегараз) гувоҳи бўлиши керак. У шахсий тушунчаси, кечинмасини, ўйларини (ўзини) эмас, балки одамларга одамни бериши лозим. Ана шундагина, яъни фақат муаллифдан образ ажратилгандагина ёзувчининг ўзи яратганидан устунилиги кўзга ташланади.

Шу нуқтаи назардан «Ўткан кунлар» романига бир назар ташлайлик. А. Қодирий романда «мавзууни мозийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгиларкан, бу асарда унинг қарашлари, кечинмалари эмас, балки ўтган аср одамлари, уларнинг ақли, маънавияти гапиради. Уларнинг яхши ёки ёмон эканлигини таъкидлаш, оқлаш ёки қоралаш ёзувчининг иши эмас. Унинг вазифаси ўтган асрни бутун ҳақиқати билан жонлантиришdir.

Дарвоқе, ёзувчи яратган қаҳрамонлар ўзлигини топиб, мустақил, объектив яшар экан, улар ҳаёти давомида қандай ишлар қўлмасин, қандай азобу, завқуshawқларга берилмасин, бу ўша ҳаётнинг, ўша қаҳрамонлар характеристери мантиқининг ишидир. Бунга ёзувчи-

нинг ҳеч қандай дахли йўқ, у бу ҳаракатларни оқловчи ёки қораловчи прокурор ҳам эмас, балки, бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг холис яратувчиси (тасвирловчи-си)дир.

Шунинг учун ҳам «Ўткан кунлар»да деярли (агар китобхонлар билан ёзувчининг очиқ муносабатга киришганини ҳисобга олмасак) А. Қодирийнинг ўзини кўрмаймиз. У тасвираётган образлари, воқеалари ортига яширинади ва ўтган асрни худди кўз ўнгимизда юз берадек жонлантиради.

Мана, Отабек Кумушнинг заҳарланганлигини табидан эшилди...

«— Заҳарни ким берди?

Нима дейишга ҳам ҳайрон табиб:

— Мен... Мен... Ўзингиз ўйлаб кўринг-чи... Мен дарров дори юборай, дарров ичиринг, тузукми? — деди.

— Билдим, билдим — деди бечора Отабек. — Зайнаб, Зайнаб, Зайнаб... Ифлос! Юборинг, юборинг, дарров юборинг!

Табиб кетди, Отабек телбаларча югуриб, Кумушнинг бошига келди, юзини очиб манглайини босди ва ўпди... Кумуш кўзини очиб куч билан сўл қўлини эрининг елкасига ташлади... Қулида чақалоқ билан Ўзбек ойим кирди.

— Зайнабни чақир, Зайнабни!!!

Ўзбек ойим табиб сўзидан хабардор эди:

— Зайнаб...

Зайнаб югуриб уйга кирди. Туси мурдадек оқарган эди. Отабек Кумушни қўйиб ердаги аталани олди:

— Ич муни, ич, жалаб!

Зайнаб орқасига тисланди... Отабек косани унга отди... Зайнабнинг кийими атала билан беланди. Шунинг устига даҳлиздан Юсуфбек ҳожи кўринди.

— Кет, ифлос, кет! Талоқсан, талоқ!

«Талоқ» сўзини эшилган Кумушнинг кўзи ярқ этиб очилиб, яна юмилди... Ҳожи воқеани табибдан эшилган, шунинг учун ҳозирги фожеа саҳнасида ажабланиб турмади.

— Чик, Зайнаб, чик, — деди у ҳам. — Лънат сендеқ хотинга!

Зайнаб четланиб уйдан чиқди...<sup>1</sup>

Ушбу лавҳадан ҳам кўринаяптики, А. Қодирий бу

<sup>1</sup> А. Қодирий. «Ўткан кунлар», Т., 1980, 359—380-бетлар.

фожиага ўзининг ҳеч қандай муносабатини очиқдан-очиқ билдирамайди. Фақат бир ерда ўзини тута билмайди ва Отабекнинг ҳолатига ачинганидан «Бечора Отабек» дейди. Ҳолбуки, унинг «бечора» эканлигини айтмаслиги, унинг бошига тушган алам ва кулфатларнинг тасвири орқали китобхоннинг унга бўлган ачиниши ҳиссини уйғотиши керак. Китобхоннинг ўзи «Бечора Стабек» десин. Бу ҳиссиёт китобни ўқиш жараёнида туғилади, шундай экан, ёзувчининг буни таъкидлаши — китобнинг эмоционал таъсирига ҳеч нарса қўшмайди, балки китобхоннинг ижодий фаолиятини маълум даражада сусайтиради. Шу сабабли, А. Чехов ёзганидек, муаллиф қаҳрамонни севсин, лекин буни овоз чиқариб айтмасин. Ана шундагина, яъни кечинма қанчалик объектив бўлса, у шунчалик таъсирили чиқади. Кумушни оқдаб, Зайнабни қораламайди ҳам. Ёзувчи учун азоб ҳам, укубат ҳам йўқ. У жуда лоқайдлик билан ўтмиш ҳаётда юз бераётган реал ҳодисанинг манзарасини яратади, холос. Ўзи кўзга ташланмайди, қаҳрамонлар ортига бекинади.

Лекин, бундан тасвирланган фожеага Қодирийнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, у азоб ҳиссини ҳам, фожеага муносабатни ҳам билмайди деган қатъий тушунчага келмаслик керак. Чунки, «Бадиий асарнинг бутунлиги foянинг бирлиги, қатнашувчи шахсларнинг ишланганлиги кабилардан иборат эмас, балки, бутун асарга сингдирилган муаллифнинг воқеликка бўлган ўз муносабатининг равшанлиги ва аниқлигидан иборатdir»<sup>1</sup>.

У бу фожеанинг ижодкори экан, албатта, бу фожеанинг бутун даҳшатини, оғир азобини тасаввури орқали ўз бошидан кечирганинги, ҳис қилганинги биламиз. **Бироқ бу яширган, фожеанинг ортидадир.**

А. Қодирий ҳар қандай тушунтиришлардан қочиб, бу вазифани қаҳрамонларнинг ўзига юклайди. Уларнинг бир-бирига муносабатларини ва кечинмаларини жонлантириш орқали бу фожеага ўзининг муносабатини яширин ифодалайди.

Отабек Кумушнинг Зайнаб томонидан заҳарланганлигини билгандан сўнг, телба ҳолатига тушади, кузига ҳеч нарса қўринмайди. Фазаб ва нафрат отига минади. Ардоқлаб ўстирган онасига жуда ҳурмати, иззати баланд бўлишига қарамай, уни сенсирашга боради. Зайнаб

<sup>1</sup> Л. Толстой. Об искусстве и литературе. М., Т.1, стр. 233.

набни энг қўпол сўзлар билан ҳақоратлади. Ундан нафратланади ва унга «Талоқ» эълон қиласди.

Юсуфбек ҳожи воқеани табибдан эшитгач, у ажабланмай Зайнабни лаънатлади. Кумуш ҳолатини кўриб, ўзини тўхтата олмасдан ийглайди.

Кумуш қанчалик азоб тортаётган бўлмасин, Зайнабга эълон қилинган «Талоқ»ни эшитаркан, кўзи ярқ этиб очилади.

Туси мурдадек оқарган Зайнаб ҳақоратланар, заҳарли аталага беланар, «Талоқ»ни эшитар, ҳайдалар экан, бирор кишига сўз қотишга курби етмайди, ўз ҳаракатларини баҳолай билмайди...

Ана шу қаҳрамонларнинг бир-бирига муносабатларини ифодалаш орқали Зайнабга нисбатан ўзидағи нафрат ҳиссини, Кумуш, Отабекка... нисбатан муҳаббат ҳиссини уйғотади. Бу айнан шундай тарзда китобхонга ҳам «юқади».

Демак, А. Қаҳҳор ёзганидек, «Адабиёт бирон ижтимоий ҳодисанинг яхши ёки ёмон эканлигини фактлар, рақамлар билан исбот қилиб хулоса чиқармайди, унинг яхши ёки ёмон эканлигини қўрсатиб, кишиларда шу ҳодисага нисбатан муҳаббат ёки нафрат ҳисси туғдиради».

«Ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса гўфрисида ёёса, буни ўқиган ўқувчи ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Демак, куйдириш учун куйиш, ардоқлаш учун ардоқланиш шарт...».

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келамиз:

Биринчидан, ёзувчи инсонларни «предметларни қандай бўлса, шундай, ўз шахсидан ажратиб» (В. Белинский) кўради. Тасвирланаётган воқеадан, яратётган қаҳрамондан устун туриб фақат ҳаётни бутун ҳақиқати билан холис кўрсатади.

Иккинчидан, ёзувчи тасвирланаётган образларнинг, предметларнинг моҳиятига, «ичига кириб кетади ва уларнинг ҳаёти билан яшайди» (В. Белинский). Ёзувчи қаҳрамонларнинг қувонч ва изтиробларига шерик бўлади, улар ҳаётида юз берадиган кечинма ва ҳодисаларни ўз қалбida, ўз танасида содир бўлаётган кечинма ва ҳодисадек қабул қиласди.

Ана шу қарама-қаршилик диалектик бир бутунликни, яхлитликни ташкил этади.

Лекин, бунинг зарурий ва ҳамма реалистлар учун умумий бўлган қонунияти бор: **Реал ҳаётга ва ўзи қай-**

та яратган оламга бўлган эҳтиросли, ички алоқаси, эстетик үлчови, симпатия ва антипатияси яширингай бўлиши ва у асарнинг умумий руҳига сингиган бўлиши шарт. Китобхон фақат ҳаётнинг объектив тасвирини кўрсину, асарнинг умумий руҳига ёзувчи томонидан зарбланган, муҳрланган ҳиссиятни ўзи бошидан кечирсинг, фикрхолосани ўзи чиқарсинг.

Шунинг учун ҳам ёзувчини қўёшга қиёс қилишда ҳикмат бор. Қуёш ер юзидағи ўсимлик ва мавжудотларга бир хилда нурини, иссиғини сочади. У ўсимликларни ҳар хил гуллари ва ҳосилига, шаклу шамойили ва мазмунига, заҳарлию фойдалилига қараб ажратмаганидек, ёзувчи одамларни ҳам миллати ва мансабига, яхшилиги ва ёмонлигига, шўх ва бузуқлигига, чиройли ва хунуклигига қараб ажратмайди. Уларнинг ўз ички қонуниятларига мос ривожини таъминлайди. Ёзувчи ҳам ўз қаҳрамонларини уларнинг ички қонуниятларига мос ژивожлантириш ва бунга қалб ҳароратини аямасдан сарфлаши керак. Қаҳрамонлар яратувчиси (ёзувчи)ничт курсатмаси асосида яшаши мумкин эмас, яратувчи ('езувчи) ҳам, ўз навбатида, улардаги ички кучни ўйғотиши ва ўйғонган, ҳаракатга кирган ана шу кучнинг ўзига хос ривожига «тусиқ» бўлмаслиги, аралашмаслиги лозим.

**Асарда ёзувчи кўринмасин, фақат ўзининг бевосита ҳаракати, табиий ривожи билан, ўзининг турли-туман ранглари билан ҳаёт кўринсин.**

Ҳаёт объектив тасвирини топгандагина китобхон ёзувчини унугади, у асарни ўқиш жараёнида, тўғрироғи ўқиб бўлгач, образлар системасидан, танланган воқеалардан, воқеа-ҳодисаларнинг мантиғидан, персонажлар ирова йўналишининг ёритилишидан ёзувчининг ўзлигини топади. Китобхон кўз ўнгидаги содир булаётган ҳаётни кўрар (ўқиш жараёнида шу ҳаётни тасаввурнида жонлантирап) экан, бу ҳаёт ҳақида ўзи хуласага келади, унда кўтарилиган масалаларни ўзи ечади, персонажларга бўлган муносабатини ўзи тайин этади, асардаги яхши ёки ёмонни ўзи ажратади.

Агар асардаги ўз-ўзидан ривожланувчи ҳаётга ёзувчи аралашса, ўз номидан тушунтиришлар бера бошласа, ички сабаб натижасида «мустақил» ҳаракат қилувчи бу ҳаётнинг китобхонга таъсири жуда пасайиб кетади. Чунки, биз образ катти-ҳаракати, психологиясини кўрмасдан, муаллифнинг ўзини, унинг муносабатини кўра-

мизки, бу салбий реакция уйготади, бадиий асар маълум даражада тарихий-адабий характердаги ҳужжатга ёки қаҳрамон ҳақидағы қуруқ ахборотга үхшаб қолади. Бундай пайтда ҳаёт ҳақида ҳаёттинг үзи, персонаж ҳақида персонажнинг үзи гапирмайди. У муайян даражада билимимизни бойитади, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари ва ҳолатларини, тақдирини тушунишишимизга ёрдам беради, лекин ҳеч қандай эстетик түйғу уйғотмайди.

«Уткан кунлар» романида Кумуш вафотидан сұнгти воқеаларни тасвирлаш борасида ёзувчи Зайнаб тақдири ҳақида сезади:

«Кумушнинг яқинларигина әмас, балки фожеадан хабардор бўлган шаҳарнинг катта-кичиги Зайнабга бериладиган жазони эрта-кеч кутмоқда эдилар. Бироқ, фожеанинг ўнинчи кунларида Зайнабнинг жинни бўлиб, очиқ кўйи кўчада юрган хабари ва оғаси томонидан ушланиб кишангага солинган можароси эшитилди. Зайнабнинг жунуни қозилар ва табиблар тарафидан ҳам тасдиқ этилгач, унинг устидаги жазо кутарилди. Дарҳақиқат, ақлдан озиб кўчаларда очиқ кезиш ва кишишнинг үзи ҳам Зайнаб учун кичкина жазо ҳисобланмас эди<sup>1</sup>.

Ушбу ахборот — ўз кундошини заҳарлаган Зайнабнинг тақдири, фожиаси ҳақида китобхонга маълумот берса-да, лекин, унинг асарга бўлган мафтункорлиги ҳиссини йўққа чиқаради. Муаллифнинг үзи қаҳрамони тақдирига бевосита сингишиб кетмасдан, аралашуви («Дарҳақиқат, ақлдан озиб кўчаларда очиқ кезиш ва кишишнинг үзи ҳам Зайнаб учун кичкина жазо ҳисобланмас эди, — деб Зайнабга ўз муносабатини очиқ билдириши») Зайнабнинг ўз тақдири ҳақида үзи гапиришига имкон бермаган. Натижада, китобхоннинг бу хабардан кўнгли тўлмайди, Зайнабга бўлган қизиқиш ҳисси қониқмайди.

Буни А. Қодирий ҳам сезади. Асарнинг «Хотима»сида Зайнаб ички дунёсининг, характер мантифининг ривожини тўғри белгилайди. Зайнаб ўз ҳаёти билан яшайди, ўзининг қандай ҳолга тушганлигини үзи фош этади. А. Қодирий ўзини Зайнаб образидан тамоман ажратади, четдан, узоқроқдан туриб разм солади. Образ ва муаллиф объективлашади:

«...Кеча ойдин, қабристон тип-тинч, узоқроқдан

А. Қодирий. «Уткан кунлар». Т., 1980. 361-бет.

куръон товуши эшитилар эди. Икки түп чинор бутоқларида қуниб ўтирган уч-тұртта бойқушлар, қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори, қуйи дүмбайған қабрлар бу тиловотта сомись каби эдилар. Куръон оятлари қабристон ичидә оғир оҳангда оқар эди. Қабр ёнига тиз чүккан йигитнинг күз ёшлари ҳам куръон оятларига құшилиб оқар эди. Бирор соатдан кейин тиловот тұхталди. Отабек ҳолсизланиб оёқ узра турди ва орқасидаги ярим яланғоч күлагани күриб бир неча қадам қабр томонга тисланди...

Күлага ялингансимон унга яқын юриб келди...

— Ким бу?

— Мен Кумуш!..

Отабек товуш әгасини таниди. Бу мажнұна Зайнаб эди.

— Кет мундан!

— Мен Кумуш!.. — деди яна Зайнаб, аммо кетмай иложи қолмади. Зероки, дүнёдеги эң яқын кишиси «кет!» амрини берган эди. Зайнаб орқасига қарай-қарай Отабекдан узоқлашди. Отабек қайтиб унга қарамади, қабр ёнига тиз чўқди...<sup>1</sup>

Ушбу мисолдан ва юқоридаги фикрларимиздан аниқ бўляяптики, муаллифнинг тасвирланган ҳаётга, образга «зўрлик» қилиши — аралашуви реалистик санъатга зиён етказади. Шундай экан, кўпгина асарларда («Евгений Онегин», «Зайнаб ва Омон», «Бўрондан кучли», «Кудратли тўлқин» ва ш.к.) муаллифларнинг бевосита аралашувига дуч келамиз. Лекин, биз бу асардаги «муаллиф чекинишларини» — лирик чекинишларни кўплаб учратсак ҳам, уларнинг бадиий қудрати, эмоционал таъсири олдида лол қоламиз. Сабаби нимада? Сабаби шундаки, бу асарларда персонажлар фақат биз учун эмас, балки муаллиф учун ҳам объективлаштирилганидадир. Бу асарларнинг муаллифлари персонажларнинг ўз ҳаёти билан ящашига, ўз ички кучлари или ривожланишига аралашмаганлари дадир. Уларнинг конкрет образга эмас, балки образлар системасига, асарнинг умумий руҳига аралашуви — ҳаётнинг кўпқиррали ҳаққоний манзарасининг моҳиятини фалсафий, публицистик, лирик жўшқинлик билан тўлиқроқ гавдалантиришга имкон беради.

Ўзбек романчилигига, айниқса, Ш. Рашидов ижо-

<sup>1</sup> А. Қодирий. «Ўткан кунлар», Т., 1980, 363—364-бетлар.

дида, унинг «Кудратли тұлқын» романыда бу ҳодиса үзининг яққол ифодасини топған.

«Құдраттың тұлқын»даги муаллиф чекинишиларида биз халқ үшін көздөн көрдіктердің тәсілі. «Құдраттың тұлқын»даги муаллиф чекинишиларида биз халқ үшін көздөн көрдіктердің тәсілі. «Құдраттың тұлқын»даги муаллиф чекинишиларида биз халқ үшін көздөн көрдіктердің тәсілі.

«Пулат! Мана ҳозир Баҳор түгрисида ўйлаб турибсан. Уни сен баҳор авжида бўлган пайтда майсазорда, қа тин-қалин очилиб, ер юзини қоплаган лолалар ичидага кураяпсан. Унинг оқ шойи қўйлаги кўклам шабадасида ҳилпирайди. Қоп-қора соchlари нур билан товланиди. Нима учун бу воқеаларни эсингга олганда, юрагинг тез-тез уради? Ахир, сен баҳор билан бирга анашу майсазорда лола терганингда, юрагинг бу қадар урмаган эди-ку! Эҳтимол, бунга айрилиқ сабабдир? Эҳтимол, кўз олдингда Баҳор гавдалангач, нима бўлса ҳам у билан кўришгинг келгандир. Унинг елкаларидан кучоқлаб бағрингта босиб, индамай кўзларига термилган ҳолда тургинг келгандирки, шунинг ўзи дилингда битмас-туганмас севинч-кувонч уйготди.

Шундай экан, нима учун энди Баҳорни чин дилдан севганингга иқор булишдан қўрқасан? Ёки бу билан чин дўстлигимиз тамом булади деб уйлайсанми? Ахир, севгининг ўзи ҳам дўстлик эмасми? Жаҳон қадар кенг, кўёш қадар ёрқин, ҳар қандай қийинчиликка бардош берадиган ва ҳар бирингизга меҳрибонлик, ғамхўрлик бағишлайдиган асл дўстлик—қайноқ дил севгиси эмасми? Бу дўстликнинг ўзига хос хусусияти бор,—севишган қиз ёки йигитнинг кўзига бир назар ташлаб, баҳтиёр буласан! Сен Пўлат, қизнинг қулини қўлинингда ушлаб турсанг, яшаш шириноқ туюлади. Агар у рўмолчасини ҳилпиратиб, сени ишга кузатса, ишинг унумли булади, тоғларни ағдариб, дарёларни бўғасан,

жаҳонда сендан қучли киши бўлмайди, севимли қизингдан чиройли қиз бўлмайди!.. Бироқ, бу йулдан адашма, гар туртиниб йиқиладиган бўлсанг, шармандайишармисор бўласан. Киши учун дунёда севгига ва севимлининг дўстлигига номуносиб булишдан бошқа зўр мусибат йўқ.

Бундай дўстлик учун сўз ҳам ноўриндир. Чунки, бу икки ҳаётнинг бир-бирига ажойиб куйилишидир. Ҳозир чунтагингда ўз ҳарорати билан юрагингни иситган Баҳорнинг хати турибди. Гарчи бу хатни ўқиб кўрмаган бўлсанг ҳам, юрагинг ёрқин ва қувончлидир. Баҳорнинг шу саломи билан сен қайтадан туғилдингу, ҳаётинг яна тўла, яна ёргу бўлгандай сезилади. Энди сен бундан ҳам оғир, бундан ҳам катта меҳнат ва жасорат истайсан!

Мана, Пўлат, энди сизларнинг оддий дўстлигиниз, ўзаро муносабатларингиз кўп вақтлар дўстликдан нарига ўтмаган бўлса ҳам, энди чин севгининг нозиклигини ва нуронийлигини касб этдики, эҳтимол ўзинг ҳам ишонгинг келмас.

Севги одамларга турли-туман бўлиб келади. Худди сизларникидай ҳам бўлади-ю, болалиқда пайдо бўлган дўстликдан ҳам келиб чиқади. Сизлар ёшлиқданоқ ажralmas дўст эдингизлар. Мана энди бу ажойиб камтарин дўстлик гули бошқа ҳис-туйғуларнинг қип-қизил ғунчасини чиқарди. Пўлат, ҳозиргача сен Баҳорни севишингни билмай туриб, рашқ қила бошладинг. Қиз билан учрашувинг табиий бир ҳол эди ва сизлар ҳам шунга қўнишиб қолган эдинглар. Энди-чи? Энди бундай учрашув узоқ кутилган байрамдир. Чунки, неча ойлар ўтдики, бир-бирингиз билан куришганингиз йўқ. Шунинг учун ҳам Пўлат, Баҳорсиз яшашнинг нақадар қийинлигини ҳар куни ҳис қилиб турибсан.

Агар сен айни пайтда, оддий синфдош дўстингдан хат олганингда, оҳистагина қўл юбориб, чўнталингда турган муқаддас уч бурчак хатни ушлаб-ушлаб ором олармидинг? Эҳтимол, бу хатда Баҳор бармоқларининг иссиқ ҳарорати сақлангандир.

Энди сен меҳмонларнинг тезроқ тарқалиб кетишлиарни тоқатсизлик билан кутмоқдасан. Уларни кузатиб қўйгач, шошилинч равиша Қосимовга, Саодатга ва ойингга ҳам хайрли кеч тилайсану, ҳовлининг пастидаги узумзорга кириб, гойиб бўласан. Кўм-кўк ўтлар устида ўтириб, шошилинч равиша уч бурчак хатни

очасан. Бу хатнинг ҳар бир сатри сенга сирли булиб куринади-ю, гарчи, Баҳор бу хатда оддий гапларниги на ёзган бўлса ҳам, буларнинг ҳаммаси сенга узумзорлар ичида у билан бирга икковингиз учун ҳам бир хилда муҳим ва маҳфий бўлган ҳис-туйғулар тўрисида шивирлашгандек бўлади. Кўзларинг шундай деб турибди...»<sup>1</sup>

Ушбу лирик чекиниш орқали ёзувчи Ш. Рашидов, биринчидан, тенгсиз қувонч ва баҳт келтирувчи дўстликни улуғласа, севгини мадҳ этса, иккинчидан, бевосита асарнинг бош қаҳрамони Пўлатга мурожаат қўлади: унга бу дўстликнинг, севгининг моҳиятини тушунириади, бу туйғуларни асрани лозимлигини таъкидтайди, биринчи бор жудолик азобини тортаётган Пўлатнинг Баҳордан келган хат баҳонасида қалб тебрангашларини, юрак уришларини нозик таҳдил этади.

Ёнда таъсирили лирик чекинишларни романда кўплаб учратиш мумкин (ун икки ўринда). Муаллиф Баҳор, Зеби, Анвар (асосан Пўлатга) каби фақат ижобий образларга бевосита мурожаат этади. Уларнинг фаголияти ва руҳиятида юз бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини очади, тушунириади.

Бироқ, ёзувчи юқоридаги мисолимизда кўринганидек ҳеч вақт Пўлат, Баҳор, Зеби, Анвар образларининг ички ривожига, ҳар бирининг «алоҳида, ўзида яширинган дунё» (В. Белинский)сига даҳл қўлмайди. Бу қаҳрамонларнинг ҳар бири ўзи ҳақида ўзи гапиради, ҳар бирининг ҳаракатида характер ирова йўналишидан келиб чиқувчи ҳаётйлик, табиийлик барқ уради.

Танқидчи С. Мамажонов ёзганидек, «...бундай лирик чекинишларнинг ўрин олиш сабабларидан бири бизда китобхон билан ёзувчи ўртасида шаклланиб етган фоявий, маънавий, руҳий яқинлик, мақсад — идеал бирлигидир...». Шундай экан, асарнинг умумий мазмунига, образлар системасига сингиб кетган бундай қудратли лирик чекинишларни — зарур фикр-мулоҳазаларни ифодалашнинг бундай шаклини реализм кўллаб-куvvатлайди.

Шу ўринда яна бир алоҳида хусусиятни таъкидлаш лозимга ўхшайди. Муаллифнинг персонажига субъектив муносабатини ҳамма вақт рад қилиш керакми?

<sup>1</sup> Ш. Рашидов. Қудратли тулқин. Т., 1964, 138—140-бетлар.

Муаллиф образда «үзини» берса, образда муаллиф қарашлари, фикрлари, симпатияси ва антипатияси маълум даражада кўзга ташланса, демак, асарнинг foявийбадиий таъсир кучи пасаядими? Бу нарса юқорида таъкидлаганимиз реализм қонуниятига зид эмасми?

Танқидчи С. Мамажонов «Лирик олам, эпик қўлам» китобида ёзувчи Ш. Рашидовнинг воқеликни бадиий тадқиқ этиш усули—услубини текширас экан, ҳақли равища ёзади:

«...Голиблар», «Бурондан кучли» асарларида муаллиф позицияси билан ижобий қаҳрамонлар позицияси, улар овози жисп қўшилиб кетган. Муаллиф овозида халқнинг фикри, нуқтаи назари, персонажлар нутқида муаллиф овози доим иштирок этади...

Ижобий қаҳрамонлар билан муаллиф нутқининг яқинлигининг илдизи уларнинг ҳаётга қарашидаги ягоналик бир хил позицияда туришларига бориб туташади. Ижобий қаҳрамонлар нутқининг муаллиф нутқи каби кутаринки, ҳатто шоирона оҳангда бўлишнинг асоси ҳам худди шу ерда бўлса керак...»<sup>1</sup>

Ушбу мисолдан ҳам кўринаяпти, муаллиф — Ш. Рашидов ўз сўзларини қаҳрамонга юклайди, ўзи қаҳрамон қиёфасига тўлиқ сингимайди. Худди шундай ҳолатни Д. Фонвизин, В. Гюго, Н. Чернишевский, М. Лермонтовнинг баъзи асарларида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» асарини таҳлил қилиб, В. Белинский «у (муаллиф) томонидан тасвирланган характер... шунчалик унга яқинки, ундан ўзини ажратишга ва объективлаштиришга куч топа» олмаганлигини таъкидлайди. Бунинг сабаблари нимада? Сабаби — муаллиф ва персонажнинг «ҳаётга қарашдаги яқинлиги» (С. Мамажонов)дир. Муаллиф фикри, сўзи, хатти-ҳаракатининг персонажички дунёси мазмунига тўлиқ мослигидир.

Бу хил тасвир асар яратилган давр китобхонлари учун қанчалик аҳамиятли ва таъсири беқиёс бўлмасин, ёзувчи қаҳрамон «киндиги»ни кесгач, яъни ўзини персонаждан ажратгач, яна «киндиқ»ни улаш — ўзини персонажда бериш, албатта, асарнинг foявийбадиий кучига, китобхоннинг ижодига маълум дараҷада салбий таъсир кўрсатади. Ёзувчининг қалами ўрнига (юқоридаги мисолга диққат қилинг!) журналист-

<sup>1</sup> С. Мамажонов. Лирик олам, эпик қўлам. Т., 1970, 317—318-бетлар.

нинг қалами ишга тушади. Тасвир ўрнини публицистик оҳанг эгаллайди... Шу сабабдан ёзувчига китобхон А. Горькийнинг қўйидаги сўзлари билан мурожаат қилмоққа даъват ҳис этади:

«Сиз, ҳар ҳолда унинг (персонажнинг — Ҳ.У.) кузи билан қарашингиз керак. Ўнга нима лозим бўлса, шуни орзу этиш ва тасаввур қилиш учун тұла эркинлик беринг. Агар сиз ўз қарашларингизни унинг қулогига қўйиб турсангиз, унда персонаж эмас, балки сиз гавдланасиз».

Хуллас, муаллиф ҳаётни, персонажни тұлиқ обьективлаштириш, улардан устун булиши шарт. У ёки бу масала бўйича зарур фикрларни айтмасликнинг иложи бўлмаса ва бу фикрларни образга «юклатишига» имкон бўлмаса (образни обьективлаштиришга монелик қиласа) лирик чекинишлар орқали очиқасига, муаллиф (ўз) номидан ифодалаш шакли маъқулдир. Гарчи бундай шаклни реалистик метод қўллаб-қувватласа-да, у умумий қоида бўла олмайди. Унинг учун ҳаётни аниқ ва холис тасвирлаш ва тасвирланган воқеликка бўлган ўз муносабатнни яширин ифодалаш — умумий қоида бўлиб қолаверади.

**ХАЛҚЧИЛЛИК.** Русларнинг «тиниб-тинчимас» танқидчиси В. Белинский айтганидек, «агар халқчиллик деганда бирор ҳалқ, бирор мамлакат одамларининг хулқ-авторини, урф-одатларини ва характеристи хусусиятларини ҳаққоний тасвирлашни тушунадиган бўлсак, халқчиллик чинакам бадиий асарнинг зарур шартидир».<sup>1</sup> Айни пайтда, унингча, адабиёт ҳалқ фикрини бир марказга йигади ва уни яна ҳалққа қайтариб беради.

Демак, ҳалқ ҳаёти ва турмушини, орзу-умидлари ва манфаатларини тасвирлаш ва ҳалқни комиллик руҳида тарбиялашга қодирлик адабиёт ва санъатнинг ҳалқчилнги деб аталади.

Адабиёт ва санъатнинг ҳалқчиллиги (демакки, унинг бадиийлигини белгиловчи муҳим хислати) бир неча омилларга боғлиқ; улар:

**Биринчидан**, ҳалқ учун аҳамиятли бўлган ҳаётий масалаларни ўртага қўйиш, ҳалқ ҳаётининг энг муҳим томонларини акс эттириш, ҳалқнинг порлоқ орзу-умидларини акслантириш;

<sup>1</sup> В. Белинский. Адабий орзулар, Т., 1997, 250-бет.

**Иккинчидан**, тасвирланган ҳар бир воқеа-ҳодисага, масалага халқ манфаатлари ва орзу-умидлари нуқтаи назаридан ёндошиб, умуминсоний дунёқараш ва фоявийликни намойиш этиш;

**Учинчидан**, кенг халқ оммаси учун тушунарли миллий тил ва услубдан, ранг-баранг жанр ва шакллардан фойдаланиш;

**Тўртингчидан**, «бегона» халқлар ҳаётини объектив ва эъзозлаб тасвирлаш, ўз ижодини халқ оғзаки ижоди билан чамбарчас боғлаш;

**Бешинчидан**, халқнинг туйгуларини бирлаштириши, эътиқодини мустаҳкамлаши, уни янада юқорироқ (олижаноб, пок, ҳалол қилиб) кўтариш ва халқ томонидан севилиш каби муҳим фазилатлар билан, бу фазилатларнинг яхлитлашган ҳолдаги қудрати илиа белгиланаиди.

**Миллийлик ва умуминсонийлик.** Адабиётнинг халқ-чиллиги унинг миллийлигини тақозо қиласди. Чунки халқ ҳаёти билан мустаҳкам боғланган адабиёт ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатларини, руҳиятини, фикрлаш, яшаш тарзини акслантириши табийидир-ки, бу — адабиётнинг миллийлигини вужудга келтиради. Ва бу миллийлик шу адабиётни яратган даҳоларнинг ижодларида, уларнинг энг яхши асарларда яққол кўзга ташланади. Жумладан, Навоий, Бобур, Машраб, Яссавий, F. Фулом, Ҳ. Олимжон, Э. Воҳидовлар бутун дунёда севилиб ўқиласди. Чунки уларнинг асарларида ўзбек халқнинг «ўзлиги», характеристи чуқур ифодаланганидан ташқари, уларда инсоният учун, инсон учун зарур бўлган муаммолар тасвир ва таҳлил қилинганидан умуминсоний хислат касб этади.

«Бадиий ижод шундай дараҳтки, шохida умуминсоний мевалар етилади, илдизи эса миллий заминда ётади», — деганида ёзувчи Ўткир Ҳошимов тамомила ҳақдир.

Шу нуқтаи назардан шеъриятимиз маликаси Зулфия ҳаёти ва ижодига бир нигоҳ ташлайлик.

Зулфия 29 ёшида бир қизу бир ўғил билан бевақолди. Умрининг охиригача Ҳамид Олимжон севгисига «садик бўлмоқ ўзи саодат» деб тушунди.

**Тунлар тушимдасан, кундуз ёнимда,**

**Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам, — дея куйлади.**  
Вафоси, садоқати билан ўзбек Онаси, ўзбек аёлининг  
Вафоси рамзи сифатида бизнинг қалбимизни иситди,

ҳақиқий ва буюк мұхаббат құдрати ҳақида жонли дарс берди, ибрат намунасини курсатди.

Камалак етти рангда етмиш хил жилоланиб, барчани мафтун қылғанидек, Зулфия «тонгнинг үзидай рост ва ёрқин ҳақиқатта» йүргілган поэзияси билан («Кечир, қолдым ғафлатда!», «Баҳор келди сени суроқлаб», «Не балога этдинг мубтало» ва ш.к.) садоқат ва вафодорлик түйгесини — инсонийликнинг бош мезони даражасига құтардикі, усиз ҳақиқий комил инсонни тасаввур этиш ҳам мүмкін әмас. Бугунги ҳаётимизда қүйди-чиқдилар, сарсон-саргардон етимлар, ҳавойи истаклар деб ор-номусдан воз кечган, «игнага үтирган» аёллар, ҳаёсиз, ибосиз жувонлар жабрини тортаётган жаҳонда Зулфиянинг ҳаяжонли, үтли чақириғи, жасоратта тұлиқ қүшиғи — ҳар бир қалбда (фаранг, олмон, инглиз, араб, форс қалбіда ҳам) жаранглағомда. Вафога, садоқатта, ҳұрмат ва эъзозга, назокат ва латофатта, ор-номус ва инсонийликка чақираётібди. Шу билан одамдек яшашимизга, комил инсон ва соғлом авлод учун курашишимизга фаол ёрдам берапты. Бу Зулфия ижодининг умумбашарийлигидан, умрбоқијлигидан, чүкүр замонавийлигидан, бутун инсоният учун зарурат эканлигидан далолат беради.

Демек, санъаткор ижодида, унинг чинакам асарида миллийлик ва умуминсонийлик бир вужуддан озиқлағанди. Миллийлик қанчалик чүкүр ва ёрқин ифодаланса, унда умуминсоний хислатлар шүнчалик улуғ ва таъсирчан құдрат касб этади; миллион-миллионларни инсонийлик йүлида ҳамкорликка чорлайди, қалблар ва онгларни бирлаштириб әзгуликка, комилликка етаклайди.

Бунинг учун умуминсоний қадриятлар ҳар бир миллининг маънавий мұлкига айланиши зарур. XXI асрда халқтар үртасидаги низо ва зидлашувлар бұлмаслиғи учун халқтар үртасида уларни бирлаштирувчи ахиллик ва муросани юзага келтириш, «Улуғ мақсадлар йүлида йүлдошлиқ қилишга күндириш» (И. А. Каримов) — адабиёттинг умуминсоний вазифасидир.

Ёзувчининг дүнёқараши, маънавияти ҳаёт оқими билан бирга ўсиб, ўзгариб, ривожланиб борар экан, айни чоеда, у ёзувчининг ижодий эволюциясини ҳам белгилаб беради. Ёзувчи маънавияти ва салоҳияти қанчалик бой бұлса, унинг бадиий олами ҳам гоявий жиҳатдан шу қадар тиниқ ва равшан, таъсирчан ва юкув-

chan бўлади. Агар ёзувчининг гоявий (фикр) доираси, маънавияти тор ёхуд заиф, биқиқ ёхуд ўргамиёна бўлса, у қанчалик талантли бўлмасин (талант тинимсиз меҳнат билан озиқлантирилмаган бўлса), бу ҳол унинг ижодига салбий таъсир кўрсатади: хом-хатала ва заиф, чалажон ва рамақижон асарлар туғилаверади...

Хуллас, гоявийлик адабиётнинг моҳияти, муҳим сифат белгисидир.

Ушбу бўлимни якунлаб, шундай **хуносалар** қиласа бўлади:

1. «Бирламчи табиат» — Аллоҳdir, Аллоҳ яратган ҳаётдир. «Иккиламчи табиат» «бирламчи табиат» асосида яратилган нарса, ҳодиса, жараёнлар ва санъат дунёсидир. Маънавият — кўнгил кўзгуси, Аллоҳ берган нурдир; кўнгилни сайқаллаштириш йўл-йўриғидир.

2. Санъат образлар орқали фикрлашдир. Санъатнинг ҳам жони, ҳам қони бадиийликдир.

3. Адабиёт сўз санъатидир. Унинг билиш обьекти ҳаёт, предмети — инсон, вазифаси инсон туйгулари тарбиясидир.

4. Образлилик — қайта яратилаётган ҳаётни тасаввур қиладиган даражадаги жонли ва завқли тасвиридир.

Образ — тўқима ёрдамида яратилган ва эстетик таъсирдорликка эга бўлган инсон ҳаётининг умумлашма ва аниқ манзарасидир.

5. Ёзувчининг таланти — бадиий асарда ҳаётни қайта тиклаш, жонли яратиш қобилиятидир. Илҳом — қийин муаммоларни осонлик билан ҳузурли ечишдир. Қайта яратилган бадиий оламнинг бетакрорлигини таъминлаш, ҳиссий таъсирдорлигига эришиш — маҳоратдир.

6. Гоявийлик — бадиий асар қимматини ўлчовчи бош мезонлардандир. Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, унинг атомдан қурдатлироқ кучини ўтин ёришга сарф қилишга ҳожат йўқ.

## *Иккинчи бўлим*

### **БАДИЙ АСАР**

#### **I. Мазмун ва шакл**

*Таянч сўз ва иборалар:* Бадиий асар бетакрор олам. Мазмун ва шаклнинг узвий бирлиги. Характер — ҳам мазмун, ҳам шакл ҳодисаси. Пафос. Бадиий пафос. «Ўткан кунлар» ҳақиқати.

Бадиий асар «абадиятни безайдиган, умри боқий ва мағзи түқ гўзаллик» (А. Қаҳҳор) экан, демак, ҳаёт адабиётга сараланиб, тозаланиб, покланиб — бадиийлаштириб (бадиий ҳақиқатга айлантирилиб) киритилади; «яъни у қайта бичилади, қайта тикилади» ва булиши мумкин бўлган янги воқелик (В. Белинский) яратилади. Бу воқелик мазмуни характерлар олами орқали ҳаракатда ва ривожда ифода этилади. Бу ҳаёт тўлалиги ва боқийлиги билан китобхонда кучли ҳаяжон ва завқ уйғотади.

Бадиий асар ҳаётнинг ўзига хос яхлит, мустақил бир парчасини қайтадан жонлантиаркан, жуда кўплаб бетакрор ва мураккаб жараёнларни бошидан кечиради, айни пайтда, ҳар бири якка олам (асар) бўлиб дунёга келади.

Мавзу ва фоя, образ ва характер, сюжет ва композиция, бадиий тил ва услуб, тур ва жанрлар каби воситалар, асарнинг мукаммаллигини, бадиийлигини таъминлашга хизмат қиласидилар. Улар ҳар бир асарда бетакрор тарзда ўйгунашадилар ва жонли бир «вужуд»ни — бадииятнинг аниқ бир фарзандини дунёга келтирадилар. Бу жараённи қисмларга бўлиб текшириш фоятда қизиқарли ва долзарбdir.

Демак, адабиёт ҳақидаги тушунча ва мушоҳадалар тулиқ булиши учун аниқ бадиий асарнинг таҳлилини заруратга айлантиради; ана шу асос бадиийликнинг қонуниятларини янада равшанлаштиради, бадиий ижод-

нинг биз ҳозиргача эътибор қилмаган мafизли хусусиятларини аёнлаштиради.

Буларнинг бирламчиси бадий асар (дунёдаги ҳамма нарса)да ташқи ва ички ҳаётнинг мавжудлиги ва улар ўртасидаги вобасталикнинг узвий алоқасидир.

«Адабий асарнинг жони — унинг мазмуни, лекин бу жоннинг жон бўлиши учун жасад ҳам керак. Жонни жасадсиз тасаввур қилиш мумкин эмас» (А. Қаҳҳор).

Бадий асарнинг бош мазмуни ёзувчи ифода қилмоқчи бўлган фоя бўлса, ана шу фоя бадий тарзда образларда ўз аксини топади. Образлилик ҳаётни акс эттиришнинг усулидир. Образлилик (образ) характер тасвири орқали воқе бўлади. **Характер** (образ) бадий асарда мавзу ва фоя, сюжет ва композиция, бадий тил каби воситалар орқали яратилар экан, бу унсурларнинг ҳаммаси ҳам шакл саналади. **Демак**, бадий асар мазмунининг «либоси», қобиги, жасади шаклдир.

Мазмун шаклга нисбатан доимо етакчилик қиласи (сифат белгиси унда жойлашади), доимо ўзига муносаб қобигни яратади. Жумладан, турлар ва жанрлар (эпос, лирика, драма; роман, фазал, трагедия каби) ўз мазмун кўлами, мазмуннинг кенг ёки тор ифода этиш даражасига кўра фарқланади.

«Ижодий жараён аслида ҳаққоний, яъни салмоқдор мазмунни ёрқин ифода этишга қодир шаклни ахтаришдан иборат» (И. Султон), уни топиш, кашф этиш доимо қийин кечади.

Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романига тегишли манбаларни тўплаган, қўли қаламга хийла келиб қолганига қарамай, гарб романчилиги асосида каттароқ бир асар яратиш ҳаваси бўлса-да, тинчлик бермаётган тарихий воқеаларни бир ипга тизишни, қандай бошлашни аниқ тасаввур қила олмайди. Кунлардан биррида отасининг қадрдонларидан бири меҳмон булиб келади. Меҳмондан отаси «Андижондаги хотинингиздан неча болангиз бор?» — деб сўрайди. Уларнинг суҳбатидан ёзувчи бу меҳмон тошкентлик бўлиб уйлижойли, бола-чақали киши эканлигини, ёшлигига савдо важи билан Андижонда узоқ вақт истиқомат қилганини, уйланганини, бола-чақали бўлганини ва кексайгач, ўз шаҳрига қайтиб келганини англайди.

Меҳмоннинг ана шу содда тарихи «Ўткан кунлар» романининг шаклини чизиб беради. Ижодий режа ўз шаклу тамойилини топгандан сўнг роман воқеалари

аста-секин ривожлана бошлаган, 5—6 ой ичидаги ижодий изланишлар натижасида роман биз билган «Үткан кунлар» шаклига келган ва у туғилган.

«Үткан кунлар» романида тасвириланган XIX асрнинг иккинчи ярми — тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари — гояси Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Ҳомид, Зайнаб, Ўзбек ойим, Ҳасанали, Мирзакарим кутидор каби образларнинг умумлаштирилган тасвири орқали тирилади. Уларнинг ўзаро муносабатларидан сюжет яратилади, воқеалар характер мантиғига, характер воқеалар мантиғига мос ҳаракатланади... Ана шу хусусиятга кўра характер (образ) алоҳида қудратга эга бўлади, яъни у гояга нисбатан шакл ва айни пайтда, бошқа унсурлар (сюжет, тил, композиция ва ш.к.)га нисбатан мазмун (адабий асарнинг бош вазифаси характер яратиш) ҳодисаси ҳамдир. Характер бир вактнинг ўзида ҳам шаклланади, ҳам мазмунлашади: у шаклдан мазмунга ўтади, мазмундан шаклга кўчади. Мазмун ва шаклни жон ва жасад каби яхлитлаштиради, тирилтиради. Бири-бирисиз яшай олмаслигини яққол намоён этади.

Шунинг учун ҳам назариётчи аллома Иzzат Отахонович Султонов ҳақлар: «Бадий асар гё бир жонли организмдир: организм жонсиз яшай олмаганидек, «жон» ҳам танасиз ўзини намоён қилолмайди. Жонли организмнинг энг кичик ҳужайраси ҳам унда айланиб турган илиқ қон туфайли яшагани каби, кичик қисми ҳам унга ҳаёт баҳш этиб турган мазмун туфайли яшайди ва шу мазмуннинг ташқи ифодаси, нишонаси бўлиб хизмат қиласди».

Ҳар қандай етук асар ёзувчи қалбининг қудратидан, зўр ҳаяжони ва кучли эҳтиросидан, бутун салоҳиятининг қудратидан яратилади. Ёзувчи — санъаткор қалби — мӯъжизакор хазина саналади.

Шу сабаб, ҳар қандай хазинага кириш учун, даставвал, унинг эшигини очадиган калитни топиш лозим. Адабиётшунослик ва адабий танқидчиларнинг фикрига кўра, ҳар қандай бадий хазинани очувчи—ёзувчи шахсини ва асарларини тушуниш, кашф этиш, баҳолаш калити пафосдир. «Пафоссиз шоирни қўлга қалам олишга нима мажбур этганини ва унга баъзан анча катта асарни бошлаш ва охирига етказиш учун куч ва имконият берган нарса нима эканини тушуниш мумкин эмас», — дейди В. Белинский. У давом этиб, шун-

дай тушунтиради: «Пафосда шоир худди жонли, гўзал мавжудотга кўнгил бергандек, гояга мафтун бўлган зот сифатида намоён бўлади, бу мавжудот ана шу фоя билан эҳтиросли равища тўлиб тошган бўлади ва санъаткор бу гояни онги, идроки билан, фақат бир ҳис билан эмас ва ўз руҳининг бирорта қобилияти билан эмас, балки ўз маънавий ҳаётининг бутун тўлалиги ва яхлитлиги билан мушоҳада этади. «Пафос» дегандা ҳам эҳтирос кўзда тутилади, шу билан бирга бошقا ҳар қандай эҳтирос каби инсоннинг тўлқинланиши, бутун асаб системасининг ларзага келиши билан боғлиқ бўлган эҳтирос кўзда тутилади; аммо пафос доимо инсон қалбida фоя кучи билан аланга олдирилаётган ва доимо гояга интилувчи «эҳтиросдир»<sup>1</sup>.

Машхур назариётчи олим И. Султон, Абдулла Қодирий ижодининг пафосини — «умум маъносини» — «замонавийлик ва бадиийлик» деб таърифлайди (И. Султон, 169-бет). Бизнингча, бундай белгилаш унчалик асосли эмасга ўхшайди. Чунки, «ёзувчи ижодининг пафоси унинг асарлари қайси конкрет тарихий шароитда, не ният билан ёзилганига ва ижтимоий ҳаётда қандай тарбиявий эстетик роль ўйнаётганига қараб тайин этилар» экан, шу нуқтаи-назардан қараганда, А. Қодирий ўзбек халқининг XIX асрдаги ҳаётини меҳнаткаш халқ бошига тушган «қора кунлар» тариқасида тасвирлайди ва Чор Русиясининг бу босқини «қора кунлар»ни икки бора кучайтириши мумкинлигига шама қиласди.

**Унинг ижодий пафоси ўтмишнинг ва бугуннинг сарқитларини фожеий оқибатларини реалистик тасвирлаш ва халқни шу фожеалардан тезроқ қутилишга чорлайдир. Мана шу пафос — А. Қодирий асарларидағи фикр ва ҳиссият бирлигини, асарларининг асосий гоясини, ижодининг умумий йўналишини тайин этади.**

А. Қодирий ижодининг пафосини тўғри тушунмаслик ёки уни социалистик реализм ва коммунистик партияйийлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб белгилаш натижасида баъзи танқидчилар А. Қодирий Октябрь инқилобини тушунмаган, тарихий ўтмишга мурожаатини совет воқелигини тасвирлашдан қочиш, унга салбий муносабат натижаси деб даъво қилган бўлсалар, баъзилари эса А. Қодирий Октябрнинг куйчиси, совет воқе-

<sup>1</sup> В. Белинский. Собр. Соч., Т., 3, с. 378.

лигини мадҳ этган ёзувчи, деб хулоса чиқардилар. Бу иккала нуқтаи назарнинг бир ёқламалиги санъаткорга турли бўхтон ва камчиликларни ёпиширишга сабаб бўлди. Ушбу икки хил ноурин қарапшлар адабиётнинг қалбига сиёсатни жойлаштиришга уриниш оқибатидир. Бутунги Мустақиллик ва истиқлол мафкурамиз, эстетик савиямиз уларни рад қўлмоқда. Ҳаёт ҳақиқатини ва эзгуликларни куйлаш, инсонийлик қадри учун кураш осонгина юз бермаслигини яна бир бор исботламоқда. Дарвоҷе, Абдулла Қодирий умри давомида буюк ҳақиқатни излади. Бу ҳақиқатни Октябрь революцияси ҳам кашф эта олмади, лекин, уни зътироф этиш, баҳт-саодат йули сифатида қабул қилишга ёзувчи мажбур бўлди. Коммунистик партия позициясини ёқлашида ҳам самимийликни сезгир китобхон ҳис қилмайди, балки «Ўткан кунлар»ни мутолаа қиларкан, кофирларни, ўрисларни — ёв сифатидаги (жумладан, «Мусулмон-қул истибоддига хотима» бобидаги) тасвирларда самимийлик балқиб турганини очиқ сезади.

Жумладан, романнинг учинчи бўлимидағи «чўтальчи бекларга» қарши Ҳожининг асабий ва қизгин монологи бунинг яққол исботидир:

«...Биродарлар! Ўрис ўз ичимиздан чиқадурған фитна-фасодни кутиб, дарбозамиз тегида қўр тўкиб ётибдир. Шундай машҳар каби бир кунда биз чин ёвға берадиган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсан, сен фалон деб қирилишсак ҳолимиз нима бўладир. Бу тўғрида ҳам фикр қилғувчимиз борми? Кунимизнинг кофир қулига қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўйиб қўйганмизми?»<sup>1</sup>

«Мен ёвни (ўрусларни — X. У.) ҳар замон ўз яқинимга етган кўраман» деб очиқ фикр юритган Юсуфбек ҳожи асарнинг «Қипчоқقا қирғин» бобида жўшқинлик билан мушоҳадаларига якун ясади, асосли башоратлар қиласди:

«...Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирин еб-ичган мансабпаст, дунёпаст ва шуҳратпаст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-бirimизнинг тегимизга сув куядирган бўлсан яқинидирки, ўрус истибодди ўзининг ифлос оёғи

<sup>1</sup> А. Қодирий. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. Т., 1994 йил, 276-бет.

билингвизмни билан булғатар ва биз бұлсак үз қули-  
миз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйин-  
диригини кийдирган бўламиз. Үз наслини үз қули би-  
лан коғир қўлига тутқин қилиб топширгувчи — биз  
кўр ва аклсиз оталарга Худонинг лаънати албатта ту-  
шар, ўғлим! Боболарнинг муқаддаси гавдаси мадфун  
(дағн қилинганд) Туркистонимизни тўнғузхона қилишга  
ҳозирланган биз итлар яратувчининг қаҳрига албатта  
йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мир-  
зо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва  
Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо  
қилғонлари бир үлкани ҳалокат чукурига қараб судра-  
гувчи, албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим!  
Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларни етим, хо-  
наларни вайрон қылғувчи золимлар куртлар ва қуш-  
лар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарфишига нишона-  
дир, ўғлим!.. (259-бет).

Кўриняптики, А. Қодирий улкан санъаткор сифа-  
тида турли сиёсаларни эмас, балки эл баҳти учун  
кураш йўлини, бу баҳтга қарши бўлган «чўп-хасларни  
супура бориш» йўлини — буюк ҳақиқат деб билди ва  
уни ёқлади, эзгуликни, инсонийликни, мустақиллик-  
ни, озодликни улуғлади, реалистик роман тасвирини  
берди. Бунинг исботини романнинг турли унсурлари  
мисолида ҳам кўрса бўлади.

*Абдулла Қодирий ва Отабек.* Ёзувчи ҳаётнинг қайси  
соҳаларини жонлантирмасин, уни худди ўзи кўрган-  
дай, ўзи бошидан ўтказгандай ишонарли ва таъсирчан  
қилиб тасвирлайди. Шунга асосланган кўпгина содда  
китобхонлар асар қаҳрамонини муаллифга нисбат бе-  
радилар. Уларнинг тушунчасига кўра, «Болалиқ»даги  
Муса—Ойбек, «Судхўрнинг ўлеми»даги Қори Ишкам-  
ба—Садриддин Айний, «Пўлат қандай тобланди?»даги  
Павел Корчагин — Николай Островский... Чунки, бу  
асарлардаги қаҳрамонлар шунчалик аниқ ҳиссиятлар-  
га, кечинмаларга, ҳаётий тажрибаларга эгаки, муал-  
лифлар буларни бевосита үз бошларидан кечирмаган-  
ларида, бунчалик конкрет ва гўзал қилиб ёзмаган бўлар  
эдилар... Бундай тушунча тамоман нотўғридир. Бадиий  
ижоднинг қонуниятларини тушунмаслик оқибатидир.

Муаллифни асаддати қаҳрамон (гарчи бу қаҳрамон —  
ёзувчи автобиографияси асосида яратилган бўлса ҳам)  
бараварлаштириш, тенглаштириш ёзувчи ҳақида, унинг  
турмуши тўғрисида, дунёқараши ва шахсияти бораси-

да кўпгина англашилмовчиликлар, нотўғри хulosалар, тушунмасдан айблашларни, унга нисбатан ноўрин, исботи йўқ, фаразли субъектив фикрларни юзага келтириши мумкин.

Ф. Достоевский «Ўлик хотинидан хотиралар» («Записки из Мертвого дома») асарини ўз хотинини ўлдирган жиноятчи, туқима асосида яратилган шахс номидан ёзган. Ун беш йилдан кейин уни чоризм сиёсий жиноятчи сифатида сургун қилганлигига қарамай, кўпчилик кишилар Достоевский ўз хотинини ўлдиргани учун сургун қилинган деб ўйлаганлар ва тасдиқланлар.

С. Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» асарида ўтакетган хасис образи яратилган. Лекин ҳозирга қадар хасисликни С. Айнийга нисбат берувчиларни, С. Айнийнинг яаша тарзидан, меҳмон кутишидан, бозор қилишибдан хасислик аломатларини топиб, ҳикоя қилувчиларни куплаб учратиш мумкин.

Ҳолбуки, ёзувчи жиноятчини, хасисни тасвиirlар экан, албатта, ўзи жиноятчи, хасис бўлиши шарт эмас. У яратаетган ўша жиноятчининг, ўша хасиснинг қиёфасига кириб, уларнинг ҳаётида бўлиши мумкин бўлган ҳамма ҳолатларни тирилтириш кудратига эга. Чунки, ҳар биримизда бўлганидек, ёзувчидаги ҳамма инсоний хусусиятларнинг куртаги мавжуд.

Иккинчидан, ҳар қандай бадиий асар умумлашма характерда бўлар экан, унинг асосида ҳеч вақт бир шахс (муаллиф)нинг конкрет ҳаёти, конкрет автобиографияси ётмайди, ундан бадиий ҳақиқат туғилмайди.

Шунинг учун ҳам Н. Островский ўшлар ташкилотининг раҳбарларидан бири — Андреевга юборган хатида ёзади:

«Сен тушунасан, Серёжа, менинг барча қаршиликларимга, ўнлаб хат ва мақолаларимга қарамай, бари-бири «Пұлат қандай тобланды?» китоби — менинг ҳаётимнинг тарихи, бошидан охиригача худди ҳужжат тарзида шарҳланаяпти. Уни роман сифатида эмас, балки ҳужжат сифатида тан оляптилар. Бу билан Павел Корчагин ҳаётини менга тиркайтилар. Бунга қарши мен бирон нарса қилолмайман. Мен асарни ёзган пайтимда ўндай деб ўйламаган эдим. Мени фақат битта орзу ақлаган — бизнинг ўшларимиз ибрат оловчи образни тиб бериш орзуси. Албатта, бу образга мен ўз ҳаётим-ҳам озгина қўшганманд».

Кўринаяптики, Н. Островский ҳам автобиографик характердаги ижод билан санъатни тұлиқ фарқлайды. Муаллиф образи иккинчи бор реаллашганда ўзида танлашни, умумлаштиришни жамлашини тұғри тушунади, чунки автобиографик фактлардан күчсиз нусха юзага келади, у санъат асари бўлиши учун қайта ишланиши, ижодий фантазия билан бойиши, умумлаштирилиши зарур. Айни пайтда, тасвирланған хотира ва кечинмаларни ўз шахсидан ажратиши, уларни объективлаштириши лозим. У ҳақиқатан ўз бошидан кечирған воқеалар, хотираларни жонлантирганда ҳам, ўзини бу хотиралар орқали жонланувчи воқеаларнинг иштирокчиси сифатида эмас, балки холис гувоҳи сифатида тутиши керак. Ўзининг шахсини эмас, умумлаштирилган, кўпчиликка хос бўлган хусусият, фазилат, кечинмаларни бериши ва китобхонда бу — муаллиф турмушининг ҳужжати деган тасаввурни уйғотмасликка интилиши керак.

Демак, асарда тасвирланған қаҳрамон билан ҳаётдаги муаллиф-инсон ўртасида катта фарқ бор. Гарчи, «Болалик»даги Муса, «Ўтмишдан эртаклар»даги Абдулла, «Пулат қандай тобланди?» асаридаги Павел Корчагин образлари асосида Ойбек, Қаҳдор, Островскийларнинг маълум даражада автобиографиялари ётса ҳам, уларда ижодкорнинг шахсияти, муҳри босилган бўлса ҳам (бусиз мумкин эмаслигини юқорида таҳдил этган эдик), уларни Ойбек — инсон, А. Қаҳдор — инсон, Н. Островский — инсон билан аралаштириб ва бараварлаштириб юбормаслик керак...

Бадий ижоднинг ана шу хусусиятларини тұлиқ англамаган ёки эътибор бермаган байзи танқидчилар ижодида «Баъзан қаҳрамон нуқтай назари, позициясидан муаллифни излаш, уни муаллиф нуқтай назари, ҳаёт ҳақидаги концепцияси тарзида баҳолашга интилиш ҳам учраб туради. Жумладан, профессор Б. Имомов «Бадий тафаккур усули» мақоласида А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги муаллиф позициясини назарда тутиб шундай дейди: «Айрим тадқиқотчилар Отабек ўлимни сабабини «далил»сиз ёқлашга интилади. Менимча, ёзувчи ижодидаги бу хусусиятни унинг дунёқарashi ва позициясидаги ноаниқ зиддиятли хусусиятлар билан изоҳлаш тұғри бўлса керак. Бу ерда шуниси ноаниқ ва ишончсизки, руҳий изтироб ва тушкунликлардан тинкаси қуриган ёки куч ва қуввати қолмаган Отабекни

қандай фоявий маслак, идеал, эътиқод русларга қарши жангга олиб келди. Бундай ноаниқ позициядан китобхонда туғиладиган ҳайронлик ҳисси роман хотимасидаги: «Отабек руслар билан тұқнашувда биринчи сафдагилар қаторида бұлды ва «қаҳрамонона урушиб шаҳид бұлды» дейишида янада ошади... Менимча, буни (Отабек қисматининг сұнгги дақиқасини — Ү. Н.) Үрта Осиёning Россияяға құшиб олиниши масаласига нисбатан ёзувчи тутган позициясининг аниқ әмаслиги, дунёқараши зиддиятлилиги, воқеаларни марксистик тушуниш даражасига етмаганлығы билан изохдамоқ даркор. Романда Үрта Осиёни құшиб олиш учун бошлаган ҳарбий қарапатта нисбатан ёзувчи муносабати хира ва ноаниқ қолади. Отабекнинг үша давр учун прогрессив тарихий ҳодисага қарши жангта киришини қоралаш үрнига бу борада А. Қодирийнинг лоқайд қолиши, ҳатто үнга майл билан қараши ёзувчи позицияси анча хато эканини яна бир бор исботлайды...»

Шу тарздаги муҳокамасини давом эттириб профессор Ү. Носиров ёзади: «А. Қодирийнинг «Үткан күнлар» романида тасвир объектига нисбатан муаллиф позицияси «ноаниқ, ҳаттоки хато эди» деган фикрни Отабек үлеми билан боғлиқ моментдан излаш, шунгагина таяниб қолиши тадқиқотчими тор рамкага солиб, чегаралаб қўйиши ўз-ўзидан маълум. Отабекнинг сұнгги қисмати ҳақидаги хабар Юсуфбек ҳожининг таниши томонидан ёзилган мактубда хабар қилинган. Тўғри, мактуб бир восита. Уни ўзгартириш ҳам мумкин эди. Аммо мактуб шу үринда тарихий факт-ишонтириш воситаси сифатида қаралади. Бунинг устига, муаллиф Отабекнинг русларга қарши курашини ёқлаш ё ёқламаслигини, шу орқали русларга муносабатини белгилашда Отабек қайси русларга қарши курашади деган саволга жавоб топишга тўғри келади!»<sup>1</sup>

Отабек образининг ички ривожи чор аскарлари билан тұқнашувда фожиага — «қаҳрамонона урушиб шаҳид» бўлишга олиб келди. Унинг тақдирини бундай хотималаниши муаллифнинг хоҳиши, истаги асосида әмас, балки үша давр ижтимоий ҳаётининг ривожидан ва қаҳрамон ирода йұналиши мантиқидан келиб чиқаётганлигидадир. Буни тўғри тушуниш учун Отабек об-

<sup>1</sup> Ү. Носиров. Ижодкор шахси, бадий услуб, автор образи, Т., «ФАН», 1981 йил, 149—151-бетлар.

разидаги асосий нарсани — унинг «фоявий маслаги, идеали, эътиқоди»ни — ижтимоий позициясини тұғри тушунмоқ лозим.

Отабек рус идораларидаги тартибни ёқласа-да, қирғин урушларнинг оқибатидан азобланса-да, лекин, у ўз даврининг бош ҳақиқатини англаб етмаганми? Тұғри, у ўз юрти ҳәёти, хұжалиги, сиёсатида илфор ва одилона тартиблар бұлишини, хонлик ва беклик лавозимларида инсофлик ҳокимлар бұлишини орзу ва ташвиқ қиласы. Оиладаги эскирган иллат ва таомиллардан воз кечишни, муҳаббатда әр ва аёл бир-бирининг таьбига мос бұлиши кераклигини ёқлады. Шу йүлда барьзи ҳаракатларни қиласы, айниқса тузум иллатлари унинг шахси билан тұқнаш келганды («Мусулмонқұл», «Дүшанба куни кечаси» боблари) мардлик ҳам құрсатады. У даврининг асосий ҳақиқатини, Россиянинг босқинчилигини англайды, лекин, оқибатини тұлиқ билмасди. «Адолатсиз мұхитнинг зарбали турткilarини ея беріб эсанкираган, ұжар, қаҳри қаттық воқеликнинг шиддатли қуюнига дучор бұлган Отабекнинг шахсий баҳти узил-кесил чилпарчин бұлады, умидсизликка тушады, унинг «покиза қалби»ни әзгу түйғулар билан түлдирған Кумушнинг вафотидан кейинги ҳәёт эса йигит учун маъносиз туолади ва у рус құшиндарига қарши урушда иштирок этиб, ҳалок бұлади» (Х. Екубов).

Демак, Отабек образи А. Қодирий томонидан етарлы объективлаштирилған. Унинг тақдиди одилона ва ишонарлы хотималанғанки, ҳар қандай китобхон ҳам унинг тақдиди бошқача бұлиши мүмкін эди деган хаёлга бормайды. Бу эса ёзувчининг санъаткорлигига, ҳәёт ҳақиқатини тұлиқ ва тұғри тасвирловчи реалист эканлигига исботтirdи.

Отабекнинг тақдидида ұша давр Отабекларидаги ҳақиқат ифодаланаң экан, нега энди, биз Отабек фикрлари, ҳислари, хатти-ҳаракатларини ёзувчига тиркашимиз: А. Қодирий «воқеаларни марксистик тушуниш даражасига етмаган» деб изоҳлашимиз, ундан «Отабекни ұша давр учун прогрессив тарихий ҳодисага қарши жангга» киритмасликни талаб этишимиз керак? «Отабек қайси русларға қарши курашды» деган ноўрін саволға жавоб ахтаришимиз лозим? Нима учун, ахир?

Агар биз асарни проф. Б. Имомовдек тушунсак, унда «Бемор»даги «Осмон йироқ, ер қаттық» эпиграфи А. Қаҳжорнинг тушунчасини, фикрини ифодалайды деган

хулосани ва шу эпиграфнинг исботи учун ҳикояни ёзган деган тушунчани чиқаришимиз керакми?

Холбуки, бу эпиграф ҳикояга, ҳикояда тасвирланган жамиятга, ана шу жамиятнинг аъзоларига тегишлидир. «Бемор»даги ҳаёт тулиқ объективлаштирилган. Унда содда Сотиболди оиласининг турмуши ҳаётда қандай бўлса, шундай тасвирланган. Асар қаҳрамони Сотиболди билан асар ижодкори А. Қаҳҳор ўртасида осмон билан ерча фарқ борки, ҳеч ким эпиграфни ҳикоядан ажратиб, А. Қаҳҳорга «уламайди».

Худди шунингдек, Отабек ҳам асарда ўз ҳаёти билан яшайди. Муаллифнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда русларга қарши курашда шаҳид бўлади. Бу ҳаёт ҳақиқати. Отабек характеристики ҳақиқатидир. Бу объективликдир. Бу реалистик санъаткор учун қонундир.

Бу қонунга онгли равишда бўйсунган ёзувчини айблаш, асар қаҳрамонига хос хусусиятларни А. Қодирийга тиркаш, унинг дунёқарашидан камчилик ахтариб топиш нотўғри, бадий ижод қонуниятларига зиддир, ёзувчи ижодининг пафосини тўғри тушунмасликнинг оқибатидир.

## II. Мавзу ва фоя

*Таняч сўз ва иборалар: Ҳаёт. Мавзу. Адабий мавзу. Замонавийлик. Бадий фоя. Образли умумлашма ва бўрттирилган фикр. Фоя — бадий асар қалби.*

Бадий асар мазмуни ва шаклидаги қонуниятлар ўз навбатида мавзу ва фояда ҳам, уларнинг узвий бирлигига ҳам намоён бўлади. Чунки, бадий асарнинг тасвир обьекти — ҳаёт (мавзу), тасвир вазифаси — туйгулар тарбияси (фоя) — қуюлмадир.

«Адабиётнинг мавзуи бутун табиат, борлиқ дунёси, инсоннинг ўз ички-ташқи дунёсида сезиб онглағанларидир. Бир томчи сувдан тенгизгача, бир учқундан буюк бир ёғингача, кичкина бир япроқдан улуғ ўрмонларгача нима бор эса, ҳаммаси адаб-ёзгувчи учун мавзу бўларлик нарсалардир» (А. Фитрат. «Адабиёт қоидалири»).

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ҳаёт ва инсонга таалуқли барча ҳодисалар адабиётнинг мавзуига асосдир; шу асоснинг энг майда заррачасида ҳам инсон билиши лозим бўлган, унинг яшаши учун зарур

ҳикматлар, сирлар, мұжизалар мужассамдир. Бу чексиз, өзегасиз дүнёдирки, унда ҳар бир ёзувчи (шоир), үз кузатиши ва таҳлил қилишига, ҳәёттің тажрибаси ва қизиқишига, ҳаяжони ва қашфига, билиш ва салохиятига (яна үнлаб хусусиятларига) күра ҳикматни, мұжизаны (ғояни) үзича (субъектив) қашф этади ва ана шунга муносабатини, фикрини-мақсадини очиб берадиган мавзу (ҳәёт парчаси)ни танлайди, тұғрироғи унга ишқ құяди. Ният ҳам, ишқ ҳам юракдан туғилади.

Мавзу — бутун борлигингизни, үйлаб юрган орзударидарингизни биринчи күрішданоқ ҳаяжонға солған қиз, шу қызға тушған ишқингиз. Бу ишқ Сизни мафтун этади, қизни ўрганишга, кузатишга, билишга майлингиз юрган-турганингизда ҳам, уйқуда ҳам камаймайди; тасаввурингиз (қалбингиз), онгингиз (компьютерингиз) құдрати ила хаёлингизда жонланадаёттан бұлақтақдаги учрашувлардан, турли-туман ҳолат ва түйгулардан лаззатлана бошлайсиз, ҳар бир қашфингиздан юрагингиз гуп-гуп тепа бошлайди, қартоқ нималигини, очлик нималигини, ҳәёттинг бошқа ташвишларини назар-писанда құлмайсиз. Қалбингиз фикр ва түйгулар нуридан «озиқланади»...

Бу жараённи тұликроқ англаш учун бадиҳағай үзенбеназир шоир Faafur Fуломнинг ижодхонасига, у ҳақдағы Сайд Аҳмаднинг иқрорномасига мурожаат қилай-ликті:

«...Әтиш олдидан билагидаги соатни ечиб, құзойнак тақиб қаради.

— Бұлди, — деди домла қайта үрнидан туриб. — Шеър тайёр. Комил Алиев шундай деган эди: «Сарлав-хаси билан тағига ёзиладиган үз номинг нақд бұлса, асаринг битди деявер». Шеърнинг номи билан тағидаги Faafur Fуломи битди.

У кишиға савол назарі билан қарадим.

— Жияним Ҳамидулла үтган куни шу соатни совфа қылған эди. Шу соатта бағишилаб шеър ёзаман.

Бошқатдан кийиниб үтириб олдик. Мен пастта тушиб, чой дамлаб чиқдим. Столға чойнакни құя туриб қарасам, шеърнинг иккі сатри ёзилиб қопти:

*Фұнча очилғұнча үтган фурсатни  
Капалак умрига қиёс этгулик...*

«Вақт» шеърининг туғишишінде оның қылған соат катализатор (эврика!) вазифасини үтамоқда. F. Fуломда

илгаридан вақт ҳодисасининг аломатлари түпланган, у ҳақда сонсиз-саноқсиз ва бой тушунчаларчувалашиб ётган, унинг юзага чиқишига аниқ сабаб, вазият бўлмаган. Соат (сабаб) топилгач, шоирда муҳокама ва мушоҳада, талант, салоҳият вулқондай шиддат билан ишга киришади. Файратига файрат, шиҷоатига шиҷоат, юрак зарбига зарб қўшилади. «Ўйланган асар санъаткорнинг кўз ўнгидаги ўзининг барча гўдаклик нафосати билан намоён бўлади ва оналик туйғусига тулиб-тошган санъаткор хушбўй фунчанинг рангини куради, тез етилаётган меванинг мазасидан лаззатланади». Шеър қофозга завқу-шавққа тўлиқ дил изҳори самараси бўлиб, яъни «вақт»га бўлган ишқ илҳом бўлиб тўкила бошлади.

Ёзувчида бу ишқ — мавзуга, тўғрироғи, мавзуга асос берувчи фояга тушади. Янада аникроқ айтсак, **фоя ва мавзу яхлитлашиб, бир бутун бўлиб дунёга келади** ва ана шу шаклда ёзувчини ўзига батамом маҳдиё қилади. Шунинг учун ҳам ёзувчи Алексей Максимович Горький бадиий адабиётнинг иккинчи элементини мавзу деб белгилайди ва унга қуидаги тўғри, асосли тарьифни беради:

«Тема муаллиф тажрибасида бунёдга келган, ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берган, аммо ҳозиргача муаллиф тасаввурида ҳам тўла-тўқис шаклланмаган бир ҳолда сақланиб, образларда гавдалантиришни талаб қилиб, муаллиифда ишлашга майл ўйғотадиган **фоядир**» (Таъкид бизники — X.У.)<sup>1</sup>, — дейди; мавзу ва гоянинг бутунлигини таъкидлайди. «Ўткан кунлар»нинг муаллифи «Шунга кўра мавзуни мозийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кирли, қора кунлари бўлган кейинги «хон «замонлари»дан белгиладим», — мавзу ва фоя бутунлигининг исботини беради.

«Муҳаббат ул ўзи эски нарса, лекин, ҳар бир юрак они янгарта» (Х. Тоқтош) экан, ёзувчи ҳатто бир хил мавзуга мурожаат қилганда ҳам, унинг мазмуни мутлақо бир-бирига ӯшшамайди, такрор бўлмайди (такрорланса санъат ӯлади).

Жумладан, А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» романларининг мавзуи — кейинги «хон замонлари»даги ҳаёт. Аммо иккаласидаги мазмун (фоя) ҳам, шакл (образ, характерлар) ҳам тамомила янгиdir.

Ҳатто, А. Горький таъбирлаган «абадий» мавзу (му-

<sup>1</sup> К а р а н г. Бадиий ижод ҳақида, Т., 1960, 92-бет.

ҳаббат, ўлим, хасислик каби)лар ҳам тасвирлаганда ҳар бир давр фарзанди унга замона янгилекларининг энг муҳим муаммоларини киритади, бугунги қалбнинг зарбларини муҳрлайди. Ана шундагина замонавийлик — бадиий асарнинг жон риштаси (томирига айланади, замонасозлик — ёзувчининг ахлоқсизлигини (минг афуски, улар ҳамиша бўлганлар, ҳозир ҳам анчагина улар), «варрак ҳослиги»ни кўрсатади. Бу ҳолат даврий (бугунги кун) мавзуларни асос қилиб олган битикларнинг эгаларида яққолроқ сезилади. «Шамод қаёққа эсса, ўша ёққа қараб, шоҳ ташлайди. Шамол қанча қаттиқ эсса, думини шунча шитоб билан ликилладади. Қанча ҳаволанса, дардараги шунча қаттиқ вариллайди» (Ў. Ҳошимов). Бу «дардарак» («битик»)дан, саёз, ланж нодон-мутлақо кераксиз адабиётдан жамият ҳам, одамлар ҳам зарап кўради, у «инсоншунослик» ўнига «шайтонийлик»ка етаклайди...

Ёзувчининг танлаган мавзуси яратилаётган асарида айтмоқчи бўлган салмоқли фикри, гояси билан чамбарчас боғлиқдир. Фоя ўз навбатида асардан образларга сингиган бўлиб, уларнинг фаолиятлари — хатти ҳаракатлари, курашлари, интилишлари, орзу -истаклари орқали реаллашади.

Шунинг учун ҳам «...бадиий асардаги юя турмуш ҳодисалари устидан чиқарилган оддий мантиқий хулоса эмас, балки ҳаётни бевосита мушоҳада ғилиш, син-чиклаб тадқиқ этиш ва образли, эмоционал ифодалаш якунидир. Бу якун бадиий асар организмининг ҳар бир хужайрасига сингиб кетган бўлади. Шу сабабли бадиий асардаги гояни фақат шу асарнинг бутун образлари мазмуни орқалигина англаш мумкин. Л. Толстой таъбири билан айтганда, ҳар бир бадиий асарнинг гоясини ифода этиш учун у қандай ёзилган бўлса, щундай қайта ёзиб чиқиши керак бўлади» (И. Султон, 170-бет).

Агар биз «Ўткан кунлар» романида А. Қодирий «Тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари»ни тасвирланган десак, унда роман гояси ўз рангини, кўринишини, латофатини, гўзаллигини, таъсирини йўқотади. Муаллиф айтмоқчи бўлган фикрларнинг юздан бирини ҳам айта олмаган ва уларни образлардан (демакки, ўтмиш ҳаётдан) ажратган бўламиз.

Холбуки, роман бўртирилган (демакки, умумлаштирилган), ёрқин гоялар дунёси, образли фикрлардир. У Отабек, Кумуш, Зайнаб, Юсуфбек ҳожи, Мирзака-

рим қутидор, Ҳомид, Мусулмонқул, Офтобойим, Хушрӯй, Ҳасанали, уста Олим каби ўнлаб образлар ҳаёти ва тақдири орқалигина ўтмиш ҳақиқати — «энг кирлик, қора кунлар» бўлганлигини тўлиқ ҳис қила-миз ва англаймиз. Чунки, ундаги фоя ўша образлар-нинг қисматига айланади. Шу сабаб, ишонамиз ва аф-сус чекамиз. Қайтурамиз ва бутунги кунимиздан хур-санд бўламиз. Ёзувчининг ҳар бир қаҳрамонга бўлган муносабати бизда—ўкувчида ҳам шундай муносабат уй-ғотади: у қайси образ (тақдири)дан ҳаяжонга келса, йигласа, айбласа, нафратланса, биз ҳам ҳаяжонлана-миз, йиглаймиз, айблаймиз, нафратланамиз.

Фоя «бадий асар қалби» (Короленко) бўлгани учун «ҳамма нарса ана шу концепцияга» (Гёте), гояга боғ-лиқки, ёзувчи ўзининг қарапшари, эътиқоди, ихлоси, ишончини бермаслиги мумкин эмас. Фоя магнит каби ҳамма адабий унсурларни ўзига тортганидек, ёзувчи-нинг маънавияти, эътиқоди ҳам китобхонни ўзига ром этади.

Бундан шундай холосага келиш мумкинки, ҳар қандай талантнинг кучи — маънавиятни эгаллашига, унинг ихтимоий позициясига боғлиқдир. Чунки талантнинг ҳалқ ҳаёти билан алоқаси бўлмаса, унинг юрагида фу-қаролик олови ёнмаса, бу олов Ватан ва давримиз бунёдкорлари тақдири билан ловулламаса, завқланма-са, буни чин юракдан самимий тарғиб этмаса, ифода қила билмаса — у менинг, сизнинг, бизнинг ёзувчи эмас. У ҳеч вақт ҳалқ баҳтининг қуйчиси, ҳимоячиси бўла олмайди.

Шу сабабдан, **фоя бадий асар тақдирини ҳал қилувчи негиз** (А. Чехов), мавзуни танлашнинг тириклигини, таъ-минлашнинг асоси, ижодкор мақсади, қарапшари, па-фосини тартиблаштирадиган, бир ўзанга соладига, яго-налаштирадиган ҳодисадир.

### III. Сюжет ва композиция

*Таянч сўз ва иборалар: Воқеа-сюжет. Характерни очувчи восита. «Сайёр» сюжет. Конфликт ва унинг хиллари. Сюжет элементлари. Асослаш. Бадий деталь. Тафсилотлар. Вергул. Композиция. Композицион воси-талар. Сюжет ва композициянинг узвийлиги.*

Бибихоним ҳақидаги афсонада (хотирангизга кел-

тилинг) «ҳақиқий подшоҳ ўз фуқароларининг орзуинтилишларини рӯёбга чиқаради» деган фикрни етказиш учун «ҳаётий бир воқеа» яратилади: Бибихоним Амир Темур сафарда юрганида Самарқанд салтанатини бошқаради, фуқаролар аҳволини билиш учун эркакча кийиниб бозорларни, мозорларни, мадрасаларни айланади. Учта муллабачаларнинг суҳбатини тинглайди ва уларнинг орзуларини рӯёбга чиқаради... Бутасъирчан воқсанни китобхон қалбан ва ақлан ҳис этиб, мушиҳада қилиб, ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрни гүё ўзича кашф этади. Китобхонни худди ана шу foяннинг туғилишига ишонтирган **асардаги воқеа (воқеалар силсиласи)**ни сюжет деб юритиш одат тусига — ижодий жараённинг асосий қонуниятларидан бирига айланган.

Кўринадики, сюжетни бунёд этувчи, унинг тасъирчанлигини таъминловчи куч — фоя, шу сюжет ичида ҳаракат қилувчи характер (образ)ларнинг ўзаро муносабатларидир. Шунинг учун ҳам, «Адабиётнинг учинчи элементи сюжетдир, яъни одамларнинг ўзаро алоқалири, улар ўргасидаги қарама-қаршиликлар, симпатия ва антипатиялар, умуман кишилар ўргасидаги муносабатлар — у ёки бу характернинг, типнинг тарихий ривожланиши, ташкил топиб боришидир»<sup>1</sup>.

Ушбу таърифда сюжет характерни, унинг хусусиятларини очиш воситаси, аниқ воқеа-ҳодисалар тасвирiga монанд характерлар ўргасидаги муносабатлар йиғиндиси эканлиги яққол ифодаланган. Дарвоқе, «Воқеа характерни кўрсатиши<sup>2</sup> санъатидир. Бу тушунчалар эпик ва драматик тур асарларига хос, лирикада эса сюжет кечинмаларнинг ривожига (улар асосида ётган билин-билинмас «воқеалар»нинг ташкил топиб боришига) асосланади. Умуман олганда, барча бадиий асарларнинг мажбурий, универсал учта элементи (тил, мавзу, сюжет) борлиги — **сюжетсиз бадиий асар бўлмаслигининг исботидир**. Демак, сюжет ҳаётнинг объектив оқимини, тарихини оддий тасвирлаш (чунки санъаткор, нусха кўчирувчи шахс эмас) билан юзага келмайди, балки ёзувчи томонидан энг характерлilари танланган, ишлов берилган, моҳиятни очиб берадиган, foяга мувофиқлаштирилган воқеалардир.

Бу мулоҳазалардан кўринадики, **ҳар қандай сюжет-**

<sup>1</sup> А. Г о р ь к и й. Адабиёт ҳақида, Т., 1962, 243-бет.

<sup>2</sup> Қ а р а н г. Уэллек и О. Уоррек. Теория литературы, М. 1978, стр. 206.

нинг асоси ҳаётдир, лекин у доимо бадиий характер билан муносабатда аниқ намоён бўлади, қиёфаси равшанлашади. Шу сабаб, трагик характер қалтис, оғир ҳолатларни, шиддатли воқеаларни талаб этса ва ана шундагина ўзлигини намоён қилса, кулгули характер комик вазиятда, кулгу кўзғатувчи «арзимас» воқеаларда — ўзлигини кўрсатади. Отабек «Ўткан кунлар»да ўзининг севгисига содик қолади, Кумушни кутқариш учун ўлим (Хомид, Мутал, Содик) билан олишади. Бундай воқеалар Боқижон Бақоев («Адабиёт муаллими»)га умуман ёпишмайди, фақатгина Боқижон «арзимас» воқеалардагина ўзининг саводсизлигини, ношудлигини намоён этади.

Яна ижодий жараёнда бир хил мавзу, бир хил қаҳрамонлар тақдири нақл қилинадиган — бир хил сюжетнинг такорори турли муаллифлар, даврлар, асарларда учрайди. Бунинг яқъол мисолини Шарқда яратилган «Хамса»чилик (Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий) анъанасида ҳам кўриш мумкин. Ёки турли ҳалқларнинг эпосларида ота танимаган ўғли билан курашга тушиши сюжетини учратиш мумкин: антик эпосда Одиссей Телегон билан, олмонларда Гилдебранд Гадубранд билан, эронларда Рустам Сухроб билан, русларда Илья Муромец Сокольник билан, ўзбекларда Гўрӯғли Аваз билан олишадилар.

Бундан қатъи — назар «сайёр» сюжет асосида яратилган ҳар бир асар — мустақил асардир; ундаги кашф қилинган характерлар бетакрордир; муаллифларнинг мушоҳада салоҳияти, бадиий маҳорати турлича ва ҳар бирининг ўзигагина хосдир.

Баъзан ҳаётда ёмби олтинлар учраганидек, «тайёр» сюжетлар ҳам учрайди. Жумладан, Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда қирқ йил подшоҳ бўлганлиги, юлдузлар илмини («Зижи Курагоний» асарида) чуқур ўрганганд астроном эканлиги, уни ўғли Абдулатиф томонидан ўлдирилгани ва оқладар ўғилнинг б ой ўтмасдан ажал топгани сюжети Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясига, Одил Ёкубовнинг «Улуғбек хазинаси» романига асос бўлгандир.

Гарчи сюжетлар ранг-баранг куринишларда учрасаларда, барibir сюжет ёзувчи тоғасига, асарнинг мавзуига мос тарзда бадиийлашади. У муаллиф хоҳишига (хоҳлаган воқеа-ҳодисани киритишга) мувофиқ тарзда

яратилмайды, балки у асардаги характерларнинг мантигидан воқеалар мантиги, воқеалар мантигидан характерлар мантиги келиб чиқадиган универсал қонуниятга буйсунади. Характер ва воқеа ўртасидаги уйғунлик, ҳамкорлик шу даражада бўлиши лозимки, воқеа характерни яққол кўрсатишга, характер ўз навбатида воқеанинг (типик шароитнинг) моҳиятини тушунишга калит бўлиши лозим. Пировардида шу калит ғоянинг типиклигини, юқчанлигини очиши шарт.

Шу нұктаи-назардан қараганда, биринчидан, сюжет характерлар мантигини намоён қиласидиган воқеалар силсиласидир. А. Қодирий Отабекни иродали, «Хон қизига лойиқ йигит», «асл йигит», орзудаги ўғил, софдил ва мард йигит тарзida тасвирлашни кўзлагани сабаб, роман сюжети воқеалари шу характердан келиб чиқиб қурилади.

Отабек ота-она орзуси билан Зайнабга уйланганда ҳам Кумуш муҳаббатига содик қолади. Кумушни, факат Кумушни севади. Кумуш ундан юз ўтирганда ҳам уни қутқариш учун ўлимга тик боради, Содик, Мутал, Ҳомидни—ёвузларни ўлдиради. Қайнатаси томонидан ҳайдалганига, Кумуш томонидан (Ҳомид ифвосига асосан) рад этилганига қарамай, Зайнабга кўнгли исимайди... Куринадики, Отабек характеридаги мантиқ асар охиригача бузилмайди.

«Бадий асарда тасвирланган характерлар сюжетнинг ҳамма катта ва кичик моментларини, тафсилотларини тайин этадилар ва ўз навбатида, ҳаётдан тўгри танлаб олинган ёки ёзувчи томонидан тўқилган мана шу тафсилотлар туфайли характерлар ўкувчи кўз олдида бутунлиги ва ёрқинлиги билан намоён бўлади. Бадий адабиёт инсоншунослик ва характерлар яратиш санъати экан, сюжетнинг ҳар бир катта ва кичик элементининг характерлар мантигига тўгри ва мос бўлиши — асар бадий муваффақиятининг энг муҳим шартларидан биридир» (И. Султон, 182-бет).

Иккинчидан, ҳар қандай характер ўз ҳаракатларидаги куч-кувватни тарихий оқимдан оладилар, тарихий-конкрет шароит уларни юргизиб-турғизади. «Ўткан күнлар»да давр шароити мантигига ёзувчи изчил равишда амал қиласиди: XIX асрнинг иккинчи ярмида рўй бериши мумкин бўлган воқеалар (хон ва бекларнинг амал учун курашлари, қипчоқ ва қораҷопонлар ўтрасидаги қирғин, эски «одат»га биноан хотин устига хо-

тин олишлар, кундошлар фожиаси ш.к.)ни типиклаштиради ва шу шароитда Отабекни тұлиқ гавдалантириб күрсатади.

«Үткан күнлар» романининг фақат бир жойида сюжет элементи билан шароит мантиининг унчалик мос эмаслигини қайд этиш мүмкін: құзғолончи Тошкент ахолисининг Азизбек устидан ғалаба қозонгани ҳақыдаги хабарни Құқонга Ҳасанали олиб келади ва шу йүл билан Юсуфбек ҳожини хон олдида оқлад, Отабек билан Кутидорни үлемдан күтқаради; Ҳасаналининг кексалигини эътиборга олганда, хонга зуд хабар етказиш вазифасининг Юсуфбек ҳожи томонидан унга топширилиши файритабийдір. Бу ерда мұаллиф Ҳасанали характерларыда Отабек ва Кутидорга садоқатни үқтирмоқчы ва унинг қаҳрамонлар тақдирдеги ижобий ролини бүрттірмоқчы бұлғану, шу яхши ният учун типик шароит мантиқи (Ҳасаналининг кексалигі)дан күз юмған» (182-бет.), деб ёзганида, И. Султоновни ҳақлы дейиш қийин.

Бириңчидан, Отабек ва Кутидорни үлемдан күтқариш учун энг күп саý-харакат курсатиши мүмкін бұлған одам — Отабекнинг маңнавий отаси Ҳасаналидір. Иккіңчидан, Юсуфбек ҳожи «Хонга зуд хабар етказиш вазифаси»ни ҳам оиланинг чин бир аъзоси»га ишониши «файритабий» эмас, мантиқлидір. Учинчидан, Ҳасанали Тошкент — Құқон йұлида жуда күп қатнаган, йұлни қысқартыриш, қаерда тунаш, қаерда отта дам бериш... каби юмушларнинг ҳадисини олган тажрибаси күп киши... хабарни Құқонга Ҳасанали олиб келиши табиий ва асослидір — шароит мантиининг талаабидір.

Сюжет образларнинг үзаро алоқалари, улар ўртасидан қарама-қаршиліклар, симпатиялар ва антипатиялар экан, демак, у ҳаёт зиддиятларини ҳам ихтиро қиласы, умумлаштыради, кашф этади. Ҳаёттій зиддиятлар асарға ифода этилған тоялар, тасвирланған характерлар, кайфиятлар кураши тарзіда күчади ва у **конфликт** деб юритилади.

Конфликт-сюжетни ҳаракатта солувчи күч. Унинг таъсирдорларынини, қызықарлығынини, күламины белгилөвчи унсурдір. Унинг түрли хиллары учрайди:

1. **Психологик (рухий) конфликт** қаҳрамон қалбидеги ҳиссиётлар, түшүнчалар (ожиз ва күчли жиҳатлар) кураши;

2. Ижтимоий конфликт — асар қаҳрамонлари билан улар яшәтгандар шароит ўртасидаги кураш;

3. Шахсий — интим конфликт — бир бирига қарама-қарши характерлар, гурухлар ўртасидаги кураш. Конфликтнинг ушбу уч хили ҳамма романларда ҳам учрайди, лекин психологик конфликт етакчи бўлган асарлар («Сароб» — А. Қаҳҳор; «Ўлугбек ҳазинаси» — О. Ёқубов) доимо адабиётнинг сифат қўрсатгичи бўлиб, ёрқин из қолдирғанлар.

Жумладан, «Ўткан кунлар» романида Юсуфбек ҳожи, Отабекларнинг маслакдошлари билан Мусулмонкул, Азизбекка ўхшаш феодал тузум ҳукмдорлари орасидаги тўқнашув — ижтимоий конфликтга асос солса, Отабек, Ҳасанали, Кутидор ва Ҳомид, Мутал, Содик, Жаннат кампир ўрталаридағи олишув шахсий-интим конфликтни келтириб чиқаради. Отабек иккинчи мартаба уйланиш Кумушга нисбатан хиёнат эканини тушунади, ахлоқсизлик қиласига тан олади, бироқ ота-онанинг иродасига бўйсинади. Ана шу жараёнда қалбида кечган кураш-психологик конфликтни вужудга келтиради. Уч хил конфликт бирлашиб, катта қудрат қаъб этади ва «Ўткан кунлар» сюжетининг шиддатли ва таъсирчан ҳаракат қилишини, асар қаҳрамонларининг драмаларини яққол очилишини таъминлайди.

Бадиий асарларда (эпик ва драмада) воқеалар силсиласи муайян босқичлар билан усив боради. Бунинг класик намунасини «Ўткан кунлар» романида (муқаддима-экспозиция (дастлабки ҳолат) — тугун — воқеа ривожи — кулминацион чўққи — ечим — хотима) куриш мумкин ва у «Адабиёт назарияси» (И. Султон)да атрофлича ўрганилган. Бундан ташқари «Адабиётшуносликка кириш» курсида ҳам анча кенг таҳлил қилингани боис, яна такрорлашдан воз кечдик. Дарвоқе, асар сюжетида қандай воқеа-ҳодисаларни яратиш ва уларни қай даражада ва қай йўсингда акс эттириш ёзувчи характерларларга юкланган foяга, шу foяни аниқлаштирувчи мавзууга, жанрга, ҳатто жанр куринишларига ҳам боғлиқ.

Жумладан, Проф. М. Кўшжоновнинг бу соҳадаги изланишлари («Ойбек маҳорати»)ни умумлаштиrsак, биргина роман жанрида сюжет яратишнинг бир нечта куринишлари борлигини курамиз:

1. Саргузашт характеридаги асарлар («Сариқ девни миниб...», «Шайтанат») сюжетида воқеалар силсиласи етакчилик қиласи.

2. Автобиографик характердаги асарлар («Давр менинг тақдиримда» — А. Мухтор, «Наврұз» — Н. Сафаров)да характер етакчи вазифасини үтайди.

3. Тарихий романлар («Навоий» — Ойбек, «Юлдузли тунлар» — П. Қодиров) сюжетида воқеа ва характер бирликта ҳаракат қиласы.

4. Замонавий романлар («Қутлуг қон» — Ойбек, «Құшчинор чироқлари» — А. Қаҳхор) сюжетда даставал характер, кейинча воқеа мантиғи устунлик қиласы ва ш.к.

Бадий асар сюжетининг турли-туман күринишила-ри бүлинишидан қатын назар бош муддао—асардаги характерларнинг равшан ва чуқур таҳлилидир. Шунинг учун ҳам «сюжет-ҳаётни тадқиқ қилишшыр» (В. Шилковский).

Бадий асарда содир бүладиган бирор иш (фикер, қилиқ, күлгү, пичинг...) ёки воқеа-ҳодиса тасодифий бүлмай, балки ҳар бирининг воқе бүлиш жойи, вақты, сабаблари аниқ бүлиши ва у маълум характердаги тоявий юкнинг зарур заррасини очишга бўйсинган бүлиши шарт: шу билан у ёзувчи томонидан ўқувчи ишонадиган тарзда асосланиши талаб қилинади. Бу **асослаш (мотивировка)**дир.

... Асарнинг бадий таъсирдорлигида асослашнинг аҳамияти жуда катта. Асосланмаган қилиқ, воқеа ва фикер (киши томонидан айтилган сүз) — тасвирнинг ҳаққонийлигини бузади. «Ўткан кунлар»нинг энг кучли томонларидан бири — унда асослаш талабига қатъий риоя этилганидир», — деб ёзади Иzzат Отаконович Султонов ва асослашнинг қатор намуналарини мисол келтиради:

Ёзувчининг ниятича, Кумуш, ота-онасидан узоқда, ёлғизликда (улар иштирокисиз — Х.У.), ҳалок бүлиши керак; Кумушнинг фожиасида (бинобарин, эски одат ва кундошликтининг оқибатларини) яна ҳам бўрттириб тасвирлаш учун муаллифнинг шундай ният қилгани романнинг сўнги боблари мазмунидан англашилиб турибди. Аммо, одатга биноан, қизнинг туфиши олдиндан она унинг ёнида бўлиши керак. А. Қодирий Кумушнинг ёлғизликда ҳалок бўлишини асослаш учун Ойшабиби (Кумушнинг бувиси) ўлимини худди шу пайтда бўлган воқеа қилиб тасвирлайди. Табиийки, азали Офтобойим яқин орада Маргилондан кетолмайди. Оқибатда, Офтобойим ва Мирзакарим кутидор фақат

Кумушнинг дафн маросими ўтгандан кейингина Тошкентта етиб келади. И. Султон, 185-бет).

Бадий асар сюжетига алоқалар энг кичик (аслида энг катта) муаммолардан бири — **бадий деталь ва тағсилотлардир**. Чунки «Деталларни ҳаққоний тасвирлайдан ташқари, типик характерларни типик шароитда тасвирлаш—реализмдир» деган таърифни кўпчилик ёд билади. Бундан кўринадики, сюжет воқеалари (типик шароит) типик характерларни намоён қиларкан, бу вазифани деталларсиз, деталларнинг ҳаққонийлиги, аниқлиги, таъсирчанлигисиз тұла рүёбга чиқара олмайды. Демак, асар деталсиз (уни «зарра» деб атасак), тағсилотсиз яшай олмайды.

Бадий зарра ва тағсилот «кўз илгамайдиган ҳар бир майда нарсанি» (А. Пушкин) барчага бўрттириб кўрсатади, шу сабаб «романистнинг санъати ҳамма деталларни ҳаққонийлиги»га боғлиқ (Бальзак). Дарвоҳе, унда (энг майда заррада) бутун бир коинот (худди томчида күёш акс этганидек) жойлашади.

«Деталь — санъатнинг миниатюра модели»<sup>1</sup> экан, демак «ҳамма гап тағсилотларда» (И. Тургенев)дир.

«Ўткан кунлар»га бир нигоҳ ташлайлик:

«— Нега қочасиз? Нега қарамайсиз? — деди бек.

Кумушбиби шу чоққача қарамаган ва қарашни ҳам тиламаган эди. **Мажбурият остида, ёв қараси билан секингина душманига қаради...** Шу қарашда бир мунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг бетига яқын келди ва эсанкираган, ҳаяжонланған бир товуш билан сўради:

— Сиз ўшами?

— Мен ўша, — деди бек...» (60-бет).

Мана шу парчада биз таъкидлаган («Мажбурият остида, ёв қараси билан секингина душманига қаради»: «Сиз ўшами?») иккита ҳолат ва нутқий деталнинг ўзиёқ Кумуш ҳолатини ва муҳаббатининг тарихини шунчалик яққол кўрсатадики, унинг ўнлаб саҳифалардаги тасвири бу ишни бажара олмаган бўларди. Чунки бу икки «зарра» нишонга тўғри урган: Душманга қарашни истамаслик, мажбурият-ла қарагач, севганини — баҳтини куриш ва «Сиз ўшами?» сўзларига бутун борлигини (орзуларини, қийналишларини, зориқишиларини

<sup>1</sup> Е. Добин. Сюжет и действительность. Искусство детали, Л., 1981 год, стр. 304

ни, севгисини, ибосини, самимийлигини, қалбини...) бахшида этиш... Қисқа ва содда, равшан ва таъсирдор (Биринчи бўлиб кўзга ташланади ва китобхонни лол қолдиради). Типик ва ўзига хос.

«Баъзилар асарга чиройли деталь киритишга ўч бўлади. Ўша деталь чиройли бўлса бордир. Аммо асарнинг бош мақсадига хизмат қилмаганидан кейин тегирмончининг маҳсисига ўхшаб қолаверади, оёқни бир қоқсангиз ёпишган ун гарди тушиб кетади-ю, буришган маҳси кўриниб қолади.

Деталь пардоз эмас, ҳусн бўлиб асарни очиши керак» (А. Қаҳҳор). Ана шундагина деталь ва тафсилотлар китобхонда характер ҳолати, шароит ҳусусияти ҳақида асосли тасаввур уйғотади.

«Ўткан кунлар»даги Ўтаббой қушбеги портретини аниқ кўриш учун, уни бўлакларга ажратайлик:

«Тўрдаги кичкина эшик очилиб  
ичкаридан  
тўла юзли,  
ўсиқ қошли,  
огир қарагувчи кўзли,  
сийрак соқол,  
ўрта бўйли,  
устидан кимхоб тўн кийиб,  
белига қилич осган  
қирқ беш ёшлар чамасида  
бир киши кўринди» (70-бет).

Тафсилотлар занжири ана шундай қаторлашгани сабабли кушбеги қиёфаси жонланади. Кўринадики, «тафсилот кўплиқда таъсир қилади. Деталь яккаликка интилади» (Е. Добин). Деталь тафсилотга нисбатан қисқароқ бўлади, бир неча «зарра»нинг йифиндисидан тафсилот яратилади.

Шу ўринда яна бир «арзимас майда-чуйда», «икирчикир» ҳақида гапириш ўринлига ўхшайди. «Кўпгина ёзувчилар, асарларидағи тиниш белгиларга, абзаzlарга эътиборсиз қарайдилар. Ҳолбуки, «Тиниш белгилар фикрни бўрттириш, сўзларни тўғри таносибга келтириш ва жумлаларга енгиллик ва тўғри оҳанг бахш этишга яратилган».<sup>1</sup>

Ёзувдаги энг кичик белгилардан бири вергул... Ле-

<sup>1</sup> К. Паустовский. Олтин гул, Т., 1967, 137-бет.

кин унинг қудрати шунчаликки, мусулмонни ширк эгасига айлантириши мумкин. «Йўқ, Аллоҳнинг ҳар бандаси гоҳ худ, гоҳ беҳуд тушлар кўрар...» жумласидаги биринчи вергулни олиб ташланг-чи, даҳрийнинг айнан ўзига айланасиз...

Хуллас, бадий асарда «майда-чўйда», «икир-чикир» деган тушунчаларга ўрин йўқ. Энг кичик зарра — микрорэлемент ҳам асадар инсонийлашар экан, унга эътиборсизлик қилган ёзувчи инсонийликдан ҳаққоний дарс бериши, «халқнинг ўқитувчиси», «туйгулар тарбиячиси» (Ч. Айтматов) булиши мумкин бўлмаса керак.

**Композиция.** «Хаос (боши-кети йўқ, чувалашган фикр-ўйлар) — бирорта чинакам, юксак ва поэтик ижод дебочасидир. Даҳо нури бу зулматни ёриб ўтса бас. Шу ҷоққача бир-бирига рақиб бўлган кучда тенг зарралар муҳаббат ва уйғунлик илиа жонланади, бари бақувватроқ заррага жамланиб, кўркам қиёфа касб этади, кристаллар янглиғ чўзилиб тог сингари қад кўтаради, денгиз каби мавж уриб тошади ва унинг жонли кучи янги жаҳон баҳномасини баҳайбат ҳарфлари илиа битажак»<sup>1</sup> (Таъкидлар — Х.У.)

Ҳар бир нарса, ҳодиса жонли қиёфа касб этгандагина (мазмун ва шакл каби яхлитлашганда) ва ўзида ҳаётнинг моҳиятини гузал ифода қилганида — бетакрорлиги билан киши дикқатини жалб этади. Бадий асар ҳам ўзидаги минглаб, миллионлаб зарраларни мутаносиблик билан бирлаштирганда ва булиши мумкин бўлган ҳаёт моҳиятини, тоясини, яхлит ва бетакрор қилиб жонлантирганда унинг қудрати «янги жаҳон баҳномасини» яратади.

«Жаҳон баҳномаси»ни яратиш—бадий асар композициясини ҳам заруратга айлантиради. Чунки ҳар қандай асарнинг гоявий-эстетик таъсири — ундаги шаклнинг (образ, сюжет, тил каби) мазмун (гоя) билан уйғунлашувига, бу ҳодисанинг бетакрорлигига боғлиқки, бу вазифани асар композицияси воқе қиласди. Композицияда ҳам ёзувчи нуқтаи назари (гояси) ҳал қилувчилик вазифани бажаради. Шу асос туфайли ҳар бир асарда, даставвал, композицион марказ (Л. Толстой) тайин этилиши шарт, яъни композициянинг «ўқ томири»ни аниқлаб олиш лозим бўлади; ана шу «ўқ томир»га боғлиқ ҳолда асар қисмчалари, зарралари ўз

<sup>1</sup> Карапанг: Пастовский. Олтин гул, Т., 1967, 186-бет.

үринларига, тайин жойларига, вазифаларига эга бўладилар.

А. Қодирий «Ўткан кунлар»да тасвир марказига — XIX асрдаги «хон замонлари»нинг энг кирилик, қора кунларини қуяди ва бу вазифани Отабек, Кумуш, Зайнаб, Юсуфбек ҳожи, Ўзбекойим каби характерларга юклиди.

Асарнинг қолган барча компонентлари ва образлари ана шу марказ («ўқ томир»)га ва марказий характерлар (бош образлар)га буйсинадилар, бош фояни очиш йўлида яшайдилар, заҳмат чекадилар — умргузаронлик қиласидилар.

Жумладан, романдаги «ўз замонасининг машхур девонаси», «қизиқ ҳаракатлари ва тутал сўзлари» билан ҳаммани қизиқтирувчи Қовоқ девона образини кўз ўнгимизга келтирайлик. «Хон замонларида «Оч қоринга салимсоқ еб, кўкчой ичишдан зериккан кишилар чойхонада» ўтирас эканлар, девонанинг қовоқлари касбини айттириш орқали даврдан, даврнинг улуғлари ус гидан куладилар, уларни эрмак қилиб хуморларини ёзадилар:

«Қовоқ девона белидаги қовоқлардан битта эгри маймоини курсатиб: — Манов Мусулмон чулоқ, — деди, унинг ёнидаги кичкина томоша қовоқни туртиб: бунов, Худойбачча (Худоёрбачча), — деди, Сув қовоғини эркала «Норкалла» — (Нормуҳаммад қушбеги), — деди. Колган иккита силлиқ қовоқчаларни «носқовоқ, юпқа томоқ», — деб кўйди. Эрмакчилар кулишдилар!».

Биринчидан, халқнинг бунчалик абгорлигини Қовоқ девона ҳаёти, ҳолати, у ҳаракат қилаётган шароит исботлаб, у даврнинг кир, қора кунлар эканига шаъма қиласа, иккинчидан, Қовоқ девона ва унинг тўйдан олган белбоғи воқеаси орқали «кўз оғриғи», «қоратегин», «юзига чечак чиққан» — Ҳомид, Отабекнинг ёлғиз ўғил эканини, тошкентлик қизга уйланганини билиб олади, ана шу фоявий юкни бажарганидан сўнг Қовоқ девона роман саҳнасида бошқа кўринмайди.

Композиция бадиий асарнинг барча унсурлари билан узвий боғлиқ эканини унинг сюжет билан алоқасида ҳам яққол куриш мумкин. Ёзувчи гоявий ниятига ва асар композициясининг «ўқ томири»га мувофиқ сю-

<sup>1</sup> А. Қодирий. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. Т., 1994, 154-бет.

жет бўлаклари турли-туман тарзда жойлаштирилиши (композициялаш) мумкин.

Жумладан, «Ўткан кунлар»да тадрижий тартиб (Муқаддима — дастлабки ҳолат — тутун-воқеа ривожи — кульминация — ечим — хотима) сақланса, баъзи асарлар («Ўғри» — А. Қаҳҳор) тугундан, баъзилари («Кўр кўзининг очилиши» — А. Қаҳҳор) кульминациядан бошланади. Ва ҳаммасида ҳам сюжет бўлаклари тасвирланётган ҳаёт парчасини яққолроқ ва таъсиран гавдалантиришга, характерларни чукур ва ҳар томонлама тасвирланишига, оқибатда, асар фоясининг таъсиридорлиги ва жонлилигига (юкувчанлигига) хизмат қиладилар.

Композиция ҳодисаси — асарнинг танаси (вужуди) десак, асарнинг қолган унсурларининг ҳаммаси ҳам унинг ичидаги яшайди, шу жиҳатдан сюжетнинг бўлаклари ҳам, сюжетдан ташқаридаги қисмлар (асар номи, эпиграф, лирик, фалсафий, публицистик чекинишлар; қўшимча лавҳалар, пейзаж, портрет, руҳий таҳлил ва ҳ.) ҳам композициянинг ичидаги ўз ўринларида ҳаракат қилишлари билан айни пайтда, композициянинг баркамоллигини таъминлашлари лозим. Бу композиция (вужуд)нинг мазмун (руҳ, фоя) билан яхлитлиги (бир-бирига утиши, тулдириши, жозиба ато этиши)дан далолат беради, деганидир.

**«Кўйида йиглар эдим мен зор ҳар беморга,**

**Энди йигларлар бари беморлар мен зорга.**

Ошиқ ўз севгилиси кўчасида ҳар беморга, яъни ишқ дардига гирифторм бўлганларга ўз ҳасратини айтиб зор йигларди. Бу ҳасрат шунчалик қайгули, шунчалик жон ўртар эканки, аҳли дард — беморлар ўз дардларини унутиб ошиқи-зорга қараб йиглай бошладилар.

Чукур ғамгин ҳиссият ифодаси баробарида бу байт ажаб санъат намунаси сифатида кишини ҳайратга солади. Ҳолатта мос байт ичидаги сўзларнинг, сўз қўшимчаларининг маъно товланишлари фақат Навоийга хос баркамол санъаткорлик билан намоён этилади. «Зор» сўзи бир ўринда инсон ҳолати, сифати маъносидагелса (мен-зор), иккинчи ўринда ҳаракат сифатида (зор йигламак). «Йигламак» сўзи биринчи сатрда айтмак, шикоят қилмак маъносини билдириса, иккинчи сатрда ачинмак, ҳамдард бўлмак маъносини ифода қиласи.

«Бемор» сўзи бошда «ишқ аҳли», «дард аҳли» кеийинда «хаста», «касал» маъноларига яқин келади.

Ҳатто «ға» құшимчаси икки үринда иккى хил маъно товланишга эга.

Байтни хаёлимда такрорлайман:

Күйіда йиглар әдім мен зор ҳар беморға,  
Энди йигларлар бары беморлар мен зорға.

Такрорлаганим сари бамисоли олмосда нур жило-лангандек янги-янги қирраларни қашф қиласман»,<sup>1</sup> — деб ёзади шоир Эркин Воҳидов. Шоирни шоир кузи билан күриш, байт таҳлилини ва у үйғоттан ҳайратини келтиришдан мақсад, асар мазмунни (инсон қалбига чүккан зору андух ифодаси)нинг бетакрорлиги, чуқурлити композициянинг ҳам үзига хос оламини, таъсирлан ван завқлигини юзага чиқарганини күрсатмоқдир, янын байтдаги биронта сўзнинг бошқасига алмаштиришнинг, биронта сўзнинг үрнини бошқаси билан үзгаражишининг имкони йўқлигини, ҳолат ва фикр мантиқининг монолитлигини таъкидлашдир.

Шунинг учун ҳам асар композициясига эътиборсизлик баёнда эзмаликка, тасвирда меъёрнинг бузилишига олиб келади, зарурати бўлмаган мавзуларнинг асарга киритилишига, кераксиз такрорлар ҳисобига асарнинг бесўнақайлашишига сабаб бўлади. Бу қонуниятни ёзувчи Уткир Ҳошимов ҳам шундай таъкидлайди:

«Асар бинога ухшайди. Фақат бино гиштдан қурилади, асар эса сўздан. Энди бир нарсани тасаввур қилинг: битказилган бинодан битта гиштни сууриб олсангиз, унинг ҳуснига шикаст етади. Ўнта гиштни кўчирсангиз, бино босиб қолади...»

Шундай асарлар борки, бутун-бутун жумлаларни олиб ташласангиз ҳам, юзга сўзни учирсангиз ҳам, мингтасини үрнини алмаштирангиз ҳам ҳеч нима үзгартмайди...

Бунақанги «асар» бино эмас, вайронадир!»

Шунинг учун ҳам санъаткор зарур сўзни топишда баъзан F. Гуломдек қонига ташна бўлади, А. Ориповдек анча кунлар безовта юради.

Ҳа, Абдулла Орипов «Она сайёра» шеъри ёзиг бўлингач, роса олти ойдан сўнг чоп эттиради. Сабабини суриштирганда, у шундай дейди:

«Унда («Она сайёра»да — Ҳ.У.) «Бир зумлик безовта ўйлар сўнгиди, яна рухсорингга термуламан жим»

<sup>1</sup> Э. В оҳидов. Шоиру шеъру шуур, Т., 1987, 99-бет.

деган сатрлар бор. Унинг дастлабки нусхаларида «безовта» сўзи ўрнига «ташвишли», «ғамгин» ва шунга ўҳшаган сўзларни ишлатгандим. Аммо, назаримда, улар жойига тушмагандек туюлаверди. «Қанақа сўз топсан экан?» деб анча бош қотирдим. Бир куни менинг ҳолимни кўриб, ўртоқларимдан бири «Нега бунчалик безовтасиз?» деб қолувдики, уша мен хуноб бўлиб излаган сўзим ана шу «безовта» эканини ҳис қилиб, суюниб кетдим-у, дўстимга: «Раҳмат! Энди безовта бўлмайман!», дедим<sup>1</sup>.

*«...О, бунча дардкашсан, она сайёра.  
Сен ҳозир сувратсан кўзим ўнгидা,  
Эшига билмасман сўзимни балким.  
Бир зумлик безовта ўйлар сўнгидা,  
Яна рухсорингга тикиламан жим».*

Ёзувчи П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида Шайбонийхоннинг Қоракўз бегим билан учрашуви лавҳаси бор («Юлдузли тунлар», 1979, 296—297-бетлар)»

Бизнингча, роман композициясида бу тасвир ортиқадир, Шайбонийхоннинг аввал кўрсатилган разиллигини ва бузуқ хулқининг янги қирраларини кашф этмайди. Қолаверса, олий табақа аёлларининг «ғалвира» қиликларини меъёrsиз ошкора кўрсатиш узбекона туйгуларимизга, миллий руҳимизга унчалик ёпишмайди...

Сюжет характер (образ)ларнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихини кўрсатувчи воқеалар силсиласи сифатида мазмун ҳодисаси бўлса, композиция асарнинг ташки қўринишини гўзал ва таъсирчан қилувчи, мазмунни ўз ичидаги ёрқин ифодаланишига имконият яратувчи, асарнинг қизиқарли ва ўқимишли бўлишини таъминловчи шакл ҳодисасидир. Мазмун шаклланиши, шакл мазмунлашиши каби қонуният бу унсурларда ҳам такрорланади ва «бадиий оламнинг модели»ни яратишда асос бўладилар.

#### IV. ТИЛ ВА ОҲАНГ

**Таянч сўз ва иборалар: Бадиий тил. Образли тил. Таъсирдор тил. Қисқа ва равон тил. Маънодор ва сиқиқ**

<sup>1</sup> А. Орипов. Эҳтиёж фарзанди, Т., «Ёш гвардия», 1988, 110-бет.

**тил. Халқчил тил. Содда бүёқдор тил. Муаллиф нутқи. Муаллиф образи. Персонажлар нутқи. Оҳанг.**

Ёзувчи Алексей Максимович Горький «...бадиий адабиёт қандай элементлардан иборат?» — деган саволга жавобини шундай бошлайди:

«Адабиётнинг биринчи элементи — тилдир. Тил — адабиётнинг асосий қуролидир, ҳаёт ҳодисалари, фактлари билан бирга унинг материалидир... Суз — барча фактлар, барча фикрлар либосидир. Аммо ҳар бир факт замирида ижтимоий маъно бор, ҳар бир маъно замирида эса, бир ёки иккинчи фикр нега бундай-у, нега ундай эмас, деган сабаб бор. Фактлар замирида яширинган ижтимоий ҳаёт маъносини унинг муҳимлиги, тұлалиғи ва ёрқынлигі тасвирлашни үз олдига вазифа қилиб қўйган бадиий адабиётдан равои, тушунарли тил, пухта танланган сұзлар талаб қилинади<sup>1</sup> (Таъкидлар — Х.У.).

Адабий асарни яхлит, жонли қилувчи асосий куч — бадиий тилдир. У шунинг учун ҳам бадиий асарнинг ҳамма хужайраларида яшайди, шу хужайраларнинг тириклигини таъминлади. Агар асарни миллионлаб сұзхужайралардан ташкил топишини кўз ўнгимизга келтира олсак, фоя ва мавзу ҳам, образ ва характер ҳам, сюжет ва композиция ҳам қўйингки, бадиий асарнинг ҳамма унсурлари ҳам ана шу асосдан бунёд бўлади, айни пайтда, уларсиз бадиий тил яшай олмайди. Асарни жонли вужудга ўхшатсак, шу вужуднинг моҳиятини ифодаловчи бадиий тил руҳ (ジョン), ҳар бир сұз эса ана шу руҳнинг ришта (томир)ларидир. Руҳ ва вужуд (мазмун ва шакл) шунчалик уйғунлашганки, улар вобасталикда тириладилар, ажралганда үладилар. Тил бадиий асарнинг шакли эмас, балки шакл яратишнинг универсал воситаси бўлиб майдонга келади (И. Султон), айни пайтда, мазмунни воқе қиласди.

Адабий жараёнда бадиий тилнинг қанчалик аҳамият касб этишини ёзувчи Үткир Ҳошимов шундай ифодалайди:

«Мактаб ўқитувчисининг Сўзи ўттиз болага етиб боради.

Дорилфунун домласининг Сўзи юз талабага етиб боради.

<sup>1</sup> А. Горький. Адабиёт ҳақида, Т., 1962, 239—240-бетлар.

Нотиқнинг Сўзи минг тингловчига етиб боради.

Каламкашнинг Сўзи бир йўла ўн минг, юз минг китобхонга етиб боради. Демак, унинг Сўз маъсулияти ҳам бошқаларнидан минг ҳисса ортиқроқдир».

Хўш, бадиий асар тилининг ўзига хос хусусиятлари, поэтик дунёси (ёрқинлиги, ифода-тасвир қурдати, тириклиги...) сирлари қандай воқе бўлади?

Адабиёт — сўз орқали бадиий тасвирлаш санъати экан, бадиий тил, даставвал, образлилик хусусияти билан намоён бўлади, яъни ҳаётнинг жонли манзарасини яратади ва кўрсатади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри ҳикоясидаги қўйидаги парчага эътибор берайлик:

«Кампир тонг қоронгисида хамир қилгани туриб ҳўқизидан хабар олди.

О!... Ҳўқиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган... Дехқоннинг уйи кўйса кўйсин, ҳўқизи йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш-уй, ҳўқиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади.

Одамлар дод овозига ўрганиб қолган: бирорни эри уради, бирорнинг уйи хатга тушади.. Аммо кампирнинг додига одам тез тупланди. Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яктакчан оғил эшиги ёнида туриб даг-даг титрайди, тиззалири букилиб-букилиб кетади; кўзлари жовдираиди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди. Хотинлар ўғрини қарғайди, ит ҳуради, товуқлар қақағлайди. Кимдир ўнда кичкина тешикдан ҳўқиз сифишига ақл ишонмаслиги тўғрисида кишиларга гап маъқуллайди».

Ёзувчи сўз билан бор бисоти — ҳўқизидан ажраган камбагал фожиасини шундай ифодалайдики, ундан Қобил бобонинг гангиганидан «яланг бош, яланг оёқ, яктакчан»лигини ҳам, фалокатдан «даг-дага титрашини» ҳам, фавқулоддаги зарбадан «тиzzалири букилиб-букилиб кетиши»ни ҳам, «кўзлари жовдираши»ни... ҳам кўз ўнгингизда яққол кўрасиз, дод овозига етиб келгандарнинг ҳолатларини ҳам, ҳаракатларини ҳам, уларнинг ўзаро муносабатларини ҳам аниқ тасаввур қила оласиз.

Бунга ёзувчи тилни умумлаштириш, индивидуаллаштириш, бадиий тўқимадан фойдаланиш, эмоционал таъсирдорликка эришиш орқали эришади. Ҳикоядаги камбагал дехқонлар яшаётган шароитни майдачуйдаларигача бўрттириб кўрсатадиган сўзларнигина

танлайди ва утмиш ҳаётининг чуқур маъноли, ачинарли ва ёрқин манзарасини яққол гавдалантиради.

Ҳикоядаги барча персонажларнинг тилини индивидуаллаштириш орқали уларнинг қиёфаси конкретлаштирилади.

Жумладан, «бурунсиз элликбоши», «панг товуш»да «Хўқизинг ҳеч қаёққа кетмайди, топилади!» қабилида менсимасдан, ўзидан ёши анча улуғ одамни сансира бапирса, бу фожиага лоқайдлигини яққол кўрсатса, «Амин чинчалогини иккинчи бўғинигача бурнига тикиб кулади».

« — Йўқолмасдан илгари бормиди? Қанақа ҳўқиз эди?

- Ола ҳўқиз...
- Яхши ҳўқизмиди ё ёмон ҳўқизмиди?
- Кўш маҳали...
- Яхши ҳўқиз бирор етакласа кета берадими?
- Бисотимда ҳеч нарса йўқ...

— Узи қайтиб келмасмикан?... Бирор олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган эканда! Нега йигланади? А? Йигланмасин!», — тарзида гапиради. Олдида турган қариянинг тақдирини эмас, балки майшатдан кейин нафсини ором олдириш билан овора бўлади, амал фуруридан янада ҳаволаниб учинчи шахс (ўтимсиз феълнинг мажхул нисбати шахсиз шакли) номидан гапиради, «чинчалогини этигининг остига артиб» суюнчи (чашна) сўрайди. Аминнинг қуполлиги, фаросатсизлиги, камбағални менсимаслиги, унинг фожиасидан роҳатланиши ва уни мазах қилиш жараёнида нафси үпқонини янада тулдиришга ҳаракати ҳаётий гавдаланади.

Қобил бобонинг ярим-ёрти сўзларидан, фикрларини тўлиқ ифода этишга имконияти йўқлигидан — унинг ожизлиги, ҳамон караҳтлиги, аянчли тақдири манам деб турибди.

Мана шу қисқагина лавҳада — Қобил бобо, элликбоши ва Амин бетакрор ва аниқ шахслар тарзида гавдаланади, уларнинг ўзаро муносабатларидан характерлари, қалбларидаги ўй-хаёллари «тебранишлари» ишончли очилади. Чунки ёзувчи уччала образнинг ички мазмуни (ғоявий мағзига) етиб боргани, яъни Қобил бобо сингари қадр-қиммати ерга урилган, бошига «ташвиш» тушган камбағалларнинг эл-юрт устунлари томонидан сўнги бор-шудлигача талон-тарож қилиниши,

«Отнинг ўлими — итнинг байрами»га айланиши ҳодисасини — объектив ҳақиқатни тўлиқ кашф этгани учун ҳам ана шу мазмунни ифодаловчи сўз ва иборалар куюлиб келади, деталлар қаҳрамонлар руҳиятини баралла курсатади. Демак, бадий тил — ҳар қандай асарнинг ички мазмуни (ғояси, ҳарактери)ни очиши қонуният эканлиги ва ана шу қонуният бадийликнинг моҳиятини кўрсатиши аксиомадир.

Бундан ҳар қандай сўз бадий асарда «ўз «юки»га эга бўлиши керак деган қоида келиб чиқади. «Кунларнинг бирида хотира дафтарига халқнинг ҳазил-мутобийбаларидан «Йўқолмасдан илгари бормиди?» деган иборани ёзиб қўйдим. «Ўғри» ҳикоясини ёзаётганимда шу иш бериб қолди. Шунчаки беғараз ҳазил учун айтиладиган бу иборани кекса дэхқон ҳўқизи ўғирланганидан шикоят қилиб борганда аминнинг тилидан айтиргандим, ўткир пичинг маъно касб этди. Менинг ихтиёримдан ташқари ижтимоий умумлашган кучга эга бўлди, айни чоғда индивидуал шахс ҳарактерини очиб юборди»,<sup>1</sup> — дейди А. Қаҳҳор.

Демак, ёзувчи ҳар бир «микро» образ — сўзни ишлатганда — тасвиrlанаётган қишиларнинг ҳис-туйғу ва ҳаракатларини яққол гавдалантирун, улардаги маънени китобхон чуқур англасин, кўз ўнгига «таниш бўлган нотанишларни» аниқ кўрсин. Ана шундагина (сўз — жозибага, ширага, сермаъноликка, оҳангга айланганда) асар воқеаларини, қаҳрамонлар ҳиссиётини китобхон бирга кечира бошлайди, «булиши мумкин бўлган ҳаёт» ичida яшайди, ўшандан таъсирланади: Қобил бобонинг аянчли тақдирига ичи ачишади, ҳақиқий ўғрилардан — эл-Юртнинг амалдорлари саъй ҳаракатларидан газабга келади. Сўз яратади, бадий оламдан янги олами бунёд этади.

Бадий тилни ҳарактерловчи, унинг образлилигидан туғиладиган муҳим хусусиятларидан бири — маънодорлиги (афоризм) ва қисқалиги (лаконизм)дир. Бу ҳам асарнинг бадий моҳиятидан келиб чиқувчи талаб бўлиб, санъаткор мafизли сўзни ишлатиб, кўп фикр айтишга эришиши лозим.

«Чин сўз мульбар; яхши сўз қисқа — муҳтасар... Сўзи ҳисобсиз, ўзи ҳисобсиз. Сўзида паришонлик — ўзида пушаймонлик» (А. Навоий)дир. Ҳа, ҳадиси шарифда

<sup>1</sup> А. Қаҳҳор. Ҳаёт ҳодисасидан бадий түқимага: «Адабиётимиз автобиографияси», Т., 1973, 215-бет.

айтилганидек, «Сұзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат». Шундай экан, бадий асар **моҳиятини очишига хизмат** қылмайдиган биронта сүз ишлатмаслик санъатини әгаллаган ёзувчи доимо ютади. Уларнинг наздида сўзни тежаш зарни тежашдан қимматлидир. Адабий лақмаликка йўл қўйган, фойдасиз сўзларни қаторлаштиришдан эринмайдиган, сўзга — илоҳий неъматга ўйсизларча ёндошганлар ҳаммавақт ютказишган, сабаби уларнинг китобхонга айтадиган дарди етарли пишмаган ёки бу дард ясама бўлғанлигидан тили ҳам сунъийлик касб этади.

Шу үринда ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романига, унинг уч хил нашрига бир нигоҳ таштайлик.

Асар ёзиш жараёни ёзувчи ижод лабораториясида ҳар хил кечади. Бир тажриба, иккинчи мукаммалроқ тажрибани келтириб чиқаришга сабаб бўлганидек, ёзилган асарни қайта ишлаш жараёни ҳам лаборатория тажрибасига ўхшайди. Ҳаёт воқеликларини кузатиш натижасида ёзувчидаги янги эпизодлар, мукаммалроқ лавҳалар, олдингисини рад этувчи асосли фикрлар юзага келар эканки, натижада, ёзувчи ўз асарини мукаммалаштиришга эҳтиёж сезади.

Асарни қайта ишлаш жараёни ҳам осон кечмайди. Баъзан асарлар қайта ишланганда китобхонга манзур бўлади. Айрим ҳолларда эса асарни қайта ишлагандан унинг бирбутунылиги, таъсиричанлиги заифлашади.

Хуллас, асарни қайта ишлаш — пластик операцияни бошидан кечирган инсонга ўхшайди. Унинг қандай кечиши, қайси натижаларга олиб келишини тасаввур қилиш учун Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романининг 1979, 1990 ва 1999 йилдаги нашрларини таққослаб, тадқиқ этмоқни лозим кўрдик. Романинг 1979 йилдаги нашрида «Андижон. Гул ва қуюн» бобида шундай эпизод бор: Аҳмад Танбалга навкар хабар берар экан, у дейди:

« — Бек жаноблари, севинчи беринг, — деди. — Бобур Мирзо кўргонга кирмай қайтиб кетдилар.

— Шеримбек билан биргами?

— Айни шундай!»

1990 йилда нашр қилинган роман нусхасида бу лавҳа анча ўзгарган:

« — Бек жаноблари, севинчи беринг! — деди. Бобур Мирзо кўргонга кирмай қайтиб кетдилар.

— Айни шундай!»

Күриб турганимиздек, диалог қисқартирилган. «Шеримбек билан биргами?» деган жавоб гапи олиб ташланғану, лекин диалог давоми булмиш «Айни шундай» жавоб гапи қайта ишланмай, аввалги ҳолиша қолиб кетген. Ёзувчи дикқати ва таҳлили лавҳага кемтиклик бахш этган. Натижада, фикр изчиллигиде фализлик пайдо бўлган.

Агар биринчи мисолдаги диалогда «Шеримбек билан биргами?» деган сўроқ гап Аҳмад Танбалга тегишли бўлса, иккинчи мисолда бу сўроқ гап олиб ташланганиги туфайли, навкарнинг «Айни шундай!» тасдиқ гапи беихтиёрий равишда Аҳмад Танбалга тегишли бўлаяпти. Натижада, Аҳмад Танбал нутқида сўроқ гап ўринини тасдиқ гап эгаллайди. Демак, қисқа диалогда навкар келтирган хабарни Аҳмад Танбал тасдиқлайди, бу ҳолат эса Аҳмад Танбал Бобур Мирзонинг қурғонга кирмай қайтиб кетганлигини аввалдан билганини исбот қиласи. Ҳолбуки, эпизод давомида: «Аҳмад Танбал учун бу чиндан ҳам қувончли хабар эди. Чарм ҳамёнидан битта олтин тангга олиб, бўсага олдига ташлади...» деган навбатдаги муаллиф баёнидан Аҳмад Танбалга бу хабарни эндинигина етиб келганлиги ва қувонтирганигининг гувоҳи бўламиз. Кўринадики, муаллифнинг эътиборсизлиги натижасида китобхон бир-бирига зид бўлган тушунчага эга бўлади.

Кейинги 1999 йилдаги нашрида эса юқоридаги фализлик, яъни «Айни шундай!» гапи «Айни муддао!» гапи билан алмаштирилди, қайта ишланди, яъни:

« — Бек жаноблари, севинчи беринг! — деди. — Бобур Мирзо қурғонга кирмай қайтиб кетдилар.

— Айни муддао!»

Бу сўз узукка кўз қўйгандай ўз ўрнига тушди. Лавҳа ҳам, сўз ҳам поэтиклашди; жонланди. Чunksи, Бобур Мирзонинг қурғонга кирмай кетганлиги Аҳмад Танбал учун айни муддаодир. Диалогдаги «Айни шундай!» деган гап муаллиф томонидан «Айни муддао!» гали билан алмаштирилиши Аҳмад Танбал руҳини яқзол очилишига олиб келган. «Айни муддао!» жумласи қаҳрамон табиатидан, характеристидан «оқиб» чиққани учун уни янада тўлдириб, бойитиб, аниқлаштириб, мукаммалаштириб гавдалантиради. Ўрнида, сидқидидан айтилган оддийгина сўз қудратли ва енгилмас кучга айланади. Айни пайтда, лавҳадаги мантиқсизлик барҳам топади, фикр ёришади, силиқлашади.

Бадиий асар тили халқ тили (жонли тил, адабий тил, бадиий тил)га асослангани сабаб, унда халқчиллик рухи доимо устун туради. Бадиий асарларда турли жамиятлардаги ҳамма табақалар (одамлар)нинг тилига дуч келар эканмиз, уларнинг тилида қўлланилган ҳар бир сўз тушунарли бўлиши (халқ мақоллари, маталлари, иборалари, афоризмлари руҳига асосланиши) талаб қилинади; халқнинг дилидагини топиб ифодалашни асосий муддаога айлантиради. Халқчилликка «жонли халқ тили оқимидан энг ўткир, энг мувофиқ, бамаънисини танлаб олиб» (А. Горький), моҳирона ишлатиш орқали эришилади.

Маълумки, давр ҳақиқатидан келиб чиқиб «Юлдузли тунлар» асари ҳам ижодий қайта ишланди: ёзувчи диққати «кўпроқ унинг бадиий нуқсонларини тузатишга, тарих ҳақиқатини чукурроқ очишига қаратилди».<sup>1</sup>

Шу нуқтai назардан мавжуд боблардаги айрим инсоний узгартеришлар ёзувчи мақсадига мос ҳолатни ифодалашда, қаҳрамон руҳиятини тұлиқ очиб беришда ижобий натижә берди. Чунончи, Бобур шеър ёзишини машқ қилиб юради, «лекин уларни бирорға күрсатишга уялади. Шундай бўлса ҳам, катта шоир бўлиш орзуси уни ҳеч тарк этмайди»<sup>2</sup>. Ваҳоланки, орзу инсонни «ҳеч тарк этмайди» эмас, балки инсон орзу, ниятларни тарк этмаслиги, унинг ортидан эргашиши ҳаёт ҳақиқатига мосроқ. Шу ҳақиқат сўнги нашрда ўринли ифодаланган: «Шундай бўлса ҳам катта шоир бўлиш орзусини ҳеч тарк этмайди»<sup>3</sup>.

Ёки иккинчи бир мисол. Бобур беклари билан етти ойлик қамалдан сўнг эгалланган пойтахт шаҳар Самарқанддаги муҳит билан танишиб борар экан, саҳҳоф (муқовачи, китоб сотувчи)лар дўконига киради. У ердаги ҳолат шундай тасвиirlанади: «У (Қосимбек) Самарқанд хазинаси шип-шийдам эканини, Андижондан олиб келган олтинлари кўпга бормаслигини ўйлаб, Бобир ажратётган китобларга ташвишланиб қараб турарди. Ниҳоят, Бобир ажратиб олган китоблар ўндан ошганда, Қосимбек секин шипшиди: Амирзодам, ҳозир хизоначи йўқ...»<sup>4</sup> Бу парчани ўқиган китобхон мулоҳа-

<sup>1</sup> П. Қодиров. Юлдузли тунлар. Бобур. Т., Ўқитувчи, 1999, 3-бет.

<sup>2</sup> П. Қодиров. Юлдузли тунлар. Т., 1979, 116-бет.

<sup>3</sup> П. Қодиров. Юлдузли тунлар. Бобур. Т., Ўқитувчи, 1999, 177-бет.

<sup>4</sup> П. Қодиров. Юлдузли тунлар. Т., 1979 120-бет.

залари айрим ноаниқликларга дуч келади: давлатни бошқариш сиёсатини, ҳокимияти аҳволини жуда яхши биладиган Бобурнинг юқоридаги ҳаракатидан Қосимбекнинг ташвишланиши ўринлимикан? Андижондан олтинларни Қосимбек «олиб келган»и учун ташвишланаётгандир, олтинлар давлат хазинасига тегишли эмасми? Хазинани ақл ва тежамкорлик билан сарфлаётган Бобур китобларни танлаб оләтиб, хазинанинг аҳволини ҳам ёддан чиқармаслиги бекда ташвишланиш ҳолатини уйготмаса ҳам бўлар эди-ку...

Услубий гализлик (такрорланиш) ва фикрий ноаниқликларни муаллиф қўйидагича таҳрир қиласи: «**У Самарқанд хазинаси шип-шийдам эканини, Андижондан олиб келинган олтинлари кўпга бормаслигини ўйлаб қараб турарди. Ниҳоят, Бобур ажратиб олган китоблар ўндан ошганда Қосимбек секин шишшиди: — Амирзодам, ҳозир хазиначи йўқ...**»<sup>1</sup>

Бу каби таҳрирлар асарда анчагина бўлиб, Бобур шахсияти, руҳиятидаги бутунлик, баёндаги изчилилк, аниқликни таъминлайди; ёзувчининг тил воситаларидан фойдаланишдаги маҳоратини кўрсатади. «Сўзга тушмаган сўзни айтма, Созга тушмаган fazalni» деганларидек, ёзувчининг сўз устида ишлаши асарнинг моҳиятини чуқурлаштиришга, асардаги руҳиятни жонлантиришга олиб келади. Акс ҳолда, сўз юк ташимаганда — поэтиклишмаганда, бемаъни ва куруқ бўлиб қолаверади.

«Юлдузли тунлар» асарининг номи ҳам «Юлдузли тунлар. Бобур» деб ўзгартирилади. Бу ҳолат ёзувчининг асосий мақсади шу образ орқали ифодалангани ва асардаги асосий юк Бобур ҳарактерига юкланганидан келиб чиқиб изоҳданиши мумкин.

Роман икки қисмдан иборат бўлиб, бу қисмлар «Аросат» ва «Фалакнинг гардиши» деб номланган эди. Иккинчи қисм кейинчалик «Тақдирнинг тақозаси» номи билан алмаштирилади. Бу ҳолат ҳам ёзувчининг айтмоқчи бўлган фикрини аникроқ, тўликроқ англашшимизга ёрдам беради: «фалакнинг гардиши» билан Бобурнинг кейинги ҳаёти Ҳиндистонда кечар экан, бу «тақдир тақозоси», тақдирлар «ўйини» сабаблидир.

Бадиий асар тилида унинг ўйноқилигини, тасвирийлигини, таъсирдорлигини вужудга келтиришда ба-

<sup>1</sup> П. Кодиров. Юлдузли тунлар. Бобур. Т., Ўқитувчи, 1999, 120-бет.

дийи-тасвирий воситалар (ұхшатиш, сифатлаш, метонимия, метафора, истиора, литота, муболага каби), маҳсус лексик ресурслар (историзмлар, архаизмлар, неологизмлар, диалектизмлар, варваризмлар, вульгаризмлар каби), поэтик фигураалар (интонация, паралелизм, такрор, инверсия, антитета, риторик сүроқ каби), сүз үйинлари (омоним, полисемантизм каби) алоҳида аҳамият касб этадилар:

«Чиройлидир гүё ёш келин  
Икки дарё ювар кокилин...»

Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъридаги ушбу образли ұхшатищдан сизнинг кўз үнгингизда Ватанимиз — чиройли ёш келин қиёфасида, унинг кокилини юувучи икки (Аму ва Сир)дарё яқдол гавдаланади. Чунки айни шу тасвир муаллифнинг Ватан гўзаллигини, ұхшаши йўқ бўстон эканлигини таъкидловчи фикрини аниқлик ва қисқалик билан очишига бўйсунади.

Баъзилар шу асосга таяниб, қайси санъаткор тилида бадиий воситалар кўп ишлатилса, уша санъаткорнинг асарлари жозибадор бўлади, деган холосани чиқарадилар. Ҳолбуки, бу холоса асоссизdir. Муҳаммад Юсуфнинг «Мехр қолур» шеърини эсласангиз, унда юқорида таъкидланган воситалар яккам-дуккam учрайди, лекин шеър айтилмоқчи бўлган фикрни, ҳолатни аниқ ва таъсирчан ифода қила олади; шу асосга кўра у — бадиий тилдир:

«Нима дейсан, эй, гаюр инсон?  
Фийбатларинг қилди мени қон.  
Сен ҳам бир кун ўтурсан, инон  
Мехр қолур, муҳаббат қолур»

«Бадиий асар тили гўзаллигининг аниқ бир шарти бор: тасвир аниқ ва равон бўлиши, яъни тасвир этилаётган хулқ, ҳаракат ёки манзара тил туфайли ўкувчиларнинг кўз олдида аниқ ва ёрқин намоён бўлиши зарур» (И. Султон, 206-б.)

Бадиий асар тили — равон, содда, бўёқдор бўлиши бадиийликнинг зарур шартларидандир. Жумладан, Сотти Ҳусайн «А. Қодирий ҳар қандай ҳолнинг тасвирига, сўзга жуда уста» деб таърифласа, унинг бу холосасини Ойбек ҳам тасдиқлади: «Романинг тили ҳақиқатан бой, бўёқли, содда, ифода кучи зўр, оммага англаши-

ларли... жонли, образли тили мусиқий, лирик жүшқин». «Үткан күнлар» тили картинали, эмоционал бир тил. Үкүвчининг ҳиссига таъсир қилиш, маълум фикр, түйгуларни сингдириш учун ёзувчи тилини жуда рангдор қилғанлигини уқдириб, «асарнинг бадиий түқимасида юзларча мақоллар, маҳсус ифодалар, тутал гаплар, қочирмалар, сўз үйинлари ярқирашини» асарнинг турли қисмлари таҳлили орқали исботлайди. У ёзади: «Кумушнинг сўз үйини» деган қисмда ёзувчининг тил устидаги маҳорати жуда яққол кўринади. Кундошларнинг ўзаро пичинги, кесатиқ, мисатиқлари ва ингичка ҳийлакорликлари, кундош психологиясининг энг чуқур ва тутилмас томонларининг ифодаси учун ёзувчи тили минг товланади, рангдан рангга киради, порлайди»<sup>1</sup>.

Ушбу фикрлардаги ҳақиқатни тўлиқ англаш зарурати — асарга мурожаат қилишга, кундошлар сўз үйинидан ҳеч бўлмаганда бирини келтиришни тақоза этади; ана шундагина ёзувчининг тилга усталиги, жудаям усталиги яққол кўринади:

- Неча ёшга кирдингиз, Зайнаб опа!
  - Ўн тўққизга шекиллик.
  - Ҳали сиз бола экансиз, — деди Кумуш.
  - Сиз нечага кирдингиз?
  - Мени сўраманг, мен энди қариб қолдим...
- Зайнаб унга ҳасадланиб қаради ва кучланиб айтди:
- Ҳали ёшга үхтайсиз-ку.
  - Неча ёшга кирган деб ўйлайсиз?

Зайнаб Кумушнинг тўлиб етмаган гавдасига ва ўн олти ёшлар чамалик губор тегмаган ҳуснига ҳайрон булиб, мулоҳазасини айтишдан қўрқди.

- Зайнабга қолса Кумуш ўзидан ҳам ёш чиқар эди.
- Мен қаёқдан билай...
  - Йигирмага кирдим.
  - Мендан бир ёш катта экансиз.
  - Сиздан албатта каттаман! — деди Кумуш.

Кумушнинг «Албатта каттаман» деган сўзини Оtabек ичидаги тасдиқлади, унинг ҳусндагина эмас, ақлда ва бошқада Зайнабдан неча баробар юқорида эканлигини ўйлади»<sup>2</sup>.

Ана шу тажрибадан келиб чиқиб, А. Қодирий ёш ёзувчиларга деганди: «Сўз сўзлашда ва улардан жумла

<sup>1</sup> Ойбек Танланган асарлар. 14-том, Тошкент, «Фан», 1979 йил, 145-бет.

<sup>2</sup> А. Қодирий. Үткан күнлар. Мехробдан чаён, 328—329-бетлар.

тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушунив, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб.

Асли, ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмасликдир. Бундан бошқа фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги лозим. Шундагина иборанинг тузатиб босилишига йўл қўймаган ва мустақил услугуб ва ифодага эга бўлиб, ўзингизнинг қаламдаги истиқболингизни таъмин қиласиз».<sup>1</sup>

Бу сабоқни А. Қодирий ёзувчининг бирламчи фазилати деб тушунади.

Бадий асар тили — муаллиф нутқи ва персонажлар нутқи деб номланадиган, бир-бири билан мураккаб боғланишда бўлган иккита катта қисмдан иборат.

**Муаллиф нутқи ва муаллиф образи.** Ҳар қандай бадий асар (бутун борлигича) ёзувчи томонидан яратилган экан, ёзувчининг салоҳияти ўша асарнинг энг кичик «жажжи» образлари (сўз)гача, тиниш белгиларигача (нуқта, вергул, ундов, суроқ белгилари каби) сингиб кетади, уларнинг ҳар бирига ўзининг аниқ муҳрини босади.

«Роман ва повестда тасвирланаётган кишилар муаллифнинг ёрдами билан ҳаракат қиладилар, муаллиф ҳаммавақт улар билан бирга бўлади, у китобхонга роман қаҳрамонларини қандай тушуниш лозимлигини айтиб туради, яширин фикрларни, одамлар ҳаракатининг маҳфий сабабларини тушунтириб туради, кайфиятларини табиат ва шароит тасвирлари билан бўрттиради ва умуман, ҳаммавақт уларнинг жилови муаллиф мақсадига мувофиқ тутиб турилади, муаллиф персонажларнинг ҳар бир ҳаракати, сўзи, иши, муомаласини бемалол ва купинча — китобхон сезмайдиган даражада — устунлик билан ўзича бошқаради. Бу билан у романдаги кишиларнинг бадий жиҳатдан аниқ ва ишонарли чиқиши учун ҳар тарафлама фамхўрлик қиласи»<sup>2</sup>

Демак, муаллиф асарни яратувчи шахс, айни пайтда, мустақил ўзига биқиқ оламларнинг — асардаги ҳамма шахсларнинг фаолиятини foявий марказга бўйснандирувчи «кумондон»-ки, уни муаллиф образи деб юритиш асослидир.

<sup>1</sup> А. Қодирий. Ижод машақвати, Т., «Ўқитувчи», 1995 йил, 6-бет.

<sup>2</sup> А. Горький. Адабиёт ҳақида, Т., 1962, 192-бет.

«Масалан, саҳнада Улугбек образини ўйнаётган Шукур Бурхонов бизга Улугбек бўлиб кўринади. Айни вақтда, биз унинг Шукур Бурхонов эканини ҳам унумаймиз, бу образда биз машҳур актёрнинг истеъодидини, санъатини, ўзига хос услубини ҳис қилиб, унинг такрорланмас овозини, нутқини эшитамиз...»

Тўғри, реалистик асарда муаллиф ўзи гўё «четга чиқиб», воқеаларни холис кўрсатаётгандай бўлади. Лекин, қаҳрамонларнинг характеристи ҳам аслида муаллиф ҳаётда кўрган, қалбida қайта яратган характеристерлардир. Қаҳрамонларнинг тили ҳам муаллиф ўзи билган ва эшитган тил материалига асосланади<sup>1</sup>.

Шунга асосан, бадиий асарни яратган ижодий шахс — муаллиф бўлса, ана шу муаллифнинг асардаги баёни, нутқи (ҳикоячилиги) — муаллиф образидир. В. Виноградовга таянсанқ, ҳикоячи (баёнчи) образи ёзувчининг «артистлик» шаклидир («О языке художественной литературы», с. 122). «Бадиий асарнинг бутунлиги тоянинг бирлиги, қатнашувчи шахсларнинг ишлангани кабилардан иборат эмас, балки бутун асарга сингдирилган муаллифнинг воқееликка бўлган ўз муносабатининг равшанлиги ва аниқлигидан иборатдир»<sup>2</sup>.

Бу холосаларнинг воқеа бўлиши тилга келиб боғланади. Шунинг учун ҳам Пиримқул Қодиров персонажлар тили ҳам, муаллиф тили ҳам асарнинг ягона (бош) марказига келиб бирлашади, бу марказда эса ёзувчининг ўзи, унинг асосий тояси ва ҳаётга, тасвирланаётган одамларга муносабати туради, — деб асосли таъкидлайди.

«Адабиёт муаллими» (А. Қаҳҳор) ҳикоясининг бош қаҳрамони — ўзини билимдон санайдиган Боқижон Бақоевнинг нутқига, фикрларига диққатни қаратайлик:

« — Ҳимм... — деди Бақоев, — Чехов тўғрисида ўзимнинг фикрим бор. Бошқалар нима деса десин, ҳар ҳолда унинг дунёга қарашида... Унинг дунёга қараши Пушкин ва Лермонтовларнинг дунёга қарашидан фарқ қиласи. Бир давр, бир синф, бир мамлакат ёзувчилари бўлишларига қарамасдан мутлақо фарқ қиласи!»

— Чехов Пушкин билан бир даврда яшаган эмас-

<sup>1</sup> К а р а н г: Адабиёт назарияси, I-том (Адабий асар), Т., «Фан», 1978, 333-бет.

<sup>2</sup> А. Т о л с т о й. Об искусстве и литературе. Т. I, М., 1958, стр. 233.

ку, — деди Ҳамида, — бизнинг кутубхонада унинг Максим Горький билан олдирган сурати бор. Чехов 1904 йилда ўлган бўлса керак.

Ўртоқ Бақоев бир оз ўнгайсизланди.

— Сизлар қайси Чехов түгрисида гапираётисизлар? Чойдан куй!.. Бу Чехов ҳақидами? Тұғри, бу 1904 йилнинг биринчи ярмидами, иккинчи ярмидами ўлган... Бошқа рўмолча бер, бундан пиёс ҳиди келаётитти. Мен ана у Чехов, илк буржуазия реализмининг намояндаси бўлган Чехов ҳақида сўзлаётиман!¹

Ҳикояда ёзувчи саводсиз, мақтандоқ, илмий фикри йўқ ўқитувчини фош қилмоқда. Бақоев «Узимнинг фикрим бор» дейишига қарамай, билмаган ҳолида «олди-қочди» тарзида тахминий гапларни қаторлаштираверади. Саводсизлиги, адабиётни (Чеховни) билмаслиги исботини топганда «Ўртоқ Бақоев бир оз ўнгайсизланади», холос. Ва яна Ҳамиданি писанд қилмай, «олди-қочди»га ўтиб, ўзича иккита Чехов (у Чехов, бу Чехов)ни яратади; ҳақиқий Чеховни — Антон Павлович Чеховни билмаслиги рўйи-рост эканлигига ёзувчи ҳам китобхонни ишонтиради.

Демак, бадий асарда муаллиф образи персонажлар образи билан уйғунлашиб кетади, бири-бирининг моҳиятини чуқур таъсирчан, бирбутун бўлишига ва очилишига сабаб бўлади: Аслида оми, мақтандоқ, мантиқий мулоҳаза юрита олмайдиган, ўз фанини билмайдиган, саводсизлигини ўзи ҳам тўлиқ тушунмайдиган «практикум, минимум, максимум; Детирдинг, Стендинг, Шеллинг, Меринг, Демпинг...» каби атамалар, ясама номлар билан яширадиган адабиёт ўқитувчисини яққол фош этади.

Хуллас, муаллиф нутқи ва муаллиф образи бирлашиб, асардаги барча унсурларни ўзаро алоқага киритади ва уларни яхлитлаштириб — бадий олам моделини, яъни монолитлашган, такрори йўқ бадий асарни яратади.

**Персонажлар нутқи.** Бадий асар тилининг серқатламлиги (турфа хил одамларнинг иштироки) унда қатнашувчи ҳар бир шахснинг ўзига хос тили бўлишилигини тақозо этади ва уларнинг типик тили хусусиятлари ни нутқ воситасида воқе қиласи.

¹ А. Қаҳқоғар. Асарлар, биринчи том, F. Фулом номидаги бадий адабиёт нашириети. Т., 1967, 105-бет.

Ҳар бир персонаж нутқи ана шу персонажнинг ҳаётий тажрибасига, маънавиятига, фаҳму идрокига, хулқу авторига, касбу корига, маданияту руҳиятига мос бўлади. Унинг нутқидан қандай одам эканлигини тўлиқ англаш мумкин. «Адабиёт муаллими»да Ҳамида «нá-фис адабиёт муаллими» ўртоқ Бақижон Бақоевдан Чеховнинг «Уйқу истаги» ҳикояси ҳақидаги нутқтаи назарини сўрар экан, даставвал, унга жавоб беришдан Бақоев қочади. Ҳамида қайта сўраганида у қўйидагича жавоб беради:

« — Чеховми? Ҳимм... буржуазия реализми туғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиш керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив вокеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг иходи бошдан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни ҳимм... Мукаррам, товуққа мояк қўйдингми? Қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товуқдан аҳмоқ жонивор йўқ — мояк қўйсанг тугади! Нима учун мояк қўйсанг тугади? Ҳуроз нима учун саҳарда қичқиради? Ажойиб психология! Биология ўқийсизларми?» (Юқоридаги асар, 105-бет)

«Уйқу истаги»даги гўдакни ўлдирган қизга Чеховнинг муносабатини асослаш ўрнига, Бақоев буржуазия реализми ҳақида гапира бошлайди. Ҳар «ҳимм...»да фикри бошқа бир муаммога кўчади: Буржуа реализми ҳақидаги тутириқсиз тушунчасини якунламасдан, товуққа мояк қўйишга, у якунланмасдан хўrozга, ундан биологияга кўчади. Ана шу нутқи орқали ўзининг саводсизлигини, мантикий фикр юрита олмаслигини, айни пайтда, ўзини билимдон қилиб кўрсатишга уринишини яққол фош этади.

Персонаж нутқи **диалог** (икки ёки ундан ортиқ персонажлар ўргасидаги сұхбат) ва монолог (Персонажларнинг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган ички нутқи)-дан иборат бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам образ ва характер яратишнинг муҳим воситаларидан саналади.

Диалог жўшқин булиши, кишининг руҳий кечинмасини кўрсатибгина қолмай, характерни ҳам очиб бериши лозим (А. Макаренко) бўлса, монолог муайян персонажнинг руҳий дунёсини, қалб түгёнларини чукур очиша қўл келади.

« — Войдод, халойиқ, бу қандай эркакки, хотини-

ни бирорга құшиб қўйиб, ўзи эшик пойлаб ётади! Войдод, хотинингга құшгани бўйдоқ йигит қуриб кетганими-ди! Иккита болам бор...

Одамлар ажратмаганда бу хотин мулла Норқўзини гажиб ташлар эди. Мулла Норқўзи, оғзини ушлаганича четланди. Хотини эшик ёнида деворга суянганича турар, ранги мурдадай, ўзи қалтирас эди. Бегона хотин ҳушидан кетиб йиқилди. Икки киши — аёллар кириб, у фариштани уйдан олиб чиқишиди. У атлас қўйлак, лозим кийган, бошяланг, оёқ яланг, ёшгина чиройли бир йигит эди. Ҳамма жим қолди. Бу сукунатни етмиш ёшлардаги бир чол бузди. У, мулла Норқўзига қўлини пахса қилиб деди:

— Садқаи одам кетинг-э, айб эмасми?! Хотин қилиш қўлингиздан келмаса талоқ қилинг! Қўйинг-э, қўчиб кетинг маҳалладан, ё биз қўчиб кетамиз!..

Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб мулла Норқўзига ўқталди.

— Ху ўл, турқинг қурсин! Бошинга солайми шу билан! Маҳаллада сасиб, ўқувчи қизларга кун бермайсану, ўзинг нотўғри иш қиласан...

Ҳамманинг диққати хотинча кийинган ва эшик ёнида ерга қараб турган йигитта жалб бўлди. Яна жимлик ҳукм сурди. Бу сукунат оғир тегирмон тоши бўлиб мулла Норқўзини янчиди юборди. У, девор устидаги қизга қараб, бүғик товуш билан ўшқирди:

— Сен гапирма! Сенга ким қўйибди гапиришни! Уста Мавлоннинг ўелидан, бир ҳовуч майиз олганингни ўз кузим билан кўрганман!..

Ҳамма кулиб юборди. Томдан кимдир қичқирди:

— Ҳа, бу кишининг хотини майиз емаган!» (Юқоридаги асар 142—143-бет).

А. Қаҳҳорнинг «Майиз емаган хотин» ҳикоясининг финал қисмини ҳукмнингизга ҳавола қилдик. Унинг таҳлилини ёзувчи ва олим Пиримқул Қодировга «юкладик», сабаби «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» мақолининг амали — А. Қаҳҳорнинг тилдан фойдаланиши маҳоратини (персонажлар нутқини яратишдаги усталигини) яққолроқ англашга олиб келади деган ишончдамиз:

«Мулла Норқўзи ҳам, унинг уйига кириб дод солган хотин ҳам, кекса чол ҳам, ўқувчи қизча ҳам бу

ерда фақат бир оғиздан гапирадилар. Лекин шу қисқа гапларда уларнинг руҳий ҳолатлари, ҳар бирининг ўзига хос тили ва дили, савияси ва позицияси, ёши ва жинси яққол кўриниб туради. Мулла Норқўзини қўшмачиликда айблаётган хотин «Войдод, бу қандай эркак!» деганда биз эрни ўйнаши билан тутиб олган аёл кишининг аламини, ғазабини, тугёнини сезамиз. «Садқаи одам кетинг-э, хотин қилиш қулингиздан келмаса, талоқ қилинг!» деган гаплар эса етмиш яшар мўйса-фиднинг дилида борини, унинг феълини, эътиқодини аниқ ифодалайди. Ўқувчи қизчанинг девордан кесак кўчириб олиб, ёмон кўрган одамига ўқталиши ҳам, «ўқувчи қизларга кун бермайсан-у, ўзинг нотўғри иш қиласан» дейиши ҳам унинг табиатига, ёшига жуда муносиб. Айниқса, «Ўзинг нотўғри иш қиласан» деган ибора бизни қизчанинг янги мактаб тарбиясини олаётганига ишонтиради. Отдан тушса ҳам эгардан тушмаётган мулла Норқўзи бир қизчага ўшқириб, унга бироннинг ўғли бир ҳовуч майиз берганини айтганда, баттар шармандаси чиқади. «Ха, бу кишининг хотини майиз емаган!» деган киноя янги инсоннинг эскилик мухиби устидан чиқарган ҳажвий ҳукми ва голибона кулгусини интиҳосига етказади.

Демак, парчада икки кишининг диалоги эмас, балки беш кишининг беш хил характердаги гапи маҳорат билан тасвирланади»<sup>1</sup>.

Одил Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси» романи психологияк таҳлил асосига қурилган асар бўлгани учун ҳам унда монолог ва диалог чатишиб кетади. Асардаги руҳият мавжланган сайин, уни юзага чиқарувчи бадиий тил унсурлари ҳам мавжланади; улар бирлашиб қаҳрамон қалбидаги ҳоким кучга китобхоннинг диққатини, қалбини оҳанрабодек забт этади:

«Шаҳзода туш кўрди. Гўё у Кўксаройда, ҳарамхонага ёндош ӯрадай кенг, муҳташам хонада катта базми жамшид кураётган эмиш. Базмга барча амирлар ва нуфузли беклар, девон ва сарой маҳрамлари ва шаҳзоданинг энг яқин муқарриблари йиғилган эмиш. Бакавуллар олтин баркашларда таом устига таом тортишар, май дарё бўлиб оқар эмиш. Пойгада ўтирган машхур соzanдалар жон оловчи дилрабо куйлар чалармиш, хо-

<sup>1</sup> К а р а н г: Адабиёт назарияси, 1 том, Т., «Фан», 1978, 328-бет.

нанинг тўридаги ҳарир парда орқасида эса ярим яланғоч нозанинлар зеб-зийнатларини ёқимли жаранглатиб, нозу карашмалар билан минг мақомда хиромон қиласмиш... Тусатдан эшикдан амир Султон Жондор Тархон кириб, саждаға бош эгармиш. Шаҳзода амир Жондорни кўриб, ўрнидан туриб кетармиш:

— Ушланглар бу фитначини! — деб бақирапмиш.

— Бу каззоб доруссалтанатда яшириниб, бизга чоҳ қазиб юргандур!

Турда ўтирган бир неча амирлар ўринларидан сакраб туриб, қиличларини яланғочлар эмиш. Лекин амир Жондор бунга парво қилмай, шаҳзодага юзланиб яна таъзим қиласмиш.

— Пушти паноҳим! Фақир фитна-фасоддан йироқ садоқати зоҳир қулингиздурмен! — дермиш.

— Содиқ қулим бўлсанг қайларда юрибсен, баттол? — деб бақирап эмиш шаҳзода.

— Садоқати зоҳир қулингиз сиздай валинеъмат пушти паноҳимга кийик овлаб, тоғларда юрган эдим. Букун бир кийикнинг бошини келтирдим! уни есангиз барча фурбат, барча хасталикдан фориф булиб, қушдай енгил тортасиз, давлатпеноҳ!

Амир Жондор шундай деб, эшикдан кимнидир имлаб чақирапмиш. Хонага дастурхон ёпилган катта олтин баркаш кутариб, нотаниш бир навкар кириб келармиш. Амир Жондор унинг қўлидан баркашни олиб, шаҳзодага узатармиш:

— Барча дардингизга даво бўладур, татиб қўринг, давлатпеноҳ!

Шаҳзода баркашни олиб, дастурхонни очармиш. Олтин баркашда... қонга бўялган унинг ўз боши тиржайиб ётармиш... Баркаш қўлидан тушиб, қонга бўялган боши ерга юмалаб кетармиш.

Шаҳзода дод солиб қичқирганича... уйғониб кетди. У тушидагина эмас, ўнгидаги ҳам дод солиб бақириб юборди чамаси, чанг ва сетор овози келаётган ёндош хонадан балхлик саройбон билан яна бир маҳрам югуриб чиқди. Улар чиққанда, шаҳзода, ўнг қулида яланғоч қилич, чап қўли билан айвоннинг устунини кучоқлаганича сармаст одамдай чайқалиб турар, унинг бу туриши, олазарак кўзлари, бутун важоҳати шундай мудҳиш эдик, югуриб чиққан саройбон билан маҳрам яқин келолмай бўсағада тўхтаб қолишиди.

— Сиз... сизга не бўлди, давлатпаноҳ?

Балхлик саройбоннинг таниш овози шаҳзодани хиёл хушига келтириди. У ҳозир кўрганлари туш эканини эндиғина тушуниб, бўшашиб кўзини юмди. Лекин кўзини юмиши билан нигоҳи олдига яна олтин баркашда тиржайиб ётган ўз боши келиб, бир иргиб тушди-ю қилич ялангочлаганича қаршисида турган саройбонга томон юрди. Саройбон билан унинг орқасига яшириниб олган маҳрам, саросима ичида, ўзларини четга олишди. Бошидаги тождор телпаги бир томонга огиб кетган, кўзлари қинидан чиқаётган шаҳзода гандирак-лай-гандираклай чароғон хонага кирди. Пойгакда кути ўчиб турган бир неча машшоқ ва хонандалар уни кўриб, ўзларини зинадан пастга отдилар, тўрда ипак парда орқасида бир-бирларининг пинжаларига кириб олган канизаклардан бири додлаб юборди.

— Йўқол! — бақирди шаҳзода пойгаҳда тўхтаб. — Йўқол бу даргоҳдин!

Ярим ялангоч канизлар, гўё ҳурккан кийиклардай, бир-бирларини туртиб-суришиб, мармар зиналардан пастга отилишди.

Шаҳзода уларнинг диркиллаган оппоқ танларидан кўзини олиб қочаркан: «Ў ерда ҳам ялангоч канизлар, бу ерда ҳам ялангоч канизлар, — деган фикр хаёлидан ўтди. — Эй, дариф! Тушимми бу ё ўнгимми? Бошимда яна не савдолар бор, халлоқи олам!»...

Чароғон хона уни хиёл ўзига келтириди. У қиличини қининг солиб, хонанинг ўртасида тўхтади. Лекин юраги ҳамон гурс-гурс урар, нафаси етмай ҳансираарди.

«Оллоға шукурким, туш экан. Туш! Лекин қонға бўялган ўз боши... эй дариф! Осий банданг бошига тағин не савдолар соласен? Тақдир нени раво кўрадур?». Бу тушда падаркуш Абдулатифнинг маънавий дунёси, психологик драмаси ёрқин ва ишонарли тасвирланган. Унинг қалбидаги ҳоким куч — қандай бўлмасин мудҳиш туйғулар ва хатарли ҳисларни, гурбат ва изтиробларни унугиб, бир дақиқагина бўлса ҳам улуғ тахт, шону шавкат завқи оғушида ором олишга интилиш эди. Лекин бунга унинг ўз отасини ҳам қатл эттиргани, фитналар сарбони эканлиги йўл қўймас, кўксини аччиқ фарёд қамрар эди.

<sup>1</sup> О. Ёубо в. Улугбек хазинаси, Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1974 й, 288—289-бетлар.

Унинг разолат ва қабиҳликка лиммо-лим ички дунёси, саройдаги сотқинлик, ота хуни — тақдирининг абадул-абад зулмат билан тугашига ишора берса-да, чўкаётган киши хастга ёпишганидек, у ҳам «милт» этган умидга, «Парвардигори олам»га ёпишади. Бироқ Али Кушчи ўйлаганидек, «...Бу фоний дунёда ҳам ҳақ ва адолат бордур. Бандаи мўминларга қатлу қирғин келтирган, меҳр-шафқат ўрнига жабру жафо, илму маърифат ўрнига зулмат уруғини сочган ҳеч бир кимса интиқомсиз қолмайдур...»

Хуллас, психологияк романда қаҳрамоннинг онгли ва онгсиз ҳаёти (туши ва ҳуши) мантиқан бир-бирига боғлиқ ҳолда тўлиқ тасвирланади. Шу асосда уйку ва англанган ҳаётнинг алоқаси тикланади, қаҳрамон фикр ва ҳиссиятнинг оқими берилади. Туш умумий психологик картинага сингиб кетади ва айни пайтда, қаҳрамон руҳий изтироблари, кечинмаларининг барча кўришиларини, «ранг»ларини реаллаштиради.

Бадиий асар тилининг ифода кучини оширувчи во-ситалар (оҳанг, ритм, пауза, подтекст каби) ичida оҳанг алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, А. Горькийнинг фикрича, қалб тафаккурга нисбатан оҳангда кўпроқ акс этади. Тафаккур чақа тўла ҳамёнга ўхшайди, оҳанг эса ҳар нарсадан холи, ичи тоза.

Шунинг учун шоир Р. Парфи: «Оҳанг варақлайди дунёни. Дунё — ўқилмаган бир китоб», — дейди. Шу сабаб, Саид Аҳмад дейди: «Агар ўзим яхши кўрган бирон куй таъсирига тушиб қолсан, шу оҳангни лейтмотив қилиб оламан-у, китоб битгунча ўша куй кўнглимда чалиниб туради. Бу менга худди шеърга ўхшаб вазнни сақлашга ёрдам беради»...<sup>1</sup>

Кўринадики, бадиий асарда тасвирланган ҳар бир характер, тақдир ўзига хос оҳангни талаб этар экан, демак, ўша оҳантга мос «жажжи» образлар-сўзлар танланади; бусиз, бирон бир ҳолатнинг аниқ тасвирини яратиш ҳам мумкин эмас. Дарвоҳе, ҳар бир шахснинг кулгуси, йиғиси, уҳ тортиши, газаби, қувончи ҳар хил — бетакрор бўлганидек, унинг оҳанги ҳам турфа хилдир.

Юқорида мисолга келтирилган асар қаҳрамонларига диққат қилсак, Қобил бобо гангиганидан узуқ-юлук

<sup>1</sup> К а р а н г: У. Норматов. Талант тарбияси, «Ёш гвардия», Т. 1980, 104-бет.

оҳангда («Ола ҳўқиз...» «Қўш маҳали...». «Бисотимда ҳеч нарса йўқ...») гапирса, адабиёт муаллими «Боқижон Бақоев тутуриқсиз тарзда (Ҳимм... буржуазия реализм.. ҳимм... Мукаррам товуққа тухум қўйдингми?) оми, лекин ўзини билағондек тутувчи одамдек гапиради, чунки «Сўз — ақл ўлчовидир».

Бадий асар тили оқар дарё. Уни ўрганиш ҳам узлуксиз ҳаракатни тақозо этади. Ҳаёт ва сув (адабиёт ва сўз) бир-бирига шунчалик зарурки, бири-бirisиз яшай олмайди; бири-бirisиз яратиш қудратига эга бўлмайди.

Инсон юраги қандай уриб турса, қандай товланса, ёнса, адабиётдаги сўз ҳам шундай жонли бўлиши, товланиши, ёниши лозим. Ўшандагина қалб тирикликни билдирганидек, сўз поэтиклашади, яъни у адабиётга дахлдор бўлади. Юраксиз инсон мавжуд бўлмагани каби, сўзсиз адабиёт, сўзшуносликсиз — адабиётшунослик ҳам юзага келмайди. Шу сабабдан сўз адабиётнинг биринчи элементи, универсал ва айни пайтда, асар тақдирини ҳал қилувчи мухим (бирламчи) ўринни эгаллайди.

Хулоса. Юқоридаги қисмларда кўрдикки, асар мавзуси ва фояси таҳлили характерлар таҳлилига ўтади (характерлар билан алоқаси бўлмаса, у кераксиз «матоҳ-дир), характерлар таҳлили ўз навбатида сюжет, композиция, бадий тил таҳлилига кўчади (Бу унсурлар сиз характернинг юзага келиши мумкин эмас). Сўнгра, сюжет, композиция, бадий тил ва унинг воситалари характер таҳлилига, характер таҳлили асар мавзуси ва фояси таҳлилига ўтади. Пировардида, мазмун ва шакл бирлигига, мазмуннинг шакланиши, шаклнинг мазмунланиши (Л. Тимофеев, И. Султон, П. Қодиров) жарёнига етиб келамиз. Демак, бадий асарни яхлит (монолит, бирбутун, ёмби олтин) — жонли организм сифатида тасаввур қилиш, англаш ва шундан сўнгина уни тадқиқ ва таҳлил қилиш лозим. Бу ижоднинг энг қийин муаммоси бўлишига қарамай, уни ечиш мумкинлиги аҳамиятининг фоятда зўрлигини, долзарблигини, зарурийлигини кўрсатади.

Поляк Казимеж Вуйцицкий таъкидлаганидек, санъат асари ўзига биқиқ бир бутунликдир. Бадий асарда ҳар бир унсур ўзининг мазмунига ва аҳамиятига эгадир ва у бошқа унсурлар билан алоқадагина яшайди. Шу алоқа сабабли ҳар бир унсурнинг қисмчалари асо-

сий мақсадға томон йұналадилар. Хар қайси қисм, Бёклиннинг аниқ ифодасига кура, «Мен хизмат қила-  
ман» («Я служу») шиори асосида ишлайди. Биронта  
унсурда юз берәёттган үзгариш бошқаларидә ҳам үзга-  
ришлар бўлишга олиб боради, пировардида, асар ха-  
рактерида ҳам үзгариш юз беради. Шу сабаб, **бадиий**  
асар — турли-туман бир-бирига boglik unsur (восита)-  
ларнинг кутилмаган тарздаги нозик чатишмасидир. Бир-  
бирига boglik алоқа қанчалик бирлашса бадиий асар  
бадиийлиги шунчалик зур булади.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> К а р а н г: Г. М а р к е в и ч. Основные проблемы науки о литературе (перевод с польского), М., «Прогресс», 1980, стр. 86—87.

## *Учинчи бўлим*

### **ШЕЪРИЯТ**

#### **I. Шеърий асарда мазмун ва шаклнинг ўзига хослиги**

*Таянч сўз ва иборалар:* Шеъриятда мусиқийлик. Ритм. Бўғин. Турок. Вазн. Ритмик пауза. Туркум. Кофия. Оддий кофия. Тўла қофия. Нотўла қофия. Радиф. Равий. Зулқофиятайн. Мусаллас қофия. Банд. Содда банд. Мураккаб банд.

Сузшуносликнинг барча ўзак (олдинги бўлимларда таҳлил этилган) масалалари шеъриятга ҳам тааллуқлидир. Дарвоҷе, В. Белинский ёзганидек, «Буткул дунё, ундаги тамомий гуллар ва бўёқлар, табиат ва ҳаётнинг барча шакллари шеърият ҳодисаси бўла олади. Ана шу ҳодисаларда яшириб, уларни ҳаёт жилвалари или жозибадор этган нарса шеъриятнинг моҳиятини ташкил этади. Шеърият — бу олам ҳаётининг тирик томири, унинг қони, унинг олови, унинг шуъласи ва қуёшидир» (Собр. соч. в трёх томах, Т., 1, М, 1948. с. 644).

«Шеър оҳанг жиҳатидан маълум бир тартибга солинган ҳис-тўйгу ифодаси сифатида вужудга келган ҳаяжонли, ритмик нутқдир»<sup>1</sup> ва айни пайтда, мусиқийлиги, ёқимлиги, мўлжалга урадиган жозибаси, дилкашу дардкаш инсонийлиги билан ажралиб турадиган мӯъжизадир. Бу иккала жиҳат доимо уйғунлашгандагина шеър дунёга келади.

Чунки «Вазну қофияси булиб, шеър булмаган парчалар бўтгани каби вазну қофиясиз (сочим) шеър парчалари-да кубдир»<sup>2</sup>.

Шеърият асосида лириканинг қонунияти (лирик кечинма — ҳис ва туйгулар тафсилоти) ётар экан, де-

<sup>1</sup> Н. Ҳотамов, Б. Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-узбекча изоҳли лугати, Т., «Ўқитувчи», 1983, 311-бет.

<sup>2</sup> А. Фитрат. Адабиёт қоидалари, Т., «Ўқитувчи», 1995, 22-бет.

мак, унда ҳиссиёт ва фикр (мазмун ва шакл бирлигидек) қоришиқ яшайди. Образли қилиб айтганимизда, ҳиссиёт — она, фикр — ота, улардан бино бўлган фарзанд — шеърдир.

Ушбу фикрларни тулиқроқ англаш мақсадида Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон»ига бир нигоҳ ташлайлик.

Очеркда:

«... — Ахир бирга юрар эмишсан-ку!

— Туғри, мактабдан бирга қайтган вақтларим бўлган. Лекин сен айтган гаплар ҳаммаси ёлғон.

— Очиқ кунда, етти ёт бегона бўлган одам билан эргашиб юрганинг нима қилганинг ахир? — Сора яна ут олди.

— Энди нима дейсан? — Зайнаб опасига тикилди.

— Бузилиб кетибсан. Омон билан юрма дейман. Поччангнинг амакисининг ўғли бор. Сени ўшанг бераман.

— Эрга тегадиган манми, сан? — Зайнаб яна тикилди.

— Сан, лекин ман бераман! — Сора қатъий айтди. Узоқ олишгандан сўнг опа-ука йигладилар. У Зайнабга «сан бузилиб кетдинг», деб даъво қилди. Зайнаб опаси билан хайрлашмасдан унинг уйидан чиқди<sup>1</sup>.

Достонда:

1 2 3 4 5 6 7 8 9

— Булмайдими / Собир, тез гапир!

— Опа, бўлмас, / жоним, гапим бир!

— Ё мени де, / ёки Омонни?

— Нетай, тикдим / йўлида жонни!

— У пасткашнинг / зоти ким экан?!

— Опа урма / қалбимга тикан.

Уни мен ҳам / билолганим йўқ,

Бу юмушни / қилолганим йўқ.

Лекин ишонч / билан тулиқман,

Шу ишончим / билан улуғман...

— Кўринмагин, / йўқол, қўзимга,

Йўқол, хотин / бўлсанг ҳар кимга,

Энди, менинг / номимни айтма,

Расволикдан / орқангга қайтма.

Биринчидан, очеркда ҳаётнинг объектив манзараси

<sup>1</sup> X. Олимжон. МАТ, III том, Т., «Фан», 1981, 69-бет.

яққол күзга ташланса, воқеабандык (воқеани бетараф тарзда унга аралашмасдан баён қилиш) устиворлил қылса, достондан келтирилган парчадан субъективлик, лирик кечинма (қаҳрамонларнинг ички дунёси (холати) тафсилотлари) ҳукмронлик қиласи.

Иккингиздан, биринчи парча драматизмга бой булишидан қатын назар, ундаги нутқ оҳангни осойишта. «Сўзлар, гаплар белгили бир оҳангга бояланмасдан, белгили бир ўлчов билан ўлчанмасдан, тарқалиб, сочилиб тузишган» (А. Фитрат).

Шеърий парчада эса нутқ ўта эҳтиросли, ўта тўлқинли, ўта шиддаткор. Мусиқийлиги, нағислиги, руҳнинг бутун ҳолатини (Зайнабнинг ишонч ва жасоратини, Соранинг эскича қараш ва фикрлашини — иккаласи қалбининг оғир, изтиробли ғалаёнларини) шоир шахси яхлитлаштиради.

Демак, ҳаётга ўхшаш қилиб қайта яратишнинг — бадиий олам моделининг кўринишлари турфа хил бўлиб, унинг шеърий шаклида яна учта муҳим хусусият маъжуд. «Зайнаб ва Омон»дан келтирилган парчага дикқат қилсан, унда:

1) Сўзлар маълум тартибда уюшган шаклда мисраларга бўлинниб келади ва ҳамма мисралар бир хил (тўққиз) бўғинлардан иборат;

2) Ҳар бир байт муайян жойда изчил равишда оҳангдош сўзлар (тўғрироғи қўшимчалар) билан тугалланади (гапир — бир; Омонни — жонни; экан — тикан каби).

3) Дастребажи мисрадаги турокланиш (4+5) асарнинг охиригача қонуний тарзда бир хил такрорланади.

Бу хусусиятлар йигилиб ҳиссиёт ва фикрлар мазмунига мос эҳтиросли нутқнинг оҳангдорлигини, мусиқийлигини таъминлайдилар. Бу ҳолат — шеърият кўпчиликнинг мулки, юракнинг тафти, ички оламнинг бетакрор мусиқаси ва ҳикмати эканлигини яна бир бўйнисботлайди.

«Одамнинг қалби қайнаб турган қозондан ҳа́рида рувчанроқдир»<sup>1</sup>, «Одам қалбидан гўё ой ёнидагон шеърбулут бордир. Ой ёритиб турганда тўсатдан ғиз, шеъруни беркитиб қўйса — қоронгулик, булут ва бесўна-ёруғлик бўлиб тургани каби, қалб ҳа́рида ҳис ва фикрлаб чиқади, шеърлан) яхлит туғилади,

<sup>1</sup> Ахлоқ — одобга оид ҳадис намуналан

шанлашиб, баъзида хиралашиб туради» (Шу асар, 130 бет). Ана шу жараёндаги галаёнларни, оҳангларни, ҳолатларни тафсилотларни... моҳиятини англаб, сўзлар воситасида бир зумлик образини яхлит акс эттира олса — ана шу шериятдир, шоирликдир, қисматдир.

Қалбдаги товланишларнинг инсоний қиёсини равшанлаштиришда, мусиқийлигини таъминлашда, қисмат тарихини — сўз воситасида жонлаштиришда учта асос муҳим аҳамият касб этади. Булар **ритм** («Ритмика»), **қофия** («Илми қофия» — «Фоника»), **банд** («Строфика»).

**РИТМ** (грекча тенг ўлчовлилик) борлиқдаги барча ҳодиса ва ҳолатлар товланишларини рӯёбга чиқарувчи, уларни изчиллик билан бир меъёрда тақрорланишини таъминловчи асосдир. Шунинг учун инсоннинг юрак уришида ҳам, қорнинг ёғишида ҳам, фасллар алмашинувида ҳам, ракқосанинг ўйинида ҳам, тараляётган кўйда ҳам ритм (зарб) бор. Бу — дунёнинг яратилиш қонунияти. У адабиётга ҳам даҳлдордир, фақат шеъриятда айрича хусусият касб этади: мусиқийликни яратувчи асосий элементлардан бирига айланади ва «шеърий нутқнинг бош аломати» (И. Султонов), унинг мафтункорлигини таъминловчи восита, нутқни «зийнатли нутқ»қа (Аристотель) айлантирувчи саналади.

«Шеърий нутқ ритмга, ритм шеърий нутққа муайян шакл, яхлитлилик ҳадя қиласди. Ритм шеърий нутқни, ҳар қандай оддий фикрни ҳам бир даража юқори кўтаради. Ритмдан сўзга сехр, таъкид, кўтаринкилик насиб бўлади; ритмлик фикр — ишонч, муҳимлик ато этгандай бўлади; шеърий ритмли сўз обрўли сўздир, ритмли фикрни ёдлаш осон ва эсдан узоқ вақтгача чиқмайди... Қолаверса, ритмдорлик қишига завқ-шавқ бафишлайди, нутқдаги ҳиссият, эмоционалликни ортиради; руҳий эҳтиёжни қондиради. Аристотель айтганидек, нутққа зебу-зийнат тақдим қиласди, гоянинг қишига сингишига кўмаклашади.»<sup>1</sup>

Шеъриятимизда ритмни яратувчи доимий элементлар — бўғин, туроқ, ритмик пауза, туркум ва вазн саналади. Албатта, ритмни яратишда қофия ҳам, банд ҳам иштирок этади, лекин улар фақат ўлчов, метрикага алоқадор (жумладан, қофия мисралар охирини эс-

<sup>1</sup> У. Тўйчиев. Ўзбек поэзиясида аруз системаси, Т., «Фан», 1985, 212-бет (Бундан сўнг асарнинг номи ва саҳифаларини қайд қиласмиш).

латади; эркин вазнда қатъий тартибли банд йүк) бўлмагани учун уларни алоҳида урганиш ва айтилган ушбу мулоҳазани доимо эсда тутиш маъқулдир.

**Бўғин.** Бир нафас билан айтиладиган сўз ёки сўзниг бўлаги — бўғиндир. Сўзлар талаффуз қилинганда, чиқарилаётган ҳаво оқими турли-туман оҳанг касб этиб, бўғинларни ҳосил қиласди. Бўғинни ҳосил қилувчи нарса — нутқ товушидир. Нутқ товушлари унли ва ундошга бўлинганидек, ундан ҳосил бўлувчи бўғинлар икки хил бўлади. Агар бўғинларнинг охри очиқ бўғин, ундош билан тугаган бўлса (мак-таб, нон каби) ёпиқ бўғин саналади.

Бўғин — ритмни ҳосил қилувчи энг кичик ўлчов бирлиги саналади. У ритм яратиш учун гуруҳланади, айни пайтда, ритм қайси мисрада бўғин сони кўп ёки кам эканлигини аниқлайди. У ритм яратиш вазифасини бунёди учун туроқларга (арузда рукнларга) уюшади.

**Туғоқ.** Бўғинларнинг мисраларда қатъий тартибда гуруҳланиши — туроқдир.

Дарвоҷе, агар шеърларнинг ритмига эътибор қиласак, бўғинларнинг сони жиҳатдан бир туркумга кирган шеърларнинг ритмидан бир-биридан фарқ борлигиги ни сезамиз.

О — дам зо — ти / дун — ё — да — ки бор  $4+5=9$

У — нинг би—лан / му — ҳаб — бат — дир ёр  $4+5=9$

(Ҳ. Олимжон)

На кўк-нинг / фо-на-ри / ўч-мас-дан  $3+3+3=9$

На юл-дуз / сайр э-тиб / кўч-мас-дан  $3+3+3=9$

(Уйғун)

Бир туркумга мансуб икки парчанинг ритмик ҳолатидан икки хил оҳангни юзага келиши — бўғинларнинг икки хил тартибда ( $4+5=9$ ;  $3+3+3=9$ ) гуруҳланиб келишидир. Ҳамид Олимжон шеърини Уйғун шеъридаги туроқланишга ёки Уйғун шеърини Ҳ. Олимжон шеъридаги туроқланиш тартибига солиб ўқисантиз, шеърдаги мазмун йўқолади, оҳангдорлик ясама ва бесунакай шовқинга айланади.

Куринаники, туроқланиши шеърдаги ҳис ва фикрнинг уйғулигидан, мазмундан келиб чиқади, шеър бирданига (мазмун ва шакли билан) яхлит тугилади,

вазни — ўзлиги билан дунёга келади. Ҳар бир туроқдан сўнг табиий равиша келиб чикувчи изчил пауза (билинар даражадаги сукут) оҳангдорликни, шеърга мос ритмикани воқе қиласиди.

Мисрадаги туроқларнинг икки катта гуруҳга бўлувчи туроқ — *Бош туроқ* деб айтилади:

Дарё тўлқин / сувлар тошқин // ўтолмайман  
Отим ориқ / манзилимга // етолмайман.

(F. Fулом)

Бу байтда туроқланиш тартиби  $4+4+4=12$  тарзида-дир. Агар унинг туроқланиш тартиби  $8+4=12$  тарзида бўлганида ҳам «ўтолмайман», «етолмайман» туроқла-ри — Бош туроқ саналади, чунки у мисралардаги фикр-нинг нисбий тугал бўлган хуносасини қайд этади.

Лекин иккинчи хил туроқланишда шеър ритми (оҳанг) биринчиси (сокин оҳанг)га нисбатан анча тезлашади, тўғрироғи янгича оҳангни (ритмикани) ву-жудга келтиради.

**Вазн.** Мисралардаги бўғинларнинг, туроқланиш тартибининг муайян ўлчовга солиниши — вазндири. «Вазн нутқни ўлчайди, гуруҳлайди ва унга муайян тартиб кирилади. В. Кожинов уни каркас (синч), шеър танаси-нинг скелети деб атаган эди. Скелетсиз одам бўлмагани сингари вазнсиз поэзия йўқ. Вазн схема, у пассив-дир; вазн ҳар иили яратилавермайди. Маҳмудали Юнусов «тез-тез ўзгариб турадиган ҳодиса ... эмас», деган эди. Хондамир: «Вазнли ва қофили сўз тоза ва порлок гавҳардир» деган эди» («Ўзбек поэзиясида аруз системаси», 224-б).

Демак, вазн ўз ҳолича, алоҳида яшамайди. У ҳамоявий-эстетик мазмунни юзага чиқариш учун ишланганда, яъни сўзларни, бўғин ва туроқларни ўлчовга солгандагина «тирилади», зарур воситага айланади, шеъриятнинг қонуниятини юзага чиқаради.

Новдаларни безаб / фунчалар,  
Тонгда айтди / ҳаёт отини.  
Ва шаббода / қурғур илк саҳар,  
Олиб кетди / гулнинг тотини.

(Х. Олимжон)

Бу банднинг биринчи мисрасидаги  $4+5$  туроқ тартиби шеърнинг охиригача қонуният тарзида такрорланиди. Щу сабаб бу шеърнинг вазни  $4+5=9$  бүғинли бармоқ вазnidir. Айни чоғда шеър бир туркумга киравчى бүғинлар ( $4+5$ ) гуруҳидан иборат бўлгани учун содда вазн деб юритилади.

Агар вазн икки туркумга киравчى бүғинлар сонини бир шеърда уюштириш асосида юзага келса, бундай вазн — қўшма вазн деб айтилади:

Баланд шоҳда қизил олма = 8

Пишган экан. = 4

Узб олиб қарасам, курт = 8

Тушган экан. = 4

Шеърнинг тури мисраларида мусиқийлик турлича товланиб, ўзгариб турса-да, лекин бирбутунлигини сақласа, якка ва бетакрор намуна эканлигини намойиш этса — ана шу қонуният бўй кўрсатса — Эркин вазн дунёга келади ва у ҳам ҳаяжонли ҳолат («хос ҳол» ва «хос маъно») ни бунёд этгани, сақлагани, таъсиридорликка эриштиргани учун (садда, қўшма вазн сингари) мўжизадор бўлаверади:

Дунё омон бўлсин 6

Сиз омон бўлинг 6

Омадли бўлинг сиз 6

Бахтли бўлинг сиз 5

Лекин 2

Билиб қўйинг, 4

Билиб қўйинг, ҳамон 6

Сизни унутолмас Муҳаммадингиз!11

(Муҳаммад Юсуф)

*Ритмик пауза.* «Пауза жаҳондаги ҳамма ҳалқлар ва миллиатларнинг шеър системалари учун хос бўлган умумий одатdir. Чунки ритмсиз шеър булиши мумкин эмас. Демак, паузасиз ҳам шеър йўқ. Бунинг сабаби шундаки, нутқ бўлакларининг муайян ўлчовда такрорланишигина ритмни юзага келтиради, такрорланиш тартибли тўхтамларсиз, яъни паузасиз юз бермайди...

Ҳар бир тиниш белгисидан сунг ҳам пауза бор. Бу — оддий паузадир. Аммо мисра, банд, туроқ, руқн охидаги пауза ўзгачадир. Бу паузани ҳам мазмун, кечинма, синтаксис-интонацион тузилиши белгилайди.

У прозада йүқ, чунки у ўлчанган, бир-бирига тенг ва паралел бўлган шеърий нутқ ҳодисадир. Шунинг учун уни ритмик пауза деб аташ лозим» («Ўзбек поэзиясида аруз системаси», 236-б).

Нега менга / қарайди дебсан,  
Ва қилибсан / боқишимга фаш.  
Билмасмидинг / қалбимга ўзинг,  
Солиб қўйган / эдинг-ку оташ.

(Юсуф Ражаб)

Бу тўртлик  $4+5=9$  бўғинли бармоқда ёзилган бўлиб, ҳар бир туроқнинг охирида ритмик пауза бор. Биринчи туроқдан (4) кейинги пауза — кичик, иккинчи туроқдан (5) кейинги пауза — катта пауза (мисранинг охирни бўлгани сабабли)дир.

Шуни унутмаслик лозимки, ритмик пауза — шакл бўлиши билан бир қаторда у ўзини мазмун билан алоқада воқе қиласди. Ритмик паузани шеърдаги мазмун белгилайди. Чунки ҳар бир сўз, ҳар бир ҳолат муайян оханг орқали аниқланар экан, ана шу оҳангни юзага келтиришда ритмик пауза иш беради.

Асаблар, / асаблар, / асаблар,  
Сабабсиз / сочишган / газаблар,  
Гуноҳсиз / чекилган / азоблар,  
Кўз ёшлар... / барига / сабаблар —  
Асаблар, / асаблар, / асаблар.

(Э. Воҳидов)

Ушбу асадаги мисраларнинг ҳар бирида учта (2 та кичик ва битта катта) ритмик пауза бор. Шеърдаги «Асаблар» сўзининг уч бора пауза билан такрорланиши — асабга диққатни қаратади ва бу туйгунинг уйго ниши сабабсиз газабларга, гуноҳсиз азобларга, кўз ёшларга олиб келиши мумкинлигини ва шу сабаб унга ўта эҳтиёткорлик, босиқлик билан ёндошиш лозимилигига чорлайди. Лирик қаҳрамон қалбидаги ана шу мазмун — ритмик пауза таркибини, ривожини (биринчи мисрадаги тушунчани 2,3,4 мисраларда бир погона ба ландга кўтаради ва охирги мисрада сўнгти — хуласавий маънони таъкид этади), ечимини — шунга мос оҳангни рўёбга чиқаради.

Туркум. Муайян мисрага кирган ва бошқа мисраларда (шеър охиригача) ҳам такрорланиб, ритмни юзага

келтирган бўгинлар сонига асосланган ўлчов — туркумдир.

1 2 3 4 5 6 7 8 9

Мен дунёга келган кунданоқ,  
Ватаним деб сени уйғондим.  
Одам баҳти биргина сенда,  
Бўлурига мукаммал қондим.

(Ҳ. Олимжон)

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11

Бир тутам соchlаринг менинг кулимда,  
Фижимлаб упайми, ё тараб ечай.  
Сир деб сақлаганинг менинг қўйнимда,  
Сир деб сақлайнми ё елга сочай.

(Чўлпон)

Ҳамид Олимжон шеъри «тўққизлик», Чўлпоннинг шеъри «ун бирлик» туркумга киради. И. Султонов таъкидлаганидек, ўзбек поэзиясида 13 хил туркум — бешлик туркумдан ўн еттилик туркумгача бор. Ҳар бир туркум доирасидан бир неча вазн рўёбга келиши мумкин. Масалан, «тўққизлик» туркумдан 4+5; 5+4; 3+3+3; 6+3; 3+6 каби вазнлар яралиши мумкин. Иккитасига мисол:

A) *Содда вазн (4+5=9)*

Ўхашши йўқ /	бу гўзал бустон,	9
Достонларда /	битган гулистон.	9
Ўзбекистон /	дея аталур,	9
Уни севиб /	эл тилга олур.	9

(Ҳ. Олимжон)

b) *Кўшма вазн (3+6 / 3+5)*

Озмунча /	жанглар қилмадим мен,	9
Озмунча /	қонлар чекмадим.	8
Озмунча /	тоғлар ошмадим мен,	9
Озмунча /	сувлар ичмадим	8

(Шуҳрат)

*Кофия.* «Стилистика ва шеър тузилиши» китобининг муаллифи Б. Томашевскийнинг фикрича, қофиянинг ритмни ташкил қилиш ва оҳангдошлик яратишдек иккита белгиси бор. Айни пайтда «қофия қандайдир фикрни ўз ҳолича ифодалай олмайди. Бироқ турли тушунчалар-

ни муносабатдор қилиб, уларни онгимизда товушлар оҳангдошлиги орқали алоқадор этиб, у ёки банддаги асосий фикрларни ифодалашга олиб келади» (Гончаров Б.). Демак, «*Қофия мазмун билан боғлиқ, у керакли түшунчаларни, уларни мисралар охирига чиқариши орқали таъкидлаб кўрсатишни тақозо этади; иккинчидан, қофияга ажратилган бу муҳим сўзлар фикр оқимидан келиб чиқади ва унинг зарур ҳалқаси бўлиб қолади*» («Ўзбек поэзиясида аруз системаси», 248-б; Таъкидлар Ҳ.У.»).

Қофиянинг мазмун билан алоқадорлиги таъсирдорликни юзага чиқаради ва шеърдаги мазмунни осон эслаб қолишига (ёдлашга) ёрдам беради. Бу хусусиятларнинг мужассами мақолларда ифодасини топгани учун ҳам, уларни бир бора эшитган киши умрбод эсида сақлаб қолади: «*Мөҳнат — роҳат*», «*Яхшидан боғ қола*», «*ёмондан — доғ*» «*Яхшининг ўзи ўлса ҳам, сўзи — ўлмас*» каби.

Куринаники, мисраларда сўзларнинг оҳангдош бўлиб тизилиб келиши — қофияни юзага келтиради, қофия, пиювардида, шеърдаги мусиқийликни яратиш ишига хизмат қиласи.

Сўзлар (тўгрироғи бўғинлар) бир-бирлари билан турлича дараҷада оҳангдош бўлганлари сабабли, қофиялар ҳам турфа хилдир.

Ўзаги биринчи ҳарф (товушдан ташқари) бир бири билан тўла оҳангдош бўлган сўзлар (унли ва ундошлар) *тўлиқ-тўқ қофия* деб юритилади:

Ботирлари канал қозади а  
Шоирлари fazal йозади. а  
Куйчилари ўқийди йалла б  
Жувонлари айтади алла. б

(Ҳ. Олимжон)

Шеършунос Уммат Тўйчиевнинг уқтиришича, «*Қофия*дош сўзларда оҳангдошлиқ яратиш учун эшитилишда бир-бирига мос келган товушлар *тиргак*» дейилади. Тиргак қофияни товуш жиҳатидан ташкил этувчи асосий негиздир. («Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси», Т, «Фан», 1996, 115-б).

Юқоридаги мисолимизда («қозади-йозади») «озади», («йалла-алла»), «алла» товушлари тиргаклардир.

Агар сўзларнинг фақат баъзи товушларигина оҳангдош бўлса оч (чала) қофия туғилади:

Шаҳарларда ишга чиқиб эл,  
Одам билан тұлар *Текстіл*.

(Х. Олимжон)

Оқанғдошлиқ фақатгина мисралар охирдаги сүзлар-  
дагина бұлмай, баъзан мисра ичидаги сүзларда ҳам  
учрайди. Бундай ҳолат ички қоғияни юзага келтиради:

Лабинг бағримни қон қилди, күзимдин қон *равон*  
қилди,

Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сүрорим  
бор.

(Бобур)

Оқанғдошлиқ мисралардаги бир неча сүзларда рүй  
берса, унда құыш қоғия вужудға келади:

Қорли тоғлар *турар бошида*.

Гул водийлар *яшнар қошида*.

(Х. Олимжон)

*Радиф* — қоғияга яқын воситадир. Радиф қоғия-  
дан сүңг мисралар ёки бандлар оша муттасил тақрор-  
ланиб келадиган «ўзгармас сүзлар» ёки сүзлар бирик-  
масидир.

Жондин сени күп севарман, эй умри азиз!

Сондин сени күп севарман, эй умри азиз!

Ҳар неники севмоқ ондир ортиқ бұлмас,

Ондин сени күп севарман, эй умри азиз!

(А. Навоий)

«Жондин, сондин, ондин» — Бош қоғия, «сени  
күп севарман, эй умри азиз!» — радифдир. Радиф —  
шеърнинг мазмунини таъкидловчи, унга китобхон дик-  
қатини қаратувчи ва шоир мақсадини уқтирувчи таъ-  
сирчан воситадир. Дарвоқе, ушбу мисолда ҳам радиф  
(«Сени күп севарман, эй умри азиз») Алишер Наво-  
ийнинг инсонга муносабатини ёрқин ифодалайды: ин-  
сон энг умри азиз зотдир, энг күп севилишга, энг күн  
эъзозланишга арзидиган жондир. Шу сабабдан-да,  
унинг ижоди лейтмотиви — инсонийликни улуғлаш,  
инсонга муҳаббат күйиш, ҳаётни севищдир.

Шеърда ритмик мисралар охирини күрсатыщдек ва-  
зифани қоғия радифга ўклайди. Натижада радиф шеър  
мусиқийлигига, унинг таъсирдорлигига таъсир күрса-

тади. Демак, радиф бир вақтнинг ўзида шеърдаги тояниңг қудратини очишга, уни мусиқий ва таъсирдор бўлишига хизмат қиласди.

Юқоридаги фикрлардан, шеърда қофия ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деган холосага келмаслик кепрак. Чунки, қофиясиз ёзилган (оқ шеър) «Мирзо Улугбек» (М. Шайхзода) «Бобомнинг фалсафаси» (У. Носир) каби классик асарларнинг борлиги қофиянинг ритмга нисбатан иккинчи даражали восита эканлиги ҳам, қофиянинг ўз ўрни борлигини ҳам исботлайди.<sup>1</sup>

Қофия мумтоз шеършунослигимизда чуқур ўрганилганлиги сабабли алоҳида фан («Илми-қофия») юзага келган. «Илми қофия»да қофиянинг тузилиши турлари, шеърий жанрларнинг қофия хусусиятлари, қофия хатолари, радиф ва қофия, вазн ва қофия муносабатлари, қофия санъати муаммолари чуқур таҳлил қилинган. Унинг ютуқларини тарғиб ва таҳлил қилувчи (ХХ аср ўзбек адабиёти назариясида) қатор изланишлар ҳам юзага келди.<sup>2</sup>

Мумтоз қофиянинг асосини ҳарф ташкил этади. «XVI асрда ўтган машҳур шарқшунос олим Воҳид Табризий айтишича ҳам, «қофия ўзакдаги битта ҳарфdir, ҳам араблар бу ҳарфни **равий** деб атайдилар... ва шеър равий ҳарфисиз тўғри бўлмайди. Бу ҳарфни шундай такрорлаш керакки, у ҳар бир байтда муайян бир ўринга қўйилган бўлсин. Равий қилинган ҳарф сўзнинг ўзига тегишли бўлади, агар бу ҳарф у сўздан олиб ташланса, сўз ўз маъносини йўқотади». Ана шу фикрни таъкидлаган, Уммат Тўйчиев асосли шундай холоса қилади:

«Куриниб турибдики, равийнинг бешта белгиси бор:

1. Равий бир ҳарфдан иборат бўлади;
2. Сўз негизи ё ўзагидагина мавжуддир;
3. Такрорланади;
4. Байтдаги мисралар охирида ритмик жиҳатдан бир ўринда келади;

<sup>1</sup> Бу хусусиятлар ва қофиянинг тартиби, унинг ритмик, эвфоник, баъзи бадиий жиҳатлари (И. Султонов, У. Тўйчиев, Н. Шукров, Н. Хотамов, Б. Саримсоқов, Т. Бобоев) ўзбек шеършунослигига таҳлил қилингани учун кенг тўхталишни лозим кўрмадик.

<sup>2</sup> Уларнинг энг асосийларидан баъзиларини эслатамиз: У. Тўйчиев «Ўзбек поэзиясида аруз системаси», Т. «Фан», 1985. Каранг: Қофия ва унинг назариясида оид, «Адабиёт назарияси», II т., Т., «Фан», 1993 й. А. Ҳожиаҳмедов. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия, Т., «Шарқ», 1998 й.

5. Бу ҳарф олиб ташланса, сўз ўз маъносини йўқотади» (Қаранг: Адабиёт назарияси, II том, 372-б.).

Ана шу қоидани тўлиқроқ англаш учун «Равий» сўзининг маъносини билиш зарур. У арабча «риво» (арқон) маъносини билдиради. Туяning юки юрганида сочилиб кетмаслиги учун аргамчилар иш берганидек, қоғиянинг барча воситаларини ўзаро боғлаб турувчилик вазифасини равий бажаради:

Кел, эй соқий, кетур паймона бизга  
Иноятлар қилур жонона бизга

*(Хоразмий)*

мисраларидаги қоғияларда («паймона, жонона») «Н» товуши равий саналади.

Демак, равий бир-бирига оҳангдош-қоғиядош икки сүздаги таянч бигта ҳарф (товуш)дир.

Шарқ мумтоз шеъриятида қоғия ҳарфлари ўн бештадир. В. Табризийнинг таъкидлашича, қоғия ҳарфлари тўққизтадир: «Ҳарфи равий», «қайд ҳарфи», «ноира», «ридф», «таъсис», «дахил», «васл», «хуруж», «мазид». Бундан ташқари қоғияланувчи сўзлардаги қисқа унлилар — а, у, и араб тилида қоғиядаги ўрнига кўра олтита ном билан аталади: «рас», «ишъбо», «хазв», «тавжи», «маҗро», «нафоз».

Ана шу 15 та ҳарфнинг қоғияланувчи сўзларда қайтартибда жойлашишига қараб қоғия турлари юзага келади. Шарқ поэзиясида қоғиянинг асосан 25 та тури мавжудлигини қоғияшунос Баҳром Сирус ҳам, Уммат Тўйчиев ҳам, Муяссар Акбарова ҳам таъкидлайдилар ва мисоллар билан изоҳлайдилар.<sup>1</sup>

Уларни чуқурроқ ўрганишни-мустақил изланишга колдирамиз.

Биз эса қоғиянинг зулқоғиятайн, мусаллас қоғия, мураббаб қоғия сингари навларига бир нигоҳ билан чекланамиз.

Байт мисраларида икки сўзни оҳангдош қилиб келтириш санъати зулқоғиятайн деб юритилади. Агар икки сўз мисра охирида келса — мутакарин қоғия, икки сўз мисранинг икки ўрнида келса — маҳжуб қоғия аталади.

<sup>1</sup> Б. С и р у с. Рифма в таджикской поэзии, Сталинабад, 1953 г. Уммат Тўйчиев. Қоғия ва унинг назариясига оид: «Адабиёт назарияси», II Т., Т., «Фан», 1979. М. Акбарова. Алишер Навоий фазалларида қоғия, Т., «Фан», 1993 83 Ш.К.

«Шавқида күксүмни шигоф айлади  
Жилдиға күнглүмни филоф айлади.

(A. Навоий)

Боққай деса доғи қуввати йүқ  
Боқмай деса доғи тоқати йүқ.

(A. Навоий)

Икки қофияли байтлардаги қофиялардан бири тажнис бұлса тажнисли зулқарнайн деб юритилади.

Машаққатдин йигитни әл қари дер.  
Ки, қозилмиш икки-уч юз қари ер.

(A. Навоий)

Бириңчи «қари» — «кекса», иккінчи «қари» — «75 сантим»ни билдиради. Шаклан бир хил, маңынан қархил бұлғани учун тажнисдір.

Мусаллас қофияда уч ва ундан ортиқ сұзлар бирбірларига оқанғдош бұлади ва ҳар бир сұз мазмунни таъкидлашга, таъсирдорликка хизмат қиласы:

Рұхсорида ламбай малоҳат  
Гуфторида нашъай фасоҳат.

(A. Навоий)

Мураббағ қофияда түртта сүзнинг қофиядошлигига әришиләди:

Сендеқ манға бир ёри жағфокор топилмас,  
Мендеқ санға бир зори вағодор топилмас.

(M. Бобур)

Хуллас, айтилған бу фикрлар билан қофия муаммоси ҳал бұлмайды. XX асрда кең тарқалған әркіншешерда қофиялаш тартиби ҳам әркінлікни құлға кирилди: байт ва бандларда баъзи бир неча мисралар қофияланса, баъзан улар кифояланмайды.

Халқ достонларида құплаб учрайдиган сажылар ёзма адабиётта ҳам кириб келді. Насрий асарларнинг тилини сербүек, таъсирлар қилиш билан қаҳрамон характерини чуқурроқ очишига хизмат қыла бошлади:

«Оби равон, боғи жаҳон, шоҳ супага зеби жаҳон,  
мурча миён, писта даҳон, нозик адo, пари жаҳон, яъни

исми шарифлари Жамилажон. Ким эканлар десам, Фо-  
фир қаззобнинг хотинларию Мусо қаллобнинг қизлари  
екан...»

(Х. Х. Ниёзий)

БАНД. Шеъриятда бүғинлар гуруҳланиб туроқни,  
туроқлар гуруҳланиб вазнни ташкил этадилар. Бундай  
гуруҳланишдаги изчиллик ва тақорийлик мусиқий-  
ликни юзага келтиради. Бу қонуният мисраларнинг ҳам  
гуруҳланиб келишини, унинг изчил ва тақорийлиги-  
ни талаб қиласди. Бу талабнинг ижроси банд деб юри-  
тилади.

Лирик асарга хос бўлган мазмун ҳам, сюжет ва  
композиция ҳам бандни заруратга айлантиради, чун-  
ки, муайян асардаги мавзунинг асосий тоғаси, мазмун-  
нинг қирралари, бир оний кечинманинг холосасини  
кенгайтириб, ёйиб, асослаб, очиб берувчилик вазифа-  
сини банд ўтайди. Айни чоқда, банд бандлараро «со-  
чилган» фикр ва кечинмаларни яхлитлаштиради; улар-  
нинг ифодасидаги ўзигагина хос бирликни юзага кел-  
тиради, биргина сўз билан ифодаласак, банд инсо-  
нийлашади, образли воситага айланади.

Мен дунёга келган кунданоқ,	а
Ватаним деб сени <i>уйғондим</i> ,	б
Одам баҳти биргина сенда	в
Бўлурига мукаммал <i>қондим</i> .	б

Қулоғимга номинг киргандা	а
Қумлик каби ташна <i>бокурман</i> .	б
Сенинг жаннат водийларингдан	в
Наҳрлардай тўлиб <i>оқурман</i> ,	б

Билсинларим: йулдошим бўлмас	а
Кўзда ёши билан <i>кулганлар</i> ,	б
Ўзлари бор, тиллари ҳаёт	в
Лекин юрак — бағри <i>улганлар</i> .	б

Ҳар айтганинг буюк жангнома	а
Қайга десанг қайтмай <i>кетурман</i> .	б
Кузларимни юммасман асло	в
Дарё каби <i>уйғоқ утурман</i> .	б

Ҳамид Олимжоннинг «Улка» шеъри турт банд (абвб,  
абвб, абвб, абвб)дан иборат. Унда Ватанга — баҳтис-

тонга фарзанднинг кучли муҳаббати аксланган. Биринчи бандда лирик қаҳрамоннинг дунёга келганиданоқ Ватан деб уйғонгани, инсон баҳти фақат ундагина бўлишига мукаммал қонгани (хабари берилса) ифодаланса, иккинчи бандда ана шу Ватан учун ташналик, жаннатмакон водийларни дарёдек тўлиб яшнатишга баҳшидалик аксланади. Бу туйғу кейинги бандда янада кенгаяди: Ватанни яшнатиш, севиш, ардоқлаш, улуғлаш йўлида «юрак-бағри ўлганлар»нинг йўлдош бўла олмаслиги асосланади. Охирги бандда Ватан чақириғига қаҳрамоннинг доимо тайёрлиги, Ватан учун «дарё» каби уйғоқликлиги (кечинма хуносаси) ифодаланади.

Куринадики, ҳар бир банд мазмун ва оҳанг (ўқилиши ва эшитилиши) жиҳатидан алоҳидаликни сақлайди (гўё алоҳида ирмоқ дэнг), айни чоғда, бандлар бирлашиб (ирмоқлар бирлашгани каби) битта оний (дарё каби тошқин) кечинмани — Ватанга муҳаббатни бир бутун ва гўзал қилиб, ҳамидана тарзда жонлантиради (бадийлаштиради).

«Демак, шеър мусиқийлигини ташкил этишда қатнашувчи, муайян қофия тартибига риоя қилинган, бир меъёрда ва қонунан қайталанувчи, ритм ва вазн жиҳатидан ўзаро алоқадор, мазмун ва интонация жиҳатидан тугал бўлган мисралар уюшмасига банд дейилади».<sup>1</sup>

Мумтоз адабиёт назариясида икки мисрали банддан ўн мисрали бандларгача бўлиши мумкинлиги қайд қилинган. Уларнинг ҳар бири муайян ном билан аталади. Ҳар банди икки мисрадан — олти мисрагача бўлгандар — содда банд ва етти мисрадан — ўн мисрагачалар — мураккаб банд деб номланади:

*Икки мисрали банд — маснавий, уч мисрали банд — мусаллас, тўрт мисрали банд — мурабба, беш мисрали банд — муҳаммас, олти мисрали банд — мусаддас, етти мисрали банд — мусаббаб, саккиз мисрали банд — мусамман, саккиз мисрали банд — мутассаб (таснеб), ўн мисрали банд — муашшар (машруъ)дир.*

Бундан ташқари ҳар бир банди ўн олти мисрадан иборат бўлган — маркиббанд, ўн олти мисрадан йигирма тўрт мисрагача (ҳар банднинг охирнида биринчи банднинг охирги мисраси такрорланиши шарт) бўлган

<sup>1</sup> У. Тўйчиев. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси, Т., «Фан» 1966, 162-бет.

таржиъбанد жанрлари ҳам борлигини назарга олсак, бандлар (строфика) ҳақидаги илмнинг кенг ва бепоёнлигини кўрамиз. Бу илм И. Султоннинг «Адабиёт назарияси»да, Уммат Тўйчиевнинг «Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси» монографиясида анча чуқур ўрганилганлиги ва «Адабиётшуносликка кириш» курсида таҳлил қилиниши сабабли, такрордан қочамиз ва фикр мулоҳазаларимизни кам учрайдиган мусаллас (сада банд) ва мусаббаъ (мураккаб банд) мисолида баён қиласмиз.

*Учлик* (мусаллас). Шеъриятимизга XX асрда кириб келганига қарамай, бутун у катта эътибор қозонмоқда. У мустақил жанрга айланмоқда — учликка асосланган ноёб асарлар дунёга келмоқда:

- |                                   |   |
|-----------------------------------|---|
| 1. Мен кўзларингга қарайман,      | а |
| Сен ўзгаларга                     | б |
| Кимнинг кўзларидан излайсан мени? | в |
|                                   |   |
| 2. Ер ўз ўқидан айрилар, инон     | а |
| Инон, осмонидан айрилар қуёш,     | б |
| Агар биз айрилсак.                | в |

(Р. Парфи)

Рауф Парфи қаламига мансуб бу асарларни таҳлил қилишдан кўра, уни такрор ўқиб, бир оламни ўзида жо қилган «жажжи», аммо барча оламга татийдиган асар деган ишончли хulosи чиқарган маъкулдир. Ҳа, айнан шу мусалласдагина бу ўтли муҳаббатнинг (излаш, айрилиш) туйғулари бус-бутун, тугал, фикрий мушоҳадага ундайдиган, завққа кўмадиган тарзда гавдаланиши мумкин эди ва уни шоир маҳорат билан воқе қилгандир. Ана шунга ўхшашиб асарларга дуч келганда, Абдулла Қаҳҳор: «Ёзувчининг маҳорати шундаки, бутун баҳорни атиги чигитдек келадиган фура ичиға қамаб бера билади», — деб ёзган бўлиши ажабмас.

*Еттилик* (мусаббаъ) бандида ёзилган шеърлардан бири — Абдулла Ориповнинг ҳазил йўлида ёзилган «Турмуш ташвишлари» асариидир:

- |                                       |   |
|---------------------------------------|---|
| Турмуш ташвишлари                     | а |
| Турмуш ташвишлари                     | а |
| Биз сендан баландроқ тура олсайдик, б | б |
| Биз сендей баландроқ юра олсайдик, б  | б |
| Балки ўнғаярди дунё ишлари            | а |

Турмуш ташвишлари, а  
Турмуш ташвишлари. а

Хотин иш буюрар, а  
Бола йиғлайды, б  
Боғча деб қайғадир югурмоқ даркор. в  
Балки бу ташвишлар бўлмаса эди, б  
Шоир бўлармидим анча улугвор в  
Турмуш ташвишлари, г  
Турмуш ташвишлари. г

Қассоб оғайним бор а  
Қароқчи — «пират» б  
Суякни қўшмаса кўнгли тўлмайди в  
Ахир, қофияни еб бўлмас, «брат» б  
Наҳот сен бўлмасанг турмуш бўлмайди, в  
Турмуш ташвишлари, г  
Турмуш ташвишлари. г

Улуврежалар бор менда ҳам ахир а  
Хусусан, бир ишни битказмоқ даркор. б  
Унда қаҳрамоним ёвқур фазогир а

.....  
Кошкийди, сен шуни билсанг нобакор б  
Турмуш ташвишлари, в  
Турмуш ташвишлари. в

Шириндир шу ҳаёт. а  
Холи фироқдан. б  
Майли битмасин ҳеч унинг ишлари. в  
Ҳаволаниб кетсак гоҳ г  
Тортсин оёқдан, б  
Турмуш ташвишлари, в  
Турмуш ташвишлари. в

Ушбу асар беш баңдан (тўртинчи банди бир мисра кам) иборат бўлиб, қофияланиши турличадир. «Турмуш ташвишлари» асар бошида икки бора таъкидланади ва унга диққат жамлангач, ташвишларнинг қирралари кашф этила бошлайди. Қаҳрамон руҳидаги ҳазилкашлик — ҳаётнинг мазмунини оча боради, ташвишнинг ҳам овора қиливчи, ҳам юксакликка етакловчи фалсафаси яққол гавдаланади. Ҳар банд охирида икки бора такрорланувчи «Турмуш ташвишлари» жумласи

бандлараро мазмун ва кайфиятни бирлаштиришга, монолитлаштиришга хизмат қилади, дикқатни бир нүктага жамлайды, гүё ҳамма нарсани ташвишлар оқлаёт-гандек енгил руҳ — ҳазин руҳ қалбни эгаллайди...

## II. ШЕЪРИЙ СИСТЕМАЛАР

*Таянч сўз ва иборалар: Силлабик. Метрик. Тоник. Силлаба-тоник. Бармоқ. Аруз. Эркин шеър.*

Жаҳон шеъриятида асосан туртта шеър системаси (тизими) мавжуд: силлабик, метрик, силлабо-тоник, тоник.

*Силлабик шеър системаси* буғинлар миқдорига асосланади. Унга ўзбек, турк, озарбайжон, уйгур, поляк, фаранг, испан, рум халқлари поэзиясидаги шеър тизими киради.

*Метрик шеър системаси* буғинларнинг узун-қисқалигига, унлилар ҳолатига аосланади. Грек, лотин, араб шеъриятига шундай хусусият хос.

*Тоник шеър системасида* уругли ҳижолар ўртасидаги ургусиз буғин нисбати эркин бўлади.

Ритм ҳосил булиши принципига қараб силлабик-тоник, дольник, акцентли шеърларга бўлинади. Рус, инглиз, олмон шеъриятидаги мустақил тизимдир.

*Силлабо-тоник шеър системаси* буғинларнинг ургули, ургусизлигига, уларнинг миқдорига ва тартибига, изчил такрорланишига аосланади. Рус шеъриятининг асосий тизими саналади.

Ҳар бир шеърий система халқ тилининг ички имкониятлари, кудрати билан яратилади. Шу нүқтаи назардан қараганда, ўзбек тилининг ифода ва оҳанг имкониятлари, грамматик-стилистик қурилиши — бармоқни миллий шеърий система сифатида бунёдга келтиради. «Бармоқ вазни» бутун турклар учун-да, биз ўзбеклар учун-да миллий вазндири, мусулмонлардан бурун, бутун турк шоирлари шул «бармоқ вазни билан тизимлар, шеърлар ёзар эдилар», — деб таъкидлайди А. Фитрат.

Ўзбек шеъриятида иккинчи — аruz системаси ҳам бор. А. Фитрат ёзганидек, аruz — арабларнидири. Улардан форсларга ўтган ва араб арузи тузатилиб, камчиликлари тўлдирилиб, араб-форс арузи ҳолига келтирилган. Араб-форс арузи Ўтра Осиё халқлари поэзия-

сига ҳам кирган. «Кутадғу билиг» (XI аср) үзбек шеъриятидаги арузда ёзилган дастлабки асар саналади.

И. Султон аруз ва бармоқ системалари орасида маълум бирлик мавжуд эканлиги (Ритмнинг фақат бўғинлар миқдорининг сони билангина эмас, балки ҳар мисрага кирган бўғинларнинг «сифати» — узун ва қисқалиги билан тайин этилиши ҳодисаси)ни таъкидлайди ва бу фикрни «узбек халқининг поэзиясида икки ритмик системани яратиш факти» билан изоҳлайди.

*Бармоқ шеър системаси.* Бармоқ мисраларда бўғинларнинг муайян миқдорига ва изчил такрорига, бир хил туроқларнинг үзига хос тартибида гурухланишига асосланади.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Қаршига қор ёғади,	/	қор устига								7+4=11
Йигитлар ёр олмангиз,	/	ёр устига								7+4=11
Йигитлар ёр олсангиз,	/	ёр устига	—							7+4=11
Намокоб қуйгунча бор,	/	бол устига.								7+4=11

Мисралардаги бўғинлар миқдорини бармоқлар билан санаш жуда қулай ва осон бўлгани сабабли, мазкур шеър қурилишини *бармоқ вазн* деб юритиш расм бўлган. Бироқ бармоқда турли туркумлардан юзлаб вазнларнинг юзага келиш қонунияти борлиги учун «Бармоқ вазни» дегандан кура, «Бармоқ системаси» дейиш асослироқдир.

Демак, бармоқ системасидаги мусиқийлик ритм асосида юзага келар экан, мисолимизда яққол кўринганидек, ҳар мисрада бўғинлар сони 11 та ва у қолган ҳамма мисралarda ҳам бир хил тақрорланади. Ҳудди шу қонуният туроқларга ҳам хос; биринчи мисрада туроқлар  $7+4$  тартибида жойлашган ва у асар охирига-ча сақланади.

Шеъриятда ритмни юзага келтирувчи (бўғин, туроқ, вазн, ритмик пауза, туркум) воситалар, қофия ва банднинг ҳусусият ва алоқалари юқорида бармоқ системаси мисолида тадқиқ ва таҳлил этилди. Ўша айтилган фикрлар билан чекланган ҳолда, бармоқда учлик туркумдан — ўн етилилк туркумгача (асосан 15 та туркум) борлигини, содда ва қўшма туркумларнинг жуда куп ва хилма-хиллигини, улардан юзага келадиган вазнларнинг ранг-баранг ва гўзаллигини таъкидламоқчимиз. Уларни мустақил ўрганишга тезроқ кири-

шиш лозимлигини эслатиб, дастлабки йўлланмаларни берувчи тадқиқотлар сифатида Уммат Тўйчиевнинг «Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси» монографиясини, И. Султоннинг «Адабиёт назарияси» дарслигини тавсия қиласиз.

*Аруз шеър системаси.* Бу система араб олими Халил Ибн Аҳмад (милодий 790—791 йилда туғилган) томонидан яратилган. Аруз, айниқса, ўзбек мумтоз адабиётида (үн-үн икки аср) етакчилик қилди. «Илми аруз» Алишер Навоий («Мезонул авзон») Мирзо Бобур («Мухтасар») томонидан ҳам ўрганилди; туркий шेъриятдаги арузнинг назарий асосларини, қонун ва қоидаларини ишлаб чиқдилар.

Ҳозирги замон ўзбек «арузийлари» — А. Фитрат ҳам, И. Султон ҳам, У. Тўйчиев ҳам, А. Ҳожиаҳмедов ҳам, А. Абдураҳмонов ҳам арузни ўрганишга, ўргатишга катта куч сарф этдилар.<sup>1</sup> Ана шу асарларга суюнган ҳолда арузни жадваллар асосида ўрганишни лозим кўрдик, чунки «Ҳар қандай илмнинг вазифаси инсон мушкулини баттар қилиш эмас, балки осонлаштиришдир» (Адабиёт назарияси, II том, 1979, 349-бет).

Маълумки, арузийлар сўзларни бўғинларга эмас, балки ҳарфларга бўладилар. Ҳарфлар икки хил: мутаҳаррик (ҳаракатли) ва сокин (ҳаракатсиз).

Чўзғилар (унлилар) — о, а, у, и «ҳаракат» деб аталади. Ана шу унлиларнинг бири билан биришиб келган ҳар бир ҳарф — мутаҳарриkdir. Қолган ҳарфлар — б, ф, н, л, к, м кабилар сокиндир.

Жузвлар ундош ва унлиниңг миқдорига, уларнинг мутаҳаррик («зер», «забар» ёки «пеш»ли) ва сокин («зер», «забар» ёки «пеш»сиз) бўлишига қараб уч гурӯҳга бўлинади: *Сабаб, Ватад, Фосила*. Бу жузвларнинг ҳар бири икки хил бўлади:

<sup>1</sup> А. Фитрат. Аруз ҳақида. Т., «Ўқитувчи», 1997; И. Султон. Аруз назарияси: «Адабиёт назарияси», Тошкент, «Ўқитувчи», 1980; У. Тўйчиев. Ўзбек поэзиясида аруз системаси, Т., «Фан», 1979; А. Рустамов. Аруз ҳақида сұхбатлар, Т., 1972, А. Ҳожиаҳмедов. Мактабда аруз вазинин ўрганиш, Т., «Ўқитувчи», 1978; А. Абдураҳмонов. Аруз назарияси, Ҳуқанд, 1993 ва ш.к.



Ушбу жузвларниң ифодасини белгилаш учун Алишер Навойй «Ул күзи қаро дарду ғамидин чидамадим» жумласини көлтирадилар ва қуидагича тәктең қиладилар:

«Ул» — сабаби ҳафиф (—)  
 «Құзи» — сабаби сақийл (—V)  
 «Қаро» — ватади мажмұу (V—)  
 «Дарду» — ватади мафруқ (— —)  
 «Фамидин» — фосилаи сүгрө (V — —)  
 «Чидамадим» — фосилаи кубро (VVV —)

Сабаб, ватад, фосила жузвларининг турли туман чатишувидан арзуда *саккизта асл рукн туғилади*. Ҳалил ибн Аҳмад «фаала» феълидан ҳеч қандай маңыноти англатмайдиган, лекин жузвлардаги чүзгиларнинг узун ва қисқалигини айло даражада билдирадиган саккизта рукнни — *ағоиљни яратган*.

#### 2-жадвал

№	Номланиши	Баҳрлар түзилиши	
1	Фаулун	Мутақориб	
		«Ватади мажмұу», «Сабаби ҳафиф»	V — —
		Мутадорик	— V —
2	Фоилун	«Сабаби ҳафиф», «Ватади мажмұу»	— V —
		Рамал	
		«Сабаби ҳафиф», «Ватади мажмұу»	— V — —
4	Мафоийлун	Ҳажаз	
		«Ватади мажмұу», «Сабаби ҳафиф», «Сабабли ҳафиф»	V — — —
		Ражаз	
5	Мустафъилун	«Сабаби ҳафиф», «Сабаби ҳафиф», «Ватади мажмұу»	— — V —
		Воғир	
		«Ватади мажмұу», «Фосилаи сүгрө»	V — V V —
6	Мафоилотун	Комил	
		«Фосилаи сүгрө», «Ватади мажмұу»	V V — V —
		Комил	
7	Мутафоилун	«Сабаби ҳафиф», «Сабаби ҳафиф» «Ватади мафруқ»	— — — V —
		«Сабаби ҳафиф», «Сабаби ҳафиф» «Ватади мафруқ»	
		«Сабаби ҳафиф», «Сабаби ҳафиф» «Ватади мафруқ»	
8	Мафъулотун	— — — — —	
		«Сабаби ҳафиф», «Сабаби ҳафиф» «Ватади мафруқ»	
		«Сабаби ҳафиф», «Сабаби ҳафиф» «Ватади мафруқ»	

Рукнлар икки турга бўлинадилар: *солим* (узгартирмаган, бутун) ва *ғайри солим* (узгартирилган, пачақ). Асл рукнларни ўзгартириб янги рукнлар ясаш «зихоф» деб аталади. Асллардан янгича «аслчалар» яратиш — зихофат бўлса, «аслчалар»дан «кичик (шохобча) асл» яратиш — *фаръ* деб аталади. Иззат Султон «Мафоилун» аслининг зихоф ва фаръларини курсатадилар:

### З-жадвал

#### Зихофат ва Фуруъ ҳақидаги таълимот


(Зихофат (арабча) — ўзгартирилган, силжитилган демакдир).



Асл, зиҳоф, фаръ руқнлар тақроридан ёки бир-бирига аралаштириб олинишидан баҳрлар туғилади. Улар үн тұққызта: *тавил, мадид, басит, вофир, комил, ҳазаж, ражаз, рамал, мунсареҳ, музореъ, муқтазаб, мужтас, сареъ, жадид, қариб, хафиф, мушокил, мутакориб, мутадорик*.

#### 4-жадвал

### АРУЗ БАХРЛАРИ



#### 5-жадвал

### Баъзи баҳрларга мисоллар

#### Ражази мусаммани солим

1 руқн	2 руқн	3 руқн	4 руқн
Мустафъилун	Мустафъилун	Мустафъилун	Мустафъилун
— — V —	— — V —	— — V —	— — V —
Эй шоҳ карам Ки меҳр ну	айлар чағи ри teng тушар	тeng тут ямо вайрону о	ну яхшини бод устинан

### Хазажи мусаддаси мақсур

1 рукн	2 рукн	3 рукн	4 рукн
Мафоилун	Мафоилун	Мафоил	
V — — —	V — — —	V — —	
Жаҳонда қол Билиб таҳқи	мади ул ет қ(и) ни касб эт	маган илм маган илм	

Ўзбек мумтоз адабиётида рамал, ҳазаж, ражаз, мутакориб энг кўп қўлланилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маъоний» девонидаги газалларнинг ярмидан кўпроғи рамал баҳри (фоилотун рукни нинг турлича тақрори)да ёзилгандир.

Баҳрлар бир-бирига яқинлиги, «ўзаги» бир хил булишига кўра гуруҳланиб, аргуз доираларини ташкил этадилар. Бир ўзакли (яқин) баҳрлар учун битта байт ёки мисра шеър айтилади ва у турлича жойдан бошлаб ўқилса, маҳраж (ўзак) атрофида гуруҳлашган қонуқардош баҳрлар келиб чиқаверади.

### 6-жадвал



Ушбу доираи мұхталағырадан ташқари доираи мұттағиқа, доираи мұхталағыра, доираи мұхталағыра музоҳафа, доираи мұхталағыра мухтараа, доираи мұхталағыра, доираи мұштабиҳо, доираи мұштабиҳо солим, доираи

мунтазиъ каби күринишлари ҳам бор. Таъкидлаган доиралар З. М. Бобур томонидан «Мухтасар» асарларида кашф этилган ва Алишер Навоий аниқлаган доиралар сонини иккитага бойитиб, тұққызтага етказғанлар.

Хуллас, илму арузни алоқида фан сифатида ұрганиш даврнинг тақозосидир. Чunksи, аruz мұмтоз шеъриятимизнинг асосидирки, уни етарли тушунмасдан мұмтоз адабиётимизнинг салоҳиятини, мұмтоз шоирларимиз бадий маҳоратларини тулиқ тасаввур этиш мүмкін әмас. Яна Эркин Воҳидов, Жамол Камол каби замондош шоирлар арузнинг гўзаллигини намоён қилмоқдаларки, уларни борлигича англамоқ учун ҳам арузни ұрганиш зарур.

*Эркин шеър системаси.* Бу шеър тизимида мисраларда бўғинлар миқдори тенглиги (бармоқ), ҳижоларнинг чўзиқ ва қисқалиги (аруз) каби қонуниятлар хукм сурмайди. Унда бўғинлар миқдори ҳам, туроқлар (рукнлар) тартиби ҳам, қофияланиш ва бандлар ҳам турли туман бўлади, лекин мусиқийлик — оҳангдорлик доимо барқ уриб туради. Шу сабаб, у эркин шеър системаси деб юритилади. Бу системада ҳам шаклнинг ранг-баранглиги мазмун ва мантиқ талабига, кечинмаларнинг моҳиятини рўй-рост курсатувчи оҳангдорликка бўйсунади.

Бизнингча, бу шеър системасининг XX аср шеъриятида туғилиш ва тараққийси жамиятнинг, инсоннинг тезкор ҳаёти билан боғлиқдир. Ҳаёт оқими қанчалик тезлашса (XX аср бошида энг катта тезлик соатига 10—12 км бўлган бўлса, асрнинг үрталарида бу тезлик бир секундга тенглашди) инсон қалбидаги түғёнлар ҳам шунчалик фаоллашади, бу ўз навбатида шеъриядаги мазмуннинг ўзгаришига, пафоснинг айрича кучлилигига олиб келди, яъни оний ҳис-туйгулар вулқондек, бирданига бор құдрати билан воқе бўлиб — янгича интонацияни, янгича ритмни юзага келтирди. Бармоқ ва аруздан фарқ қылғани ҳолда, мазмун ва мантиқ, маъно ургуси талабига кура интонацияни күчайтириб бориш, муайян сўзлардаги мантиқ урғусини бўрттириш мақсадида мисраларда ва бандларда туроқлар, қофиялар тартибини турлича ўзгартириб, товлантириб бориши мумкин бўлди.<sup>1</sup> Бу хусусиятларнинг мо-

<sup>1</sup> Қаранг: Н. Шукров, Н. Хотамов, Ш. Холматов, М. Махмудов. Адабиётшуносликка кириш, Т., «Ўқитувчи», 1984, 179-бет.

ҳирона ижросини X. Олимжоннинг «Бахтлар водийси», F. Фуломнинг «Сен етим эмассан» каби унлаб шеърларида, M. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясида, Р. Парфининг юзлаб асарларида — гузал лирикасида кўриш мумкин.

Эй, Фаргона!  
Эй, бўйнига  
қора турва  
осган жонлар,  
Эй ҳар куни,  
гадойликка  
тортган онлардан  
Эй танларни  
шилиб ётган  
ҳаром қонлардан  
Бир йўласи озод бўлган азамат ўлка!

(X. Олимжон)

Битта шеър доирасида буғин, туроқ, мисра, банд, қоғия, ритмик пауза каби воситаларнинг мазмун ва оҳанг талабига мос тарзда товланиши (ранг-баранг ва эркин булиши) эркин шеър системасининг бош қонунидир.

Бу система (эркин, оқ, сарбаст шеър йўллари) халқ тилига — оддий сўзлашув тилига жудаям яқинлашгани билан ажralиб туради. Халққа хос бўлган оддий, «қўпол» сўзлар ҳам, сўз бирикмалари ҳам бу системага кира билдилар, одатдагидан кўра катта вазифани — поэтик олам образини яратса олдилар. Бу хусусият системанинг оммаболигини, жонлилигини, зарурлигини таъминлади.

Эркин шеър системаси турли халқларнинг шеър системалари (айниқса, турк, рус, япон) қизиқишини ҳам ошириди; уларнинг намояндлари (Нозим Ҳикмат, Гарсия Лорка каби) ва жанрлари (хокку, танка) чанқоқлик билан ўрганила ва таржима этила бошланди.

Айтилганлардан шундай **хуносага** келиш мумкин: Эркин шеър системаси XXI аср жаҳон поэзиясида, жумладан ўзбек шеъриятида ҳам етакчилик қиласа ажабмас, чунки у «тезкор» замона кишиларининг мураккаб зиддиятларга тўла, шиддаткор, бетакрор руҳий дунёларини борлигича намоён этишга қодир куч-муъжизадир.

### III. ШЕЪР ТАҲЛИЛИ

*Таянч сўз ва иборалар:* «Бўлсам»нинг тугилиши. Унинг вазни. Тақтев қилиш. Бадиий воситалар. «Үрик гуллаганда»нинг туроқланиши. Фояси. Фояни юзага келтирувчи унсурлар. F. Фулом шахси. Бадиҳагўйлиги. Шеър яратиш жараёнидаги ҳолати. «Умр». Ундаги ҳайтийлик ва фалсафийлик. Яшамоқнинг мазмуни. Э. Воҳидов ва «Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...».

*«Ўзимнинг санъатимга сунг ўзим ҳайратда лол бўлсам»*

а) Фазалнинг матни:

- На бўлғай бир нафас мен ҳам ёнонинг узра хол бўлсам,  
Лабинг япрогидан томган ки гўё қатра бол бўлсам.
- Бутоғингга қўниб булбул каби хониш қилиб тунлар  
Ўпид гунчангни очмоқликка тонг чоги шамол бўлсам.
- Бўйингни тарқатиб, оламни қилсан масту мустағриқ,  
Ўзимнинг санъатимга сунг ўзим ҳайратда лол бўлсам.
- Сенинг бирла қолиб бу масту лол оламда мен ёлғиз  
Ўзимни ҳам тополмай, майлиға охир хаёл бўлсам.
- Агар бобингдга гул бўлмоқ менинг чун нораво бўлса  
Ки минг бор розиман қасрингга ҳаттоким дувол бўлсам.
- Бошим ҳеч чиқмаса майли маломат бирла бўхтондин  
Рақиблар рашкига кўкрак керай, майли қамал бўлсам.
- Кезиб саҳрою водийлар етишсам бир висолингга,  
Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли увол бўлсам.

б) Фазалнинг вазни:

Номланиши — ҳазажи мусаммани солим

I рукн	II рукн	III рукн	IV рукн
Мафоийлун	мафоийлун	мафоийлун	мафоийлун
У — — —	У — — —	У — — —	У — — —
На бўлғай бир	нафас мен ҳам	янонинг уз	ра хол бўлсам
Лабинг япро	ғидан томган	ки гўё қат	ра бол бўлсам

в) Лугат ва изоҳлар:

«Бүй — ҳид, ис. Лол — 1. Соқов, тил тутилиши. 2. Сұзлай олмай қолишилик, бирор нарасадан таъсирланиб сұзлай олмай қолишилик; Мустағриқ — фарқ бұлган, чүмган; увол — айб, гуноҳ. 2. Бевақт йүқ булиш: нестнобуд.

г) Байтларнинг насрый баёни:

1. Нима бұлар эди мен (ҳам) бир нафасга ёноғингдаги хол бұлсан  
Лабинг ятродигидан томган асал қатраларга айлансан.
2. Тунлар сенинг бөгингдаги гул шохига құниб хониш қылган булбұл сингари,  
Тонг чоги ғунчаларни үпіб очувчи шабодага айлансан.
3. Сенинг исмингни бутун оламга тарқатиб, шу оламни сенинг ҳидларингга фарқ қылсан,  
Шундай ҳолатдан сұңг, үзимнинг қылған ишимга ҳайрон бұлиб, тилим сұзлай олмай қолса,
4. Сен билан ёлғиз мен шу сұзлай олмайдиган мастанда қолсан,  
Үзимни ҳам топа олмай, хаёлга айлансан ҳам майлана.
5. Сенинг бөгингда менинг гул бұлмоғлигим мумкин бұлmasa,  
Майли қасрингга девор бұлишга ҳам минг марта розиман.
6. Майли менинг бошим маломат ва бұхтонлардан чиқмасин,  
Рақиблар қанча рашк қымасин, мен ҳаммасига қамалдагилардек чидайман.
7. Саҳрою водийларни кезай, сенинг висолингга етишини үйлаб,  
Сенинг васлинингга етишим учун жонимни фидек килишга ҳам тайёрман, гарчи бевакт үлсан ҳам.

д) Фазал таҳлили:

Ҳамид Олимжон 60 йиллик түйини нишонлашга катта тайёргарлик күрилаёттан иили. Куз. Самарқанд давлат педагогика институтининг ректори, ажайиб адабиётшунос Ориф Икромов бошлиқ жамоа ҳам пахта ийғим-теримида ҳашарда эди. У ерда шоир юбилейига тайёргарлик жуда авж олғанидан, кетма-кет ийгин уюштирилаёттандырылған, шоир ҳаёти ва ижоди бүйича

бадиий композиция яратилаётганилигидан хабардор эдик. Дарвоқе, вилоят бўйича юбилейга тайёргарликнинг маркази ҳам институтда эди.

Чунки Орифжон Икромов Ҳамид Олимжоннинг Сармарқанддаги энғ йирик тадқиқотчиларидан бири, айни пайтда, шоирнинг севимли жияни эди. Қизиги шундаки, Орифжон акага тогасининг жуда кўп фазилатлари «юқдан»лигини ҳамма тан олар, шунинг учун у киши билан суҳбатлашишга, маслаҳат олишга ошиқар эдилар...

Бу сафарги суҳбатимиз мавзуи ҳам Ҳамид Олимжон бўлди. Шоирнинг ҳёти ҳам, ижоди ҳам, оиласи ҳам, салафлари ҳам қизғин муҳокама уйғотди. Суҳбат жараённида гап Ҳамид Олимжоннинг «Бўлсам» радифли ғазалига тұхтади. Шунда Орифжон ака шу асарнинг ёзилиш тарихини гапириб берганлари ҳамон эсимда: «1943 йил, рўзгоримизда озиқ-овқатларнинг таноби жуда тортилиб қолган пайт эди. Дадам ва аям Тошкентга бориб, бувим, тогам ва келинойимдан хабар олиб келишимни айтиб қолдилар. Дуч келган поездга тушиб, қош қорайгандан Тошкентга етиб келдим. Ҳаммалари уйда эканлар, рўзгорларида тинчлик, саломатлик...

Мен тўйиб овқатлангач, йўл ҳордиги ҳамда овқатнинг баданни бўшаштириши таъсирида уйқуга майл қила бошладим. Тогам буни сезиб, сен ётабер, мен ҳали ишлайман, кундузлари имконият йўқ, деб ижод хонасига ўтиб кетдилар. Анча вақтгача тогамнинг овозини узук-юлуқ эшитиб ётиб, ухлаб қолибман. Уйқуга кетгунимча эшитганим тугал жумлалар эмас, балки «мафойлун, фойлун» каби турли баҳрларнинг рукнларини англатувчи сўзлар такрори ёки «хол», «бол», «шамол», «хаёл» ва ҳоказо қофияли сўзлар такрори эди, холос.

Бир пайт тогамнинг «Орифжон! Орифжон, турақол энди! Мана чиройли ғазал туғилди», — деган овози билан уйғониб кетдим. Таşқари ҳали жуда қоронфи, тонг отишига анчагина вақт бор эди. Ҳамид Олимжоннинг қўлида бир тутам қофоз. Чехрасида ўз ишидан мамнунлик, қувноқлик акс этар эди.

«Мана сен ухладинг, биз эса фидойи ошиқнинг маҳбубасига дил сўзларини қоғозга туширдик», — деб мени қаршилади шоир. «Биласанми, — деб давом этди Ҳамид ака, — ошиқнинг ҳиссиётларини тугалроқ жумлаларда ифодалаш учун кўп рукнли, халқ қўшиқларига

монандроқ вазн танлаш лозим эди. Роса терлатди бу юмуш. Тұғри, рамал шу исталган баҳр эди. Лекин байттарда мен құлламоқчи бұлған бадиийлик воситалари бошқачароқ вазнни талаб қылды. Охири вазнларни тинтий-тинтий ҳазажи мусаммани солимни танладим. Үттис икки бүгіндан иборат байтда «мафоййлун» саккыз марта такрорланади. Ҳосил бұлған мусиқийлик эса үзбек халқ қүшиқларига, айниқсa, катта ашула йүлиға жуда мос келади. Тинглаб күр-да, — Ҳамид Олимжон шундай деди-да, ғазални хиргойи қила бошлади: «На бұл-тай бир на-фас мен ҳам я-но-ғинг уз-ра хол бұл-сам, ма-фо-и-й-лун ма-фо-и-й-лун ма-фо-и-й-лун ма-фо-и-й-лун».

Ғазални жуда гүзәл хиргойи қилиб бўлиб, шоир: «Кўрдингми, — деб яна менга мурожаат қылди, — вазн ҳатто ҳар бир мисрада бирор бир тасвирий воситани қўллашга монеълик қилмайди. Лекин энг асосий масала фидоий ошиқнинг руҳини бера билишда эди. Шукрки, вазнни танлаб топа олдик. Бошқа вазн ё «шўҳроқ» чиқар ёки «калталик» қиласади. Чунки шеърда ифодаланмоқчи бұлған поэтик мазмун вазнни белгилетиши керак. Бу нарса, тўғрироғи, бутун ижод жараёнига тааллуқlidir».

Нонушта пайтида ғазал янги тингловчиларга ҳам ўқиб берилди. Менгина эмас, ўтирганларнинг ҳаммасини ҳам қалби ларзага келди гүё.

Ҳар қачон шу ғазал хотирамга келса, ўша кунни эслайман. Кўз ўнгимда ижод тўлғофида заҳмат чеккан Ҳамид Олимжоннинг меҳнаткаш қиёфаси келади».

\* \* \*

Ғазал севги мавзуида ёзилған бўлиб, унда фидоий ошиқнинг ёр висолига интилиши, унга етишиш йўлидаги руҳий кечинмалари фоятда кучли, қабариқли ифодасини топган.

Асаддаги лирик қаҳрамон (шоирнинг ўзи) севикли ёрига шунчалик мафтунки, у учун бутун ҳаёт ва қалбини бағишлиади. Чунки ёр садоқат ва вафо, гузаллик ва латофат, баҳт ва шодлик рамзири. Шунинг учун ҳам ошиқ идеали, орзуси бир нафас бўлса ҳам севимили ёрининг бир парчасига, зарур эҳтиёжига айланишидир, бу жуда самимий, изҳори эса ҳароратга тўлиқдир:

*На бўлгай, бир нафас мен ҳам яногинг узра хол бўлсам,  
Лабинг ятробидан томган ки гүё қатра бол бўлсам.*

Шоир етакчи фояни юзага чиқарувчи лирик ҳиссиятни тұла ва мукаммал ифодалаш мақсадида тадриж воситасидан фойдаланади; мавзу ва образни астасекин ривожлантириб, такомиллаштириб боради:

*Бутогингга құниб, булбул каби хониши қилиб түнлар,  
Үпіб гүнчанғы оимоқтукка тонг чоги шамол бұлсам.*

Бу мисралардан сұнг, яна ривожлантириш, яна күтариинки тасвирләш мүмкін әмасдай туюлади. Лекин Ҳамид Олимжоннинг моҳирлиги шундаки, марказий фоя — ёрга фидойиликнинг такомилини давом эттиради, олдинги байтлардаги фикр, ҳиссиёт оқимини янада баландроқ погонага олиб чиқади; ёрнинг бүйини (ҳидини) тарқатиб, оламни үзини билмайдиган даражада маст ҳолга келтириб, сұнг бу ҳолатта ўзи лол қолишини, ёр билан ёлғиз қолганда ҳатто хаёлга айланышга рози эканлигини куйладыки, фидойиликнинг бунчалик кучли, бунчалик гүзәл ифодасидан, шоирнинг санъатидан киши ҳайратта келади:

*Бүйингни тарқатиб оламни қылсам масту мустағриқ,  
Ұзимнинг санъатимга сұнг үзим ҳайратда лол бұлсам.  
Сенинг бирла қолиб бу масту лол оламда мен ёлғиз,  
Ұзимни ҳам тополмай, майлига, охир хаёл бұлсам.*

Ҳамид Олимжон бундан кейинги байтларда тадриж билан бир қаторда тазодни құллайды. «Гул»га «дувол», «маломат бирла бұхтон»га «қамал», «висол»га «увол» қарама-қарши қуилади. Ва бу усул орқали ошиқ қалб диалектикасининг ички моҳиятини тұласинча очиб берешігә әришади.

*Агар боғингда гүл бұлмоқ менинг-чун нораво бұлса,  
Киминг бор розиман қасрингга ҳаттоким дувол бұлсам.  
Бошим ҳеч чиқмаса, майли, маломат бирла бұхтондин,  
Рақиблар рашиғига күкрап керай, майли, қамал бұлсам.  
Кезиб сахрою водийлар етишсам бир висолингга,  
Фидо жонимни қилдим ійүлингга, майли увол бұлсам.*

Хуллас, газалда баҳтиёр ошиқнинг қалбдаги психологияк тебранишлар — унинг ширин орзулари ҳам, хаёлан висол оғушида топған бир нағаслик лаззати ҳам ва эңг асосийси, садоқатли ёрга фидойилиги ҳам санъаткорона аксини топған.

Бекіес истеъдод әгаси Ҳамид Олимжон қайси асарини Ѽзған бұлмасин, у аввало, оҳангни — асар рит-

мини ва мусиқийлигини, эмоционал ва таъсирчанлигини яхлит юзага келтирувчи ички сеҳрини топа олган. Бу шоир ижодининг сирларидан биридир.

Ҳақиқатдан ҳам шундайлигини ушбу ғазалнинг яратилиш жараёни ҳам, асарнинг халқ қўшиқларига мос соддалиги ҳам, унинг услубини шўх ва жонлилиги, енгил ва равонлиги ҳам исботлайди. Шоир ғазалда, унинг ҳар бир мисрасида фидойи ошиқнинг руҳини очадиган энг зарур, энг гўзал сўзларни бехато танлай олган. Ғазалда фақат биргина архаик «мустафриқ» сўзи ишлатилган. Бу сўзниң маъноси «гарқ бўлган», «чўмган» бўлиб, уни бошқа сўз билан алмаштирилганда вазн (унниларнинг чўзиқлиги) бузиларди, фикрни («олами маст қилиб хаёлга гарқ бўлмоқ») равонлиги, ошиқнинг муддаоси тиниқ чиқмаган бўларди. Шунинг учун ғазалда ишлатилган сўзлар қалбнинг нозик қирралари ни ўзига тортувчи оҳанрабога ўҳшайди. Шоирнинг ўта содда ва жўшқин, жуда куюқ ва ширали қилиб айтганига, ҳа, топиб айтганига қойил қоласан, киши.

Ҳақиқатдан ҳам 25 яшар қирчиллама йигит (1934 йил) қалбига ошна бўлган дард— севги у билан мангу яшади. Ҳамид Олимжоннинг Зулфияга бўлган пок муҳаббати, бу муҳаббатдаги садоқат ва вафо, хурмат ва иззат, фурур ва мардлик, баҳт ва саодат шунчалик қудратга эгаки, уни ниҳоясиз отилиб чиқувчи вулқон оташига қиёс қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу оташ бугунги кунда ҳам қалбимизни иситади, иккала санъаткорнинг севгисидан юзага келган самимий иттифоқ ҳавасимизни уйғотади. Ҳа, ғазал яратилганига яrim асрдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, унда шоир муҳаббатининг ҳамон ловуллаб ёниши, фидойилигининг бекиёслигини кўрамиз.

### «Бахтим борми, дея сўрайман»

а) Шеърнинг матни:

*Деразамнинг олдида бир туп  
Урик оппоқ бўлиб гуллади...*

*Новдаларни безаб ғунчалар  
Тонгда айтди ҳаёт отини  
Ва шаббода қурғур илк саҳар  
Олиб кетди гулнинг тотини.*

*Ҳар баҳорда шу бўлар тақрор,*

*Ҳар баҳорда ҳам шундай ўтади.  
Қанча тириисам ҳам у беор  
Йиллар мени алдаб кетади.*

*Майли дейман ва құлмайман ғаш,  
Хаёлимни гулға үрайман.  
Хар баҳорға чиққанда яккаш,  
Бахтим борми, деге сұрайман.*

*Юзларимни силаб-сийпалаб,  
Бахтинг бор деб эсади еллар.  
Этган каби гүё бир талаб,  
Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар.*

*Ҳамма нарса мени қаршилар,  
Ҳар бир күртак менга сүйлар роз.  
Мен юрганда боғларга тұлар,  
Фақат баҳтни мақтаган овоз.*

«Мана сенга олам-олам гул,  
Этагингга сиққанича ол.  
Бунда толе ҳар нарсадан мұл,  
То үлгунча шу үлкада қол.

Үмрида ҳеч гул күрмай ийглаб  
Үтгәнларнинг ҳаққи ҳам сенда.  
Ҳар баҳорни ийглаб қаршишаб  
Кетгәнларнинг ҳаққи ҳам сенда...»

*Деразамнинг олдида бир туп  
Үрик оппоқ булиб гуллади.*

б) Шеърнинг вазни:

1 2 3 4 1 2 3 4 5  
Де — ра — зам — нинг ол — ди — да бир туп

**в) Луғат ва изоҳлар:**

тот — таъм, маза, лаззат;

роз — 1. Махфий топилган нарса, сир. 2. Дилдаги орзу; тилак, дард; толе — 1. Омад, бахт. 2. Қисмат, тақдир.

Ушбу шеър 1937 йилнинг 30 марта ёзилган ва биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 5 апрель сонида босилиб чиқкан.

«Ойдин саҳифа» фильмида (сценарий автори С. Азимов, постановка режиссёр Й. Аъзамов) «Ўрик гуллаганда» шеъри қўшиқ қилиб айтилади.

г) Шеър таҳдили:

Ҳ. Олимжон 1937 йил эрта баҳорда Қозоғистонда бўлиб, қозоқ халқининг ҳаёти билан танишади. Ҳасан Қайги, Жамбул каби оқинлар ижодини ўрганади. Мартнинг сўнгги кунларида «хаёлларга тулиб-тошган шоир Тошкентга қайтади. Тошкентда эса баҳор. Обсерватория кучасидаги ҳовлисида, шундайгина ишхона деразаси олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллаган — илҳом парисининг ўзгинаси. Натижада, бадиий реализмнинг юксак ифодаси бўлган, шоир кечинмаларининг гўзал намунаси даражасига кўтарилган «Ўрик гуллаганда» шеъри туғилади» (С. Азимов. Ҳамид Олимжон абадияти, 127-бет).

Шоир «лирикасининг энг латиф намунаси — «Ўрик гуллаганда» шундай мисралар билан бошләнади:

*Деразамнинг олдида бир туп  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.*

Бу хабарни эшитган ўқувчида ҳам турли-туман фикрлар уйгонади. Лекин шоир нима демоқчи? Ўрик гуллари — ҳаётнинг навбаҳори, навбаҳорнинг илк элчиси шоир қалбидаги қайси кечинмаларни юзага чиқарар экан? Бу кечинма, ҳиссиёт, фикрлар оқими сизу бизни ўзига ошна қиласмикин? Шоир ҳис-туйгулари бизнинг кечинмаларимизни ҳам уйфота олармикин? Ҳаяжон сола билармикан? Ҳаёт ритмини сўз ва образларнинг ҳаракати орқали ифодалай олармикан? Бу эмоционалликни, романтикани, уларнинг турфа рангларини бўй-басти билан қўрсатиб, қалбларимизга зарур бўлган эстетик «озуқани» бера билармикан?

*Новдаларни безаб ғунчалар  
Тонгда айтди ҳаёт отини.  
Ва шаббода қургур илк саҳар  
Олиб кетди гулнинг томини.*

*Ҳар баҳорда шу бўлар тақрор,  
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.*

*Қанча тиришсам ҳам у беор  
Йиллар мени алдаб кетади.*

Кўринаяптики, ўрикнинг гуллаши шоир қалбидаги кечинмаларни уйғотади: Ҳар баҳор ўрик гулларининг мазасини шаббода олиб кетади. Бу йил ҳам шундай тақрорланаяпти. Инсон умри ҳам шунга ўхшаш эмасми? Энг завқقا, кучга, шодликка тўлганингда — гуллаганингда ҳаётинг ришталари гул каби сочилмасмикин?...

*Майли дейман ва қилмайман ғаш,  
Хаёлимни гулга ўрайман.  
Ҳар баҳорга чиққандা яккаш,  
Бахтим борми, дея сўрайман.*

Ўрик новдаларини безаган фунчалар — гул ҳаётининг баҳори экан, лирик қаҳрамон ҳаётининг баҳори нима? Бу — баҳт. Баҳтли ҳаёт. Лекин у борми, мангубарқарорми?

«Ана шу тарзда гулнинг тоти тўғрисидаги фикрлар баҳт ҳе қидаги ўйлар билан уйғунлашади. Гулнинг тоти, лирик қаҳрамоннинг баҳти — шеър гояси ана шу икки қалбнинг учрашгани ва учқун сочган нуқтасида очилади» (Н. Каримов). «Бахтим борми?» деган сўроқ лирик қаҳрамонни ўйлатса, «иккинчидан, ўқувчининг онгигида қандайдир савол аломатини ҳам, яъни «бундан кейин нима бўлади» деган қизиқиши, масалага фаол муносабатни ҳам уйғотади. Шоир ўз ўқувчисида шундай туйғуни уйғотиб олгандан кейингина, бу эса поэтик маҳоратнинг «сир»ларидан биридир, баҳтли ҳаёт баҳорини ифода этувчи яхлит фикрларни мисраларга тизиб ташлайди» (С. Азимов):

*Юзларимни силаб-сийпалаб,  
Бахтинг бор деб эсади еллар.  
Этган каби гүё бир талаб,  
Бахтинг бор, деб қўшлар чийиллар.*

*Ҳамма нарса мени қаршилар,  
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз.  
Мен юрганда боғларга тўлар,  
Фақат баҳтни мақтаган овоз.*

*«Мана сенга олам-олам гул,  
Этагингга сиққанича ол.*

*Бунда толе ҳар нарсадан мұл,  
То ұлгунча шу ұлкада қол.*

*Умрида ҳеч гул күрмай үйеглаб  
Үтгәнларнинг ҳаққи ҳам сенда.  
Ҳар баҳорни үйеглаб қаршилаб  
Кетгәнларнинг ҳаққи ҳам сенда...»*

Демак, лирик қаҳрамон бахтининг борлигига еллар ҳам, қушлар ҳам, ҳар бир күртак ҳам, баҳт овози ҳам иймон келтиради, тасдиқдайды. Бахтнинг ижодкори бұлған ҳаёт «умрида ҳеч гул күрмай үйеглаб үтган»лар тақдири билан қиёсланади ва «баҳти мангу барқарор әл», «ҳар гулистонда баҳор мангу» бұлған Ватан улугланади.

Үқувчининг қалбига ана шу олийжаноб тушунчалар, ана шу бир олам ҳислар күчгандан сұнг, «ҳар нарсадан баҳт мұл үлка»га содиқ фарзандларидан севинчга тұлғач, шоир шеърни тутатади:

*Деразамнинг олдидә бир түп  
Үрик оттоқ бұлыб гуллади...*

Ха, «шеър күнгилларга нур олиб киргани яхши, ғашлик ва најотсизлик түйгесин әмас» (Ә. Воҳидов). Баҳт ва баҳт ҳақидаги орзу — инсон камолоти учун зарур омил экан, уни күйлаган ҳам мангу тирикдір.

### *«СамДУ қопқасида бир қизни күрдим»*

Faғұр Фулом шахсининг юксаклиги, хаёл кучининг парвози, ақл үфқининг кенглиги, ижодий ҳозиржавоблиги камең ҳодиса әди. Шоир қалби ҳамма вақт сув тұла косадек халқымиз ва Ватанимиз меҳрига лиммо-лим әди. Уни ифодалашға эса доимо рұхан тайёр турады. Косадаги сувға бирор томчи сув қүшилса ёки тұртқи бұлса тошганидек, Faғұр Фуломнинг бадиҳагүй қалбидан турли сабаблар баҳонасида шеърлар фаворадек отилиб чиқарды.

Сайд Аҳмаднинг таъкидлашича, баъзан «Faғұр ақани ёзув столи ёнига үтқазиб олиш қийин әди, бир үтириб олғандан кейин турмасди. Айниқса, шеър бұлса битта тұртлик, ҳикоя бұлса биринчи саҳиға тұлғандан кейин үзи ҳам қизиқиб кетиб, то асар битмагунча үрни-

дан турмасди». Шукрулло: «У қаерга борса, ўша ер унинг учун ижодхона, ҳам дам олов ери ҳисобланарди. Одамлар орасида туғилған фикрларни ўша ерда қофозга тушириб, уларни ўқиб ҳам берарди. Faфур аканинг иш вақти ҳеч кимникига ўшшамасди. У дам олов орасида ижод қиласар, ижод қиласатидан пайтида дам олаверарди — деб эслайди. «Бирорта сўз ёки тарихий воқеалар илдизларини иш баҳонасида сўрасанг, у шу туртки сабаб бир зарб билан шеър тўқирди» — дея хотирлайди устозни Нурилдин Шукуров.

Сайд Аҳмад «Назм чорраҳасида» китобида ёзганидек, F. Fулом кўплаб шеърларининг туғилишига у «до-ялик» қилган. Жумладан, шундай ёзди: Мен Faфур аканинг... эркаликларини яхши билардим. Унинг қайсарлиги-ю, жиндеқ мақтанданнамо гапиришларини, ёзилган ҳар бир тўртлик кетидан мақтаб турадиган одам зарурлигини ҳам билардим. Бошқалардан кура у кишини мен келиштириб мақтардим. Ўзи ҳам бунга тан бериб: «Мақташни сенга-ю ёзишни менга чиқазган» дерди». Унинг ёзишича, F. Fулом расмлар чизар эди. У рақс тушганида зўр раққосалар ҳам даврадан чиқиб, томоша қиласарди. Кўлига тақсимча олиб, халқ термаларини айтганда, ҳамма жимиб қоларди. Дугор чертгандага, тингловчилар бош эгиб тебранишарди. Faфур aka Юсуф қизиқлар билан тенг келиб асқия айтишарди. Халқ достонларини бахшидек оҳанги, ифодаси билан бошдан-оёқ айта оларди.

Хуллас, F. Fулом ҳақидаги бу хотираларни ўқир экансиз, шоир бўй-басти билан кўз ўзингизга келади. Унинг илҳом пайтидаги ҳолатини Сайд Аҳмад билан бирга кўрасиз:

«...Хаёлинни бузмаслик учун чой қуйиб, стол четига қўйдим. Қараб турибман. Faфур aka ўйлаяпти. Кўзи тоҳ шифтга тикилар, тоҳ қошлиари чимирилиб, худди уришмоқчи бўлгандек менга ёмон қараб қоларди. Биламан, бунақа пайтда Faфур aka мени кўрмайди. Хаёлида яратётган нарсанигина кўради. Ручкани сиёҳдонга зарда билан ботирди-ю, ёза кетди:

*Гоҳида бир муддат олгулик нафас...*

Бу сатрни шошиб ўчирди-да, бошқатдан ёзди.

*Баъзида бир нафас олгулик муддат  
Минг юлдуз сўниши учун еткулик.*

Шундан кейин үчиб қолган папиросни сурди. Гүргүт чақиб, қайта үт олдирди-да, менга қаради.

— Қалай? Мана буни Faфуровский шеър дейилади.

Faфур аканинг бутун хусусиятларини яхши билиб олган эдим. Шунақа пайтда мақтаб қўйсанг руҳи кўтарилиб кетади-ю, ажиб бир гайрат билан ишга тушади.

— Э, қойил қивордингиз, Fуломуп ака.

— Жим тур, аралашма. Келиб қолди.

Яна ручкани олиб, бироз ўйлади-ю, жуда ҳам тез ёза бошлади. Сўзлар қоғияси билан, вазни билан, маъноди билан қўйилиб келарди. Ручкани тез-тез сиёҳдонга ботирар, хусниҳат билан, устидан учирмай, кетмакет ён икки сатрни ҳам дам олмай ёзиб бўлди...»

Китобни ўқир экансиз, F. Fуломнинг «Вақт» шеърининг шундай туғилганига сиз ҳам гувоҳ буласиз, гуё шу жараёнга үзингиз ҳам иштирок этгандек хузурланасиз. Ушбу айтилган фикрларни Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиги» китоби, китобдаги устоз ва шогирд (F. Fулом ва Шукрулло)нинг муносабатлари янада бойитади.

Унда F. Fуломнинг исталган мавзу бўйича, исталган нарса ҳақида, исталган ҳодиса тўғрисида шеър ёза олиш қудрати, ҳозиржавоблик қобилияти ишонарли очиб берилган:

«— Кўзингга куринган нарсани бир лаҳзада шеър қила оласанми? — деб сўради. — Ҳар нарсани шеър қилиш мумкин. Мана, кўзингга куринган, кўнглингга келган бирор нарсани айтиб кўр, шеър бўладими, йўқми — биламиз қўумиз.

Мен шоирнинг хонаси ва ҳовли атрофидаги нарсаларни кўздан кечира бошладим. Бу уйдаги ҳар бир нарса шоирона дид билан танланган. Ҳар бир нарсада шоирнинг нозик табиати, ўткир фаросати кўриниб туради. Иш столи устида Гётенинг бронздан қилинган кичкинагина бюсти... деворларда гилам, танбур, дутор осиғлиқ. Мен ҳали ҳеч ким шеър қилиши учун қўл урмаган, Faфур аканинг ўзи ҳам кутмаган нарсани излар эдим. Бирданига кўзим сиёҳдонга тушди-ю, шу ҳақда бир шеър қилишларини сўрадим. Faфур ака сиёҳдонга бир тикилиб, гувраниб олди.

Ниманидир тутмоқчи бўлгандек, йирик-йирик бармоқлар ҳаракатга келди. Кўзлари ёнди, лаблари ниманидир пицирлай бошлади. Ҳамлага отланган шердек бир он жим қолди, кетма-кет сатрлар қофозга туша бошлади:

*Алишер давотга қылғанда хитоб,  
Қалами ёдидан күтәрилдім  
Сиёҳдон, азизим, қора күзлугим,  
Қора тұнлар аро ёрига күзгү...  
Улуғ жанс күнларни ёзар чөгимда  
Шаҳидлар қонидек дафтарға томдинг,  
Лаънати малбұнлар номин ёзғанда  
«Мен қора емасман» дединг-у, тондинг.*

Фафур ака шеърни битказиб, менинг фикримни сұради:

— Қалай?

Мен нима дердим... битта сиёҳдон орқали шунча гапларни топиб айтиш менинг хаёлимга келмаган эди. Албатта, мақтадим. Бу шеърнинг ёзилиши мен учун мұйжиза эди».

Фафур Фуломнинг зукколигига, билимдонлигига, тантлилигига, мардлигига, соддалигига, эркаликларига қойил қолмаган, бекітілген истеъдод эгаси эканлигини тан олмаган кишилар топылмаса керак. У киши мұйжиза яратадиган афсунгар — «шеъриятимиз афсунгари» эканлигига бизлар ҳам шоҳид бўлганмиз.

1961 йил март ойида СамДУ нинг мажлислар заліда F. Фулом билан учрашиш учун шаҳар ахли, ўқувчилар, талабалар тұпланиши. Айниқса, олдинги қатордан жой олиш, шоирни қынроқдан күриш ва эшитиш истагидаги юзлаб толиби илмлар эшикдан киришга ошиқар эдик. Ҳали киришимизга улгурмасимиздан оқ F. Фуломни ҳамроҳлари билан вилоят раҳбарлари құзатиб келиб қолиши. Бир қисмимиз уларга йўл беришга мажбур бўлдик. Йўлак очилганидан фойдаланган бир гурӯҳ қизлар олға интилиши. Қизлар ҳам меҳмонларга аралашиб кетиши. Шунда Faфур Fулом улардан бир нечтасини тұхтатиб, нималардир деяётганига ва суқлданың боқаётган нигохларига күзимиз түшди. Қизлардан бири нимадир деганди, Faфур Fулом кулиб юборди. Сұнг ҳамма бирин-кетин мажлисхонага кириб кетди. Гулдурос қарсаклар остида меҳмонлар президиумдан жой олиши. Тантана бошланди. Faфур Fулом ҳақида ким гапирмасин зал уни ҳам шоирга күшиб олқишиларди. Faфур Fулом эса ўтирган пайтиёқ киссасидан қофоз ва ручка чиқарди. Залга бир зум нигоҳ ташлади-ю, нималарнидир ёза бошлади. Маърузачиларнинг нутқи унга тегишли эмасдек, үзи билан ўзи банд эди. Чехрасида

баъзан ним кулги балқир, баъзан ўта жиддийлик на-  
моён бўларди. Биз табиийки, сўзга чикувчиларнинг гап-  
ларига муносабат билдириш учун бирон нарсалар қора-  
лаётган бўлса керак, деган фикрга борардик. Суз бе-  
рилганда, уларни «бопласа» керак, деб ўйлардик.

Мажлис раисиFaфур Фуломга сўз берди, олқиши-  
лар янгради. Шоир ўнг қўлини кўтариб залдан тинчла-  
нишни сўрадилар-да, «Сизларга бағишилаб ҳозиргина  
ёзган шеъримни ўқиб бераман» дедилар:

*СамДУ қопқасида бир қизни кўрдим*

Бу мисрани эшитиши билан залдагилар гулдурос  
қаңсак чалиб юборишиди. Бироздан сунг шоир мамнун  
қиёфада залга нигоҳ ташлади ва қулини кўксига кўйиб,  
раҳмат, дегандай эгилиб кўйди. Бир зумда зал шунчалик  
тинчландикси, пашша учса ҳам эштиларди. Faфур  
Фулом жарангдор ва ширали овозда шеър ўқий бошла-  
ди:

*СамДУ қопқасида бир қизни кўрдим,  
Етти ранг товланган қуёш каби пок.  
Кошкайди ўттиз йил орқага қайтиб,  
Ишқимни айтсайдим қилиб ёқа чок.  
Сузларнинг жаранггин эшитмак учун,  
Изланиб, тополдим баҳона — савол  
Самарқанд тонгининг елидай майин  
Кулимсираб лаб очди, бир бутун жамол:  
— Майиз бозорига чандан борилур,  
Анжир ҳам шу ерда, анор ҳам шунда.  
Мунча ҳам соддасиз, мунча ўзбексиз,  
Йўл этиб бўларми, ёп-ёруғ кунда...  
Агар-чи, қадимий Самарқандийман,  
Кафтим чизигидай ҳамма ер аён.  
Бағримни эркалаш, мусиқа тинглаш,  
Фоят зарур эди шу нозик баён.  
СамДУ қопқасида кўрганим қизнинг  
Қаймоқ мазмунига жоним омода.  
Самарқанд мазмунли кўркем юлдузни  
Севсам севибман-да, ўзбекман, содда...*

СамДУ нинг қизи — «Илҳом париси» сабаб Faфур  
Фулом ҳамма самарқандликларга меҳру муҳаббатини  
ана шундай изҳор этди. Айни пайтда, бетакрор бади-  
ҳагуй шоирлигини, ёшлини жудаям қўмсаган ҳазил-  
каш ва нуроний инсонлигини, умуман, ўзбекнинг содда

мутафаккири, шеъриятимизнинг кўркам юлдузи эканлигини курсатган эди ўшанда. Шоир «Капалак умрига қиёс этгулик» умри жараёнида содда, аммо мазмунан бой, файласуфона сатрлари билан шеърият ихлосмандлари қалбидаги ўчмас из қолдирди. Қалбимизда у шундай нақшланди ва ўлмас асарлари билан тириқдай бугун ҳам Сиз-у мен билан Истиқбол сари улкан одим отмоқда.

### «Умр... бамисли отилган ўқ»

Азизлар! Тўхтанглар! Бир зум диққатингизни олмокчиман. Сиздан, дастур аҳамиятига молик бир шеър баҳонасида, умр ва умрингиз ҳақида сарҳисоб сўра-моқчиман: «Жамиятга, одамларга фойда келтирдингизми? Эзгулик қилдингизми? Қалбингиzin тоблай, поклай олдингизми? Нур сочасизми ёки ёмон ишлар билан оворасизми? Порляпсизми ёки бурқсияпсизми?...» Бундай журъатимиш айблашдан олдин, келинг бир мулоҳаза юритайлик:

«Ҳаётнинг маъноси фарофату айшу-ишрат бўлса, Аллоҳнинг энг суйган кишилари фиръавиёнлар бўлиб чиқади. Агар — яша билмоқ, ҳис қилмоқ, севмоқ, дард чекмоқ, ёнмоқ, ўртамоқ бўлса, энг бахтли одамлар бизлар бўламиш. Кўнглим дерки, бизлар саодатлироқмиз», — дейди шоир Эркин Воҳидов.

«Ҳа, яшамоқ, мунча йил еб-ичмоқ, мансаб ва пул деб ўлиб-тирилмоқ, бўш вақтларда эса мудраб, пашша кўримоқ ва қартавозлик қилмоқдан иборат эмас... Яшамоқ бу ҳис этмоқ ва фикрламоқ, изтироб чекмоқ ва роҳат қилмоқдир. Булардан бошқа ҳар қандай ҳаёт ўлимдир. Бизнинг тўйғу ва тафаккуримиз қанчалик катта мазмунни қамраб олса, изтироб ва роҳатланиш қобилиятимиз қанчалик кучли ва теран бўлса, демакки, биз шу қадар кўп яшяпмиз. Бундай ҳаётнинг лаҳзаси майдада-чўйда ишлару бир чақага қиммат ниятларни деб руҳсиз, мудраб ўтказилган юз йилдан аҳамиятлироқдир...

Ҳа, ҳамма нарсани руҳан забт этмоқ, эгалламоқ, ҳамма-ҳаммасида устун келмоқ ва ҳеч нарсага тобе бўлмаслик — мана ҳаёт шу!» (В. Белинский. Адабий орзуладар, 97-бет).

Нақадар топиб айтилган гаплар. Одилона мулоҳазалар. Асрларга татийдиган ва асрлар оша яшаётган

хақиқат, ҳақ сұзлар. Такрор-такрор айтишга арзийдіганды, амалиётта күчирилса буюк мазмун ато эта оладиган үлмас фикрлар.

Аммо инсон учинчі минг йилликда ҳам ўзи яратған, нафси-аммораси бунёд этган «занжиirlар» сиртмогидан озодми?

«Нақадар оғир, нақадар қадрдан бу занжирлар. Уларни топгунча инсоният узундан-узоқ тараққиёт йұлларини босиб үтди. Ақли органды сари занжирлари күпайды. Зоҳирий занжирлар ботинийга алмашды. Темирлари ечилиб, олтинглари боғланды. Тараққиёт занжир топти да занжир тараққиёт топти. Занжир одатта айланды. Үлмаган құлнинг құллары үлмады. Коинотнинг ҳожай арзандаси да ўз нағсиянинг бандаси бўлиб яшади инсон. Молу давлатнинг, шону шавкатнинг, урғу одатнинг, вақту соатнинг да яна минг бир ҳолатнинг қули бўлиб яшәтирип инсон».

Шоир шахси ҳам бу занжирлардан озод эмас. Ана шу занжир ила у «инсониятта туташ», «замонга дахлдор» (Э. Воҳидов)дир. Шунинг учун ҳам аллома шоир Эркин Воҳидов «Чексиз, абадий макону замон ичра мавжудликни улуғ баҳт да оламу ўзни англамасликни улуғ дард» деб билади. Ўзини зарра санаб, зоҳирий да ботиний занжирларга қарши матонат күрсатышта чорлайды, «минг бир ҳолатнинг қули» бўлиб эмас, умидбахш эртанинг яратувчиси бўлиб яшашга чақиради, «оламда меҳру саховат, поклик да эзгулик голиб бўладиган» замонлар келишига ишонади-ю, суюкли Ўзбекистонни, хур да озод Ватанини, меҳнаткаш халқимизни улуғлайди, уларни қалбига жойлайди:

«Эй, менинг буюк да озурда юртим, құдратли да жафокаш Ватаним! Сен ўз занжирларнинг ичиде энг уқубатлиси, энг оғриқлиси бўлган тобелик да мутелик занжиридан халос бўлдинг. Озодлик кунинг аср деса аср, минг йиллик деса минг йиллик ичиде энг буюк кундир. У сенинг янги тарихинг, менинг янги умрим бошланган кун. Милодий да ҳижрий йил ҳисоби ёнида қалбимнинг ўз йил ҳисоби бор. Янги йил милодий икки минг биринчи, ҳижрий — бир минг тўрт юзу йигирма биринчи, озодий — ўнинчи йил бўлади» (Таъкидлар — Ҳ. Ү).

Ушбу фикрлар «Ажаб саодат эрур...» да «Ассалом, келажак! номли жажжи бадиҳаларда ифодасини топған. Ақл да қалбда пишиб, теранлашиб, дур шодаси

каби яхлитлашиб, ҳайқириқ бўлиб қоғозга тўкилган. «Янги аср остонасидаги уйлар» (Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 22 декабрь 2000 йил) туркумидаги бу бадиҳалар — XXI аср ўзбек ижодкорларининг **бош дастуридай** таассурот уйғотади. Унинг ҳар бир сатридаги ёниқ мулоҳазалар — «яшашнинг маъносини теран англашга» даъват этади. Ватан ва ҳалқимизнинг телиб турган юрагига қондош ва жондош бўлиб яшашга, уларнинг руҳиятини ёрқин ифодалашга, ҳаққоний тасвирлашга — поэтик дунёсини кашф этишга чақиради. Айни пайтда, бу талаблар ўзига ҳам даҳлдор эканини чукур англаган шоир унинг исботини ҳам беради: бадиҳаларига учта шеърини илова қиласди. Бу шеърларнинг ҳар бирида Эркин Воҳидов поэтик қудратининг юксак ва бекиёслиги яққол кўзга ташланади.

Айниқса, кўпгина шоирларимиз бугунги кунда уз ижодлари нафасини — мақтовларга ва насиҳатларга буркаганлари учунми, ўзларини кашф этишда давом этиш ўрнига, айтган борлиқларини такрорлаётганлари сабаблими, умум дардини, ғаму андухини, жасоратини, соғинчини, шодлигини куйлаш ўрнига, ўзларининг шахсий садоқатлари ва муҳаббатлари «**кушиғини**» куйлаётганлари оқибатими ёки бу уччала ҳолатнинг аниқ бирлашиб кетгани ва авжда экани сабабиданми, ҳар қалай, бу шеърлар юксаклиги, **истиқлол ғоясига чамбарчаслиги** билан ухлаганни уйғотади, уйғотганни фикрлатади, фикрлаганни ҳаракатга солади. Ҳиссиятнинг жўшқинлиги, оҳангининг ўйноқилиги, мазмунан чуқурлиги сабаб ҳаммада ҳайрат қўзғотади. Мушоҳадаларимизни биргина асар ҳам исботлай олади. У — «Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...»

*Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,  
Олтин бошининг калла бўлгани шудир.  
Бедил қолиб Демъян Беднийни сўйса,  
Қора сочнинг малия бўлгани шудир.*

Юрагингиз ҳапқириб кетдими? Оддий ва доно ҳақиқатнинг мағзига бирдан етдингизми? Буюклигинизни, кимлигингизни ҳис қилдингизми? 150 йиллик босқиннинг шафқатсиз ва аянчли фожиасини туйдингизми? Бир олам мазмунни икки байтга сифдира билган шоир маҳоратига ҳайратландингизми? Сўзларнинг оддийлигига, маънодорлигига, ўз ўрнида нурланиши-

га, рангдор оқангиға — барининг созлигига, сехрига лолмисиз?

Бир бандданоқ хаёлингизни банд этган, унда денгиздай ҳайқираётган туйгуларни уйғотган, у туйгула-рингиздаги баҳодирона құдратни ва мұтелеңкнинг оқибатини пафос даражасига күтартған поэтик қашфта, шоирнинг чечанлигига түймайсиз, кейинги бандга шошамиз:

*Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,  
Дод демоққа палла бўлгани шудир.  
Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,  
Аза чори ялла бўлгани шудир.*

Президентимиз Навоийни ўрганишга чорласалар, «Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалоқатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир... Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак», — дея таъкидласалар, мутафаккир худди шу ҳақиқатларнинг таъсирдор поэтик тасвирини беради. Мұхтарам Й. А. Каримов: «Онгли яшайдиган, мустақил фикрлайдиган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош foymiz бўлиши керак»лиги йўлида жон кўйдирсалар, шоир мушоҳадани талаб қилувчи поэзия (асар)ни яратади. Бирла-ри бирларидан таъсирланиб, истиқтол учун ёнишини воқе қиласидилар, яшашининг моҳиятини ўзларida мушжассам этиб намуна кўрсатадилар... Асадаги лирик қаҳрамон — Истиқтол қалбини ўзида жо этган замондошимиздир. Бор ҳақиқатни айтишдан қўрқмайдиган, мавжуд касалликнинг моҳиятини очувчи ва ундан қутилиш йўлини кўрсатувчи ёниб, куйиб яшаётган уйғоқ қалбли биродаримиздир.

*Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,  
Алдангани, алла бўлгани шудир.  
Юлғич азиз бўлиб, билғич хор бўлса,  
Пайтаванинг салла бўлгани шудир.*

Бу банд күчли қалбингизга энг катта зарбни уради: ларзага тушасиз. Үндаги мазмун ва эҳтирос күчли зилзиладек, фами зил-замбил темирдек. Юракни тарс ёрвадигандек құдратли.

Айниқса, «Алла» сўзининг «Гудакни ухлатишда айтиладиган қушиқ»дан, яна бошқача — «Чирпирак

булиб, қуламоқ» маъносини ташишини билганингиздан сўнг шоирнинг топқириллигига, сўз сеҳргари эканлигига қойил қоласиз. Қалбингиз жунбишга келади. Мардоналик ва равшанлик билан, поэзия тилида — теран айтилган залворли ҳақиқат руҳи қалбингизга кӯчади. Бир ўқищданоқ ёд олган мисраларингизни такрорламасликка имкон топа олмайсиз; чунки у сизнинг ҳам, менинг ҳам қалбимдаги жароҳатни уйғотиб юборди:

*Юлгич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,  
Пайтаванинг салла бўлгани шудир.*

Бу балолардан, касофатлардан қандай қутилиш мумкин? Қанақа йўллари бор? Ёруғлик қанисан? Умид борми?... Чекаётган қайфунгиздан қутилишга интиқлик сезасиз. Шоир таранг тортилган, оловланган туйғуларни ечиш ўйлига ўтади. Комил бўлиш учун ҳам, ҳалқ қалби тўла нур бўлиши учун ҳам, ўзликни англаш учун ҳам, Навоийнинг ўлмас таълимоти зарурлигига ишонтиради. Юзлаб навоийшуносларнинг ташвиқини, орзуларини биргина поэтик асари билан миллионлаб қалбларга сингдиради, Навоийга ошно этади. Шундай ечим туфайли бир оз енгил тортасиз, қалбингизда яратиш руҳи ҳукмрон кучга айланади:

*Эл комил бўлмаса, юрт эмас улуғ,  
Бекадр маҳалла бўлгани шудир.  
Қалб тўла нур ҳалқнинг ризқи ҳам тўлуғ,  
Омбор тўла ғалла бўлгани шудир.*

*Ўзбек ўзлигин англаса бекам,  
Унинг «Баракалла» бўлгани шудир.  
Оlamга Навоий наслиман деган,  
Овози барадла бўлгани шудир.*

Кашфиёт бўлиб туғилган бу асар чукур замонавий ҳамдир. Ўзбекона миллийликни ташиши билан, айни пайтда, умуминсоний ҳамдир. Қалб ва онгларни бирлаштириб эзгулик, комилликка етакловчи оқилона илҳомнинг бетакрор, ҳайратомуз мевасидир.

Демак, Э. Воҳидов ҳақли равишда XX асрнинг сўнгти ва XXI асрнинг биринчи буюк шоиридир.

## *Tұрт инчи бүлім*

### ТУР ВА ЖАНРЛАР

#### I. Тур ва жанрларнинг хусусиятлари

*Таянч сүз ва иборалар: Эпос. Лирика. Драма. Воқеа. Кечинма. Ҳаракат. Турларнинг фарқлари. Турнинг жанрий хусусиятлари.*

Адабиёт ҳақидағи илм дунёға келгандан буён адабий асарларни эпос, лирика, драмага — уч турға бўлиб ўрганиш қоида тусиға кирган.

Адабиётни ҳаётдан нусха күчириш деб тушунган Аристотель «Поэтика» асарида уни шундай асослайди: «... асарлар яна акс эттириш усуслари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқланади. Зотан, бир хил нарсани бир хил восита билан тасвирилаган ҳолда ё автор воқеаларга аралашмай ҳикоя қилиши ёки ўзини Гомердай тутиши мумкин. Ёки бутун ҳикоя давомида автор ўзлиги чана қолиши ёхуд барча акс эттирилувчи шахсларни гавдалантириши мумкин.

**Нима билан, нимани ва қандай акс эттириш усулидаги уч хил тафовут ана шулардан иборат.**<sup>1</sup>

Инглиз танқидчиси Э. С. Даллас ҳам адабиётни уч асосий турға ажратади: пьеса, эртак ва құшиқ. Унинг тушунчасида драма — бу иккинчи шахс ҳозирги замон, эпос — учинчи шахс, ўтган замон, лирика эса биринчи шахс, бирлик, келаси замон<sup>2</sup>.

XVIII асрға келиб Италия, Олмония ва Францияда ҳам турлар тушунчаси тасдиғини топади. Жумладан, Гётенинг ёзишича, поэзиянинг уч хил табиий шакли мавжуд: очиқ ҳикоя қылувчи шакл — эпопея, кечинманни ҳаяжонлы тасвириловчи шакл — лирика, шахс ҳаракатини ифодаловчи шакл — драма<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Аристотель. Поэтика, Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 10-бет.

<sup>2</sup> Р. Уәллек. О. Уоррен. Теория литературы. Москва, 1978, стр. 245.

<sup>3</sup> Г. Маркевич. Основные проблемы науки о литературе, М., 1980, стр. 170.

Рус танқидчиси В. Г. Белинский ҳам ўзининг «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» асарида<sup>1</sup> адабиётни эпик, лирик, драматик поэзияга — уч турга ажратади ва ҳар бирига хос хусусиятларни, айни пайтда, бир-бири билан тақдослаш орқали чуқур маъноларини очади.

ХХ асрга келиб рус назариётчиси Л. Тимофеев уч турга «лиро-эпик тур (шэърий роман, достон, баллада, масал, ода), тарихий-бадиий тур (очерк, репортаж, кундалик)ни ва сатирани қўшади» (Л. Тимофеев, 320—368 бетлар).

Ўзбек назариётчиларидан А. Фитрат уч турни — лирика, ривоя, томоша (Фитрат, 91 б.) деб юритса, И. Султон В. Белинский фикрини қўллаб-қувватлайди. Н. Шукров, Т. Бобоевлар дарслик ва қўлланмаларида «лиро-эпик тур»ни ҳам яшашга қодирлиги ҳақида гапирадилар.

Турлар тарихининг қисқача обзоридан ҳам маълум булаяптики, бу муаммоларнинг ҳамма қирралари: турларда сузнинг вазифаси, вақт нуқтаи назаридан фарқи, турларда муаллиф, персонаж ва китобхоннинг алоқаси ҳамон ечилиган эмас. Лекин уларга таянган ҳолда турлар ҳақида асосий қонуниятларни умумлаштиrsa булади.

В. Белинский юқорида номи келтирилган асарида ёзади:

«1. Поэзия идеяниң маъносини ташқи қўринишда ифодалайди ва маънавий дунёсини бутунлай аниқ, пластик образларда уюштиради. Бунда ҳамма ички маъно ташқи қўринишга чуқур сингиб кетади ва бу икки томон — ички ва ташқи томонлар бир-биридан айрим ҳолда кўзга қўринмайди, аммо бевосита жам ҳолда олгандা улар аниқ, ўз қобигига ўзи бурканган реаликни — **воқеани** гавдалантиради. Бунда шоир кўзга қўринмайди; пластик муайян дунё ўз-ўзидан тараққий этади, шоир эса ўз-ўзидан вужудга келган ҳодисанинг гўё оддий бир ҳикоячисигина бўлиб қолади. Бу **эпик** поэзиядир.

II. Ҳар бир ташқи ҳодисадан аввал тилак, орзу, ният, хуллас фикр туғилади; ҳар бир ташқи ҳодиса ички, яширин кучларнинг фаолияти натижасидир: поэзия **воқеанинг** мана шу иккинчи ички томонига, бу

<sup>1</sup> В. Белинский. Таъланган асаллар, Тошкент, Ўздавнашр, 1955, 131—213 бет.

кучларнинг ич-ичига кириб борадики, ташқи реаллик, воқеа ва хатти-ҳаракат ана шу кучлардан ўсиб чиққандир; бунда поэзия янги қарама-қарши бир турда на-моён булади. Бу субъективлик салтанатидир; бу ички дунёдир, ўз ичида қолувчи ва ташқарига чиқмайдиган ташаббуслар дунёсидир. Бунда поэзия ички дунё элементида, сезувчи ва фикрловчи хаёл доирасида қолади; бунда руҳ ташқи реалликдан ўтиб, ўз ичида ўзи яширинади ва ташқи дунёни ўзида акс эттирган ички ҳаётининг мислсиз жило ва жилваларини поэзияга ҳадя этади. Бунда шоирнинг шахсияти биринчи планда на-моён булади, биз ҳамма нарсани фақат ва фақат у орқалигина қабул этамиз ва англаймиз. Бу *лирик* поэзиядир.

III. Ниҳоят, бу икки тур (жинс) ажralmas бир бутун бўлиб қўшоқлашади: ички ҳодиса ўз ичида қолишдан тұхтайди ва ташқарига чиқади, хатти-ҳаракатда ўзини кўрсатади; ички, идеал (субъектив) ҳодиса ташқи реал (объектив) ҳодиса бўлиб қолади. Эпик поэзияда бўлгани каби, бунда ҳам турли субъектив ва объектив кучлардан чиқиб келувчи белгили, реал хатти-ҳаракат ривожланади; лекин бу хатти-ҳаракат энди соф ташқи характерга эга бўлмайди. Бунда хатти-ҳаракат — воқеа бизга бирданига ва тамом тайёр бўлиб қолган ҳолда кўринмайди, биздан яширган самардор кучлардан чиқкан, ўз ичида эркин бир доира чизган ва кейин ўз ичида таскин топган воқеа сифатида кўринмайди, йўқ, бу ерда биз хатти-ҳаракатнинг индивидуал иродалар ва характеристлардан бошланиш, келиб чиқиши процессининг ўзини кўрамиз. Бошқа томондан олганда, бу характер ўз ичида бекиниб қолмайди, балки узлуксиз равища ошкор бўла боради ва ўз руҳининг ички мазмунини амалий манфаат-интилишда очади. Бу поэзиянинг олий тури ва санъатнинг тожидир, бу *драматик* поэзиядир» (В. Белинский, 134—135-бетлар).

Демак, эпик поэзия (эпик тур) дунёнинг объектив томонини, лирик поэзия(лирик тур) дунёнинг субъектив томонини акс эттиради. Драматик поэзия (драматик тур) дунёнинг объектив ва субъектив томонини бирлаштириб, шахс ҳаракати орқали тасвирлайди, яъни у «хатти-ҳаракат билан кўрсатиладиган ва изтироб билан инсон руҳини покловчи муҳим ва тугал воқеа тасвиридир» (Аристотель, 16-бет).

Турлар Аристотель айтганидек, баён услуби билан ҳам, ҳажми билан ҳам фарқланадилар. Эпопея вақт жиҳатдан чекланмаган, драма — майян вақтга (дастлабки вақтларда бир кунлик, ҳозирги замонда 2—4 соатта) мулжалланган бўлади. Эпосда муаллиф нутқи ҳамма воқеаларни бошқарувчи «қўмондон» бўлса, драмада муаллиф нутқи (ремаркаларни ҳисобга олмасак) ишлатилмайди. Лирикада муаллиф нутқи — лирик қаҳрамонни монологидан иборатdir.

Жан Полнинг тушунчасида, лирика — бугунни, эпика — ўтмишни, драма — келажакни тасвирлайди (Қаранг: Г. Маркевич, 475-бет). И. Султон ўтмиш адабиётшуносларга таянган ҳолда «Эпик асарда (масалан, роман, повесть, ҳикояда) тавсирланган ҳаёт — бўлиб ўтган воқеалар таассуротини қолдиради. Драмада эса ҳатто узоқ ўтмишдан олинган ҳаётий манзаралар ҳам бизнинг кўз олдимизда ҳозир бўлиб ўтётган воқеалардек намоён бўлади. Лирик асар эса ... инсоннинг оний ҳиссиётини ҳозиргина бўлиб ўтгандек, бутун ҳарорати билан тасвир этади» (И. Султон, 231-бет), деб таъкидлайди.

Юқорида қайд этилган аломатлар турларнинг фарқини кўрсатса-да, моҳиятини очиб бера олмайдилар. Уларнинг энг катта фарқли хусусиятларини (Гегель, Гёте, Белинский, И. Султон) ҳар бир турнинг предмети очиб беришини тайин этадилар: эпосники — воқеа, лириканики — руҳий кечинма, драманики ҳаракатdir. «Эпосдаги қаҳрамон — воқеа, драманинг қаҳрамони — инсон шахси» (В. Белинский, 143-бет), лириканинг қаҳрамони инсоннинг ички сезиглариdir.

Ушбу мулоҳазаларни асос қилиб олсак, ундан шундай холоса чиқади: агар адабиётни чинор дея тасаввур қилисак, бу чинорнинг учта (эпик, лирик, драматик) шохи бор, яъни учала шох ҳам бир танадан; учаласининг ривожи ҳам, тириклиги ҳам ана шу танага ва бир-бирига боғлиқдир.

Бундан кўринадики, ҳар бир турнинг ўзига хос хусусиятлари (предметлари) бўлишидан қатъи назар, асоси бўлиши мумкин бўлган ҳаётни қайта жонлантириш экан, демак, улар бир-бирларидан кескин чегаралар билан ажралмайдилар, балки кўпинча бир-бирларига аралашиш, қуралашиш, ўзаро таъсир кўрсатиб, таъсирланиб яшайдилар. Шунинг учун ҳам «Ўткан кунлар»да драмага хос бўлган кескин тўқнашувларни (масалан, Отабекнинг Ҳомид, Содик, Муталлар билан ҳаёт-ма-

## *Tұрт инчи бүлім*

### **ТУР ВА ЖАНРЛАР**

#### **I. Тур ва жанрларнинг хусусиятлари**

**Таянч сүз ва иборалар:** Эпос. Лирика. Драма. Воқеа. Кечинма. Ҳаракат. Турларнинг фарқлари. Турнинг жанрий хусусиятлари.

Адабиёт ҳақидаги илм дунёга келгандан буён адабий асарларни эпос, лирика, драмага — уч турға бұлиб үрганиш қоидა туисига кирған.

Адабиётни ҳаётдан нұсха күчириш деб тушунған Аристотель «Поэтика» асарыда уни шундай асослайды: «.... асарлар яна акс эттириш усууллари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқланади. Зотан, бир хил нарсаны бир хил восита билан тасвирлаган ҳолда ё автор воқеаларга аралашмай ҳикоя қилиши ёки үзини Гомердай тутиши мүмкін. Ёки бутун ҳикоя давомида автор ўзлигича қолиши ёхуд барча акс эттирилувчи шахсларни гавдалантириши мүмкін.

**Нима билан, нимани ва қандай** акс эттириш усулидаги уч хил тафовут ана шулардан иборат.<sup>1</sup>

Инглиз танқидчиси Э. С. Даллас ҳам адабиётни уч асосий турға ажратади: пьеса, эртак ва қүшиқ. Унинг тушунчасида драма — бу иккінчи шахс ҳозирги замон, эпос — учинчи шахс, ўтган замон, лирика эса биринчи шахс, бирлик, келаси замон<sup>2</sup>.

XVIII асрға келиб Италия, Олмония ва Францияда ҳам турлар тушунчаси тасдиғини топади. Жумладан, Гётенинг ёзищика, поэзиянинг уч хил табиий шакли мавжуд: очиқ ҳикоя қилувчи шакл — эпопея, кечинмани ҳаяжонли тасвирловчи шакл — лирика, шахс ҳаракатини ифодаловчи шакл — драма<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Аристотель. Поэтика, Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъет национальности, 1980, 10-бет.

<sup>2</sup> Р. Уэллек, О. Уоррен. Теория литературы. Москва, 1978, стр. 245.

<sup>3</sup> Г. Маркевич. Основные проблемы науки о литературе, М., 1980, стр. 170.

Рус танқидчиси В. Г. Белинский ҳам ўзининг «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» асарида<sup>1</sup> адабиётни эпик, лирик, драматик поэзияга — уч турга ажратади ва ҳар бирига хос хусусиятларни, айни пайтда, бир-бири билан таққослаш орқали чуқур маъноларини очади.

XX асрга келиб рус назариётчиси Л. Тимофеев уч турга «лиро-эпик тур (шёрий роман, достон, баллада, масал, ода), тарихий-бадиий тур (очерк, репортаж, кундалик)ни ва сатирани қўшади» (Л. Тимофеев, 320—368 бетлар).

Ўзбек назариётчиларидан А. Фитрат уч турни — лирика, ривоя, томоша (Фитрат, 91 б.) деб юритса, И. Султон В. Белинский фикрини қўллаб-қувватлайди. Н. Шукров, Т. Бобоевлар дарслик ва қўлланмаларида «лиро-эпик тур»ни ҳам яшашга қодирлиги ҳақида гапирадилар.

Турлар тарихининг қисқача обзоридан ҳам маълум бўлаяптики, бу муаммоларнинг ҳамма қирралари: турларда сўзнинг вазифаси, вақт нуқтаи назаридан фарқи, турларда муаллиф, персонаж ва китобхоннинг алоқаси ҳамон ечилган эмас. Лекин уларга таянган ҳолда турлар ҳақида асосий қонуниятларни умумлаштиру ёлади.

В. Белинский юқорида номи келтирилган асарида ёзади:

«1. Поэзия идеяни маъносини ташқи кўринишда ифодалайди ва маънавий дунёсини бутунлай аниқ, пластик образларда уюштиради. Бунда ҳамма ички маъно ташқи кўринишга чуқур сингиб кетади ва бу икки томон — ички ва ташқи томонлар бир-биридан айрим ҳолда кузга кўринмайди, аммо бевосита жам ҳолда олганда улар аниқ, ўз қобиғига ўзи бурканган реаликни — **воқеани** гавдалантиради. Бунда шоир кўзга кўринмайди; пластик муайян дунё ўз-ўзидан тарақкий этади, шоир эса ўз-ўзидан вужудга келган ҳодисанинг гўё оддий бир ҳикоячисигина бўлиб қолади. Бу **эпик** поэзиядир.

II. Ҳар бир ташқи ҳодисадан аввал тилак, орзу, ният, хуллас фикр туғилади; ҳар бир ташқи ҳодиса ички, яширин кучларнинг фаолияти натижасидир: поэзия **воқеанинг** мана шу иккинчи ички томонига, бу

<sup>1</sup> В. Белинский. Танланган асарлар, Тошкент, Ўздавнашр, 1955, 131—213 бет.

кучларнинг ич-ичига кириб борадики, ташқи реаллик, воқеа ва хатти-ҳаракат ана шу кучлардан ўсиб чиққандир; бунда поэзия янги қарама-қарши бир турда намоён бўлади. Бу субъективлик салтанатидир; бу ички дунёдир, ўз ичида қолувчи ва ташқарига чиқмайдиган ташаббуслар дунёсидир. Бунда поэзия ички дунё элементида, сезувчи ва фикрловчи хаёл доирасида қолади; бунда руҳ ташқи реалликдан ўтиб, ўз ичида ўзи яширинади ва ташқи дунёни ўзида акс эттирган ички ҳаётининг мислсиз жило ва жилваларини поэзияга ҳадя этади. Бунда шоирнинг шахсияти биринчи планда намоён бўлади, биз ҳамма нарсани фақат ва фақат у орқалигина қабул этамиз ва англаймиз. Бу *лирик* поэзиядир.

III. Ниҳоят, бу икки тур (жинс) ажралмас бир бутун бўлиб қўшоқлашади: ички ҳодиса ўз ичида қолишдан тўхтайди ва ташқарига чиқади, хатти-ҳаракатда ўзини кўрсатади; ички, идеал (субъектив) ҳодиса ташқи реал (объектив) ҳодиса бўлиб қолади. Эпик поэзияда бўлгани каби, бунда ҳам турли субъектив ва объектив кучлардан чиқиб келувчи белгили, реал хатти-ҳаракат ривожланади; лекин бу хатти-ҳаракат энди соғ ташқи характерга эга бўлмайди. Бунда хатти-ҳаракат — воқеа бизга бирданига ва тамом тайёр бўлиб қолган ҳолда кўринмайди, биздан яширинган самара-дор кучлардан чиқсан, ўз ичида эркин бир доира чизган ва кейин ўз ичида таскин топган воқеа сифатида кўринмайди, йўқ, бу ерда биз хатти-ҳаракатнинг индивидуал иродалар ва характерлардан бошланиш, келиб чиқиши процессининг ўзини кўрамиз. Бошқа томондан олганда, бу характер ўз ичида бекиниб қолмайди, балки узлуксиз равишда ошкор бўла боради ва ўз руҳининг ички мазмунини амалий манфаат-интилишда очади. Бу поэзиянинг олий тури ва санъатнинг тожидир, бу *драматик* поэзиядир» (В. Белинский, 134—135-бетлар).

Демак, эпик поэзия (эпик тур) дунёнинг объектив томонини, лирик поэзия(лирик тур) дунёнинг субъектив томонини акс эттиради. Драматик поэзия (драматик тур) дунёнинг объектив ва субъектив томонини бирлаштириб, шахс ҳаракати орқали тасвирлайди, яъни у «хатти-ҳаракат билан кўрсатиладиган ва изтироб билан инсон руҳини покловчи муҳим ва тугал воқеа тасвиридир» (Аристотель, 16-бет).

Турлар Аристотель айтганидек, баён услуби билан ҳам, ҳажми билан ҳам фарқланадилар. Эпопея вақт жиҳатдан чекланмаган, драма — муайян вақтга (дастлабки вақтларда бир кунлик, ҳозирги замонда 2—4 соатга) мүлжалланган бўлади. Эпосда муаллиф нутқи ҳамма воқеаларни бошқарувчи «қўмондон» бўлса, драмада муаллиф нутқи (ремаркаларни ҳисобга олмасак) ишлатилмайди. Лирикада муаллиф нутқи — лирик қаҳрамонни монологидан иборатdir.

Жан Полнинг тушунчасида, лирика — бугунни, эпика — ўтмишни, драма — келажакни тасвирлайди (Қаранг: Г. Маркевич, 475-бет). И. Султон ўтмиш адабиётшуносларга таянган ҳолда «Эпик асарда (масалан, роман, повесть, ҳикояда) тавсирланган ҳаёт — бўлиб ўтган воқеалар таассуротини қолдиради. Драмада эса ҳатто узоқ ўтмишдан олинган ҳаётий манзаралар ҳам бизнинг кўз олдимизда ҳозир бўлиб ўтаётган воқеалардек намоён бўлади. Лирик асар эса ... инсоннинг оний ҳиссиётини ҳозиргина булиб ўтгандек, бутун ҳарорати билан тасвир этади» (И. Султон, 231-бет), деб таъкидлайди.

Юқорида қайд этилган аломатлар турларнинг фарқини кўрсатса-да, моҳиятини очиб бера олмайдилар. Уларнинг энг катта фарқли хусусиятларини (Гегель, Гёте, Белинский, И. Султон) ҳар бир турнинг предмети очиб беришини тайин этадилар: эпосники — воқеа, лириканики — руҳий кечинма, драманики ҳаракатdir. «Эпосдаги қаҳрамон — воқеа, драманинг қаҳрамони — инсон шахси» (В. Белинский, 143-бет), лириканинг қаҳрамони инсоннинг ички сезгилариdir.

Ушбу мулоҳазаларни асос қилиб олсак, ундан шундай хулоса чиқади: агар адабиётни чинор дея тасаввур қилсак, бу чинорнинг учта (эпик, лирик, драматик) шоҳи бор, яъни учала шоҳ ҳам бир танадан; учаласининг ривожи ҳам, тириклиги ҳам ана шу танага ва бир-бирига боғлиқдир.

Бундан кўринадики, ҳар бир турнинг ўзига хос хусусиятлари (предметлари) булишидан қатъи назар, асоси булиши мумкин бўлган ҳаётни қайта жонлантириш экан, демак, улар бир-бирларидан кескин чегаралар билан ажралмайдилар, балки кўпинча бир-бирларига аралашиб, қуралашиб, ўзаро таъсир кўрсатиб, таъсирланиб яшайдилар. Шунинг учун ҳам «Ўткан кунлар»да драмага хос бўлган кескин тўқнашувларни (масалан, Отабекнинг Ҳомид, Содик, Муталлар билан ҳаёт-ма-

мот олишувини эсланг), лирикага хос ички кечинмаларни (масалан, «Наво» куйи ва Отабекнинг қалб изтиробларини кўз олдингизга келтиринг) яққол кўрамиз. «Ўткан кунлар» эпоси ўз ичига драма ва лириканинг унсурларини киритганда, «эпик асар ўз мумтозлигини йўқотмайди, балки бундан ютади» (Бунинг исботи ушбу тадқиқотнинг «Бадиий маҳорат» қисмида келтирилган). Худди шу қоида лирикага ҳам, драмага ҳам тегишилидир.

Фақат эпосда кечинма (лирика), шахс (драма) устидан воқеа ҳукмронлик қилади. Драмада эса... воқеа (эпос), кечинма (лирика) устидан «инсон ҳукмронлик қилади, инсон ўз иродаси билан воқеани истаганча якунлайди, унга истаганича хотима беради» (В. Белинский, 144-бет).

Шу сабаб бугунги кунда «лиро-эпик тур»ни, бошқа турларни ҳам ихтиро этиш асоссиз, чунки уларнинг «ўзларигагина» тегишли бўлган — предметлари йўқ. Шунинг учун ҳам В. Белинский «Поэзиянинг ҳамма турлари... фақат учта, бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас» (В. Белинский, 207-бет), дейди.

Ҳар бир асар ўзининг ташки (ҳажми, баён усули, қурилиши) ва ички (кайфияти, муносабати, нияти, яъни ўзининг мавзуси, ҳаёт ҳодисаларини қамраш кўлами) кўриниши жиҳатидан фарқланади. Ана шу тарзда уюшган асарлар гуруҳини жанр деб юритиш мумкин. Жанр адабиётлар тараққиёти жараёнида истеъмолдан чиқиб кетиши (муаммо жанрига ўхшаб), бойиб бориши (роман жанри каби) мумкин; анъанавий жанрларининг бирлашувидан янги жанрлар (масалан, трагикомедия жанри) туғилиши ҳам табиийdir.

Агар биз адабий турларни адабиёт (чинор)нинг учта хили (шохи)га ўҳшатсак, жанрлар ана шу хиллар (шохлар)нинг аниқ шакли (бutoқлари)дир. Яъни эпик турнинг «бutoқлари» роман, повесть, ҳикоя, очерк кабилардир. Айни пайтда, бutoқларнинг майдароқ бўлакчалари ҳам бўлади, яъни роман жанрининг тарихий роман, замонавий роман ва ҳоказо шакллари каби.

Хуллас, тур ва жанрлар — инсон ҳаётини турли тарзда, турлича акс эттирувчи унсурлар бўлиб, улар битта асосга бўйсунадилар: бўлиши мумкин бўлган ҳаёт (инсон)нинг бадиий моделини яратадилар.

## II. Эпос

*Таянч сүз ва иборалар:* Эпос. Эпос мавзуси. Воқеа — тақдир иродаси. Эпоснинг қонунйилиги. Халқчиллиги. Объективлик. Құламдорлик. «Маҳобҳорат». Янги давр эпосы. Роман «Үткан күнлар».

В. Белинский таъбирича, «Эпос халқнинг эндиғина уйғонған онгининг поэзия соҳасида биринчи пишган мевасидир. Эпопея халқнинг фақат гүдаклик даврларидә, унинг ҳаёти ҳали икки қарши томонга — поэзия ва прозага ажратилмаган чоғда, халқнинг тарихи фақат афсона бўлган замонда, дунё ҳақида унинг тушунчалари фақат диний тасаввурлардан иборат бўлганда, унинг куч-қудрати ва тоза фаолияти фақат галабаларида кўринган замонлардагина пайдо бўлиши мумкин» (В. Белинский, 167-бет).

Эпосда халқнинг тақдирига таъсир кўрсатган буюк тарихий воқеалар — тасвиirlантгани учун унинг бош қаҳрамони тарихдир. Шу сабаб унда халқ тақдирни ҳам, алоҳида шахс тақдирни ҳам дунёвий аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеага боғлиқ бўлади, ана шу тарихий воқеа уларни юргизиб турғизади, тақдирини ҳал этади.

Бундан кўринадики, эпосда одам эмас, воқеа хукмронлик қиласди. Воқеа — «табиатнинг үзгинаси» — тарзида, «**тақдирнинг** иродаси» бўлиб намоён бўлади. Уни инсон үзгартира олмайди, балки у инсонни үзининг иродасига бўйсндиради. «Одамлар қўрқадиган ва худоларнинг үzlари ҳам сўзсиз бўйсунадиган («Маҳобҳорат» ва «Рамаяна»ни эсланг — X.У.) бу «тақдир» нима? Бу грекларнинг тушунчасидирким, биз янгилар, уни онгли зарурият, воқелик қонунлари, сабаблар билан натижалар ўртасидаги нисбат, хуллас, **обекти́в ҳаракат** деб атаемиз, у ўсади ва ўз онгининг ички қуввати орқасида ҳаракатга келади, буг машинаси каби юради, у тўхтамасдан, йўлдан тоймасдан боради, унга одам учраса, янчиб кетиши мумкин, метин тоғ учраса, ўзи парчаланиб кетиши мумкин» (В. Белинский, 146-бет). Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея»си, ҳиндларнинг «Маҳобҳорат» ва «Рамаяна»си, қирғизларнинг «Манас»и, арманларнинг «Сосунли Довуд»и, ӯзимизнинг «Алпомищ»имиз, озарбайжонларнинг «Кўр ўғли»си юқоридаги мулоҳазаларнинг исботидир.

«Маҳобҳорат»да Маҳобҳората ёки Баҳаратга авлод-

лари жангномаси тасвириланади. Инсонпарварлик, элпарварлик, Адолат ва ҳақ билан одамкушлик, кибр, зулм, ҳақсизлик ўртасидаги кураш — «Даҳшатли олов сингари ловуллаб, океанинг у қирғоғидан бу қирғоғигача бўлган қанча-қанча элларни уз домига тортган, қанча-қанча қурбонлар ютган мислсиз жанг ҳақида»<sup>1</sup> ҳикоя қиласди.

Эпос қомусий характерга эга. Улкан «Маҳобҳорат»да ҳинд халқи тарихига оид қарийб минг йиллик факт ва воқеалар, қушни мамлакатлардаги қабила ва халқлар хусусидаги маълумотлар, кўплаб афсона ва риво-ятлар, эпик, дидактик, диний достонларнинг қадимиюючий сюжети ва мотивлари, қонун ва давлат низолари, олтита фалсафий таълимот, олтита диний система ва мафкура жамулжам этилган. Кўшимча лавҳалар «Маҳобҳорат»нинг қарийб ярмини ташкил этади.

Бизга маълум «Маҳобҳорат» 100 минг шлок (парча)дан иборат. Бироқ «Маҳобҳорат»нинг миллион шлокли нусхаси ҳам мавжуд бўлган. «Мана» эпосининг Караплаев варианти 460 минг шлокни ўз ичига олади<sup>2</sup> — дейди эпос билимдони Эрик Абдуллаевич Каримов.

Эпосда ҳаёт ботирлик ва қаҳрамонликда воқе бўлади. Жанг, қирғинбарот уруш, аёвсиз олишувлар асосига қурилган «Маҳобҳорат»да Юдхиштхира, Аржуна, күёш ўғли Карна, золим Дурудхуна, подшо Кришна, мингта филнинг кучига эга бўлган Бҳимасена, моҳир жангчи Саҳадева, худо Шива, осмон ҳукмдори Индра каби юзлаб қаҳрамонлар ўзларини намоён этадилар, ҳинд халқининг орзу-армонларини, яхшилигу ҳақиқатини, улуғворлиги-ю гўзаллигини, мардлигу олийжаноблигини, шуҳрату таназзулини — миллий руҳининг бутун жозибасини тұла-тұқис курсатадилар.

«Шундай қилиб эпопеянинг мазмунини ўз ҳаётининг индивидуал манбаларидан ҳали айрилмаган халқнинг ҳаёт моҳияти, субстанция кучлари, вазияти, турмуши ташкил қилиши керак. Шунинг учун эпик достоннинг асосий шартларидан бири унинг халқчиллигидир: шоирнинг ўзи ҳам воқеага ўз халқининг кўзлари билан қарайди, воқеадан ўз шахсини айрмайди. Лекин эпопея юқори даражада миллий бўлиши билан баравар у, айни вақтда, бадиий асар бўлиши учун индивидуал халқ ҳаётининг формаси, ўз ичига умуминсоний, жа-

<sup>1</sup> Маҳобҳорат. Т., «Ёзувчи», 1995, 3-бет.

<sup>2</sup> Карапан: Адабиёт назарияси, Т., «Фан», 1979, II том, 206-бет.

ҳон аҳамиятига эга бўлган мазмунни олиши керак» (В. Белинский, 172-бет). Дарвоқе, ҳиндларнинг «Маҳобҳорат»ида ана шундай. Унинг ҳар бир парчасида ҳиндларнинг индивидуал ҳаёти ва бу ҳайётнинг умуминсоний мазмuni чуқур очилгандир. Жумладан, Пандавларнинг энг охиргиси, жанг қилишга моҳир Саҳадева шундай дейди:

«—Бутун жаҳоннинг эгаси бўлган, лекин боболаримиз томонидан белгиланган қонунларни унугтан подшонинг умри, умр эмас. Ҳаётини ўз фуқароларига бағишлаган подшогина ҳамиша кишиларнинг қалбida яшайди. Ахир, донишмандлар айтган-ку:

*Ҳеч ким ҳам девор билан ажralганмас оламдан,  
Вујудингга тутишdir тегрангдаги шу хилқат.  
Яхшилик қил ҳаммага, қайтади ўзингга ҳам,  
Ўз жонингни асрайсан, ҳалқни асрасанг фақат»*

(*Маҳобҳорат*, 164-бет.)

Биргина мана шу мулоҳазаларнинг ўзиёқ жаҳоний мазмуни билан, сабоги билан инсониятнинг мулкига айланганки, демак, «Маҳобҳорат» инсониятга тегишлидир, ҳамма замонларга, ҳамма ҳалқларга, ҳамма жамиятларга яқиндир, зарурдир.

Эпос ўзида мифлар, эртаклар, ривоятлар, масаллар, афсоналар, достонлар, балладалар, фалакиёт ва илоҳиёт ҳақидаги қиссалар каби жанрларни бирлаштиради. Шарқ мумтоз адабиётидаги турли «нома»лар — саёҳатнома, муҳаббатнома, сафарнома, «Хамса»лар, ҳикматли сўзлар, латифалар, чўпчаклар, марсиялар, йиги, мадҳиялар, маталлар, афоризмлар ҳам эпоснинг мулки, хазинаси саналади.

Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида биргина достон таснифининг ўзиёқ, эпос жанрлари ва куринишларини кўп қирралигини исботлай олади:

1. Қаҳрамонлик достонлари («Гурӯғли», «Алпомиш»);
2. Жангномалар («Юсуф ва Аҳмад», «Алибек ва Болибек»);
3. Тарихий достонлар («Шайбонийнома», «Жиззах қўзғолони»);
4. Ишқий-романтик достонлар («Маликаи айёр», «Рустамхон»);
5. Китобий достонлар («Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зухра»);

Күринадики, достонларнинг кўп кўринишлари ҳам эпосга мансуб, улар хилма-хил бўлса-да, барибир эпик ниятнинг ягона концепциясига боғланадилар.

Юқоридаги фикрларимизни якунлайдиган бўлсак, қадимги эпосда «тақдир иродаси» ҳукмронлик қиласди, жаҳон тақдирини ҳал қиливчи жанглар тасвириланади, қаҳрамонликлар воқе бўлади. Халқчиллик, миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятлари бўртиб кўринади ва ш.к.

Даврларнинг ўзгариши — эпосни ҳам янгилайди, қадимги эпосда олам — кенг кўламда, катта ҳажмда акс эттирилган бўлса, ҳозирги замон эпосида олам — миниатюра шаклида (томчиди қуёш акс этганидек) тасвирини топа бошлади. Шунинг учун В. Белинский «роман — бу миниатюрадаги олам» деганди. Бу И. Султон ёзганидек, реалистик ижодий методнинг туғилиши ҳамда тантанаси билан боғлиқдир.

Янги эпосда **объективлик** ва **кўламдорлик** хислати ортади. Ҳаққонийлик олий даражага кўтарилади. Воқеабандлик сақлангани ҳолда, инсоннинг хатти-ҳаракати «тақдир иродаси»га эмас, балки реал (типик) шароитнинг таъсири билан ўлчанади. Шу ҳисобга афсоналар, мифологиялар, тасаввур этиб бўлмайдиган муболагдорлик ўрнини ҳаётнинг моҳиятини очиб берувчи реалликлар, асослар, ростгўйлик, ҳаққонийлик эгаллайди.

Қадимги ва янги эпоснинг хусусиятларини бир нафас тасаввур этиш учун иккита **мисол**. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг XXXI боби сарлавҳаси шундай:

«Фарҳоднинг тешаси тошни пора-пора қилмоқ билан тоғ бағрига ковков солғон садони Ширин эшигтони ва қуёш тоғдин тулуъ қилғондек, ул куҳи бало сарвақтиға етгони ва аниңг метини ламъасининг барқи мунинг хородек кўнглиға асар этгони ва қуёш тупроққа нур сочғондек, ул ҳокийга меҳр зоҳир қилғоч, аниңг тупроғдоғиларидек ўзидин кетгони ва умри қўёши бошига келгач, аниңг ҳаёти шамъи учғонига Шопурнинг шамъдек куюб, йиғлаб бошига ўт чиқарғони ва ўлукни маҳдфа солғандек, ул қуёш они тупроқдин кутариб, биҳишт осо манзилга олиб борғони».

А. Қодирий «Ўткан кунлар» романининг II боби сарлавҳаси шундай: «Хон қизига лойиқ бир йигит».

Бундан шундай холоса қилиш мумкин: Қадимги

эпосни — океан (уммон)га қиёсласак (унинг түлқинлари шиддатини бир тасаввур қилинг-а), ҳозирги эпос дарёга тенгdir. Ҳозирги эпоснинг энт катта жанри «роман кичрайтирилган олам» (Н. Салтиков-Шчедрин) дея таърифланди. Уммон ҳам, дарё ҳам булиши мумкин бўлган оламни кашф этади. Фақат иккаласининг тасвир доираси, кўлами, қаҳрамонлари икки хил. Бирида романтизм барқ урса, иккинчисида реализм курдати намоён бўлади.

«Янги давр эпоси» (В. Белинский) — роман, повесть, қисса, ҳикоя, эссе, эртак, новелла, очерк, фельетон каби жанрлардан иборат. Шеърий роман, поэма, достон, баллада, масал ҳам аслида шу эпоснинг «томорқаси»га киради, чунки уларда ҳам воқеабандлик — сюжетлилик яққол кузга ташланади.

«Замонамизнинг эпопеяси романdir. Эпоснинг ҳамма асоси, муҳим хусусиятлари романда бордир, фақат айирмаси шундаки, романда бошқа элементлар, бошқа манзара ҳукм суради. Бунда қаҳрамонлик ҳаётининг афсонавий ўлчовлари, қаҳрамонларнинг азамат сиймолари йўқ, бунда худолар иштирок қилмайди: романда одатдаги, прозаик ҳаётнинг ҳодисалари идеаллаштирилади, умумий тип остига олинади... бунда одамнинг тақдири унинг жамиятига нисбатан муҳим бўлиб қолмасдан, балки инсониятга ҳам муҳимдир» (В. Белинский, 175-бет, таъкидлар бизники — **Х.У.**).

В. Белинский фикрларини давом эттириб, бадиий асар сифатида романнинг вазифаси — кундалик ҳаёт ва тарихий воқеаларнинг яширин қалбини, жонли гоясини очиш, тарқоқ воқеаларни руҳ ва ақл маскани қилиш эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу асосга таяниб, ёзади: «Роман бадиийлигининг даражаси асосий идеяning чуқурлигига ва айрим хусусиятларда у идеяни ташкил этган кучга боғлиқдир. Ўз вазифасини бажариш билан роман озод фантазиянинг меваси бўлган ҳамма бошқа асарлар қаторига ўтади, мана шу маънода роман оддий халқнинг зарур эҳтиёжларини таъмин этувчи юзаки беллитристик асарлардан қатъий равишда ажратилиши керак» (В. Белинский, 176-бет). Бу гояни чуқурлиги романга хос тафаккурнинг ҳаёт фалсафасини теран таҳлили билан ўлчанади.

Эпос тадқиқотчisi Э. Каримов Ги де Мопассан («Роман оламнинг фалсафий концепцияси асосида юзага келади») таърифида асосланиб, «Оламнинг яхлит

фалсафий концепцияси йўқ асар роман бўлолмайди»,<sup>1</sup> дейди ва давом этиб ёзади: «Роман — бу олам ва тарихга, жамият ва башариятга, унинг муаммо ва ташвишларига, уруш ва сулҳарига, сиёсий ва синфий жанг-жадалларига, қўзғолон ва инқилобларига, улкан ва кичик воқеаларига очик қаратилган адабий-бадиий система, иирик бадиий шакл. Фақат роман эмас, романда тасвирланган бош қаҳрамон ҳам унинг қалб ва фикри оламга, коинотга қаратилган»<sup>2</sup>

Професор С. Мирзаевнинг «Ўзбек романчилиги» қўлланмасидаги ўзбек романларининг хронологик кўрсаткичига таянсак, унда 1999 йилгача 219 та ўзбек романни яратилганига шоҳид бўламиз. Агар уларга кейинги ўн йилликлар ҳам кўшилса, ўртача 300 га яқин роман яратилган. Демак, 1922 йилда А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидан бошланган бу жараён изчил давом этмоқда. Лекин яратилган ҳамма романлар ҳам роман жанрининг талабларига жавоб бера олмайди; уларнинг жудаям кўпчилигига ҳаётни юзаки тасвирлаш оқибатида («Яшил бойлик» — С. Назар, «Зиёд ва Адиба» — Мирмуҳсин, «Шинелли йиллар» — Шухрат, «Оқсой» — С. Анорбоев, «Одам қандай тобланди» — И. Раҳим, «Бинафша атри» — Ҳ. Ғулом, «Жимжитлик» — С. Аҳмад) асосий тоғоя чукур очилмайди, жамият ва инсон олами фалсафаси талқини талаб даражасида кўзга ташланмайди.

Кўпчилик («Душман», «Илон кучи», «Вафо», «Чиникиш», «Қизил Бухоро», «Машраб», «Жаннат куши», «Оқибат» сингари) романлар номукаммал, воқеалар ривожи суст, улар марказий ўққа (тояга) бирлаша олмайдилар, тарқоқликларича қолаверадилар. Қаҳрамонлардаги одамий туйгу, хислатлар тасвири ўрнини сиёсий қарашлар, сохта тоялар, ясама олди-қочдилар эгаллайди.

«Оламнинг яхлит фалсафий концепцияси» «Ўткан кунлар» (А. Қодирий), «Сароб» (А. Қаҳҳор), «Кутлуг қон», «Навоий» (Ойбек), «Юлдузли тунлар» (П. Қодиров), «Улуғбек хазинаси» (О. Ёкубов), «Гирдоб» (Ў. Усмонов), «Лолазор» (Мурод Муҳаммад Дўст), «Отамдан қолган далалар» (Тогай Мурод) каби саноқли романлардагина аксини топган. Дарвоҷе, «Шарқ» нашриёти

<sup>1</sup> Қаранг: Адабий тур ва жанрлар, Т., «Фан», 1991, I том, 18-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Шу асар, 19-бет.

«XX аср ўзбек романни» туркумида шуларга ўхшаш 17 та романни энг сара ва мукаммал асар деб топган ва нашр этишга қарор қылгани ҳам бежиз эмас. Уларда олам бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан тасвир этилган, ҳаёт оқимининг ички қонун-қоидалари, инсоннинг моҳияти, қалб тебранишлари кашф қилинган.

Асл романлар ичидаги бирламчи ўрин ҳамон шу мактабнинг асосчиси бўлган Абдулла Қодирийга, унинг «Ўткан кунлар»ига тегишилдири. Туғилганиданоқ жаҳонаро умрбоқий романлар қаторидан ўрин олган бу асар — ўзбек романчилик мактабининг (фаранг, рус, инглиз, олмон, ҳинд мактабларидан кейинги олтинчи мактабни А. Қодирий яратиб берди, деганди Е. Бертельс) такомиллашиб жараёнига бадиий нур бериб келмоқда

Романларни сиёсий, тарихий-биографик, ижтимоий-психологик, фантастик, тарихий-саргузашт, ижтимоий-маиший, роман-монолог каби хилларга бўлиш (С. Мирзаев, 13—14-бет) ўзини оқламайди. Чунки бунда жанр тушунчасидан чекинилади, яъни адабиёт қонунларига таянмасдан, мавзуига, ундаги пафоснинг кўринишига қараб социология нуқтаи назаридан умумлаштирилади. Унга асослансанак, роман хилларини истаганча давом эттириш мумкин: Ўқитувчилар ҳақида роман, тадбиркорлар ҳақида роман, ижтимоий-кулгули роман каби.

Холбуки, тарихий романнинг ўзига хос фарқланувчи хусусиятлари бор. Ўзбек адабий танқидида бу соҳада (С. Мирвалиев, Ў. Норматов, М. Кўшjonov, Н. Худойберганов ва ш.к.) баҳсларини таҳлил қилиб, профессор Акрам Каттабеков шундай хulosага келади: «Шундай қилиб энг яхши романларга хос хусусиятлар:

1. Асарнинг обьекти сифатида ҳалқ ва жамият ҳаётида энг муҳим саналган даврлар, воқеалар ва кўзга кўринган шахслар ҳаёти олиниши;

2. Тасвирланаётган давр ва ундаги воқеалар, тарихий шахсларга нисбатан ёзувчи илмий-эстетик концепциясининг бўртиб туриши лозимлиги, давр ижтимоий-сиёсий характеристикасини яратиш;

3. Ёзувчи билан тасвир обьекти ўртасида жамият тараққиётининг муҳим этаплари билан изоҳланувчи даврий масофани мавжуд бўлиши ва ниҳоят;

4. Тасвирланаётган воқеалар ва шахслар ҳаётининг

чукур бадиий тадқиқ этилиши, тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга ўсиб чиқиши шарт эканлиги кабилар бугунги кун романларини баҳолашда асосий мезон бўла олиши мумкин».<sup>1</sup>

Бу мулоҳазалардан иккита фикр («ёзувчи билан тасвир объекти ўртасидаги жамият тараққиётининг муҳим этаплари билан изоҳланувчи даврий масофанинг мавжуд бўлиши» ва «тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга ўсиб чиқиш шарти») дан бошқаси ҳамма романларга хос хислатдир. Зоро, «Тарихий асарнинг энг муҳим аломатларидан бири шуки, унда ўтмишга янги бир давр мафкураси, эстетик идеали, ахлоқий-маънавий талаблари нуқтаи назаридан баҳо берилиши лозим». Биз ҳам шундай фикрдамиз. В. Белинский асослаганидек, романнинг икки тури мавжуд: тарихий ва замонавий роман. Бошқаларини асоссиз ўйлаб чиқишига, ҳар бирига хос хусусиятни «кашф» этишига ҳожат бўлмаса керак.

### III. Лирика

*Таянч сўз ва иборалар: Лирика. Лирик кечимиша. Лирик қаҳрамон. Лирикада сюжет. Сўз. Лирика жанрлари.*

В. Белинский ёзганидек, «лирик асарнинг мазмуни объектив воқеанинг тараққиёти эмас, унинг мазмумуни — субъектнинг ўзи ва у орқали ўтган ҳамма нарсадир... кишини машғул этган, тўлқинлантирган, шодлатган, қайгуга солган, завқлантирган, тинчитган, ҳаяжонлантирган нима бўлса, қисқаси субъектнинг маънавий ҳаётини ташкил қилган ҳамма нарса, субъект ичига нима кирса, унда нима пайдо бўлса, шуларнинг барчасини лирика ўзининг қонуний бойлиги каби қабул қиласди» (В. Белинский, 184-бет).

Демак, лириканинг бош хислати субъективлик, шоир қалбидা юз берадиган кечинма, шу кечинма уйғотган сезгиларни воқе қилиш санъатидир.

Лирика — фикрдан туғилган сезги меваси — бир оний кайфиятнинг ҳосиласи бўлгани сабаб, «шоир руҳи бошқа кайфиятга бўйсинмасдан илгари қофозга кўчиши» шарт. Шунинг учун ҳам у қисқа, ларзадор бўлади. Лирик кечинманинг ўзи нима? Нималардан таркиб то-

<sup>1</sup> А. Каттабеков. Тарих сабоқлари, Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 280-бет.

пади? Моҳиятини нималар ташкил этади? Такомилига нималар етказади? Бу муҳим саволларга асосий жавобни топғанлардан бири Жамол Камолдир. У ёзади: «Ўлмас Навоийнинг

*Назмки, ҳам суврат эрур хуш анга,  
Зимнида маъни дилкаш анга, —*

мисраларида биз биринчи талқиннинг ёрқин намунасини кўрамиз. Шоиримиз айтмоқчи «назм зимни» (ичи, мағизи) даги «дилкаш маъни» таҳлил этаётганимиз лирик кечинманинг таркибини ташкил этади. Бу таркиб икки элемент — фикр ва ҳисдан иборат булиб, яхлит ҳолда эҳтиросли фикр ёки фикрий эҳтирос, деб аталади. Негаки, «назм зимни»даги «маъни» (фикр) «дилкаш» булишилиги учун у эҳтиросга ўраб берилиши керак.

Лирик кечинманинг таркибини ташкил этган фикр ва ҳис муносабатларини В. Белинский шундай талқин этади: «Шеъриятимизда фикр нима? Ушбу саволга қаноатланарли жавоб бермоқ учун ҳис нима, деган масалани ҳал қилиш зарур. Ҳиссиёт, ўзининг этиологияк маъносига кўра, танимиз, жисмимиз, қонимизга тегишли. Ҳис ва сезгиларнинг ўзаро тафовути шундаки, кейингиси танимизда бирор моддий жисм таъсирида кузғолган жисмоний сезги, биринчиси ҳам жисмоний, бироқ у фикрдан туғилган сезги. Шу сабабли ҳам қандайдир ҳисоб-китоб ёки куруқ мuloҳазалар билан машғул бўлган одам ҳиссиётдан тўлқинланиб, ларзага тушаркан, қулини кўкрагига кўйиб ёки юрагига маҳкам босиб олади. Чунки кўкрагида нафаси бўғилади, чунки кўкраги қисади ёки кенгаяди, ёнади ё совқотади, чунки юраги орзиқади, титрайди, депсиниб уради; шунинг учун ҳам у чекинади ва қалтирайди, қўлларини қутаради, бутун жонини бошдан оёқ қайноқ тер қоплади, соchlари тикка туриб кетади. Бинобарин, асар фикрчан, ҳиссиётдан маҳрум бўлиши мумкинлиги жуда тушунарли; бундай ҳолда ўша асарда поэзия бўлармикан? Аксинча, *асарда ҳис бор экан, фикр бўлиши мұқаррарлиги ҳам жуда тушунарли бир ҳол. Табиийки, ҳис теран бўлган жойда фикр ҳам теран бўлади ва аксинча...*

*Шоирнинг бошида туғилган фикр, айтиш мумкинки, унинг жисмига турткы бериб, ҳаяжоннга солади, қонига*

*ўт ёқиб, кўксида типирчила б уйюнади*<sup>1</sup> (В. Белинский).

Жамол Камол ана шу мулоҳазаларга таянган ҳолда, қуйидаги тўгри хulosага келади: «Лирик кечинмада фикр ва ҳиссиёт қоришиқ яшайди. Бугина эмас, улар бир-бирининг магиз-магизига шундай сингиб кетадики, ажратиб куришнинг иложи бўлмай қолади. Бу ажралмас бирлик — бутун лирик кечинманинг моҳиятини ташкил этади» (Жамол Камол, 13-бет).

Лирик кечинма (кечинма — образ)нинг хислатини ўзида жам қилган (Навоий бобомиз айтган «хос ҳол»— нодир кечинма, ҳолат ва «хос маъно» — сара, ўткир фикрнинг чатишувидан юзага келган) Муҳаммад Юсуфнинг «Бир куни» шеърини ўқийлик:

*Бир куни,  
Бир алвон  
Замон келади,  
Замин узра  
Омон-омон бўлади.*

*Ўн йилми  
Юз йилми ўтиб орадан,  
Урушлар  
Низолар кетиб орадан  
Тўплар  
Адиrlарда буғдои ўради,  
Танклар  
Далаларда пахта теради.*

*Миллатлар,  
Элатлар,  
Оқ тан, қора тан —  
Ҳаммаси  
Ҳазрати инсон бўлади.*

*Олам гулистон бўлади  
Бир куни...  
— Шоирлар-чи, бобо,  
Шоирлар нима бўлади?  
— Шоирларнинг шодлиқдан  
Юраклари ёрилиб ўлади!*

<sup>1</sup> Карапан г: Ж. Камол. Лирик шеърият. Т., «Фан», 1986, 11—12-бетлар.

Кўраяпсизки, шеърда шоир замин узра келажақда «ҳазрати инсонлар» жамиятининг, комил инсонлар дунёсининг юзага келишини орзу қиласди. Унинг «бир куни олам гулистон бўлишига» ишончи тўлиқ. Орзу ва ишонч туйгулари шунчалик самимий, шунчалик юкувчанки, шоир билан невара ўргасидаги диалогдан, ундаги топқириликдан (ҳазилдан) қалбингиз ўртанади. Шеър бир оний фикр ва ҳиснинг маҳсули, маҳсули бўлганда ҳам яхлитлилиги — жонлилиги билан мафтун этувчи, оҳангি билан дилни қитиқловчи бўлгани сабаб — бир зумлик «ҳарорат» билан узоқ йилларни, умрларни «иситади», бойитади, орзуларга қанот беради, ишончларни мустаҳкамлайди.

Шунинг учун ҳам шеър доимо мусиқийдир, доимо вазнлидир, ритмика, қофия, банд жиҳатдан ўюшгандир. Доим самимийдир, доим таъсирдордир, доим жозибадордир.

Лириканинг субъективлигидан — яъни ҳаётни, инсонлар оламини фақат шоир шахси орқалигина англашимииздан шундай хулоса келиб чиқади: лирик асар мазмуни автобиографик характерга эга бўлади ва айни пайтда, ижтимоий аҳамият касб этади.

Зулфиянинг «Кечир, қолдим фафлатда», «Не балога этдинг мубтало», «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеърларини ўқир экансиз, уларнинг Ҳамид Олимжонга — Зулфиянинг турмуш ўртоғига бағишланган автобиографик асарлар эканини аниқ биласиз. Аммо бу шеърлар иккинчи жиҳатдан, биргина Зулфия шахси тўғрисида эмас, балки муҳаббатдан бевақт ажралган, биринчи севгисига содиқ қолган, вафодор, саботли барча аёлларнинг туйгулари ифодасидир. Уларда акслangan вафо ва садоқатнинг, биринчи муҳаббатга бахшида умрнинг умуминсоний хислатидир.

Демак, лирикада муаллиф (шоир) билан ички кечинмалари тасвирланаётган шахс (қаҳрамон) олами бирлашади (худди лирикага хос фикр ва ҳисларнинг қоришиб бутунлашгани каби), яхлитлашади. Ана шу яхлитлиликдан лирик қаҳрамон дунёга келади. «Лирик қаҳрамон — лирик асарларда кечинмалари тасвирланаётган киши, шоирнинг умумжамият учун қимматли ҳис ва фикрларини ташувчи шахсdir. У шоир шахси билан эстетик идеалнинг қўймасидир» (И. Султон, 252-бет).

Лирик қаҳрамон тарихи (конкрет ҳар бир шеърдаги

кечинма — образ тарихи)нинг мавжудлиги лирикадаги сюжетни воқе қиласи. Лирик асар бир оний кечинмага суюнгани учун ҳам ундаги сюжет эпосдаги каби «воқеалар силсиласи» тарзизда намоён булмайди, балки у *оний-рухий ҳаракат* ифодаси тарзизда юзага чиқади.

Сюжет адабиётнинг учинчи элементи ва усиз бадиий асар бўлиши мумкин эмаслиги қоидасини (ушбу асарнинг «Сюжет ва композиция» қисмини эсланг) хотирга келтирсак, демак, лирикада сюжет ўзига хос бўлади. Ўзига хослик — лириканинг субъективлик мөҳиятидан, лирик қаҳрамоннинг дунёсидан келиб чиқади ва у ҳар бир лирик асарда ифодаланган оний-рухий кечинма тарихи — бошланиши, ривожи, холосаси билан ўлчанади.

Сирожиддин Саййиднинг «Эй, дуст» рубоийсининг биринчи байти:

*Бу олам ҳамиша шундоқ чатишган:  
Кимдир етишмаган, кимдир етишган, —*

фикр — хабар берилса, кейинги байтда:

*Булбуллар ҳамиша қон ютган, эй дуст,  
Каргалар ҳамиша тезак титишган, —*

тарзизда фикр якуни, холосаси берилади. Демак, лирик қаҳрамон кечинмасининг бир оний парчасига жойланган тарих гарчи кечинма ҳаракати сиқиқ ва оддий бўлсада, ушбу рубоийнинг сюжетидир.

Лирикада сўз мазмунан ҳис-ҳаяжонга йўғрилган, ниҳоятда тиниклашган, теранлашган бўлиши шарт. Чунки, «ҳақиқий шеърда ҳар бир сўз шакл-шамойил, ранг-бӯёқ, маза, салмоқ ва оҳангта эга» (Ж. Камол, 18-бет)дир. Шу сабаб ҳам «Қобуснома» дейди: «Насрда ишлатган сўзни назмда ишлатма, негаки нарс — раият, назм подшо мартабасидир. Агар бир нарса раиятга лойиқ бўлмаса, подшога ҳам лойиқ эмас» (98-бет).

Бундан кўринадики, лирика тили ҳам ўзига хос бўлиши керак. Бу ўзига хосликни лириканинг предмети келтириб чиқаради. Маълумки, «прозада паузалар эркин, поэзияда эса қонуниятли, прозада ритмик пауза йўқ, поэзияда эса бор; проза асари мисра ва бандларга бўлинмайди, поэзия асари эса бўлинади... прозада қофия йўқ, қофия прозада алоҳида система тарзизда эмас, поэзияда бажарган вазифани бажармайди. Қофия, асосан, поэзиянинг муҳим хусусияти. Чунки у поэзияда

строфик ва ритмик вазифани бажаради. Сүзлар поэзияда қоғия, вазн, банд, товуш такрори, сұз такрори (эпифора, анафора, ҳожиб, радиф), инверсия, мусиқийлик, ритм, туроқ, мисра, банд, түркүм, ритмик пауза жиҳатидан алоқадор ҳолда амал қылади, прозада эса сұз бундай вазифани адо құлмайды... поэзияда гап, жумла, сұзнингтина әмас, балки бүғин, нұтқ товушлари, ҳатто нұтқ товушларининг унли ё үндошлиги ҳам үзига хос аҳамиятга әга; үлар кучли «мәхнат интизоми»га, тартибга бүйсинади ва ягона, муайян системага айланади, айни шундай тартиб насрда йүк...»<sup>1</sup>

Демак, лирикага хос әмоционал — ҳиссий фикрлаш, монологик нұтқ унинг сұз поэтикасини ҳам үзига хос оламини яратади.

Лирикада жанрлар масаласи түғрисида түрли-туман (И. Султон, Ү. Түйчиев, Н. Шукuros, М. Иброҳимов, О. Носиров, Р. Орзебеков) назарий-эстетик фикрлар күп. Уларни ўрганиш ва умумлаштириш, асосийларини мезон қилиб, лирик жанрларнинг қар бирини монографик тарзда тадқиқ қилишни кенгайтириш — күн тартибиде турибди. Ҳозирча, шеършунос Уммат Түйчиевнинг таснифига таянган ҳолда, лирика жанрларининг номларинигина қайд этиб, чекланишни мақсадға мувофиқ күрдик.

#### 1. Мазмун жиҳатидан:

а) әстетик белги, пафос ва муайян мазмун йұналишига асосланадиган жанрлар: марсия, элегия, инвектива, баҳс, ҳасби ҳол, соқыйнома, топишмоқ, қасида, муаммо, таърих, хат, манзара, монолог, бағищлов, васият, васф, дебоча, назира, фахрия.

б) асосан мусиқа асари ҳисобланса-да, адабий матнга ҳам суяңған жанрлар: роман, контата, марш, сюита, құшиқ, мадхия.

в) оғзаки ва ёзма лирикада құлланиб келинған жанрлар: алла, ёр-ёр.

#### 2. Шакл жиҳатдан:

а) Шакл мазмундорлиги ва тузилишига күра лирика жанрлари: айтишув, мустазод, сонет, мувашша, мушоира, ширы шакар, қытъа, ғазал, туюқ, рубоий, маснавий, фард, таркибанд, таржибанд, ұрама, шоирий, тирада, түрли бандлы жанрлар, оқ шеър, сарбаст.

б) Мисра сони ва композицияға күра лирика жанр-

<sup>1</sup> Адабий тур ва жанрлар, II жыл (Лирика), Т., «Фан», 1992, 54—55-бетлар.

лари: мусаллас, мурабба, муҳаммас, мусаддас, мусабба, мусамман, мутасаа, муашшар, түртлик, октава.

в) Қайта ташкил топиш (трансформация)га кўралирика жанрлари: қитъайи, кесишган, таронаий, ру-боиёна.

#### IV. Драма

*Таянч сўз ва иборалар:* Драма. Драма қаҳрамони — инсон шахси. Драма предмети — ҳаракат. Драматизм. Драма конфликти. Драмада сўз. Драма жанрлари. Трагедия.

В. Белинский драматик турнинг ўзига хосликлари ни текширад экан: «Драма ҳозирги замонда ўкувчи ёки томошибин кўзи олдида бўлаётган каби кўринган кечмиш воқеадир», — дейди ва унда *«шахслар ўзларини ҳаракатда ифода қилишлари керак»* (В. Белинский, 193-бет) лигини таъкидлайди.

Чунки «Эпопеяда воқеа, драмада одам ҳукмрондир. Эпосдаги қаҳрамон — воқеа; драманинг қаҳрамони — инсон шахсидир». Эпосдаги воқеа «табиатнинг ўзгинаси» бўлса, «Драмада ҳаёт фақат ўз-ўзича мавжуд эмас балки, ўзи ҳам мавжуддир, у идрок этилган онг каби, эркин ифода каби мавжуддир... Драмада... воқеа устидан инсон ҳукмронлик қилади, инсон ўз иродаси билан воқеани истаганича якунлайди, унга истаганича хотима беради» (В. Белинский, 144-бет, Таъкидлар — X.У.).

Бу мулоҳазалар драманинг предмети — ҳаракат эканлигини асослайди. «Драма назарияси»нинг муаллифи Ҳафиз Абдусаматов «Драманинг предмети ҳаракатдир», деган фикрга қўшилиб бўлмайди, дейди. Унингча драманинг предмети — «ҳаракатдаги ёки ҳаракат қилувчи инсондир»<sup>1</sup>. Ҳолбуки, инсон — адабиётнинг предмети, уни кашф этиш — ҳамма турларнинг вазифасидир. Сўнгра, «ҳаракат фақат иштирок этувчи шахслар билангина эмас, балки уларни ишга соглан ҳолатлар билан боғланниб кетади» (Х. Абдусаматов, 63-бет) экан, «ҳаракат — драманинг қон томири» (Х. Абдусаматов, 75-бет)ни ташкил этаркан, демак, драманинг предмети ҳаракатдир.

И. Султонов драманинг спецификасини белгилашда

<sup>1</sup> Х. Абдусаматов. Драма назарияси, Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000, 60-бет.

«уч бурчак» — ёзувчи, театр ва томошабиннинг ўзаро муносабатларидан келиб чиқадилар ва драманинг колективизмга мұлжалланганини — бош аломат деб баҳолайдилар (И. Султон, 267—270-бетлар). Ҳолбуки, драма — бадий адабиёттинг «вакилидир», унинг саҳнадаги ижроси (режиссёр ва актёрлар кашфи), томоша-сиянларнинг муносабати — театр санъати илмининг зағасига киради.

Хуллас, В. Белинский таъкидлаган ҳаракат бирлиги — асосий идеяниң бирлиги асосида бош хусусиятни ташкил этади. Шунинг учун ҳам «Драмада ҳаракат фақат ва бошлича жисмоний ҳаракат маъносида эмас, балки даставвал ва бошлича муаллиф ифода этмоқчи бўлган бош фояннинг ривожи маъносида тушунилганидек, конфликт ҳам бош қаҳрамон (ёки қаҳрамонлар)-нинг ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида учратган түсикларни енгиши жараёни маъносида, яъни кенг маънода тушунилиши керак»<sup>1</sup>.

Ана шундагина ҳаракат конфликтнинг бағрида яшайти, яъни ҳаракат конфликтни, конфликт ҳаракатни ишга солади; бири-бирига асос, бир-бирига қувват бўлади; бири-бirisiz яшай олмайди; бирининг заифлиги иккинчисининг заиф бўлишига сабаб бўлади; пировардида, иккаласи бирлашиб бош фояни аниқ ифода этишга, қаҳрамонлар қалбидаги «пуртана»ни очишга беминнат хизмат қиласидар.

Ҳаракат ва конфликтнинг бирлиги — драмада кучли драматизмни талаб этади. «Агар, масалан, икки киши бир нима тўғрисида баҳслашса, бу ерда фақат драма эмас, балки драматик элемент ҳам йўқ; аммо баҳслашувчилар бир-биридан устун чиқиши учун, бир-бирларининг характерларининг қандай бўлмасин бирон томонини босиб кўйишга, ёки руҳнинг заиф торларини чертиб кўйишга уринсалар ва бу нарса орқали уларнинг характерлари очилса, ниҳоят баҳслашув уларни бир-бирларига нисбатан янги муносабатда бўлишга мажбур қиласа — бу нарса драма деб аталиши мумкин. Драмада мухим нарса узундан узоқ ҳикояларнинг йўқ бўлишидир, ҳар бир сўз драмада ҳаракат — амал билан ифодаланиши лозим» (В. Белинский, 207-бет).

Шу нуқтаи-назардан «Сўнгги нусхалар» (А. Қаҳҳор)-даги Сухсиров ва Қорининг диалоги характерлидир:

<sup>1</sup> Адабиёт назарияси. Т., «Фан», 1979, II том, 296-бет.

«Қори. Бундан бир неча мұқаддам Сұхсуров ками-  
нани чорлаб «пеккага бир миқдор пул ташладим, сиз-  
га омонат», деди.

Сұхсуров (күзлари олайиб). Мен пеккага пул таш-  
лаганим йўқ! (Бирдан фош қилиб) Ўзи маҳкамай шаъ-  
риятдан юлган пулларни яшириб юради.

Қори (жони-пони чиқиб). Бўғтон! Ўзи пора олган  
акчаларни пеккага ташлайди.

Обиджон. Сиз олиб турасизми? Сизга қанча тегади?

Қори. Ўзи закот тариқасида бир миқдорини мачит-  
га бериб туради. Шайтонуллаъин!

Сұхсуров. Ўзинг шайтон! Текинхўр!

Қори. Порахур!

Сұхсуров. Рұхоний.

Қори. Ўгри, муттаҳам».

Қўринаяптики, бу баҳс Сұхсуров ва Қориларнинг  
пораҳўрликларини яққол очмоқда. Ҳамтовоқларнинг  
ҳаромхўрликка асосланган дустлиги ҳақиқат тарозуси-  
да ўлчанар экан, уларни бир-бирига душманга айлан-  
тиради.

Гарчи эпос ва лириканинг хусусиятлари драмада  
мавжуд бўлса-да, яъни эпосга хос воқеғ, лирикага хос  
лирик кечинма драмада яшаса-да, улар бошқача сифат  
касб этади. «Драма жой, воқеалар, ҳолатлар, шахслар-  
нинг эпик равищда тасвир қилишга йўл қўймайди,  
улар ҳаммаси бизнинг кўз олдимизда бўлиши лозим»  
(В. Белинский, 193-бет). Драмадаги субъект лирикадаги  
каби «Ўз ичига марказлашган ички дунё эмас, у энди  
шоирнинг ўзи ҳам эмас, у энди чиқади, унинг ўз  
фаолияти билан ташкил қилинган объектив ва реал  
дунё ўргасида мушоҳада учун ўзи туриб қолади, у  
бўлинган ва бир кўпгина шахсларнинг жонли тудаси-  
дир, уларнинг ҳаракати ва қарши ҳаракатларидан дра-  
ма ясалади» (В. Белинский, 193-бет). Шу сабабли ҳам  
драмада қаҳрамон воқеа эмас, лирикадаги муаллиф  
ҳам эмас, балки шахсдир. Драматик асарда ҳамма нар-  
са бизнинг кўз олдимизда рўй беради, инсон шахси ўз  
ичидаги тусиқлар билан курашиб, уларни гоҳ енгиб,  
гоҳ енгилиб, гоҳ изтироб чекиб, гоҳ қувонаётган ру-  
ҳий ҳолатлари турфа-хил ва қарама-қаршиликка бой  
ҳаракатдаги (бошғояни ифода этиш йўлида тұхтосиз  
ривожланувчи) одам бўлиб гавдаланади. Буни юқори-  
даги мисолимиз ҳам, ундаги Сұхсуров, Қори шахсла-  
ри — образлари ҳам тўлиқ исботлайди.

Кўринадики, драмада ҳаракат бош аломатдир, ҳаракат билан омухталангандар, бойитилган (ҳаракатлашган) ҳамма нарса яшашга ҳақлидир. Ҳаракатлашмаган нарсанинг, воситанинг драмада булишга ҳаққи йўқ. Буни В. Белинский аниқ таъкидлайди: «Романда баъзи бир шахс воқеада чинакам иштирок қилуви билан эмас, бўлки оригинал характерга эга бўлгани учун жой олиши мумкин (Масалан, «Ўткан кунлар»даги Хушрўй образи каби — X.У.); драмада эса воқеанинг бориши ва тараққиёт мезонида (демакки, драмадаги ҳаракатда — X.У.) зарур бўлмаган битта ҳам шахс бўлмаслиги кепрак Соддалик, у қадар мураккаб эмаслик ва ҳаракат бирлиги (асосий идеяниң бирлиги маъносида) драманинг асосий шартларидан бири булиши лозим; унда ҳамма нарса бир мақсадга, бир мўлжалга қараб йўналиши керак. Драманинг бутун қизиқлиги асосий шахсда, тақдирида драманинг асосий фикри ифодаланадиган шахсда тўпланиши керак» (194-бет).

Сюжетнинг сиқиқлиги ҳам, композициянинг занжирсимонлиги ҳам, драматизмнинг ўткирлиги ҳам, конфликт кескинлиги ҳам, сўзнинг тушунарли булиши ҳам («Тушунарли нутқ қимматли нутқдир» — Аристотель), қаҳрамоннинг сунъийлиги ҳам («Трагедия — кўпроқ сунъий асардир». (В. Белинский) юқорида айтилган мулоҳазаларнинг (ҳаракатнинг) мевасидир.

Ана шу қийин хислати билан В. Белинский ёзганидек, у «Санъатнинг гул тожидир, адабиётнинг олий босқичидир» (199-бет); Шунинг учун ҳам у «Маданияти етук халқда, унинг тарихий тараққиёти кўркам гуллаган даврда пайдо бўлади» (201-бет); «Буюк санъаткорлар аксар эпик асарлардан бошлайдилар, лирика билан давом қилдирадилар, драма билан битирадилар» (203-бет). Жумладан, драмада муаллиф нутқи (ремаркадан ташқари) ишлатилмайди, қаҳрамонларнинг сайдиҳаракати, руҳияти, бутун борлифи — оламини ўзларининг ҳаракат ва нутқлари орқали очадилар.

«Шу билан бирга, драмадаги сўз оддий сўз эмас, балки ҳаракат ҳамдир. Ҳар бир реплика (Персонаж айтилган жумла) персонажлар муносабатига, албатта, озгини бўлса ҳам ўзгариш киргизади ва муаллифнинг бош гоясининг шаклланишини жиндак бўлса-да, ривожлантиради. «Халқасимонлик» репликанинг ҳам характерли хусусиятидир: ҳар бир персонажнинг репликаси ундан аввал гапирган персонажнинг репликаси «ичидан» келиб

чиқади ва бошқа персонажнинг жавоб репликасини туғдиради, унга «илиниб қолади». Диалог драмада фикрий «қиличбозлиқ»дир»... (И. Султон, 277-бет).

**Аломат.** Энди бор умидингиз болаларингиздан, уларни үқитиб «катта одам» қилмоқчисиз. Лекин уларингиздан «катта одам» чиқмайди. Қишин-ёзин даладан бери келмайдиган chalasавод болалардан ҳеч бало циқмаслигини биласиз. Фарзандларингизнинг үзингизга үхшамаслигини истайсиз, демак, үзингизнинг кимлигингизни ҳам биласиз! Ақлингиз етади! Лекин яна «кўпга келган тўй» деб юраверасиз! Ахир умр ўтиб кетаяпди-ку, Кўчқор ака!

**Кўчқор** (кўнгли тўлиб). Барибир йиғламайман!.. Яхши яшаяпмиз, билдингизми?..

**Аломат.** Йиғлайсиз... Ана, қунглингиз тўлиб турибди... Лабингизни тишламанг, Кўчқор ака, фойдаси йўқ. Ахир, ёш кўздан чиқади, оғизданмас...

**Кўчқор** (йиғлагудек булиб). Бирор сизга ҳаётидан нолияптими?

**Аломат.** Ҳамма гап шунда-да — нолимаймиз. Қуни-киб кетгансиз. Яралар тошга айланган — оғриқ сезмайди. Дод солиб бақириш-ку, қўлингиздан келмас, ҳеч курса инграб қўйишига ҳам қодир эмассиз, Кўчқор ака? «Ҳаёт деганлари шунаقا бўлар экан» деб умрингизни ўтказяпсиз. Қалбингизни унут бўлиб кетган, үзингиз ҳам билмайдиган аллақайси бурчакларида милтиллаётган ушоқина норозиликдан қўрқасиз, уяласиз, уни сезмасликка оласиз! Тугри, қадр-қимматингизни ошкора ҳақоратланганда уша милтиллаётган чўғ аланга олгандай бўлади ва сиз уни ароқ билан учиршишга уринасиз. Дунёга ширақайф кўзлар билан қараб таскин топасиз, бир қадар юпанасиз ҳам. Лекин эртаси куни кайфингиз тарқаб, дунё яна асл ҳолига қайтади! Шунда үзингизни қўярга жой тополмайсиз, ҳадсиз-худудсиз оламда муштдеккина жуссангизни қўйгани жой йўқ! Сунг йиғламоқдан ўзга чорангиз қолмайди ва ўксисб ўксисб йиғлайсиз...

**Кўчқор** (Кўзларида ёш ўйнаб). Ёл-фо-он!.. Мен ҳеч қачон йиғламаганман!..

**Аломат.** Йиғлагансиз. Фақат кўзингизнинг нариги томони билан йиғлагансиз. Кўз ёшларингиз ташқарига эмас, ичингизга оққан. Мана, менинг ичим тула темир-терсак, сизнинг вужудингиз эса фақат ва фақат кўз ёшидан иборат. Лим-лим ёш...

**Күчкөр** (Баралла ийглаб юборади, сапчиб туриб оёғи остидаги қутини зарб билан тепади). Э, падарига лаънат ҳаммасининг!!!»<sup>1</sup>

Драматург Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» трагикомедия асаридан келтирилган ушбу парчада ҳам юқоридаги назарий мулоҳазалар исботланган: Аломат ва Кўчқорнинг диалоглари — «ҳалқасимон» — бири-биридан келиб чиқади; жўшқин — қишлоқ ҳақиқати очик ошкор қилинайти; қишлоқ кишиларининг қалбидаги фожия самимий тарзда енгил кулгуга «ўраб» узатиласпти...

Драматик тур ривожи давомида жуда кўплаб жанрларнинг туғилишига сабаб бўлган. Унинг жанрларини ўрта ва кичик шаклларга булиб ўрганиш расми ҳамон сақланиб келмоқда. Ўрта шакл-трагедия, комедия, трагикомедия, драма, мелодрама. Кичик шакл — интермедия, водевиль, бир пардали пьеса, кичик инсценировка, монодрама, диалог ва ш.к.

Ушбу жанрлардан биттасига — драматик турнинг «Бутун моҳиятини ўз ичига оладиган, унинг ҳамма элементларини қамрайдиган» — трагедияга тұхталамиз. Трагедия жанрининг хусусиятлари ҳам В. Белинский томонидан етарли асослангандир. Улар қуйидагичадир:

1. «Трагедиянинг моҳияти... қалбнинг табиий жараёни, майлнинг ахлоқий бурч ёки даф қилинмас бир тўсиқлик билан тўқнашувиdir... трагедия — қайгули тамоша! Агарда қон, ўликлар, ханжар, заҳар трагедиянинг одатдаги сифатлари бўлмаса ҳам, лекин унинг оқибати ҳарвақт қалбнинг энг қимматли умидларининг емирилиши, бутун бир ҳаёт саодатининг иўқолувиdir. Унинг қора улугворлиги, унинг буюк азаматлиги шундан келиб чиқади: унда тақдир кучи ҳукм суради, унинг моҳияти, асоси тақдир кучидir».

2. Трагедия «асосида буюк ҳақиқат, юксак донолик ётади. *Курашда ўлган ёки ғалабада ҳалок бўлган қаҳрамонга биз чуқур қайғурамиз. Лекин бу курашсиз, бу ҳалоқатсиз у қаҳрамон бўлмаслигини, ўз шахсияти билан абадий субстанциал кучларни, жаҳонни ва ўзгармас борлиқ қонунларни амалга ошира олмаслигини биламиз*».

3. «Буюк ахлоқий вазифаларни ҳал қилиш учун тақдир энг асл руҳларни, кишилик дунёси бошида турган юксак руҳли шахсларни, ахлоқий дунёning тираги

<sup>1</sup> Ш. Б о ш б е к о в . Темир хотин. «Ёшлиқ», 1989 йил, 5-сон, 32-бет.

булган субстанциал күчларни ўзида гавдалантирган қаҳрамонларни танлайди. *Фақат олий табиатли одам трагедиянинг қаҳрамони ёки қурбони бўла олади; воқе-ликнинг ўзида аҳвол шундай».*

4. «Ҳар қандай трагедиядан машъум ҳалокатни йўқотинг, сиз бу билан уни буюклиқдан, бутун маънодан маҳрум қиласиз, буюк асардан оддий бир нарса ясайсиз, у биринчи галдаёқ, ўзининг бутун нафис кучини йўқотади».

5. «Трагедия кўпроқ сунъий асардир». «Мана шунинг учун тарихий шахсларни бузиб кўрсатишга оз йўл қўйилса ҳам; трагедиянинг гўё қатъий ҳуқуқидир, бу упинг моҳиятидан келиб чиқади. *Трагедияни ўз қаҳрамонини маълум тарихий вазиятда кўрсатишни истайди: инга вазият беради, агар бу вазиятдаги тарихий қаҳрамон трагедиясининг идеясига мувофиқ келмаса, уни ўзича ўзгартиришга у тўла ҳуқуқидир».*

Ўзбек адабиётида яратилган «Муқанна» (Х. Олимжон), «Мирзо Улугбек» (Шайхзода) трагедиялари ҳам В. Белинский фикрларини тўлиқ исботлайди... Жанрларнинг табиати ва характерини чўкур билиш, унинг адабий қонунларига амал қилиш — етук бадий асарнинг юзага келиши учун асосли йўлдир.

**Хуласа.** Адабиёт (чинор) учта тур (учта шоҳ) ва ўнлаб жанрлар (шохнинг бутоқлари, бутоқнинг қисмчалари)га бўлинган ҳолда инсонни кашф этиш ва комиллик йўлида тинимсиз ривожланмоқда. Тур ва жанрларнинг ҳаммаси ҳам бир танадан озиқлансалар-да, уларнинг ҳар бири ўзининг устивор предметига, хусусиятига — табиати ва характерига эга. Ижодкор тур ва жанрларнинг қонун-қоидаларини чўкур ўргансагина, унинг «абадий низомномалари»га амал қиласагина, ўзлиги билан уларнинг хислат ва фазилатларини орттирсанына — ижодий ютуқларга эришиши тайин.

## *Бешинчи бүлім*

### **УСЛУБ, ИЖОДИЙ МЕТОД ВА ОҚИМЛАР**

#### **I. Бадиий услуг**

*Таянч сұз ва иборалар:* Бадиий услуг. Индивидуал услуг. Услубда объективлик. Услуб омыллари. Ойбек услуби. А. Қаҳхор услуби.

Борлықдаги бирор бир ҳодисанинг айнан тақрори яратылмаган. Ҳатто қор қалинлиги 50 см бұлған ҳар метр квадратда 1.000.000 дона атрофика қор учқунлари бор. Шунга қарамай, бутун ер юзини қор қопласа-да, ҳеч бир қор зарраси шаклан бир-бируни тақрорламайди. Бу ҳақиқат америкалик Вилсон Бентлейнинг 50 йил давомида олиб борған күзатыш ва тажрибаларининг хulosасида 1985 йилда аён бўлди. Худди шундай овозларни, сиймоларни, бармоқ учларининг айнан ўхшаши йўқлиги бугунги кунда кўпчиликка аён.

Ҳаётнинг ана шу бетакрор қонунидан келиб чиқсак, иккита бир хил ёзувчи (шоир)нинг булиши ҳам мумкин эмас. Чunksи, яратылган ҳар бир инсоннинг ички ва ташқи тузилиши ўзига хос биқиқ бир оламки, унинг бетакрорлиги ўзлигига мужассам этилган. Шунга асосан ҳар бир санъаткорнинг олами — ҳаётий тажрибаси, билим даражаси, диди, гўзалликни кўра билиши, тасаввури, хаёлот дунёси, қалб кўзи ўзигагина тегишилдириш ва ана шу ўзлик унинг ҳар бир асарида аксланади. Шунинг учун «Услуб — одам» (Гёте) тушунчаси асосли ва ҳаётайдир. Шунга асосан В. Белинскийнинг «Ёзувчининг мазмун билан шаклга қуйма бир ҳолат бағищлай олиш қобилиятини ва шу билан бирга ҳамма-ҳамма нарсага ўз шахси, ўз руҳини тақрорланмас, оригинал муҳрини тушириб ўта олиш хусусиятини» — услуг деб белгилаши тўғридир.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Эл нетиб топгайки мени, мен ўзимни топмасам», — деганларида ҳикмат бор. Мавлоно Заҳириддин Бобурнинг:

«Қачонки күргайсан менинг сұзимни,  
Сұзимни ўқиб англайсан ўзимни», —

деганларида ҳақиқат бор.

Адабиётта услуга фәқат «ўзлик билан чекланмайды, фәқат индивидуал белгиларнинг йигиндиси эмас. Унда, албатта, «ўзлик»ни вужудга келтирган, устирган ижтимоий муҳитнинг таъсири бўлади, унда «шахсийлик ва умумийлик жуда мураккаб диалектик бирликда бўлиб, ўзаро шартланган, бир-бирини ифодалайдиган»<sup>1</sup> тарзда воқе бўлади. Шунга асосан романтик тасвир услуги, реалистик услуги, давр услуги, замонавий услуги, миллий услуги, адабиёт услуги, тасвирий санъат услуги... деган соҳаларнинг мавжудлигини ҳам тан олади.

Услубда объективликнинг мавжудлигини тан олган ҳолда шуни айтиш лозимки, «ўзига хослик», ижодкор қалғининг бетакрор уриши — услугбининг бош аломати санълади. Услуб асарнинг «бутун яхлит системасида на-моён бўлувчи бадиий ўзига хослик» (Г. Абрамович), «Адабий асар унсурларининг бир-бирига боғлиқлиги ва уларнинг ёзувчи талантига мос тарзда гармоник чатишуви» (Вуйцицкий)дир.

Услуб бир вақтнинг ўзида мазмун ҳам, шакл ҳам, тоя ҳам, мотив ҳам. Буларнинг барчаси бирлашганда асар бус-бутунлигини услуг таъминлайди. Шунга кўра ёзувчи услугини сўзга, тилга — улардан фойдаланишдаги ўзига хосликка боғлаб қўйиш ноўриндир. Тўғри, адабиёт — сўз санъати, тил адабиётнинг биринчى элементи бўлса-да, услугни юзага келтирувчи воситалардан бири — зарурий элементи саналади.

Услубни юзага келтирувчи энг зарур омиллардан яна бири — санъаткорнинг ҳаётни, ҳаётнинг моҳиятини, унинг қаъридаги ҳақиқатни тадқиқ ва таҳдил қила билиши билан боғлиқдир. Инсон руҳиятининг бой ва яширин сирларини, уларнинг туб эстетик қимматини кашф этиши санъати — руҳияти билимдонлиги билан бевосита алоқадордир.

*Демак, услуг — ёзувчининг воқелик ва инсонни идрок қилиши, уларнинг қалбидаги ҳақиқатнинг кашф этиши ва уни сўз воситасида образли ифодалай олиши — бу вазифаларни индивидуал («ўзига хос») тарзда яратиш санъатидир.* Услуб доим ёзувчи (шоир)нинг бутун бор-

<sup>1</sup> Художественный метод и творческая индивидуальность писателя, М., 1964, стр. 234.

лиғидан — табиатидан келиб чиқади ва ҳар бир яратган асарида ана шу үзига хос оламнинг ҳәётбахш нурини — инсонийлашган туйгуларини тирилтиради, кўпга улашади, эзгу туйгулар тарбиячиси вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам услуг «*кучсиз адаб* — ёзувчининг асарларида үзини очиқ курсата олмайдир.

Кучсиз ёзувчиларнинг услублари бир-бирига ўхшаб қоладир»(Фитрат, 26-бет). «*Услуб замон билан ўзгаргани каби шахс билан ҳам ўзгарадир*. Ҳатто, яна бироз чуқурроқ бориб, *бир кишининг сочим — тизим (наср ва назм — Ҳ. У.) ёзганида ҳам услугнинг ўзгариб қолганини кўрамиз*.

Навоийнинг услуги тизимда ҳашаматли бир оҳанг билан юрадир, сочимда эса оғирлашиб қоладир. Яна бироз ингичкароқ қараганда *бир шоир услугнинг асарнинг мавзуига кўра ўзгарганини ҳам қўрамиз*.

Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»идаги ўйнаб қайнаған услуги унинг «Лисон ут — тайр»ида кўриб бўлмайдир. Бироқ бу ўзгаришлар (яъни: асарнинг шакли ё мавзуига кўра бўлган ўзгаришлар) асосий эмасдир.

*Навоий ва Чўлпоннинг услублари сочим — тизимда, ё мавзуига кўра ўзгармак билан уларнинг «узлик»ларини (шахсиятларини) ўйқотмайдир.*

Чўлпоннинг Чўлпонлиги, Навоийнинг Навоийлиги бу шоирларнинг тизим — сочим асарларида мавзу ўзгаришига қарамасдан кўриниб турадир» (Фитрат, 28-бет, Таъкидлар бизники — Ҳ.У.).

Ҳаёт ёзувчини бойитгандек, тажрибасини оширганидек унинг услугини ҳам тобора сайқаллашига сабаб бўлади. Лекин ёзувчи «узлиги» худди ген белгиларидек асардан асарга ўтаверади. Шу сабаб ёзувчининг бутун ижодидан келиб чиқиб, аниқ асарининг услугини аниқлаш асосли ҳақиқатларнинг кашфига олиб боради.

Фикр-мулоҳазаларни исботини курсатиш мақсадида Ойбек ва А. Қаҳҳорнинг адабиётшунослар таъкидланган үзига хос белгиларини ажратиб кўрайлик:

### Ойбек:

Ҳаёт манзарасини барча икир-чикирларигача эрин-масдан, унинг поэзияси-ни (жозибасини) курсатишга интилади.

Романтик табиатли, ҳаё-

### А. Қаҳҳор:

Ҳаётнинг кўпроқ кулгули ва фожиали жиҳатларини сиқиқ тарзда тасвирлайди.

Вазмин табиатли, совук-

лотга бой, фалсафий мұшоқадаси күчли	қон, сатирик мушоқадаси күчли
Эпик кенглик, сербуёқлик	Қисқалик, воқеани қызық, бир күринищдан бошлаш
Лирик шоир, моҳир прозаик Роман жанрида машхур	Моҳир прозаик, таниқли драматург Хикоя жанрида машхур
Лирик ҳарорат — прозасида күчли, эпиклик — лирикасида зұр	Юмористик ва сатирик пафос әгаси. Киноя, пи-чинг, истеҳзо, ҳазил-мутойибаси күчли
Шафқатли даҳо («Добрый гений»)	Ҳақиқатни ҳамма нарсадан устун билувчи даҳо

Ушбу изланишлардан шудай хулоса қылса бұлади:

1. Поэтик (бадиий) дунёни юзага келтирувчи индивидуал («үзига хос») құдратнинг салоқияти услубни воқе қиласы.
2. Услуб — ижодкор дунёсидир, унинг хаёлоти, тасаввuri, ақли, билими, сұзшунослиги, таланти, генийси, инсонийлиги — бутун борлигини намоён этувчи бадиий ҳодиса, воситадир.

## II. Ижодий метод ва оқимлар

**Таянч сұз ва иборалар:** Ижодий метод ва услуб. Ижодий методнинг юзага келиши. Романтизм. Реализм. Ижод типларининг ұзаро алоқаси. Оқимлар ва уларнинг көлиб чиқиши сабаблари.

Бадиий услуб ҳар бир ёзувчи — санъаткорнинг, ҳар бир етук асарнинг, ҳар бир давр адабиётининг үзига хос барча хусусиятларини қамраса, бадиий метод мұайян гурухға мансуб санъаткорлар ижодининг умумий ва мұштарақ барча белгиларини үзіда ташийди. Бу хусусият ва белгилар ҳаёт материалини таңлаш, умумлаштириш, баҳолаш, акс эттириш борасидаги умумийлик ва айни пайтда, ана шу умумийликнинг якка шахс (ёзувчи) таланти, құдрати ила «пишиб етилишидір».

Күринадики, гарчи услуг ва метод бир-бирига үхшамаса-да, лекин улар бирлашганда, бир-бири билан чатишганда воқе бўладилар, ана шундагина улар яратиш хислатига, таъсирдорлик фазилатига, гўзалликни бунёд этишга қодирлик касб этади.

Бундан кўринадики, бадий асар яратилганиданоқ, услуг ҳам, метод ҳам туғилади. Назарий адабиётларда айтилганидек, даставвал, романтизм, кейинчалик ёки тўғрироғи XIX асрга келиб реализм дунёга келди деган тушунчани рад этади. Демоқчимизки, услуг ва усул (метод) адабиётнинг пайдо бўлиши билан бир вақтда туғилади. Фақат адабиётнинг ривожи, камолот сайин ўсиши, гоявий бадий кашфиётларнинг умумлаштирилиши ва сабоқларига боғлиқ ҳолда услуг ҳам, усул ҳам турфа хиллик касб этади; жамият тараққиётидаги ўзгаришларга жавоб тарзида усул ҳам, услуг ҳам янги-ча сифат касб этиб, баҳор янглиғ қайта туғилиб бора-веради.

Ҳар бир йилнинг ўз баҳори бўлганидек, ҳар бир ёзувчининг ўз услуби ташида, қобиғида метод вазифасини ўтайдеради.

Шунинг учун «Илиада» ҳам, «Рамаяна» ҳам, «Хамса» ҳам, «Ўткан кунлар» ҳам, «Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса» ҳам асрларни тан олмасдан, ҳамма авлодларга эстетик завқ улашаверади, инсонни комиллик йўлида тарбиялайверади. Чунки уларнинг ҳаммасида ҳам ҳаёт ва инсон моҳиятини тушуниш, идрок этиш, эзгуликни улуғлаш ва унинг амалиётига чорлаш — бош пафосдир, инсоният туйғулари тарбияси учун ўлмас на-мунаидир; ана шу соҳадаги англанган жиҳатлардан сабоқ олиб, англанмаган қирраларини кашф этиш — адабиёт тараққиётининг тутганимас, ниҳояси йўқ йуналишидир.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқсан, ҳаёт ва инсоннинг бадий моделини яратишнинг иккита йўли энг қадимги даврдан бутунгача давом этиб келаётгани аниқлашади ва бу ҳақиқатни алломалар ҳам тасдиқлайдилар. Жумладан, Аристотель «Поэтика» асарида: «Софоклининг айтишича, у одамларни қандай бўлиши керак бўлса шундай тасвирлаган, Еврипид эса қандай бўлса ўшандай тасвирлаган» (53-бет.) Руснинг буюк танқидчиси В. Белинский ҳам (XIX асрда) бу ҳақиқатни тасдиқлайди: «Айтиш мумкинки, поэзия икки усул билан ҳаёт ҳодисаларини қамраб олади ва қайта тик-

лайди. Бу усуллар, гарчи бири иккинчисига қарама-қарши бўлса ҳам, бир мақсад томон етаклайдилар. Шоир унинг нарсаларга назари тарзига, унинг дунёга муносабатига, ўзи яшаган асли ва ҳалқига боғлиқ идеалига мослаб ҳаётни қайта яратади (пересоздает) ёки шоир бу ҳаётни бутун яланючлиги ва ҳаққонийлиги билан қайта тиклаб (воспроизведит) ҳаёт воқелигининг ҳамма тафсилотларига, бўёқларига ва нозик томонларига содик келади. Шунинг учун айтиш мумкини, позияни икки бўлакка — идеал поэзияга ва реал поэзияга бўлса бўлади» (Қаранг: И. Султон, 356-бет).

И. Султонов: «Ҳозирги замон адабиётшунослигига биринчи хил бадиий тафаккур — «романтик тафаккур типи», иккинчи хил тафаккур — «реалистик тафаккур типи» деб аталади» (И. Султон, 356-бет), — деб ёзадилар ва «Романтик тафаккур ёки реалистик тафаккурнинг маълум тарихий давр учун характерли ва ҳукмрон кўринишини **ижодий метод**» тушунчаси билан юритишини таклиф этадилар...

Дарвоқе, ҳаётни образли тасвиirlашнинг икки йўналиши «ҳам аслида инсон табиати билан боғлиқ ҳодиса саналади. Чунки одам реал ҳаёт қўйнида, ҳам орзуҳаваслар дунёсида яшайди. Инсон табиатида мавжуд ҳаёт тарзига қаноат қилишдан кўра, турмушни үзгартириш истаги, уни янада яхшилаш ҳаваси баланд турди. Бу ҳавас... кучли бўлади» (А. Улуғов, 79-бет).

Ана шу икки йўналиш — ижод типи турли-туман даврларнинг, жамиятларнинг талабларига доимо жавоб бериб келмоқда, фақат, бизнингча, эволюцион ривожланиш — романтизмни, революцион тараққиёт — реализмни биринчи ўринга олиб чиқади. Кўпинча бадиий асарларда ижоднинг бу жанрлари қўшалоқлашган бўлади. Реалистик асарда романтизмнинг хислатлари ёрдамчи вазифани бажарса, романтик асарда реализмнинг унсурлари ҳам шундай вазифани ўтайди. «Ҳамса» (Навоий)да ҳам, «Қиёмат» (Ч. Айтматов)да ҳам, «Ёлғизликда юз йил» (Г. Маркес)да ҳам, «Ўткан кунлар» (А. Қодирий)да ҳам бу ҳолат яққол кўзга ташлашини ва барчага аёнилиги исбот талаб этмайди.

Шундай бўлса-да, яна бир асос: Садриддин Айнининг таъкидлашича, «Ҳамса» достонларида Навоий салбий типларни ўз замонасидан олган, ижобий типлар эса — Навоий фантазияси ва идеалининг маҳсулидир, лекин романтизм устундир.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, муайян ёзувчи ижодида, муайян асарда ё романтизм, ё реализм доимо етакчилик қилади. Профессор Абдуқодир Ҳайитметов илмий хуросалари ҳам шу ҳодисаларни исбот қилади. Унингча, Навоийнинг асосий методи — романтизм, айни пайтда, унинг Саид Ҳасан Ардашерга ёзган мактуби, «Маҳбуул-кулуб», сатирик фазаллари ва қитъалари, «Лисонут тайр»даги баъзи ҳикоятлари реалистик характердадир.

Албатта, ҳар бир санъаткорнинг «ўзига хос»лигини унутмаслик керак. Бирида исёнкорлик, бирида жамият билан келишиб яшайдиган донолик устун булиши ҳам мумкин. Бири реалликларга чидай олмай, бири ундан кўра орзулар дунёсида яшаши — ўзини воқе қилиши ҳам табиийдир.

Жумладан, Алишер Навоий инсон ҳақидаги орзу ҳавасларини акслантирувчи асарлар ёзган бўлса, унинг ёш замондоши Бобур ўз замони воқеа ва одамларини ҳаққоний, реал тасвирини беради. Ф. Фулом, Ҳ. Олимжонлар социалистик воқеликни улуғлаган бўлсалар, А. Қодирий, Чўлпонлар бу воқеликдан исёнга келадилар. Мирмуҳсин, Ҳ. Фулом, Шукруллоларда жамият билан келишиб яшаш устунлик қиласа, А. Орипов, Э. Вонхидовларда бу жамиятнинг кирдикорларини фош этиш, юксакроқ воқеликни исташ туйгулари кучлилик қилали ва ҳоказо.

Жаҳон адабиёти тараққиёти тарихидаги реализм ва романтизмни — ижод типлари, ижод йўналишлари, бадиий тафаккур типлари деб юритиш ҳам асослидир. Чунки уларнинг турфа хил кўриниш ва қирраларини тури даврлар рўёбга чиқаргандир.

Жумладан, классицизм (П. Корнел, Ж. Расин), эклизистенционализм (Жан Поль Сартр, М. Пруст, Ф. Кафка), сюрреализм (Поль Элюар, Оскар Уайльд, А. Ахматова), танқидий реализм (Махмур, Муқимий, Л. Толстой, Ф. Достоевский), социалистик реализм (Ойбек, Ф. Фулом, М. Горький) ва ш.к. Бу кўринишларнинг ҳаммасини оқимлар (ирмоқлар) деб аташ, романтизм ва реализм (икки дарё)ни метод деб юритиш маъқулга уҳшайди. Чунки оқимларнинг ҳаммаси ҳам ё реалистик, ё романтик тасвирилаш принципларининг қонуниятларига бўйсинади. Шу қонуниятларга таянганлари ҳолда, унинг ҳали тўлиқ англанмаган янги қирраларини очадилар, холос.

Янги қирраларни кашф этиш ва ифодалаш жараёнида муайян ўзига хосликлар ҳам юзага келиши табиийдир. Жумладан, реализмнинг ўзига хос бир кўриниши — классицизм (лот. «намуна», «ибрат» маънолари ни беради)ни кўрайлик. Унинг вакиллари ўтмиш антик адабиёти намуналарини ўзлари учун ибрат намунаси деб санаганлар. Улар адабиётда ҳамма нарсалар аниқ ва қатъий қоида асосида тасвиirlаниши шарт деб тушунгандар ва эстетик қарашларини «уч бирлик»ка мослаганлар: асарда тасвиirlанаётган ҳодиса битта яхлит сюжетда гавдалантирилиши («ҳаракат бирлиги»), бир жойда бўлиб ўтиши («жой бирлиги») ва йигирма тўрт соат ичida юз бериши («вақт бирлиги») лозим бўлган. П. Корнелнинг «Сид» («Саид»), «Гораций», Ж. Расиннинг «Андромаха», «Британик», Мольернинг «Хасис» сингари гўзал, бетакрор асарлари шу қоидаларга мувофиқ яратилган.

Классицизм вакиллари «Адабиёт сарой ва шаҳар учун яратилиши керак» (Н. Буало) деб ҳисоблаганлар ва жанрларни табақалаштиргандар. Уларнинг эстетик тушунчаларича драма энг юксак жанр, комедия кўйи жанр ҳисобланган. Роман, қисса, ҳикоя жанрларига иккинчи даражали унсурлар деб қарашган. Кўпинча уларнинг асарларида инсон ҳаёти ва характерининг бир қирраси чукур ва батафсил тасвиirlангани учун, инсоннинг кўпқиррали характеристики тўлиқ гавдаланмаган... Бундан ҳам кўринадики, ҳеч бир оқим ҳаёт ва инсон тасвирининг ҳамма жиҳатларини қамраб ола билмайди, инсон ҳақида англаган ҳақиқатларнинг сабоқларини ўзидан кейинга оқимлар учун узатадилар ва ана шу сабоқлар янги босқич пойдевори бўлиб, янги оқимлар тарихида ҳали англанмаган ҳақиқатларни кашфи давом этаверади; адабиёт ривожи тўхтосьиз ҳаракат қилгани сайин — инсон ҳақидаги ҳақиқат тобора чукурроқ аксини топаверади.

Демак, метод ҳам, оқимлар ҳам ҳеч вақт ёзувчи талантини, санъатини ўлчовчи, баҳоловчи мезон була олмайди. У «адабий асарларни бир-биридан фарқлаш, адабий даврлар ўртасидаги тафовутларни кўрсатиш, аниқлаш ва белгилашнинг ўзига хос мезони саналади» (А. Улуғов, 87-бет).

Ҳар қандай асар ўз даврининг ҳукмрон эстетик қарашлари, муҳитнинг бош аломат ва ҳақиқатлари билан қолипланган бўлади. Гарчи бу ҳақиқатни такрорлаётган бўлсак-

да, ана шу қолип (давр моҳияти) асарга ўз иуқсонини босади: нафасини, руҳини, оҳангини, ақидасини, аъмалини, «ўзлиги»ни қолдиради. Ана шу ҳолатларни умумлаштириш, хусусиятларини очиш учун «метод» ва «оқим» тушунчалари ўйлаб топилган ва уларнинг ҳаммаси ҳам «романтизм ва реализм» ижод типларидан бунёд бўлган, уларнинг ҳақиқий «фарзандлари» саналади.

Адабиёт ҳаётни бадиий образларда сўз воситасида акслантириш санъати экан, у ҳамон бош қонун — адабиётнинг конституцияси вазифасини бажааркан, у билан туғилган романтизм ва реализм ҳам умрибокий, доимо ҳаракатдаги унсурдирки, бизнингча, факат ана шу икки қудратни метод тарзида, қолганларини оқим сифатида аниқлаштириш асослироқдир, адабиёт руҳига монанддир, унинг ривожланиш босқичларига хосдир.

**Романтизм.** Бу методнинг бош хислати «идеалга мослаб ҳаётни қайта яратиш» (В. Белинский)дир, яъни орзу қилинган воқеаликни тасвирлашдир; уни гузал ва мукаммал ҳаёт тарзида курсатишдир; ана шу ҳаёт қаҳрамонларининг афсонавий куч-қудратга эгалигини, мӯъжизакорлигини идеаллаштиришдир. Эсхилнинг «Прометей», Софоклнинг «Шоҳ Эдип», Еврипиднинг «Елена», Навоийнинг «Хамса», Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» каби асарларида «одамларнинг қандай бўлиши керак бўлса, шундай тасвирини» берилгани ҳам юқорида айтилган бош хислатни тасдиқлади. Жумладан, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод реал шаҳзода образи эмас, балки, Навоий орзу қилган ҳукмон тимсолидир. У шаҳзода булишига қарамай, ҳунар эгаллайди, илм-фанни чукур ўрганади. Ёшлигиданоқ мӯъжизакор куч-кувватга эга бўлади, минг-минглаб одамлар эглай олмаган ишларни бажаради. У тешаси билан арман тоғи тошларини худди пичоқ сариёғни кесгандай кесиб, канал қазади; Хисравнинг минглаб қўшини кўнглига гулгула солади, уларга бир ўзи бас келади...

Романтик асарларда воқеа-ҳодисалар ва қаҳрамонлар бошқа тарихий давр ва мамлакатларга кучириб тасвирланади. «Фарҳод ва Ширин» (А. Навоий) достонида воқеа-ҳодисалар аввал Чин (Хитой)да, сунг Арман үлкасида юз беради. Фарҳод, Баҳром — хитойлик, Мехинбону, Ширин — армани, Шопур, Хисрав, Шеруя — эронлик. Ҳолбуки, бу қаҳрамонлар характеристи,

аъмоли, руҳи билан узбекларга тегишлидир, унлаги воқеа-ҳодисалар асосида Навоий даври ҳаётининг типик манзаралари аксини топгандир.

Инсонийликни улутлаш, эзгуликни куйлаш, муҳаббат ва садоқатни юксак даражада мадҳ этиш, унга ишонтириш романтизмнинг энг характерли аломатидир. Унда ҳаётни жудаям кутаринки руҳда, сержило бүёқларга бой тарзда, ёрқин ва нозик ифода этиш хислатга айланади ва бу хислат китобхон қалбини ларзага солади.

«Фарҳод ва Ширин»да тасвирланишича, Фарҳод ўлимидан сўнг Ширин: «Мен унинг ҳажрида бемору бедилман, худди чала сўйилган қушдайман», — дейди.

*Анинг ҳажрида мен бемори бедил  
Қушеменким, қилурлар ним бисмил<sup>1</sup>.*

Фарҳодни Армания тогидан келтириб, уни қучоқлаб, жисмига жисмини ва жонига жонини улади. Юзини юзига, қўксини қўксига қўйиб ўз бедилини қучогига олади. Сўнг юрагидан алангали бир оҳ тортиб, унинг кўзи ҳам бирга ухлагани у билан уйқуга кетади:

*Кўюбон рўй-баррў дўши-бардўш,  
Бўлиб ўз бедили бирла ҳамогуш.  
Кўнгулдин шуълалиқ оҳе чиқарди,  
Кўзи ҳамҳобадек уйқуга борди.*

Меҳинбону ва унинг ёнидагилар кажавага яқин қадам қўйиб бориб, пардан очиб санамни кўрдилар. У юзини юзига, қўксини қўксига бериб, Фарҳод билан ҳамогуш ётар эди. Кўзи кўзининг устида, қоши қошининг устида, бирорта мўй ташқарида эканлиги кўринмасди.

Чексиз-чегарасиз айрилиқлар кетиб, унинг ўрнини бениҳоя висол эгаллаган эди. Ўлган ошиқ билан жонсиз маъшуқа сарв дараҳти билан печак гулидай чирмашиб ётар эдилар. Маъшуқа ўз севгилисини маҳкам қучоқлаб ётар, севгилиси ҳам маъшуқасини худди шундай қучоқлаб ётарди:

*Амори сори қўйдилар қадамни,  
Очибон парда, кўрдилар санамни*

<sup>1</sup> А. Н а в о и й. МАТ, 8-том, Т., «Фан», 1991, 441-бет.

*Ки, Фарҳоди била ётиб ҳамогуш,  
Қўюбон рўй-баррӯ дўш-бардӯш.  
Қўзию қоши узра, кузу-қоши,  
Сари мў бўлмайин зоҳир таҳоши.  
Кетиб ул фурқати беҳадду гоят,  
Бўлуб рўзи висоли бениҳоят.  
Ўлук ошиқ билан маъшуқи бежон,  
Нечунким сарв бирла ишқ печон.  
Кучуб ўз ошиқин маъшуқи маҳкам,  
Нечунким, ошиқ ўз маъшуқини ҳам.*

Бундай ажиг ҳолатга — муҳаббатнинг бунчалик вафога, садоқатга йўғрилганини, поклиги ва гўзаллигини кўрган Мехинбонунинг фифони қўкка кўтарилиди. Шу фифони билан бирга унинг жони ҳам чиқиб кетди. Чунки Ширин унинг жони эди. Усиз үлиши мумкин эди. Шу пайтда ундан ажралган эди, жонидан ҳам ажралди қўйди:

*Чиқиб гардун сори афғони онинг,  
Фифони бирла чиқти жони онинг.  
Чу Ширин жони эрди, онсиз ўлди,  
Дамеким ўлди онсиз, жонсиз ўлди.*

Кўринадики, инсон бекорга ва бир ўзи ҳеч вақт ўлмайди. Мехру муҳаббат ришталари билан боғланганлар бирга яшайдилар ёки бирга риҳлат қиласидилар; бу вафонинг, садоқатнинг, инсонийликнинг, покликнинг, ниятнинг етуклиги натижасидир; романтик тасвирнинг қудратидир.

Романтик методнинг асосий хусусиятларидан яна бири ҳар қандай жамият (кулдорлик, феодализм, капитализм, социализм)нинг антигуманистик моҳиятини доимо фош этиш ва қоралашдир. Ижодда ва ҳаётда эркинлик, шахс озодлиги ва комиллиги учун курашдир. Бу хусусият ҳамма романтик ижодкорлар фаолиятида пафос даражасига кўтарилиган, ўлмайдиган руҳ бағищлайдиган «ҳамма ҳалқларда ва ҳамма замонларда умумий бўлган ҳодисадир» (В. Белинский).

**РЕАЛИЗМ.** Бу методнинг бош хислати — «Ҳаётни бутун яланғочлиги ва ҳаққонийлиги билан қайта тиклаш» (В. Белинский)дир. Бу қонуният — адабиётнинг туғилишиданоқ пайдо бўлган бўлиб, унинг тарихий ривожланиш тараққиёти давомида тўхтовсиз тарзда сай-

қаллашди, янги-янги хусусиятлар дунёга келди, тобора бойиб такомиллашишда давом этмоқда. Романтизм билан доимо баҳслашиб, уни ҳам бойитиб, ундан ҳам рух олиб, биргалашиб «бир мақсадга етаклашда» (В. Белинский) мусобақа қылмоқдалар. Түгри, адабиёт тарихи давомида романтизмнинг ҳам, реализмнинг ҳам барча оқимлари ҳамма вақт ижобий натижаларга олиб келган эмас. Жумладан, натурализм оқими — ҳаётни ўта яланғоч ва бутун тафсилотлари билан икир-чикиригача тасвирлаш орқали — таъсирдорлик хусусиятини муайян даражада йўқотган бўлса, сентиментализм оқими ҳаётни тасвирлашда ақл-идроқдан ҳис-туйгуни устун билди, унинг мусаффолигини ягона мезон дараҷасига кўтарди; ҳурланганлар, жабрдийдалар, жафокашлар, бахтсизлар, ночорларнинг идеал образларини яратдилар ва шу билан ҳаётнинг бош локомотиви — курашчанлиқдан, яратишдан маълум даражада узоқлашдилар. Бундай ҳолат табиийдир, изланиш, ўсиш, тараққиёт йўлидаги ютуқлар ва камчиликларнинг булишидир. Романтизм ва реализм қудратининг турли дараҷадаги (гўё дengiz қудратидан ҳосил бўлган улкан) ҳаётбахш ёки ҳалокатли тўлқинлариdir.

Гуманизм, эркин ва озод ҳаёт, бахт ва тинчлик учун кураш — инсонийлик романтизмнинг ҳам, реализмнинг ҳам байроғидир. Фақат реализм инсон ва жамият ҳаётини реал (аниқ) ва рост тадқиқ этиш йўлидан борди. У Б. Сучков ёзганидек, реализм «кишиларнинг ҳаракатлари ва ҳислари эҳтиросларнинг ёки илоҳий ироданинг оқибати эмаслиги, балки улар реал сабаблар, аниқроғи, моддий сабаблар билан тайин этилишини тушуна бошлаган пайтда пайдо бўлган». Бу тушунча энг қадимги давр кишиларида (Неандертал одамларда) ҳам бўлганини фан исботламоқда. Тарихда шахс ва жамият орасидаги ижтимоий муносабатларни бугунгидек бадиий таъсирчан ва ҳаққоний (Социал ва психологик детерминизм (шартланганлик)ка асослангани ҳолда) акс эттириш даражаси бўлмаганлиги аён, лекин, айни пайтда, бугунги даражанинг юзага келишида ўтмишдаги реализм пойdevor бўлгани ҳам ҳақиқатдир. Бобур, Махмур, Турди, Муқимий, Фурқат, А. Қодирий, А. Қаҳҳор, П. Қодиров, О. Ёқубов, М. Мұхаммад Дўст, Т. Малик, Т. Мурод каби ёзувчилар ижоди ҳам уларнинг шу соҳа бўйича сабоқларидаги ворислик ҳам исботдир.

Реализмнинг эстетик принципларидан яна бири — ҳаёт воқеа-ҳодисаларини ҳаққоний детал ва тафсилотлар воситасида типик характерларни типик шароитда тасвирлашдир (Дарсликнинг «Ҳаётий ҳақиқат ва бадиий ҳақиқат», «Сюжет ва композиция» қисмларга қаранг). Ана, шу тасвир асосида кишилик жамияти тараққиёти учун муҳим бўлган ижтимоий-маънавий муаммолар туриши, улар бадиий умумлаштирилиши, типиклаштирилиши зарур. А. Горький жаҳон адабиётида яратилган бадиий образлар хусусида шундай ёзади: «Мана шу санаб утилган одамлар турмушда бўлган эмас, аммо уларга ухшаш кишилар ҳаётда бўлган ва шу борлари ҳам анча майда бўлиб, у қадар мукаммал бўлмаганлар, айрим фиштлардан минора... ясалгани каби, мана шу майда, чакана кишилардан сўз санъаткорлари умумлашма типларини, турдош типларни яратганлар, «тўқиганлар». Шундай «тўқима» натижасида биз энди ҳар бир ёлғончини Хлестаков, хушомадгўйни Молчалин, иккюзламачини Тартюоф, рашқ қилувчини Отелло ва ҳоказо деб атаймиз» (А. Горький. Адабиёт түғрисида, 72-бет).

Кўринадики, реалист — санъаткор ҳаёт қаърида ётган ҳақиқатни кашф этувчи унинг кўп қиррали ва қарама-қарши томонларини рўйи-рост очувчи, уни тадқиқ ва таҳлил қилувчи хислатга эга бўлиши керак; ҳаётнинг объектив манзарасини холис тасвирловчи ёзувчи бўлиши лозим. Бу — реализмнинг бош талаби, унинг моҳиятидир. Ҳаётга яқинлигини, романтизмга тескарилигининг яққол кўринишидир.

Романтизм ва реализм методининг барча хусусиятлари, хислатлари ҳалигача воқе бўлган эмас. Шундан бўлса керакки, ҳеч ким уларга мукаммал таърифни ҳам бера олгани йўқ. Биз ҳам таърифлашдан воз кечамиз, чунки уларнинг хусусиятларини етарли тарзда ўрганишга ва келажакда воқе буладиган аломатларини башорат қилишга умр камлик қиласи, лекин шу йўлдаги изланишларга барака тилаймиз.

## ХУЛОСА ВА САБОҚЛАР

«Адабиёт назарияси»дан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Адабиёт — сўз санъатидир. Унинг билиш обьекти — ҳаёт, предмети — инсон, вазифаси — инсон туйгулари тарбиясидир. Унинг жони — образлиликдадир, яъни қайта яратилаётган ҳаётни тасаввур қиласиган даражадаги жонли ва завқли тасвиридадир. Ана шундай тасвирини яратади билиш қобилияти (санъати) — ёзувчилик талантининг ўлчовидир.

2. Адабиётнинг моҳияти — адабий асар таҳдилида яққол намоён бўлади. Бадиий асарда мавзу ва ғоя, образ ва характер, сюжет ва композиция, бадиий тил ва услуб, тур ва жанрлар каби унсурлар бетакор тарзда уйғунлашадилар ва жонли бир «вужуд»ни — бадииятнинг аниқ бир фарзандини дунёга келтирадилар. Асарда турли-туман, бир-бирига боғлиқ унсурларнинг ноҳизик чатишувидан — бадиийлик, ўзига ром этувчи гўзалик туфилади. Бу гўзалик ягоналиги, бирбутунлиги билан инсонларни завқу шавққа кўмади, туйгулар тарбиясини вояга етказади, уни инсонлаштиради, комилликка етаклайди...

«Адабиёт назарияси» шундай сабоқларга ҳам асос беради:

1. Ҳақиқатга етишининг маълум бир йўлини ягона йўл деб тушуниш, бир томондан тўғри бўлиши мумкин, яъни шу йўл орқали муайян шахс ҳақиқатга етган бўлади; иккинчи томондан нотўғрилиги шундаки, иккинчи шахс ўзининг йўлини тополмаса, бу йўл билан ўша ҳақиқатга ета олмайди. Гарчи ҳақиқат ягона бўлса-да, унга ҳар бир шахс «ўзлиги» орқалигина етади, яъни Аллоҳни ҳар бир банда ўзлиги туфайлигина танийди, салоҳияти даражасида унга етишади. Шунинг учун ҳам турфа йўллар борлигини билиш ва ҳар бир йўналишнинг ютуқ, камчиликларини умумлаштириш ва сўнгра илгарилаш энг тўғри асосдир.

2. Юқоридаги таҳдилимиз («Адабий асар», «Шеърият»)дан кўрдикки, бадиий адабиётни ўрганиш — бу, биринчи навбатда, бадиий асарнинг ўзини ўрганишdir. Шунинг учун ҳам поэтика, ритмика, метрика («Строфика», «Фоника», «Ритмика»)ни янгича ўрганишнинг ҳам даври келди. «Адабиётшуносликнинг

структурал методи» фанининг ўқитила бошлаши ҳам — «Шакл таҳлили»нинг устун бўлаётганидан хабар беради. Тўғрироғи, французларнинг «Матнни шартли белгиларда ифодалаш» методи, русларнинг «Шакл мактаби» тажрибалари қўл келмоқда: биз тушунган бадиий асардаги мазмун ва шакл бирлиги ҳамда ўзаро алоқасини улар рад этмоқдалар, яъни уларнинг таъкидлашларича, мана бу мазмун (фоя, характер), мана бу шакл (образ, сюжет, композиция) деб асар унсурларини ажратиш мумкин эмас (Холбуки, биз ҳам ҳамма вақт мазмуннинг шаклланиши, шаклнинг мазмунлашиши ҳодисасини такрор-такрор таъкидлаганмиз — уларнинг бирбутун, яхлит тарздагина воқе бўлишини, ана шу ҳолатдагина бадиийлашиш юз беришини исбот қилгандик). Чунки бадиий асарнинг эстетик таъсиричанилиги унинг мазмуни билангина ўлчанмайди. Ёки фақат асарнинг шаклигина эстетик туйгуни инсонийлаштира олмайди. Шундай экан, «тузилиш»(структуря) ҳам мазмунни, ҳам шаклни эстетик (нафосат) характер вазифасига бўйсндирувчи, ўшанинг талаби даражасида яхлитлаштирувчи ҳодисадир. Шу асосда санъат асарига эстетик вазифага бўйснувчи бир бутун белгилар системаси тарзида қаралади (Уэллек, Уоррен, 154-бет). Компьютерда ўрганишни юзага чиқаради.

Гарчи, фикрга таянмаган ҳиссиёт, ҳиссиёт ёрдамига муҳтож бўлмаган мантикий фикр («Шеърият» бўлимига қаранг) бўлмаганидек, бадиий асарда эстетик қиймат касб этмаган биронта унсаннинг яшаши мумкин эмас. Унинг бадиийлиги ва инсонлашгани ҳам — шу ҳақиқатнинг воқе бўлишига боғлиқ экан, уни «Адабиёт назарияси»да ўрганилганидек текширилиши асослироқдек туюлади. Бу, албатта, бадиий асарни эстетик белгилар системаси тарзида ўрганишни рад этмайди...

3. Бу китоб адабиётнинг назарий уфқлари ҳақидаги менинг шунчаки билганиларимни жамлади ва айни пайтда, билмаганиларим жудаям кўп («Билганим — бир, билмаганим — қирқ») лигини, қилиниши лозим бўлган бекиёс ишлар олдинда турганлигини англатди. Буни дебоча деб тушунасиз, Сизни ҳам янги назарий уфқлар кашфига ундейман, чунки уларни билиш — мўъжизага teng, англанган баҳтдир.

## СҮЗ ОХИРИ

Сиз варақлаган ушбу «Адабиёт назарияси»ни яратишига 40 йилга яқин умрим кетди. Уни мен ёза олмасам керак, деган ҳадик доимо күркитарди... мустақиллигимизнинг янгилаштирилган талаблари ва университетда чорак аср мобайнида «Адабиётшуносликка кириш» ва «Адабиёт назарияси»ни ўқитишида орттирган тажрибаларим қўл келди чоғи, Аллоҳ ва устозлар (Биринчи навбатда И. Султоновнинг «Адабиёт назарияси») ёрдамида дастлабки ниҳояга етдим.

Бу соҳада янги йўл солганим йўқ. Бунга амин бўлаверинг. Иззат Отахонович йўлидан («Катта арава қайдан юрса, кичик арава шундан юради» деганларидек) бордим; фақат бугунги кун нуқтаи-назаридан, узимча, баъзи янги нарсаларни илғагандек ва айтгандек бўлдим; баъзан каттамиз—устозимиз айтган ҳақиқатларга бўйим етмаганини ҳам сездим... Кўпроқ эътиборни ёзувчи санъаткорларнинг иқрорномаларига қаратиб, ижодий жарабён табиатини назарияга боялаб ёритишга интилдим. Сўзшунослик — катта илм, айни пайтда, у иқтидорли ёшлар учун ижодий мактаб вазифасини ўташи — доимий талабдир.

Хуллас, шу тадқиқот юзага келди. «Катта қозонда қайнаган-хом бўлмас» ўғитига амал қилиб, уни кўпнинг муҳокамасига ҳавола қилишишга журъат этдим.

Сизнинг асосли ва пишиқ мулоҳазаларингизга доимо муҳтоҷман. Вассалом!

*Самарқанд шаҳри,  
1960—2001 йиллар.*

## АДАБИЁТЛАР

### а) Умумий адабиёт

1. Куръони карим, Т., «Чўлпон», 1992 йил.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис, 4 жилд, Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1991—1995 йиллар.
3. Фалсафа, Т., «Шарқ», 1999 йил.
4. Миллый истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар, Т., «Ўзбекистон», 2000 йил.
5. И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият, Т., «Ўзбекистон», 1994 йил.
6. И. А. Каримов. Баркамол авлод орзуси, Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.
7. И. А. Каримов. Оллоҳ қалбимиизда, юрагимиизда, Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.

### б) Дарслик, қўлланма, назарий адабиёт

1. А. Фитрат. Адабиёт қоидалари, Т., «Ўқитувчи», 1995 йил.
2. И. Султон. Адабиёт назарияси, Т., «Ўқитувчи», 1980 йил.
3. Л. Тимофеев. Основы теории литературы, М., «Просвещение», 1971 год.
4. Р. Уэллек, О. Уоррек. Теория литературы, М., «Прогресс», 1978 год.
5. Г. Маркевич. Основные проблемы науки о литературе, М., «Прогресс», 1980 год.
6. Ҳ. Умуроғлов. Бадиий ижод асослари, Т., «Ўзбекистон», 2001 йил.
7. Ҳ. Умуроғлов. «Адабиёт назарияси бўйича дастур, тест ва кўргазмалар мажмуюи», СамДУ нашри, 2000 йил.
8. Ҳ. Умуроғлов. Адабиёт назарияси, Ўкув қўлланма, Самарқанд, СамДУ нашри, 2001 йил.
9. Н. Шукуров, Н. Хотамов, Ш. Холматов, М. Махмудов. Адабиётшунослика кириши, Т., «Ўқитувчи», 1979 йил.
10. Т. Бобоев. Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўкув-методик қўлланма, Т., «Ўқитувчи», 1979 йил.
11. Н. Хотамов, Б. Саримсоқов. Адабиётшунослик терминлари-нинг русча-ўзбекча изоҳли лугати, Т., «Ўқитувчи», 1983 йил.
12. Адабиёт назарияси, икки жилдлик, Т., «Фан», 1978—1979 йиллар.
13. Аристотель. Поэтика, Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил.
14. А. Навоий. Мезонул-авзон, Т., Ўзфан, 1949 йил.
15. В. Белинский. Таҳланган асарлар, Т., Ўздавнашр, 1955 йил.
16. В. Белинский. Адабий орзулар, Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил.
17. А. Горький. Адабиёт тўғрисида, Т., Ўздавнашр, 1962 йил.

18. *У. Түйчиев*. Ўзбек поэзиясида бармоқ системаси, Т., «Фан», 1966 йил.
19. *У. Түйчиев*. Ўзбек поэзиясида аруз системаси, Т., «Фан», 1985 йил.
20. Адабий тур ва жанрлар, уч жилдлик, Т., «Фан», 1991—1992 йиллар.
21. *Ҳ. Абдусаматов*. Драма назарияси, Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 йил.

## МУНДАРИЖА

<b>Сўз боши . . . . .</b>	<b>3</b>
<b>Кириш</b>	
«Адабиёт назарияси» фани . . . . .	5
<b>Биринчи бўлим</b>	
<i>Бадиий адабиёт</i>	
I. Бадиий адабиётнинг обьекти, предмети . . . . .	13
II. Бадиийлик, образлилик ва образ . . . . .	27
III. Талант. Илҳом. Бадиий маҳорат . . . . .	44
IV. Ҳаётий ҳақиқат ва бадиий ҳақиқат . . . . .	71
V. Маънавият ва ғоявийлик . . . . .	91
<b>Иккинчи бўлим</b>	
<i>Бадиий асар</i>	
I. Мазмун ва шакл . . . . .	114
II. Мавзу ва ғоя . . . . .	124
III. Сюжет ва композиция . . . . .	128
IV. Тил ва оҳанг . . . . .	141
<b>Учинчи бўлим</b>	
<i>Шеърият</i>	
I. Шеърий асарда мазмун ва шаклнинг ўзига хослиги . . . . .	163
II. Шеърий системалар . . . . .	181
III. Шеър таҳлили . . . . .	191
<b>Тўртинчи бўлим</b>	
<i>Тур ва жанрлар</i>	
I. Тур ва жанрларнинг ҳусусиятлари . . . . .	210
II. Эпос . . . . .	215
III. Лирика . . . . .	222
IV. Драма . . . . .	228
<b>Бешинчи бўлим</b>	
<i>Услуб, ижодий метод ва оқимлар</i>	
I. Бадиий услуб . . . . .	235
II. Ижодий метод ва оқимлар . . . . .	238
Хуосса ва сабоқлар . . . . .	248
Сўз охири . . . . .	250
Адабиётлар . . . . .	251

ХОТАМ УМУРОВ

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ

(*Дарслик*)

«Шарқ» нашриёт-матбаба акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2002

Мұхаррир *M. Махмудов*  
Бадий мұхаррир *A. Мусағұжасев*  
Техник мұхаррир *L. Хижова*  
Сақиғаловчы *M. Атхамова*  
Мусаҳҳихлар *Ш.Хуррамова, Ж. Тоирова*

Теришга берилди 05.07.02. Босишига рухсат этилди 29.08.02. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Таймс Уз гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоби 12,48. Нашриёт-хисоб табоби 13,9. Адади 2000 нусха. Буюртма № 3737. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.

У52

**Умурев, Хотам.**

Адабиёт назарияси: (Дарслик). — Т.: «Шарқ», 2002.—  
256 б.

ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, А.Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети.

ББК 83.3(5У)я73

